танланган асарлар

ТОШКЕНТ
"ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2002

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

танланган асарлар

I

ЖИЛД

ШЕЪРЛАР, ДОСТОНЛАР

ТОШКЕНТ
"ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2002

www.ziyouz.com kutubxonasi

Масъул муҳаррир:
Ҳусниддин Шарипов

С—35

Саъдулла, Ҳабиб.

Танланган асарлар. 1-жилд /Масъул муҳаррир Ҳ.Шарипов. — Т.: «Шарқ», 448 бет.

Ўз 2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002

www.ziyouz.com kutubxonasi



Бир шеър ёзмоқчиман,
Биттагина шеър,
Ўша шеърни излаб
Келдим дунёга.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗИМ ҲАҚИМДАГИ СЎЗИМ

Тартибга солинмаган таржимаи ҳол

Олтмиш — улуғ ёшми ё йўқми, билмадим. Аммо умрнинг ана шу довонида ўтган йўлларингга бир қайрилиб қараш, бу йўлда қўлингдан тутган, ҳамроҳлик қилган, ночор лаҳзаларингда мадад берган инсонларни эслаш хайрли. Шу маънода, ўзим ҳақимда бу сатрларни битишга журъат этдим.

Зеро, икки жилдлик китобни қўлига олган одам учун унинг муаллифи ҳақида чуқурроқ билиш, у билан яқинроқ танишиш ҳам қизиқ туюлади, деб ўйладим. Хуллас, 1942 йилнинг 5 апрелида, якшанба тонготарида Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида туғилдим. Мен туғилган ҳовлидан машҳур Сардоба ариғи ўтарди. Ҳовлимиз мўъжазгина бўлиб, бобомнинг собиқ отхонасида қайта таъмирланиб, яшашга мослаштирилган эди.

Бунинг сабаби шуки, бир замонлар Офоқхўжага эргашиб, унинг изидан Қашқарга кетиб қолган бобокалонларимдан Хўжамниёз ҳожининг Абдулла ва Абдураҳмон деган ўғиллари Наманганга қайтиб келиб, Сардобадаги бир талай сарой ва бошқа жойларга эгалик қилган, Наманган туманидаги Ўлмас қишлоғида катта ерлари бўлиб, унда деҳқонларни ишлатган экан. Абдулла бобом қулоқларни сургун қилиш сиёсати авж олган йилларда яна Она-юртдан жудо бўлмаслик мақсадида бор-будини ҳукуматга топшириб, кун кечириб туриш учун ана шу отхонанигина олиб қолган экан.

Ўлмаслик деҳқонлар бобомни Абдулла бува деб қадрлар, шаҳарга тушганларида ҳовлимизга кириб хабар олиб ўтардилар. Аммам эса тўқсонинчи йилларда ҳам уша деҳқонларнинг фарзандлари билан борди-келди қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отам Сайдулла Абдуллаев бобомнинг иккинчи ўғли бўлиб, ўттиз икки ёшида ўн беш яшар онам Мукаррамхонга уйланган. Отам ўқимишли одам бўлиб, турли идора ва ташкилотларда ишлаган. Наманганни радиолаштириш, артеллар тузилишида, ҳатто Бухоронинг Ромитан туманидаги колхозда ҳам ишлаган экан. Айтишларича, лутфгўй, шеъриятга қизиққан одам бўлган.

Наманганнинг уламоларидан бўлган бобом Мир Юсуфжон қори Отабой ўғли Саидқулибек мадрасасида таҳсил кўрган, элнинг назарига тушган, бир неча йил Бураматут масжидида имомлик қилиб, оқибатда узоқ вақт солиқ тўлаб юрган киши бўлган. Бутун олами билан Шўро тузумига қарши одам эди. У киши ҳатто ўзи билан бир неча муддат мадрасада бирга ўқиган Ҳамзани ҳам "ўқимишли бола эди, қизилларга қўшилиб, айниб кетган" деб гапирар эди.

Ана шундай қарашдаги одам ўз қизининг шўро мактабида ўқишини ҳам ҳазм қилолмас, тезроқ узатиб юбориш орзусида бўлган. Шунинг учун ҳам эндигина еттинчи синфга ўтган онамни тезгина узатган. Бу жараёнда онамнинг ҳужжатлари ҳам уч ёш катта қилиб тўғриланган.

Эс таниганимда ҳовлимизда Абдулла бобом, онам ва мен яшардик. Бобом буғдойранг, дўмбоқ қария бўлган. Оёқлари зотилжам бўлса керак, совуқ тушди дегунча огриб турар, ўшандай пайтларда тўшакда ётиб, мени ёнларига чорлаб турли эртаклар айтиб берардилар. Хадича ва Ҳанифа аммаларим бот-бот келиб, бобомдан хабар олар, акаларидан ёдгор бўлган мени суюб эркалардилар.

Мен бобомни "дада" деб тилим чиққан ва отам 1943 йилнинг 20 ноябрида урушда шаҳид бўлганини кейинроқ билганман. Бошқача айтганда, онам ўн тўққиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшидаёқ бева, мен йигирма ойлигимда отасиз қолган эканман.

1947 йилнинг кеч кузида худо Абдулла бобомни ҳам кўп кўрди. Уйда онам иккимиз қолдик. Орадан бир ярим йилча ўтгач, аммаларим, Мир Юсуфжон қори бобом маслаҳатлари ва розиликлари билан онам Исматулла исмли ўз тенгдошлари билан турмуш қурдилар ва биз Сардобадан янги дадамнинг Симкўчадаги ҳовлисига кўчиб ўтдик. Бу ҳонадонда биздан ташқари дадамнинг отаси Юсуфбой ота, онаси Тошхон ача, амаким Мели ака (у урушдан қайтиб уйланган, турмуши қовушмай ажрашган), яна дадамнинг ўтиб кетган опасидан қолган ёши мендан улуғроқ қиз Раҳима опам бор эди.

Олдиндан айтиб қўяқолай. Тирикчилик анча оғир бўлиб, ҳамма нима биландир машғул эди. Дадам ўт ўчириш ташкилотида оддий соқчи бўлиб ишлар ва бўш пайтларида кўнчилик билан шуғулланарди. Онам дўппи тикарди. Кейинчалик тикув машинаси сотиб олиб, аёллар кийимини тикадиган бўлди. Юсуфбой бобо бақувват чол бўлиб, бозорда одамларнинг харидиними, ўтининими ташиб берар, Мели акам уйда турли қандқурс, нишолда тайёрлар, Тошхон ача бозорга нон ёпар, Раҳима опам сотар, мен ташиб турардим. Айни пайтда Мели акамга ҳам қарашардим.

Тутдай тўкилиб турган уйларни тузатиш, янгисини тиклаш, боз устига қора қозонни қайнатиб туриш учун топилган даромад етишмаса керак, бу хонадонда бир-бировга меҳр-оқибат кўрсатишдан кўра нима биландир аравани тортишга кўмаклашиш устунроқ эди.

Урушдан кейинги қийинчилик йилларининг уқубатлари деярли ҳар бир хонадонни шу кўйга солган эди. Нисбатан тўқроқ яшайдиган хонадонларда ўсаётган болалар билан бизга ўхшаганларнинг фарқи айниқса

www.ziyouz.com kutubxonasi

мактабда билиниб қолар, Раҳима опам иккимиз буни етимчаликка йўйиб, ўксиб йиглаб-йиглаб олардик.

Иккинчи синфда ўқиётганимда қўлимга еттинчи синфнинг адабиёт дарслиги тушиб қолди. Унда Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеъри босилган бўлиб, қайта-қайта ўқидим ва бутунича ёдлаб олдим.

Онанг қийналдими,
Отанг ўлдими.
Сен етим қолдингми,
Қайгурма, қўзим.
Кўзим усти, миннатинг
Бошимга дурра...

Бу шеър менга юпанч ва умид бахш этиб қолмай, айни пайтда бир қанот, умрим бўйи шеъриятга оташин муҳаббат ато қилди. Ҳамон, агар мен шоир бўлсам, ана шу шеър туфайли бўламан, деб юраман.

Уйларни тиклаб, ҳовлимизни тартибга солиб, ҳаётимиз изга ҳам тушгандай бўлди. Ундан мен олган сабоқ ҳар қандай меҳнатдан ирганмаслик, ҳар қандай шароитда нолимаслик, ҳеч кимдан илтифот кутмай ўз меҳнатингга суяниб яшаш бўлди.

Яна шуни англаб етдимки, ўгил бола учун ота тарбияси, эркак тарбияси сув ва ҳаводай зарур экан. Онаси этагидан тутиб ўсган ва дунёси заифоналашиб кетган йигитлар билан, эркак киши тарбиясида ўсган одамнинг фарқи катта бўларкан. Мен ҳаётда бунга кўп гувоҳ бўлдим.

Дадам Исматулла Юсуповга фарзанд насиб этмаган экан. Онам билан қарийб ўттиз йиллик турмуши давомида фарзанд кўришмади. Ҳар иккиси учун мен ҳам юпанч, ҳам суянч бўлиб қолдим. Унинг хотирасига ёзилган шеъримда "Наҳот, икки отадан мен ёлгиз ёд-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гор қолдим" деган сатр кимгадир эриш туюлар, ўз отамнинг ёлғиз ёдгори бўлиб, дадамнинг ҳам ёлғиз чироғи бўлиб қолганимга ишора эди бу.

Дадам бой-бадавлат яшамади. Дунё орттирмади — аммо топганини дўстлари, улфатлари билан баҳам кўрди. Уйимизда деярли ҳар куни меҳмон бўларди. Топганимиз дастурхонда эди. Бора-бора менинг мактабдош дўстларим, хизматдошларим бу даврани тўлдириб бордилар.

Дадам менга ана шу фазилатини мерос қолдирди. Мен унга, ё у менга ҳеч қачон ўгайлик туйғуси билан қарамадик, балки ўзбеклик русуми, эркаклик русуми, чойхона кўрган одам қандай бўлиши кераклигини ўргатган бир устоз, меҳрибон бир дўст, суянчиқ бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам ўттиз беш ёшимда ундан айрилиш мен учун катта йўқотиш бўлди. Худо раҳмат қилсин!

* * *

Наманганнинг марказида Бобур номли (илгари Пушкин номли эди) Маданият ва истироҳат боғи бор. Шаҳарга олиб келадиган барча йўллар шу боққа келиб тўхтайди. Андижондан Наманганга олиб келган йўл бошида — боғнинг шундоққина рўпарасида қўшқаватли бир бино бўлиб, у бино машҳур 5-мактаб.

Бу мактаб пайдо бўлибдики, ҳамманинг назарида. Энг кўп комиссия ҳам, меҳмон ҳам, тажриба ўрганувчи ҳам, тажрибасини синаб кўрувчи ҳам шу мактабга келарди. Албатта, бунинг сабаби шу даргоҳда ўқув-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилгани, тажрибали муаллимлар тўплангани, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари пайтларда турли тўгаракларга жалб этилгани, фаоллиги эди. Айниқса адабиёт ва драма тўгараклари фаол ишлар, уларни Ҳабибахон опа Мадаминова, Нуриддин ака Аҳмедов каби муаллимларимиз бошқаришарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шу тўгарак қатнашчиси Ёқуб Аҳмедовни (ҳозир машҳур санъаткор, халқ артисти) ҳатто вилоят театрида спектаклларда ўйнашга жалб этишарди.

Дастлабки шеърий машқларим ана шу тўгаракларда пайдо бўлган. Мактабимиз шаҳар марказида бўлгани учун вилоят газетаси таҳририяти ҳам яқин эди. Илмий бўлим мудири Латифжон ака Мамажонов маслаҳати билан турли хат-хабарлар ва машқларимни олиб редакцияга қатнай бошладим.

Наманганга ташриф буюрган Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шукрулло, Султон Акбарий, Азиз Абдураззоқ, Суннатулла Анорбоев каби ижодкорларни илк бора ана шу даргоҳда кўрганман.

Эллигинчи йиллар охирида "Наманган ҳақиқати" газета редакциясида Санжар Тилла, Ҳусниддин Шарипов, Шерали Тошматов, Нуриддин Бобохўжаев, Исмат Нарзулла, Алихон Халилбеков, Салоҳ Қориев каби ижодкорлар ишлашарди.

Шоир ва драматург Азиз Турсун бошқарадиган Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг ўзагини ҳам асосан ана шулар ҳамда Қурбоной Убайдуллаева, Санобар Ҳасанова, Муборак Самандарова, Жўра Раҳим, Робиддин Исҳоқ, Холмирза Юнусов, Эргаш Ёндош, Эрмамат Нурматов каби ёш ижодкорлар ташкил этарди.

Бўлим қошидаги семинар йиғилишларида уларнинг ёзганлари муҳокама этилар, савол-жавоблар, суҳбатлар ўтказиларди. Кейинчалик билдимки, бу йиғинларда асосан шеър ё ҳикоя қандай ёзилади қабилидаги гаплар муҳокама қилинар, ёшларга илк сабоқ берилар ва уларни рағбатлантириш мақсадида ёзганларидан намуналар вилоят газетасида эълон қилинар экан.

10-синфда ўқиб турганимда бир нечта шеърий машқларим газета юзини кўрди, вилоят радиосида ўқилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Албатта у машқларни мени рағбатлантириш учун беришганини кейинчароқ сездим. Улар оний кайфиятнинг маҳсули бўлиб, шеърият талабларидан анча олис эди.

Ўрта мактабни тугатгач, университетнинг филология факултетига ўқишга кириш учун имтиҳонларни топширдим. Омадим чопмади. Наманганга қайтиб бориб, 10-ўрта мактабга бош пионервожатий бўлиб ишга кирдим. Ўзим ишда-ю кўнглим университетда эди. Боз устига мен муаллимликдай мураккаб соҳага мослаша олмас эдим. Шунинг учун ярим йил ўтар-ўтмас Тошкентга қайтиб, 4-техника-алоқа билим юртининг электргаз пайвандчилари гуруҳига ўқишга кирдим.

Бу даргоҳда бир ярим йил таҳсил кўриш, уни битиргач Тошкент экскаватор заводида пайвандчи бўлиб ишлаш мустақил яшашга ўргатди. Ҳозирги "Туркистон" газетаси, "Ўзбекистон" журнали қошидаги ёш ижодкорлар тўгараги, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги доимий ҳаракатдаги семинар машғулотларида иштирок этиш ижодий иш ҳақидаги тасаввуримни анча бойитди. Билим юртини тугатиш арафасида университетнинг кечки журналистика бўлимига ўқишга кирдим.

Факултетимизда устоз Озод ака Шарафуддинов раҳбарлигида ишлайдиган ёш ижодкорлар тўгараги машғулотларида қатнашиш катта мактаб бўлди. Адабиётимизнинг Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Ойдин Ҳожиева, Омон Мухтор, Сафар Барноев (жойи жаннатда бўлсин) каби ёрқин сиймолари илк асарларини ана шу тўгарак машғулотларида муҳокамадан ўтказган эдилар.

Озод ака тўгаракнинг ҳар бир қатнашчиси билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашишга вақт топар, ҳар бирининг асари тақдири ҳақида қайғурар, хайрихоҳлик қилар эди. Фаол ишлаб турган адабиётшунос олим газета, журналларнинг илтимоси билан мақолалар ёзишдан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

университетдаги дарсдан, нашриётлар берган қўлёзмаларни ўқиш ва таҳлил қилишдан вақт топиб, ўз шогирдларини редакцияма-редакция олиб юриб таништириш, ёзганларини тавсия қилишдан эринмасдики, бундай илтифотдан мен ҳам баҳраманд бўлганман.

Тўгарак қатнашчилари илтимоси билан факултетда Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода каби буюк устозлар билан бўлиб ўтган учрашувлар ҳамон кечагидай эсимда. Уларнинг суҳбатлари бир умрга татигулик сабоқ бўлган. Биз Озод ака сиймосида қадрдон оғамизни, жонкуяр жигаримизни кўрардик. Озод ака олим, танқидчи бўлиш билан бирга ўз адабиётининг эртанги куни ҳақида қайғурадиган, ўсиб келаётган авлодни авайлайдиган буюк шахс эди ва шундай бўлиб қолди.

1960—90-йиллар оралигида танқидчиликни касб қилиб олган бир қавм пайдо бўлдики, улар гоҳ у, гоҳ бу ижодкор атрофида ўралашиб юрар, унинг мавқеи ё мансабига қараб кўкларга кўтарардилар, гоҳ ўзлари танимайдиган, ишлари тушмайдиганларнинг асарлари устидан яроқсиз деган ҳукм чиқарардилар. Албатта, бундай ҳукмлар адабиёт ёки аниқ муаллиф ёхуд асарга хайрихоҳликдан олис бўларди. Яна шуниси ҳам бор эдики, улар ўзлари қолип ясаб олиб, ҳамма асарни ўша қолипга солишга уринардилар ва ўзлари билан юзлашиб баҳслашишни ўзига эп кўрмайдиган, мансабсиз ёки вилоятларда яшаб, қалам тебратадиганларни кўпроқ нишонга олардилар.

Тасодифан бир куни газетада ана шундай нишонга тушганимни кўриб қолдим:

"Мир Алишердан муқаддас таълиму фатво менга"

деган Ҳабиб Саъдулланинг кашфиёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Истасанг инсон бўлишни
Аввало инсонни сев",

бўлибди деб дўппосланибман.

Ҳайрон қолдим. Бири боғдан, бири тоғдан келтирилган бу мисралар бошқа-бошқа ғазалдаги, бошқа-бошқа байтдан олинган бўлиб, на мантиқан боғланарди, на шеърий маҳоратни белгилашга асос берарди.

Олдинги байт:

Эл учун арбоблар ёни куяр,
Шоир жони —
Мир Алишердан муқаддас
Таълиму фатво менга

эди. Билмадим, танқидчига ҳазратдан олган таълимим нега ёқмагану мендан нима истаган? Қолаверса, бошқа ғазал биринчи мисрасининг бу ғазалга нима дахли бор?

Масалага бундай ёндошиладиган бўлса, истаган шоҳ байтнинг бир сатрини юлиб олиб, дўппослайвериш мумкин-ку. Саксонинчи йиллар ўрталарида болалар учун "Усмонатлас" деган эртак-достон ёздим. У газеталарда босилиб чиқди, алоҳида расмли китоб бўлиб оммавий нусхада чоп этилди. Ана энди, орадан бирор йил ўтгач бошқа бир олим "муаллиф халқ эртагида қандай бўлса, шундайлигича ёза қолган" деб даъво қилиб чиқди.

Ё Парвардигор! Аввало бундай халқ эртагини у қаерда ўқиган ё эшитган экан? Уни мен ўзим тўқигандим-ку! Ўзим тўқиганимни ўзим шундайлигича ёзсам нима қилибди?

Мен бу гапларни гина ёки зорланиш маъносида эмас, балки ана шу йилларда пайдо бўлган танқидчилар қавмининг адабиётимизда тадқиқотчи ва тарғиботчи эмас, балки, изқувар терговчи хизматини ўтаганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

эслаб ўтдим, холос. Меҳрни қўяверингу — холислик ва самимиятдан узоқ бундай одамлар қандай қилиб адабиёт ҳақида қайғуради?

Озод аканинг олимлик, инсонлик, адабиёт ва маънавиятимизга жонкуярлик фазилатларини ўзини адабиётимиз "ҳомийси" қилиб кўрсатган ўша шахслар билан қиёслаб, худога шукур қилдимки, Парвардигор мени ана шундай самимий устоз билан сийлаган.

...Ёзувчилар уюшмаси қошидаги устоз Миртемир домла бошқарадиган семинар машғулотлари ҳам қизғин ўтар, бу машғулотларда бир-иккитадан китоби нашр этилган Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Юсуф Шомансур, Сайёр, Тўлқин, Гулчеҳралар, Анварлар қатнашишарди.

Ана шундай тадбирларда иштирок этиш кўплаб ижодкор тенгдошлар, акалар ва устозлар билан яқинлашиш, дўстлашиш ва оқибатда умрим бўйи адабиёт аталмиш муқаддас даргоҳда қолиб, баҳоли қудрат хизмат қилишимга имкон берди.

Ўтган йиллар давомида бу даргоҳга юзлаб одамлар кирдилар. Бирови ёниб, бошқаси дағдага билан, баъзилари буюклик даъвоси, яна бошқаси шуҳрат илинжида. Лекин давр элаги керагини олиб қолди. Улар ҳар бирининг қисмати менга ўзига хос ибрат бўлди.

Умр йўлларим ҳеч қачон равон кечмаган. Ҳар бир бошлаган ишим тақдир тақозоси билан бўлиниб турди. Не-не орзулар билан кирган ўқишимдан иккинчи курсдаёқ ҳарбий хизматга олиб кетдилар. Тўрт йил давомида Тинч океан флотида хизмат қилдим.

Аммо ҳамиша Тошкентдаги адабий-ижодий жараён билан боғлиқ ҳолда яшадим. Газета, журналларни, янги китобларни олиб турдим. Айни пайтда хизмат йилларида Пушкин, Лермонтов, Тютчев, Гёте, Гейне, Петефи, Есенин, Евтушенко, Вознесенский, Ҳамзатов, Кешоков,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кугултинов, Қулиев, Кербобоев, Украинка, Цветаева ва турли халқларнинг ўнлаб бошқа шоирлари ижоди билан яқинроқ танишдим.

Ёзганларимни турли газета ва журналларга, радиога юбориб турдим ҳамда улар мунтазам ёритилиб борди. Шуларнинг таъсирида раҳматлик Асқад ака ва Азиз Абдураззоқнинг хайрихоҳликлари билан 1965 йил кузидаги ёш ёзувчилар кўпкунлик семинарига таклиф этилдим. 1962 йилда уюшмага тақдим этган илк тўпламим қўлёзмаси ана шу семинарда Шуҳрат ака ва Саида опа Зуннунова (жойлари жаннатда бўлсин) раҳбарликларида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилди.

Бу семинардан яна бир ёрқин хотира буюк Ғафур Ғулом билан учрашганим ва бир неча дақиқалик суҳбат бўлган. (Афсус, бу охирги учрашув экан. 1966 йил кузида хизматдан қайтганимда Ғафур ака фанодан бақога йўл тутган эдилар).

Ўша илк китобим ижодий ишга рағбатимни оширди. Кейинчалик "Баҳор билан суҳбат", "Мулоқот", "Яна остонангда", "Эҳтиром", "Усмонатлас", "Нур қадри", "Боғлар юртин боласимиз", Москвада "У порога твоего", "Кўчамдан жонон ўтганда" каби шеърлар ва достонлар китобларим нашр этилди.

Албатта, бу китоблар ўз давридаги қоидага мувофиқ ҳамма чигириқлардан ўтиб, режадан-режага кўчиб, ё ҳажм, ё тиражи камайган тарзда нашр этилган. Мавзу доираси ҳам ҳар бир қаламкашдаги бўлгани каби ўзи яшаб турган муҳит, ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларга муносабат, азалий севги ва вафо тараннуми, инсоний муносабатлардаги мураккабликларни ўз ичига олган.

Ҳар бир шоирнинг шеъриятида унинг таржимаи ҳоли ва қиёфаси акс этиб туради.

Урушда оталаридан айрилган тенгдошларимнинг ўй ва кечинмалари, олисда ҳарбий хизматни ўтаётган

www.ziyouz.com kutubxonasi

дўстларимнинг Ватанни соғиниш туйғулари, Ўзбекистоннинг, Наманганнинг илҳомбахш манзаралари, пахтакор деҳқонлар меҳнатию заводдаги ёшлар ҳаёти қалам тутқазган бўлса, Ҳазрат Навоийнинг теранлигию, Бобурнинг санъаткорлиги, Огаҳий ғазалиётининг ўйноқилигию Машрабнинг халқчиллигини англаб етиш, жиддийроқ ишлашга ўргатди.

Ҳаётда турли одамлар билан учрашиб, инсон табиатининг нечоғли мураккаблигини тушуниб етдим. Шеъриятнинг ижтимоий вазифаси ҳамиша одамларни эзгуликка чорлашдан иборат бўлганини сездим. Бу маълум маънода мавзу доирамни кенгайтиришга сабаб бўлди.

Умр йўлларимда учраган турфа тақдирлар, эшитган ибратли ривоятларим, дунёнинг нотекисликлари, айниқса ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги қуролланиш пойгаси, навбатдаги жаҳон уруши ваҳимаси бир фуқаро, бир қаламкаш сифатида ўзига муносабат билдиришни тақозо этарди. Улар шеърга сиғмай йирикроқ жанрни талаб қиларди.

Шу йўсин "Туғилган йилим" номи билан "Онаизор", "Туғилган йилим", "Тирик қурбонлар" достонлар туркуми, унинг мантиқий давоми ўлароқ "Замин садоси" достони вужудга келди. Табиийки, бу достонларда урушларнинг қабоҳати ва тинчликнинг қадр-қиммати ҳақидаги ўйларим ифодаланган.

Улардан ташқари "Еттинчи қитъа", "Усмонатлас", "Эътиқод", "Чуст ривояти", "Дўст қадри", "Жароҳат", "Адиб тақдири" каби достонлар ёздим.

Худога беадад шукр, улар ўз вақтида эътироф этилиб, ёритилди, ўз хизматини ўтади, ўтамоқда.

Вилоятлар театрларида "Юсуф ва Зулайҳо" (Дадаали Соатқулов мусиқаси), "Меҳр қуёши", "Раҳмат, игвогар", "Кашмир қўшиғи" (Шароф Рашидов достони асо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сида Маҳмуд Иномов мусиқаси билан) каби саҳна асарларим ўйналди.

Ўнлаб ғазалларимни Камолиддин Раҳимов, Нуриддин Ҳамроқулов, Ўринбой Нуралиев, Маҳмуджон Исомиддинов, Баҳодир Бакиров, Боқижон Сатторов, Маъруфхон Орипов ва бошқа хонандалар куйга солиб айтишмоқда. Мен бу нарсаларни иш жараёнида ёзганман. Ҳарбий хизматдан қайтгач "Муштум" журналида мусаҳҳиҳ, "Тонг юлдузи" газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб юрганимда иккинчи марта ўқишим бўлиниб (энди кечкидан сиртқига кўчиб), Наманган вилояти қайта ташкил этилгач вилоят газетасига ишга юборилдим. Ўттиз беш йилки ўз она-шаҳримда муқимман. Меҳнат дафтарчамда иш стажим қирқ уч йилга етяпти.

Иш билан ёзишни қўшиб олиб бориш унчалик ҳам осон кечавермайди.

Вилоят газетасида бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, маданият ишлари бошқармаси бошлиги каби вазифаларни бажариш, ижтимоий ҳаётда фаол аралашиш инобатга олинса таржимаи ҳолим бойгина туюлади.

Аммо қирқ йилдан зиёдроқ қалам тебратиб, топганингни саралаб ўқувчига тутмоқчи бўлганингда кўнглинг тўлмайди. Менимча ўз ижодидан кўнгли тўлган шоир бўлмаса керак.

Ҳар қалай борига шукр. Мен шоирликни айнан ана шу шукронани туюшда, ношукр бандаларни шукр қилишга чорлашда деб биламан. Тақдир мени мургаклигимдаёқ отамдан айириб, бахтимни кемтик қилган бўлса, яхши одамлар меҳри билан бу кемтикни тўлдирди. Юрагимни эзгу ҳаваслар билан бойитиб, ҳасад ва ғараз каби иллатлардан пок тутди. Умрим бўйи бирор кишига, бирор омади келган одамга ҳасад қилмадим ва оқибат ўзимга ҳам ўшандай омадлар келди. Умрим бўйи ноли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мадим, нолиб юрадиганларга раҳмим келди, шунинг учун ҳам хор бўлмадим. Умрим давомида бирор даргоҳга иш сўраб бормадим. Айни пайтда ўзлари ишга таклиф этсалар, қўлимдан келадиган иш бўлса бориб ишладим, ишлаяпман.

Хизмат поғонасидан кўтарилиш учун ўзимни ўтучўққа урмадим, чунки ҳар қандай мансаб ҳам ўткинчи эканини аллақачаноқ кўрганман.

Бирор мукофот ё сийлов тилаб, ҳеч кимнинг оёғига бош урмадим. Балки шунинг учун ҳам сийландим. Ҳамиша Оллоҳга ва меҳнатга яроқли қўлимга суяндим ва мағрур яшаб келяпман.

Ҳаётдан олган хулосам шуки, яхши ният, одамларга меҳр улашиш, қўлингдан келган ишни қилиб, ундан қониқиш ҳеч қачон доғда қўймайди. Омадим шуки, мактаб дарсликларида ўқиганларим Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Уйғун, Комил Яшин ва Зулфия каби мумтоз ижодкорларни кўриш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш насиб этди.

Адабиётимизнинг Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Рамз Бобожон, Иброҳим Раҳим, Шукрулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Жуманиёз Жабборов, Ҳуснидин Шарипов каби намоёндалари билан ҳамсуҳбат бўлиш, уларнинг сабоғини олиш имконига эга бўлдим.

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Барот Бойқобилов, Омон Мухтор, Гулчеҳра Жўраева, Ойдин Ҳожиева, Йўлдош Сулаймон, Сафар Барноев, Турсунбой Адашбоев каби ижодкорлар мени ўз давраларига тортдилар.

Номи зикр этилган ҳар бир сиймодан олган сабоқларим умр йўлларимда маёқ бўлиб ҳамиша эзгуликка ундади. Тирик жон сифатида қусурларим ўзимга аён.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахтим шундаки, қарамликда эзилган халқнинг, унинг шаҳид кетган фидойи ўғлонларининг орзу ва интилишларини парвардигор Ислом Каримов деган табаррук инсон юрагига жойлаб, унга Темурона журъат ва жасорат бахш этганининг, бу ўғлон ўз жонини гаровга қўйиб, Ватани ва халқини озодликка олиб чиққанининг гувоҳи бўлдим. Йўлдошчимиз сиймосида дунё ўзбек халқини қайта таниганидан ифтихор туйдим.

Ўтган ўн йилдан зиёд вақт мобайнида юз йилларга татигулик бунёдкорлик ишлари, халқ қадди-бастини тиклаш, қадрини улуғлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги ўрнига қараб эҳтиром кўрсатиш истиқлолнинг боқийлигидан дарак бераётганига инондим. Бу ифтихор ва иймон ёзганларимга янгича мазмун ва оҳанг бахш этдики, уни бу китобдаги истиқлол йилларида битилган шеъру достонларимни ўқиган одам албатта ҳис қилади.

Ана шу ўн йил давомида икки марта азиз Президентимизнинг муборак фармонлари билан юксак фахрий унвонларга сазовор бўлдим. Ўзбекистон халқ шоири аталдим. Халқим ишонч билдириб, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайлади.

Бахтимга мушфиқ онам барҳаёт. Уй-жойли, касб-ҳунарли уч ўғил, икки қизнинг отаси, ўн икки набиранинг бобосиман. Умр йўлларимдан йиққан шеърий бисотимдан саралаб терганларим қўлингизда турибди. Уларни баҳолаш сизга ҳавола, азиз китобхон.

Мен эса кўнгилдаги гапларни ёзиш даври келганидан қувонган холда Сизга, истиқлолимизга хизмат қила оладиган нарсалар ёзиш орзусида интилишимни давом эттираман. Иншаоллоҳ, суҳбатларимиз бардавомдир!

Ассалому алайкум, ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

2001 йил 16 август.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАМГА

Қаттол жанг кунлари, азиз отажон,
Йўл олган чоғингиз фронтга томон,
Пешонамдан аста ўпган экансиз:
Кўришгунча хайр, деган экансиз
Ишонч учқуни-ла чақнаб кўзингиз,
Шундай бўлган экан айтган сўзингиз:
— Сизларни этмасам гамдан халос, шод,
Фашист деган зотни қилмасам барбод,
Мутлақо тўхтасин уришдан қалбим,
Ўглим деб эслама, эй азиз халқим!
Фронт ортидаги фарзандлар учун
Кўрсатиб душманга халқимнинг кучин,
Нафрат жасорат-ла жанг майдонида,
Оталарнинг тўккан қутлуғ қонида,
Отажон, сизнинг ҳам бордир қонингиз,
Жон берганлар аро бордир жонингиз,
Жонингиз кетса-да, номингиз ҳамон,
Қалбда яшамоқда —ўчмас ҳеч қачон
Отажон, қолгандир сиздан менга хос:
Садоқат,
Жасорат,
Матонат мерос!

1958

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎҚИТУВЧИМГА

Бир қўлда "Алифбе", бир қўлимда гул,
Азиз мактабимга келган чоғимда,
Меҳрибон устозим, онажонимдай
Меҳр билан олдинг ўз қучоғингга.
Эсимда, илк бора қалам тутқазиб
"Яхши ёз" деганинг аста эркалаб.
Адашсам, мулойим жилмайиш билан
Тўғрилаб қўйганинг манглайим силаб.
Ўн йил давомида ўзинг ўстирдинг
Эзгу ғояларни дилга этиб жо.
Мардлик руҳи билан хўп чиниқтирдинг,
Мен бир томчи бўлдим, эл бўлса дарё.
Сен меҳр бахш этдинг,
Ватан меҳри-ла
Булоқ каби тошди ғуборсиз кўнглим.
Дўстликни сингдирдинг тоза қонимга,
Аҳиллик шавқи-ла лиммо-лим тўлдим.
Ҳаёт йўлланмасин қўлимга бериб,
Кузатиб қоласан эртага шодон.
Ижод, қайноқ меҳнат қўйнида доим
Ишончинг оқлайман, албатта, инон.
Тутқазган қаламинг тушмас қўлимдан,
Ишда қурдат бўлар, жангда тиг, устод.
Меҳринг қалб кўкида бир қуёш бўлиб,
Илҳом ва ҳарорат берар умрбод.

1959

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНИНГ АЛЛАНГ

Ҳар кеча неча бор "инга-инга" лаб,
Тўнгичимиз қилса уйқунгни нотинч.
Мижжа қоқмасликни этса-да талаб,
Кўзларингда асло кўрмайман ўкинч.

Инжиқлигин олмай кўнглингга малол,
Боши узра сочиб кўзларинг нурин.
Уни аллалайсан аста ва хушҳол,
Ўз аллангга қўшиб юрагинг қўрин.

Жонимдан севганим, эй қалби чаман,
Ўғлимга онасан, меҳринг бир дарё.
Қаршингда ўтириб шеър ёзмоқдаман,
Сатримга аллангдан оламан жило.

Мени тинчитмаган шу қайноқ илҳом,
Сени ухлатмаган покиза меҳр.
Қалбларимиз нақши чин аҳду вафо,
Она алласидан олинган ахир.

Аллала ўғлимни, аллала, эркам,
Биздаги хислатлар ўтсин унга ҳам.

1960

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАЛ, ДУТОРИНГНИ!

Бугунги даврада ҳаммамиз ишчи,
Жўшқин юракларда мартен ўти бор.
Ифода қилмоқ-чун қалблар севинчин,
Ҳамкасбим, қўлингга тутгансан дутор.
Куйга сол, биродар, дилда борингни,
Чал, дуторингни!

Оддий пўлаткорсан меҳнатда пишган,
Пўлатдай тобланган қўлларинг қадоқ.
Ишқинг меҳнат ила санъатга тушган,
Куйла, куйларингга дўстларинг муштоқ.
Хоҳ "Баёт", хоҳ "Ором", "Тановор"ингни,
Чал, дуторингни!

Куйинг омухталаб юракда қонга,
Энг ширин дамларнинг завқини уйгот!
Дуторинг овози кетсин жаҳонга,
Ундан таниб олсин бутун коинот —
Нафосат маскани — гул диёрингни,
Чал, дуторингни!

1960

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУВ ВА УМР

"Умрингни ўтказма сувдай", — дейдилар,
Бўламан ҳайрон.
Инсон умри сувдай ўтолса агар,
Нимаси ёмон?!
Шу қайноқ ҳаётнинг томирида қон,
Бахт чашмаси сув.
Жаҳонни безаган чаман — гулистон
Карашмаси сув.
Нозу-неъматларнинг лазиз, аълоси,
Ҳар қатраси — дур.
Тириклик гарови, турмуш жилоси.
Сув демак, бу — нур.
Чашма каби тошиб, дарёдай оқиб,
Чўлга берса жон,
Коинот кўксига чечаклар тақиб,
Яратса бўстон,
Чанқаган чоғингда бир қултум бўлиб,
Ташнанг қондирса,
Уйингга ГЭСлардан нур югуртириб.
Машъал ёндирса,
Ватан қучоғини гулдай яшнатса,
Этиб лолазор,
Умрим ҳам сув каби ҳаётбахш ўтса,
Розиман минг бор!

1961

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАШАРДА

Гўдакликда онам мени
Ўраб юрган йўргак ҳам,
Йигитликда кийганларим:
Чопон, дўппи, кўйлак ҳам,
Пардай юмшоқ ёстиғиму
Иссиққина тўшак ҳам,
Бари оппоқ пахтангиздан,
Қалби оппоқ пахтакор!
Қуёш бўлсам, йўлингизга
Нурдасталар тутардим,
Дарё бўлсам, толмаслигим
Сизга ҳадя этардим,
Ел бўлсайдим, саратонда
Салқинлатиб ўтардим,
Само бўлсам юлдузларни
Сизга айлардим нисор.
Тинмай қилган меҳнатингиз
Самарасин берганда,
Ғўзаларда "ғуж-ғуж" олтин
Жилоланиб турганда,
Белни боғлаб мен шаҳардан
Ҳашар учун келганда,
Тонгда Сиз-ла ишга тушсам
Қилмайинми ифтихор?!

1961

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕН КУЙЛАГАНДА

Коммуна Исмоиловага

Бу — тонгда сайраган шайдо булбулнинг
Хуш овозими,
Ёки ишқ завқ берган оташ қалбларнинг
Янгроқ созими,
Ё ошиқ-маъшуқнинг вафодан сўйлаб,
Айтган розими? —
Дея гуллар сўрар богда-чаманда,
Булбул армонда,
Сен куйлаганда...
Гўдак тинглагандай она алласин
Олади ором,
Севишганлар қалби рубобингга жўр,
Қўшиғингга ром,
Йигитлик фаслини эсига олиб,
Тебранар бобом,
Ажойиб эркалик кезар ҳар танда
Оромижон-да,
Сен куйлаганда...
Куйла, халқинг берган созингни янграт,
Саҳна юлдузи,
Ўзбек қўшиқларин дилга сингдириб,
Бахш этсанг ҳузур,
Шаънингга ёғилар эллар олқиши.
Юраклар сўзи:
"Мангу жарангласин куйинг Ватанда,
Бор бўл жаҳонда!"
Сен куйлаганда...

1961

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАРГАР

Қай олтин буюмга ташласам назар,
Заргар санъатини кўраман ҳар гал.
Заргар заҳматидан олмишдир сайқал,
Кўзим қамаштириб ялтировчи зар.
Дўстим, сен олтиндан минг бор бебаҳо,
Инсон деган номинг гавҳардан қиммат.
Сенга сайқал бериб, бериб кўрк — жило
Қимматинг оширган заргар, бу — меҳнат.
Шу заргар ўтида пишиб — тобланиб,
Ҳур ҳаёт кўркига бўлмасанг безак,
Қани, айт-чи,
Сенинг олтинлигинг ким учун керак?!

1962

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚЎЛЛАР

Умримда бировни ранжитганим йўқ,
Бировни муштлашни этмадим хаёл.
Бугун қалбим берди муқаддас буйруқ —
Бугун қўлларимга ушладим қурол.

Йўргакда эканман онам сийнасин,
Тимирскилаб ҳаёт излаган қўллар,
Ҳовучламоқ бўлиб қуёш шуъласин
Юлдузни узмоқни кўзлаган қўллар.

Бир парча нонимни ҳалоллаб берган,
Заҳматкаш ва содиқ қадоқ қўлларим.
Дўстларим кафтини қаттиқ қисаркан,
Самимиятимга гувоҳ қўлларим.

Гоҳо қалам тутган ғазал битмоқ-чун,
Гоҳо рубоб тутган қўшиқ айтмоқ-чун,
Гоҳо кетмон ушлаб ўтказган ҳам гул,
Ҳаёт — гўзаллик деб, ишлаган нуқул.

Ҳаётни, дунёни қўллар яратди,
Қўллар меҳнатидан лабларда ханда.
Ер юзин қуёшга қўллар қаратди,
Бахтни ижод этди қўллар Ватанда.

Шунинг-чун қўлларни ҳаёткор дейман,
Шунинг-чун қўлларни аташар ботир.
Буйруқ берар экан муқаддас Ватан
Қўллар қурол тутиб, ўзи яратган
Бахтни қўриқлашга ҳамиша қодир.

Асло ажабланма, дўстим, бўлма лол
Бугун қўлларимда кўрганда қурол.

1962

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ МАКТУБ

1. Онагинам

Яна мен отландим олис сафарга,
Яна изларимда қолди кўзларинг.
Узоқ муддатларга кетаркан ҳар гал
Йўлларимни пойлаб толди кўзларинг.

Ҳа, фақат йўлларда ўтар ёшлигим,
Олис ўлкаларда кезиб беармон.
Эй сабри беқиёс,
Эй бардошлигим,
Қалбимдан қўймайман сени бирор он.

Гоҳо билим излаб, гоҳо зарурат,
Гоҳо Ватан амрин этмоқ-чун ижро.
Фарзандинг қошингда этолмай хизмат,
Йўлга талпинади мисоли дарё.

Ёлғизинг йўллардан излар бахтини,
Орзум йўллардадир, ўйим йўлларда.
Йўлларда тинглайман дўст суҳбатини,
Эртан туғилажак куйим йўлларда.

Ҳали кўринмайди йўлим поёни,
Балки умрим бўйи йўлда бўларман...
Эҳтимол, йўлларда чиқардир жоним,
Ҳузурингга етмай йўлда ўларман.

Кечир, онагинам, тинмай йўл юриб,
Кураш тўлқинига кириб бораман.
Сени ўз йўлимга зор термилтириб,
Одамлар қалбига йўл ахтараман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Ёнингдаман...

Хатларингда соғинчингни этасан изҳор,
Йўлларимда кўзинг тўртдир, бу менга аён.
Ёлғизингни олисда деб ўйлама зинҳор,
Мен ҳар нафас ёнингдаман, азиз онажон!

Тонг маҳали мени эслаб чиқсанг ҳовлига,
Димоғингга урилувчи гул бўйи менман,
Омухтаман баринг ўпган тонг шамолига,
Қушни боғдан эшитилган қиз куйи менман.

Эрмак учун қўлларингга кашта олганда,
Кексайганинг сездирмовчи нурман кўзингда:
Ёмғир бўлиб қуйиламан кун қизиган дам,
Ажинларинг ювиб кетай, дея юзингдан.

Гоҳ тўйларда сулувларни учратиб қолсанг,
Келин қилмоқ орзусидай ширин туйғу — мен.
Куни бўйи ғимирлашдан чарчасанг, толсанг,
Ором ол, деб кўзларингга қўнган уйқу — мен.

Тинчлик бўлиб юракларга сингиб кетгумдир,
Шундан ҳаёт осойиши, қўним ва унум:
Ҳаёт бўлиб ўлим хавфин барбод этгумдир,
Онажоним, шу эмасми ёнингдалигим?!

...Ёлғизингни олисда, деб ўйлама зинҳор.

1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯХШИЛИК

Нуриддин акага

Мен бўронда қолсам сени ўйлайман,
Мен тўфонда қолсам сени ўйлайман.
Сўнгсиз сувда қолсам сени ўйлайман,
Адашсам ё толсам сени ўйлайман.

Чунки сен бор экан, мен тирик борман,
Йўлингда ўлмоққа доим тайёрман.
Сени билмаганни атайман ўлик,
Номинг оддийгина — Яхшилик!

1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРАМИЗ ОЛИСДИР

Орамиз олисдир,
Ўн минг чақирим.
Аммо ҳар тун сени излаб, чақириб,
Шамолдай еламан,
Хаёлдай еламан,
Уйингга келаман соғиниб.

Бир оғиз сўзингга зор бўлиб, малак,
Ҳовлингда кезаман гирди капалак.
Деразангдан аста ташлайман назар,
Тун қўйнида сен,
Ноз уйқудасан.
Ороминг бузишни кўрмайман-да эп,
Ташна нигоҳим-ла, лабларинг ўпиб,
Қайтаман саҳар.

Саҳар...
Кўз юмаман қуш уйқусига...
Шу дам латофатга,
Вафо, ҳуснга —
Тўлиб, кўз-кўз қилиб ой жамолингни,
Қувиб изма-из, эй синфдош қиз!
Сен келасан сўраб менинг ҳолимни,
Тўймай висолингга, лабларда болингга,
Янграб қолар бонг:
"Подъём!"... яна тонг.

Орамиз олисдир,
Ўн минг чақирим.

1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНИ СОҒИНГАНДА

Сени дилдан соғиниб маҳбуб,
Ёзар бўлсам соғинчли мактуб,
Дил сўзимга мунтазир қоғоз,
Шивирлайди:
Тезроқ! Тезроқ ёз!
Дилда боринг тўкилсин менга,
Тезроқ учай у жононингга...

Ниятингга еткил, оқ қоғоз,
Ўзинг бўлиб қалбимдаги роз,
Дилнинг ширин армони бўлиб,
Орзуларим уммони бўлиб,
Кундузими, кечаларими
Наманганнинг кўчаларини —
Ўтиб бориб топгил ёримни.
Хатим кутган вафодоримнинг
Қўлларида яшнаб гул мисол,
Садоқатим рамзи бўлиб қол.
Хизматимга шай оппоқ қоғоз.
Шивирлайди:
Тезроқ-тезроқ ёз.

1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ҚИЗГА

Кўзларингни яшир, яхши қиз,
Қўй, тикилма менга мунчалар.
Нигоҳингни эслаб уйқусиз,
Тўлгонмайин яна то саҳар.
Қўй, тикилма менга мунчалар.

Дерлар: Қизлар севгиси кўзда,
Кўзларингнинг сеҳри бор, сеҳри.
Ва кимнидир балки шу кезда
Ўртамоқда бу кўзлар меҳри.
Кўзларингнинг сеҳри бор, сеҳри.

Термуласан киприк ҳам қоқмай,
Ўраб олмиш мени нигоҳинг.
Мени йиллаб кутган юзи ой
Кўрса кўкка етмасми оҳи,
Ўраб олмиш мени нигоҳинг.

Авайлаш-чун ошиқ дилларни,
Кўзлар ҳушёр бўлмоғи керак.
Нигоҳлардан ишқ туғиларки,
Икки ишқни сиғдиролмасдан
Бўлинғуси иккига юрак.

...Кўзлар ҳушёр бўлмоғи керак.

1963

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕНГИЗДА

Денгиз пахтазорга ўхшаб кетади,
Денгиз пахтазорни эслатар менга.
Хаёл пахтазорга мени элтади,
Пахтакор, ўзимни ўхшатдим сенга.

Тўлқин кемамизни тебратиб ҳар ён
Писта пўчоғидай ўйнатганида,
Шер янглиг ўкириб беаёв тўфон,
Юракларда ғулув уйғотганида —

Денгиз пахтазорга ўхшаб кетади,
Тўлқинда кемалар жавлон этган кез.
Хаёл пахтазорга мени элтади,
Гўё мен пахтакор, кемам — ХВС.

Табиат ўйинин қилмасдан писанд,
Ғолиб қайтганида денгиздан матрос.
Оқшом хирмон уйиб тоғлардан баланд
Толиб қайтганингга этаман қиёс.

Пахтакор меҳнати қай мардликдан кам,
Жангчига ўхшатсам уни, не ажаб?!
Денгиздан қиёсинг изладим, ўлкам,
Бунга фақат, фақат соғинчим сабаб.

1964

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҒИНИБ КЕЛДИМ

Гул шаҳрим,
Гулзор шаҳрим,
Гиламдай гулдор шаҳрим,
Кексадан ёшигача,
Ердан қуёшигача.
Биллурдай сувларидан
Йўлдаги тошигача —
Ишқибоз гулкор шаҳрим.
Келин тушган ҳовлидай
Шинам — саришта шаҳрим,
Ҳар йигити филқомат,
Қизи фаришта шаҳрим.
Онажон — Намангоним,
Жонажон — Намангоним!
Қучоғингда туғилиб,
Ўсиб-улғайганим рост.
Қучоғинчда бўлолдим
Тўлқинларга ишқибоз.
Тўлқинлар кўксин ёрмоқ
Ҳар бир йигитингга хос,
Денгизлар шу сабабдан
Этишар мени эъзоз.
Денгизларда сузган дам
Дилда меҳринг ёлқини —
Қучоғингни соғинсам,
Дилда денгиз тўлқини.
Болалигим яйраган
Мевазор боғларингни,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлларимга тўшалган
Яшил ўтлоқларингни,
Чўллаб келсам хурмада
Қатиқ тутган қизингни,
Кўз тутиб йўлларимга
Бедор кутган қизингни,
Миришкор кунларингни,
Васлгоҳ тунларингни
Тўйиб кўрмоқлик учун
Соғиниб келдим бугун
Онажон Намангоним,
Жонажон Намангоним!

Кел, қўлингни бер, шаҳрим,
У миришкор қўлингдан
Садоқатим рамзи деб,
Бир ширин бўса олай.
Шу бўса ҳароратин
Сепиб юрган йўлимда
Тошларда гул ундириб,
Чин гулкор бўлиб қолай,
Онажон Намангоним!

1964

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Таълим олмоқ бўлиб жўшқинлигидан
Денгиз соҳилига келсам ҳар сафар,
Тўлқинлар югуриб, қучиб илигимдан
Ажиб эркалик-ла оёғим ўпар.

Аста энгашаман. Сўрайман: "Не гап?"
Денгиз шивирлайди қулоқларимга:
— Қудратинг олдида бир қатра бўлгач,
Бош урмайми, инсон, оёқларингга!

1964

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Матрос дўстлигига қилма хиёнат,
Кемага тушганнинг, — дерлар, — жони бир.
Боболар нақлига қилгин итоат,
Йўқса, қаро кунлар ёгдирар тақдир.

Кемани аллалаб турган океан,
Матрос қалби каби бегард, бепоён,
Дўстлигингда зарра ғубор бор экан,
Океан қаърига ютгай беомон.

1964



www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАНИНГ БЕМОР ЎҒЛИГА ДЕГАНЛАРИ

(Расул Ҳамзатовдан)

Тамаки дудига тўлдир хонани,
Майли, бўза ичсанг, шароб ич, майли.
Майли, аямагил кекса онангни,
Фақат тезроқ тузал, тезроқ соғайгин.

Олис ўлкаларга қўзим, кета қол,
Розиман келмаса биронта хатинг.
Танлаган қизингни хотинликка ол,
Бевалар қўйнида чоғ айла вақтинг.

Сийнам ҳароратин сенга бахш этиб,
Авайлардим сени, эркалаб бир вақт...
Бадбахт тамакининг тутунин ютиб,
Шароб ичсанг, майли,
Соғайгил фақат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РУЧКА

Қитир-қитир юриб оқ қоғоз узра,
У шоир дилидан кўчирар ғазал.
Қоғозга тўкилган ҳар битта мисра,
Ручканинг кўксида алам қўзғатар.

Қоғозга шивирлар асрий ҳасратин
Кўзларидан дув-дув тўкилади ёш:
"Кечир, бажарай деб шоир хизматин,
Оппоқ сийнанг тилдим, о, мен бағритош!"

1964

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕВСАНГ ...

Мовий кўзларингни кемага тикиб,
Қўлинг силкиб қолдинг яна соҳилда.
Бахш этган бўсангдан хушнуд энтикиб,
Сузиб кетди матрос. Чин аҳдинг дилда.

Не-не синовлар бор матрос олдида
Денгизлар тўфони, машқлар заҳмати...
Аммо сен чиқмайсан бир дам ёдидан,
Ишқинг — ҳаёти-ю,
Лабзинг қудрати.

Яхши қиз,сенга ҳам тутмайман осон,
Билмам, не хаёллар олдилар буркаб.
Ҳа, матросни севсанг...
Билки, ҳар қачон
Ишонч, садоқат-ла кутишни ўрган.

1965

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

— Мунча тўлғонасан, айт-чи, океан,
Ўқ еган шер янглиг нотинч ўкириб?
— Жанглар жароҳати қалбимда қолган,
Даволаб бўлмагай бағримга кириб.

— Нега тўлқинларинг мунча ғазабнок,
Ёқа йиртишади тошга бош уриб?
— Ғазабга тўлмайми, қайдадир шу чоқ,
Янги жангнинг мудҳиш ўчоғин кўриб?!

— Мунча жилмаясан, азим океан,
Меҳр билан ялаб юртим тупроғин?!
— Менинг тинчлигимга сен қўриқчисан,
Қувонмайми сени кўрсам, чироғим?!

1965

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮРАГИМ

Юрагим —
Қўлингда бир қатра симоб,
Хоҳла ташлаб юбор,
Қил чил-чил.
Хоҳлагил авайла — ўзинг бил!
Ўзингда ихтиёр, ўзингда инсоф.

1965

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен сени орзумдан яратганман, ёр,
Менинг орзумдасан эрта ҳам, кеч ҳам.
Орзумда сенсанки, қалбимда баҳор,
Қалбимда баҳор — у, мунаввар олам.

Мен сени орзумдан яратганман ёр,
Менинг орзумдасан эрта ҳам, кеч ҳам.
Орзумдан айрилсам яшашим бекор,
Сендан айрилсам-чи, орзум ҳам ҳеч гап.

1965

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНА ТИЛИМ

Сенинг нафосатинг кўрсин деб олам —
Навоий сарф этди бутун умрини.
Буюк Ҳиндистонда шоҳ бўлганда ҳам
Бобур сенда битди дардли шеърини.

Онглар курашидан ғолиб чиқолган
Тарихдай муқаддас ўзбек тилимсан,
Қизлар сўзлаганда туюлиб болдай,
Эритмадинг не-не мардлар дилин сан.

Мурғак кезларимда онам қалбидан
Отилган мўътабар алла ҳам ўзинг.
Шод эрсам дилимда қайнаб, лабимдан —
Учган баландпарвоз ялла ҳам ўзинг.

Неча асрлардан қалблар мулкида
Ардоқлаб сақлаган бойлигимизсан.
Дилбар шеъриятсан, халқнинг кўркисан,
Ҳамзамиз, Ғафуру Ойбегимизсан.

Сенинг нафосатинг, сенинг лаззатинг
Ҳеч бир халқ тилидан қолишмас асло.
Сен билан сўзлашим ўзи зўр бахтим,
Сени минг шоҳликка алишмам асло.

Ўз қадрин билмаган баъзи галварслар
Сенинг софлигингга туширсалар доғ.
Она алласини эсга олмасдан,
Сени қориштириб, этсалар пачоқ.

Эзилиб кетаман, бўламан тутун,
Қалбим жо бўлгудай писта пўчоққа.
Қаршимда аламнок Навоий шу зум
Мендан нажот излаб йиртади ёқа.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТИМГА ХАТ

...бир нома ёзмадинг.
Алишер Навоий

Мен учун ҳар мактуб бир бутун олам,
Ҳар хат ола келар қалбимга баҳор.
Онажоним ёзар: "Соғмисан, болам?"
"Бошингиз омонми?! — дея сўрар ёр...

Ҳар кун хат оламан яқин-олисдан —
Аммадан, холадан, тоға-жияндан.
Ишчи ҳамкасбимдан,
Синфдош қиздан,
Нечун хат келмайди, дўстгинам сендан?

Ўн тўққиз баҳорни бирга кечирдик.
Болаликда қурдош,
Улгайгач сирдош.
Ҳатто бир майизни тенг бўлиб ердик,
Сенсиз ёки менсиз татимасди ош.

Бугун узоқдаман. Ва лекин дилдан
Қўмсайман у бирга кечган дамларни.
Сен ҳам бир бор эслаб, ойда ё йилда
Бир нома йўлласанг нима бўларди?!

Мен учун муқаддас дўстликнинг кучи,
Сенинг бахтинг — менинг бахтиёрлигим.
Наҳотки, унутсанг, наҳот, сен учун
Бефарқ бўлиб қолди, йўғу борлигим.

Майли, тиламагин менинг толемни,
Қулоч-қулоч хатинг керак ҳам эмас,
Майли, сўрамагил менинг ҳолимни,
Ўзинг соғ эканинг ёзиб турсанг бас.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕВГИ ҲАҚИДА

Оқ тушди тарихнинг соч-соқолига,
Инсон Ойга қадар қўёлди қадам.
Не-не жумбоқларни ечди йўлида,
Лек севги олдида ҳамон гунг одам.

Севги инсон билан бирга туғилди,
Аталди гоҳ заҳмат, гоҳ дард, гоҳо бахт.
Муҳаббатсиз ҳаёт сароб туюлди,
Инсон севги билан яшади ҳар вақт.

Шоирлар дилида достон бўлди у,
Ҳофизлар тилида қўшиқ бўлолди.
Олам-олам китоб пайдо бўлди-ю,
Аммо севги сири очилмай қолди.

У на бўйсунади бирор буйруққа,
У ҳақда ёзилди на бирор қонун.
Дахли йўқ табиат, омад, ҳуқуққа,
У фақат қалб иши, қалб иши бутун.

Китобий севгилар афсона мисол,
Ё ширин туш мисол қолар-да ёдда.
Бошига ишқ дарди тушган ойжамол
Янги бир оламни очар ҳаётда.

Ишқ биров қалбида ёқар экан кун,
Бировнинг бошига савдо соларкан.
Биров ўн еттида бўларкан мажнун,
Биров ўттиз ёшда севиб қоларкан.

Ким қалб дарвозасин очмайди унга,
Унинг қуюнида соврилмайди ё?!
Дейман, бўйсунганда севги қонунга,
Ҳаётда қолмасди заррача маъно.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНСОН ГЎЗАЛЛИГИ

Латофат шайдоси — тинмаган инсон
Меҳнат-ла айламиш гўзаллик ижод.
Гўзаллик йўлида фидо этиб жон,
Дунёни кашф этмиш, кашф этмиш ҳаёт...

Дилкаш нафосатнинг ижодкори деб:
Инсонни тарих ҳам тан олди, аммо —
Инсон гўзаллиги, инсондаги зеб —
Нимада экани ҳамон муаммо.

Чиндан нимададир инсоннинг ҳусни,
Чарос кўзларда-ю, қалам қошдами?
Жоноқи олмадай товланган юзми,
Ё хипча белдами, чилвир сочдами?

Кийим-кечакдами одамнинг кўрки,
Ё гапга чечанлар саналур гўзал.
Ёхуд лабларидан аримай кулгу,
Мушкулингни зумда айлаганлар ҳал?

Тунлар мижжа қоқмай шеърин ёд олган,
Зукко шоирларни гўзал дейсанми,
Ё дилбар қўшиқ-ла дилга ўт солган
Хонанда "Гулёр"и гўзал эканми ?

Санъатми, ҳунарми, саховатми ё,
Матонат дейсанми гўзалликка хос;
Йўқ, инсон чиройи мушкул муаммо,
Булар шу йўлдаги илк қадам, холос...

Асрлар бошида турар шу савол,
Тарих ҳам излайди унинг калидин.
Шу жумбоқ бўлмаса, дейман, эҳтимол,
Инсон гўзалликка интилмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"БОШЛИҚ БАНДЛАР..."

(Ҳазил)

Зарур иш-ла келдим қабулхонага,
Қабулга шошаман — вазият тиғиз.
Бунда жамолини солиб ойнага,
Лабин бўяш билан банд котиба қиз.

— Бошлиққа мумкинми?
— Бир лаҳза тўхтанг.
Ҳозир қаттиқ бандлар Эшматхон акам.
— Ўринбосарга-чи?
— Жимликни сақланг!
Бошлиқ ҳузурида ўринбосар ҳам.

Сукутда кутаман бир соат, мана,
Шошилиб халқумга тиқилар жоним.
Қўнғироқ, жиринглар, эринибгина
Кўк чой қўйиб чиқар котиба хоним.

Энди у қаламнинг учини ялаб,
Пинагини бузмай бўяр киприк, қош.
Бошлиқлар кўришар "муҳим масала" —
Икки соатдирки қотиришиб бош.

Ўн учга бонг урар девор соати,
Юрагим гупурлар тоқ бўлиб тоқат.
Эшик очилади, ҳа, тушлик пайти,
Бошлиқлар чиқишар тўкишиб савлат.

Димиққан хонадан дил оздиргудак,
Тамаки тутуни ўзин урарди.
Стол устида-чи? Бўшаган чойнак
Ва чала ўйналган шахмат турарди.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЙЛИК

Гоҳо мендан сўраб қолар баъзи эзмалар:
— Неча йилки, умринг ўтар олисда, йўлда,
Нима қилдинг шунча кезиб шаҳарма-шаҳар,
Қандай бойлик орттиролдинг киргудай қўлга?

— Мен бир бойлик орттирдимки, йўқдир баҳоси,
Ўлчаб бўлмас унинг қадрин олтин, зар билан.
Безатай, деб шу ҳаётда умрим маъносин,
Суҳбатлашдим ҳаёт нақши — одамлар билан.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЙБ КИМДА?

(Ҳазил)

Танаффусда, театрнинг фойесида
Бир бувижон қаҳрамонни койир куйиб:
— Вой, у йигит ажраганми эс-песидан,
Онасидай бир аёлга кўнгил қўйиб...

Мен ҳайронман бу замоннинг ёшларига
Қайда қолди йигитларда ғурур, туйғу?
Севай деса ахир шундай қошларида
Гул-гул яшнаб кулган лобар қизлар бор-ку!..

Набираси тушунтирмоқ бўлар шу дам:
— Эй, бувижон, у севгани студент қиз.
— Кекса, дея лақиллатма мени, болам,
Кексайсам ҳам ёш-қарини ажратар кўз.

Ёлғон бўлса ёзармиди ёзувчилар,
Йигит қурғур ўзи шундай дидсиз экан.
Ўглим шундай хотинларни севса агар
Битта-битта юлар эдим сочларидан.

Буви ёниб қаҳрамонни койир экан,
Мен ўйлардим: билармикин кимдир айбдор?
Бу койишни эшитганда не-дер экан,
Кампирга қиз ролин берган "зўр" режисёр?!

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

АСКАРНИНГ ШЕЪРИ

Уруш кўрмадиму
Урушнинг доғин —
Катталар қатори кўрдим, биродар!
Отам қаттол жангда жон берган чоғин
Эслайман мудҳиш туш каби ҳар саҳар.

Ҳа, жангларда ўлган аскар ўғлиман,
Қасамдай сақлайман аскар одатин.
Аскарман!
Отамдай қалби чўғлиман,
Аскарлик — отамга чин садоқатим.

Кўриб қўлларимда қилич ва қалам
Асло ажабланма, бу удум мерос.
Бобур наслиданман.
Танийди олам,
Жанггоҳда шеър битмоқ ўзбекларга хос.

Йилтироқ мисралар фурсати эмас,
Мунгли байтларга ҳам йўқ менда тоқат.
Севгини сен каби билдим муқаддас,
Лек "ёр" деб йиглашни этмадим одат,

Бир бевафо мени ҳажрида ўртаб,
Кабоб этганда ҳам юрак-багримни:
Қаддим тик тутмоққа ундади бу қалб,
Шеъримга тўкмадим ҳижрон заҳрини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиғлоқи мисралар кимга ҳам
керак,
Шундоқ ҳам безган-ку тарих кўз ёшдан.
Олам ташвишини кўтарган юрак,
Наҳот, нола чекса, кичкина тошдан.

Сиз, эй мунг, нолани дард деб билганлар,
Ўйлайсиз: аскарнинг бўлмасми дарди?
Дард олдида маглуб "оҳ" урса аскар,
Бу дунёнинг ҳоли нима кечарди?!

Шеърим, сен ҳам бўлгил аскар фарзанди,
Дард чексанг йиғламай,
Шердай торт наъра.
Наърангдан бўшасин бу замин банди,
Ва ларзага келсин осмоннинг қаъри.

Тик туриб ўлади одатда аскар,
Тик туриб ўлмоққа ундайди элни.
Ночор кампирларни эмас,
Мисралар,
Эслатинг ўлимдан қўрқмаган эрни.

1966

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛК ҚАДАМ

Икки сўз ўргандим чиққанда тилим:
Биринчиси — Она, энг муқаддас ном.
Онагинам берган биринчи таълим —
Илк ўргатган сўзи бўлган "Ассалом!"

Йиллар ўтиб кетди, қайноқ болалик —
Қалбимда қолдирди мангу ўчмас из.
Кўп нарсани эсдан чиқардим ва лек
Муҳрдай сақланар дилда ўша сўз.

Самимиятни ҳам,
Андишани ҳам.
Лутфу карамни ҳам,
Одоб-эсни ҳам,
Меҳру оқибатни, инсонийликни —
Бир сўзга қилиб жам,
Кексани кўрсам ҳам,
Ёшни кўрсам ҳам
Лабимдан учажак калом —
"Ассалом!"

Яхши бўлолдимми,
Ёмон бўлдимми.
Зинҳор билмадим,
Шу сўзни ўрганиб
Одамлик сари
Қўйдим илк одим.

1967

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАСЛИНГ УМИДИДА

Йўлингга умидвор кўз тикиб,
Нигоҳим поёндоз пойингда.
Кутаман беқарор энтикиб,
Кела қол, жонгинам, бўйингдан.

Йўлингга умидвор кўз тикиб,
Жанггоҳга айланар кўкрагим.
Кутаман. Кутаман энтикиб,
Иккига бўлинар юрагим.

Қизғин жанг бошланар ўртада
Бири дер: Келади у албат.
Бири дер: Келмасдан ўртагай,
Беҳуда юпанмоқ не ҳожат?!

Бири дер: Бажарар аҳдини
Вафони расм этган дилбар у.
Бири дер: Ошиқнинг дардини
Минг бора оширмоқ истар у.

Бири дер: Висолнинг хуш чоғин
Энтикиб кутади ўзи ҳам.
Бири дер: Топтагай ишқ боғин,
Заррача ишонма сўзига.

Иккиси жанг қилар беомон,
Иккисин қўлида ханжари.
Бир-бирин тилмоқчи бўлган он,
Минг шукур, келасан, гавҳарим.

Кўзингда вафони кўрган дам
Иккиси тинчлана бошлайди.
Мабодо келмасанг, о эркам,
Бир-бирин қиймалаб ташларди.

1967

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАКТУБ

Мени мен истаган ўз суҳбатида
аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин
кўнглим писанд этмас.

Алишер Навоий

Ҳайрон бўлма, саратонда ёққан каби қор,
Тасодифан бориб қолса сенга бу мактуб.
Ҳаёт мени ишқ дардига айлагач дучор,
Юрагимни ёздим сенга, ҳамқишлоқ маҳбуб.

Мен китобий севгиларни тан олмас эдим,
Олис эди улар мендан ер — осмон қадар.
Пари бўлса, қошида тиз чўколмас эдим,
Ҳам ғурурсиз йигитлардан қилардим ҳазар.

Кулар эдим: севиб қолдим, дея оҳ уриб,
Тунлар мижжа қоқмай чиққан мактабдошларга.
Ачинардим дафтарларин шеърга тўлдириб,
Муҳаббатдан лоф ургувчи қаламқошларга.

Кулган эдим учрашганда ўзинг йўқотиб,
Титраб турсанг мисли шамол тебратган ниҳол.
Парво қилмай ёнгинангдан кетгандим ўтиб,
Қолганингда ороминг ҳам кетиб, бемажол.

Кечир мени қарорини ўгирлатган қиз,
Кечир мени, бир сўзимга интизор дилбар.
Мен қошингда бош эгайин, майли, чўкай тиз,
Сен олдимда буюк тоғсан Ҳимолай қадар.

Сен кутардинг бир сўзимга бўлиб мунтазир,
Мен бировнинг бир сўзига ташнаман бунда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сени менга асир этган бу телба
тақдир,
Мени ўзга йўлларига ташлаган бунда.

Мен ўшанда оҳларингга қилмасдим
парво,
Менинг оҳим энди унга чангдай
беқиммат.
Истамасдим эшитмоқни розингни
хатто,
Бугун менинг розларимга у қилмас
шафқат.

Шунда сени эсга олгум, эй соҳиб
жамол,
Пок севгингни топтагандим етмай
қадрингга.
Сен ўн етти ёшда бўлдинг бир дардга
дучор,
Ҳаёт минг дард қўшиб қўйди менинг
дардимга.

Кечир мени, қарорини ўгирлатган қиз,
Илк севгим, деб санамагил мени
муқаддас.
Муҳаббатинг қолдиргандим жавобсиз,
эсиз,
Букун мендан илк муҳаббат олаётир
қасд.

1967

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ ЙИЛ МОНОЛОГИ

Инсон!
Ҳузурингга келдим эгиб бош,
Асрий муддаомга етишдим алҳол.
Ўтинчим: Муқаддас хизматингга ол,
Эзгу ниятингга бўлайин йўлдош.

Бир мингу тўққиз юз олтмиш етти йил,
Тоғ ошиб, чўл кезиб, етиб келдим мен.
Не-не мардлигингга қолдим-да қойил,
Не-не қилмишингга гувоҳ бўлдим мен.

Лек сендан буюгин кўрмадим йўлда,
Танти ҳам, жўмард ҳам ўзинг экансан.
Беаёв жаллод ҳам ўзинг экансан,
Тарих жиловини ушлабсан қўлга...

Инсон!
Қалбинг экан бир асов дарё,
Дарёки, оқаркан хас-чўп ҳам, дур ҳам.
Изминдга минг тусга кираркан дунё,
Ақлингга хизматда ажал ҳам, нур ҳам.

Сенинг ақлингдандир ердаги чаман,
Ойнинг қулоғида порлаган сирга.
Ҳа, сен ўзинг экан ишқда алдангач,
Қонидан лолалар очилган қирда.

Топталган туйғулар,
Беқарор ишқлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳижронда қайғулар,
Васлда қўшиқлар.
Меҳру оқибатдан ўсални тургизмоқ,
Беадад ҳимматдан ўликни тиргизмоқ.
Риё-ла ўзгани этмоқлик шаҳид,
Сенинг ақлингдандир
Мен бўлдим шоҳид!!!

Гар шунча йўл юриб сочим бўлди қор,
Ҳали очилмаган нодир китобман.
Мана, қўлингдаман, қолдирма бекор,
Ўзинг мазмун бахш эт ҳар битта бобга.

Инсон!
Ҳузурингга келдим эгиб бош,
Хизматга олмасанг ўлиб кетаман.
Эзгу ишларингга этолсанг йўлдош,
Тарихда мангуга қолиб кетаман.

Қошингда турибман, қўлим кўксимда,
Ҳар бир буйруғингга аскардай шайман.
Уч юз олтмиш беш кун — қисқа умримда,
Сенинг хизматкоринг бўлиб яшайман.

Мени ишчи қилиб, майли, уй қурдир,
Майли, тоғ багридан ахтарай маъдан.
Майли, севги қилиб қалблардан жой бер,
То мангу сақланай бир дам чиқмасдан.

Инсон!
Ҳар юмушинг билгум муқаддас,
Беҳуда қон тўкиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ё тўқиб ғийбат,
Ё соф муҳаббатга этиб хиёнат,
Юзларимни қаро айламасанг бас!
Сенга хизматкорман. Сенга фарзандман
Фақат яхшиликка мен камарбандман,
Ўғлим десанг ўғил, қиз десанг қизман.
Бир минг тўққиз юзу олтмиш саккизман!

1967

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

(Асқад акадан руҳланиб)

Дадамнинг ҳунари ўт ўчирувчи,
Ҳозир-нозир бўлар ўт чиққан жойда.
Оловни ўчирмоқ,
Оловдан асранмоқ
Унинг ҳаётида асосий қоида.

Дадамнинг аксидир менинг ҳунарим,
Дунё шундоқ экан, нима қилай ман?!
Одамлар юрагида олов ёқмоқ учун
Тунларни кўз юммай тонгга улайман.

1968

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАВОИЙГА МАКТУБ

(Буюк шоирнинг 525 йиллик тўйига битилган)

Ассалому алайкум, Навоий бобо,
Қалай, хурсандмисиз тақдирингиздан?
Бешу чорак аср бўронлар аро
Сизни асраб келдик дил тўримизда.

Зотан, қалбимизда Сизни ардоқлаб,
Сиздан одамликда сабоқ ўргандик.
Гоҳо мисрангиздан дилларни чоғлаб,
Гоҳо нола чекиб, бирга ўртандик.

Ҳа, гар ёндирмаса юракни ғазал,
Дилларга элтмаса шоир дардини,
Ҳамдард бўлолмаса ошиққа агар,
Ғазал бўлармиди, ишқ бўлармиди?

Мен сиздан беш юз йил кейин туғилдим,
Мана биз учрашдик севги туфайли.
Ғазални севдиму ишққа сиғиндим,
Ишқсизлар не деса, дейишсин, майли.

Замонлар ўзгарди, юртлар ўзгарди,
Аммо ҳанузгача ишқ ўша-ўша.
Ҳамон ўша-ўша ошиқнинг дарди,
Ҳам қалам аҳлига муҳаббат пеша.

Тушунмай қоламан гоҳида, бобо,
Бу фоний дунёнинг жумбоқ ишига:
Муҳаббат ҳаётни туққанмикин, ё,
Ҳаёт доя бўлган ғазалга, ишққа?!

Яна бир сўзим бор:
Беш аср ўтди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Курашдан тинмади аммо одамзод.
Фазони забт этди,
Ойни забт этди,
Шаҳарлар яратди чўлларда, устод.

Тушунмай қоламан гоҳида, бобо,
Бу фоний дунёнинг қизиқ ишига...
Бир умр ишқ билан ёнма-ён риё,
Гоҳо ишқ дуч бўлар риё нишига.

Шуларни кўрганда наздимда дунё
Худди ўн беш кунлик ойга ўхшайди.
Бир ери чарогон, бир ерида доғ,
Биров ишқ билан маст, биров қақшайди.

Биров одамларга бахш этар зиё,
Биров ажал учун қурол тайёрлар.
Бировлар покиза гўё ёш куёв,
Бир бурчакда эса гингшир айёрлар.

Гарчи шоирликни қилмайман даъво,
Олам ташвиши бор менинг елкамда,
Номингиз аталса ахир бу дунё
Мени ҳам кўради гўзал ўлкамда.

Сизга чевараман. Сиз сайқал берган —
Ўз тилимда ишқни куйлайман ҳар он.
Ахир, ишқ туфайли бу олам кўркам,
Жаҳонга ишқ бўлсин, дейман ҳукмрон.

Ассалому алайкум, Навоий бобо,
Қалай, хурсандмисиз тақдирингиздан?
Ишқпараст Ўзбеклар, бўронлар аро
Эзгулик, вафони ўрганар Сиздан.

1968

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЗЛАНИШ

Йигитлик даврининг гашти бўлакча,
Азоби ўзга-ю, роҳати ўзга.
Лагча чўғ тушгандай жонга — юракка,
Дунё тор кўриниб баъзида кўзга —

Кимнидир излайсан кечаю кундуз,
Кимдир, юрагингни секин айлар ром.
Излайсан, излайсан уни тинимсиз,
Кунлар бетоқату, тунлар беором.

У сенинг наздингда бир тенгсиз пари,
Лабидан ғунчалар боғда шарманда.
Юлдузни ёндирар боқса кўзлари,
Чилвир сочларига бир шаҳар банда.

У сенинг наздингда мунис, меҳрибон,
Сенинг тақдирингни жондай эъзозлар.
Дард чексанг, қошингда фидо этар жон,
Толиқсанг ноз билан хуморинг ёзар.

Излайсан қайда деб у тенгсиз дилбар,
Тунларни уйқусиз тонгга улайсан.
Шаънига шеър битиб, қўшиқ куйлайсан,
Аммо тополмайсан ундан бир хабар.

Излайсан. Топишга қасамёд этиб,
Ишончни қалбингга тугиб оласан.
Бир кун топасан ҳам фурсати етиб...
Бахтиёр санайсан ўзни дунёда.

Ўшанда излаган малагинг, содда —
Қўшни қиз эканин сезмай қоласан.

1968

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир оғиз ширин сўз гадосиман мен,
Ширин сўз умримни айлагай узоқ.
Ширин сўзлиларнинг шайдосиман мен,
Ширинроқ сўзлагил этсанг-да фироқ.

Ҳар сўзга мойилдир бу суяксиз тил,
Бир сўз чил-чил қилар инсоннинг дилин.
Совуқ каломларга бўлгандан мойил,
Комимга тортилсанг розиман, тилим !

Умримда эшитдим бир бор совуқ гап —
Ҳамон сақланади қалбда ундан доғ.
Сочларимга бевақт ораламиш оқ,
Балки, бунга ўша совуқ гап сабаб.

1968

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр ёнида ёниб сўзладинг,
У сукутда тинглади кулиб.
Ёлборувчи боқди кўзларинг,
У ишонмай турди термилиб.

Ёр ёнида ёниб сўзладинг:
— Туролмайман, кўрмасам сизни.
Қумри каби сайраб, бўзладинг,
Ром этмоқчи бўлгандинг қизни.

Ёр ёнида ёниб сўзладинг:
— Қўрқаманки, телба бўлмасам.
Яна, яна нелар дер эдинг,
"Ўзингизни босинг" демаса.

Ёр ёнида ёниб сўзладинг,
Ҳасратингни тинглади узоқ.
Авжга мингач ўтинч, сўзларинг
Қайтмас бўлиб кетди у мутлоқ.

Оҳ урдинг-у, тутолмай қолдинг,
Кетган эди бахт қушинг учиб.
Муҳаббатнинг қадри йўқолди,
Дилдан тилга кўчгани учун.

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАҲОР БИЛАН СУҲБАТ

Роҳилага

— Мунча зориқтирдинг, мунча кутдирдинг,
Айт, қайларда эдинг, менинг баҳорим?
Мени ташна айлаб қайларда юрдинг,
Айт, қайларда эдинг, менинг баҳорим?

— Сен-ку, соғиндим деб кўксингга урдинг,
Менга ҳам осон, деб ўйлама унча.
Не-не заҳмат чекдим, жабрлар кўрдим,
Қаҳратон қаъридан чиқиб келгунча...

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНА БАҲОР...

Яна баҳор, шовуллар анҳор...

Миртемир

Яна баҳор, шовуллар анҳор,
Муҳаббатдан куйлаб ўтар ел.
Анҳор бўйин кезаман танҳо,
Сени излаб бўзлайди кўнгил,
Муҳаббатдан куйлаб ўтар ел.

Термиламан табиатга лол,
Хаёлимга тўр ташлар гуллар.
Юрагимда борин, эҳтимол,
Илинтирмоқ бўлишар улар,
Хаёлимга тўр ташлар гуллар.

Яна баҳор, шовуллар, анҳор,
Юракларда зўр ишқ уйготиб.
Анҳор бўйин кезаман танҳо,
Илк севгимнинг азобин тортиб,
Ўзлигимни ўзим йўқотиб.

Яна баҳор, сени излаб ёр,
Ташна қалбим унсиз бўзлайди.
Қайлардадир бир соҳибжамол
Бўзлаб-бўзлаб мени излайди.
Ажаб дунё! Ишқсиз қизимайди.

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фариштамас, инсонман, ахир,
Янглишмоғим мумкин, одамлар.
Гоҳ измимдан чиққанда ақл,
Ўйламайроқ босиб қадамлар,
Янглишмоғим мумкин, одамлар.

Мен изимдан тойилсам ногоҳ,
Шошилмангиз ҳукмга зинҳор.
Гуноҳимдан этинг-да огоҳ,
Тўғри йўлни кўрсатинг бир бор,
Шошилмангиз ҳукмга зинҳор!

Бош айланиб қоқилсам гоҳи,
Пайт пойламанг, чиқар деб чуви,
Тошдан тошга урилиб оқиб,
Тиниб борар дарёнинг суви ,
Пайт пойламанг, чиқар деб чуви!

Дунё ўзи шунақа жумбоқ,
Бўлмас экан янглишсиз ҳаёт.
Инсонликдан йироқдир мутлоқ
Янглишганга завол кутган зот.
Бўлмас экан янглишсиз ҳаёт.

Мен изимдан тойилсам ногоҳ,
Шошилмангиз ҳукмга зинҳор...

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛАРИМГА

Одамман-да, ўз ташвишларим,
Ўз қувончим, дарду ғамим бор,
Ҳар қадамда кўз танишларим,
Ҳар қадамда ўз одамим бор.

Ҳаёт сўнгсиз кенг кўча экан,
(Ким ўтибди бу йўлдан ёлгиз.)
Гоҳида у тинч кечар экан,
Гоҳ тўлқинли мисоли денгиз.

Пўртанага гоҳ кериб кўкрак,
Ғалабадан бошим осмонда.
Гоҳо ғамга тўлади юрак,
Саргаяди рангим сомондай.

Кипригимга илинганда ёш,
Ё қувнасам чақнаб кўзларим,
Бўлиб таянч, бўлиб чин йўлдош,
Ҳузуримга келар дўстларим.

Шунда ғамим денгизга томган,
Қатра мойдай сингиб кетади.
Гўё қўёш чиқади шомда,
Ғамни шодлик енгиб кетади.

Дўстлар — тоғдай суянчиқларим,
Кўзим нури, қалбим илҳоми.
Улар шеърим, улар ишқларим.
Ҳаёт берган май тўла жомим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен уларсиз саҳрода қолган,
Саксовулдек бўлардим балки,
Ё шамолда беиз йўқолган,
Хазон янглиг сўлардим балки.

Сендан ортиқ кутмам илтифот,
Қувмам мансаб, бойлик кетидан.
Ташаккур, эй, онажон ҳаёт,
Дўстларга бой этдинг мени сан.

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИРИКЛИК ҲАҚИДА

Томирингда қонинг юриб турибди,
Демак, тириксан.
Кўксингда юрагинг уриб турибди,
Демак, тириксан.

Оёқ-қўлинг бутун, танинг соппа-соғ,
Иштаҳанг жойида, кайфиятинг чоғ.
Ҳатто катта ишлар келар қўлингдан,
Демак, тириксан!

Бироқ, айт-чи, ошнам, ўзингдан ўзга —
Ёнингда ғам чекса, йигласа бўзлаб.
Юрагинг эзилиб, унга кўнглингдан
Шерикмиксан?

Қувончдан чақнаса дийдасидан ўт,
Сен-чи, сақлайсанми ёнида сукут?
Ёки хандасига дилинг жўрмикан —
Шерикмиксан?

Шерик бўлолмасанг ўзга ғамига,
Бирга кулолмасанг шодон дамида.
Тирикман, дейишда маъно бормикан,
Тирикмиксан?!

1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сен келдинг —
Қучоғимга гўё бахт кулиб келди.
Роса ўн беш кунлик ой тўлиб келди,
Нурга буркамоқ-чун дилим, кулбамни
Қуёшдан бир парча узилиб келди.

Сен кетдинг —
Димоғимда сенинг хуш бўйинг қолди.
Қулоғимда дилдор, шўх куйинг қолди.
Энди келсанг асло кетмагил дея
Дил оҳимда орзунг ва ўйинг қолди.

1970

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁРИНГ БЎЛСА ҲАМШИРА

(Ҳазил аралаш)

Бола боқиш қийин, деган
Гапга ишонманг сира.
Жуда-жуда осон экан
Ёринг бўлса ҳамшира...

Ярим тунда йиғлар бола,
Аскардай шай тураман.
Келинингиз кўкрак солар,
Сўрғичга югураман.

Бола эммай чириллайди,
Сўрғич сўрмай йиғлайди.
Алла айтса биғиллайди,
Юрак-бағрим тиғлайди.

Тоби қочган, ҳукм қилар,
Келинингиз шу онда.
Оталигим ғолиб келар,
Қўл югурар телефонга.

Бувисини тез келинг, деб
Уйимизга чорлайман.
"Скорий"га хабар қилиб,
Йўл бошида пойлайман.

Бир лаҳзада уй тўполон,
Беш-ўн одам овора,
Мен тураман ҳовучлаб жон,
Тузалиб қолса зора.

Қўл-оёғин ечишади,
Тинчир ғавго, йиғи ҳам:
— Касал эмас, дейишади,
Йўргаги бўлибди нам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доктор бизга танбеҳ берар,
Онам қилар насиҳат:
— Гўдак деган шундай бўлар
Қараб туринг, вақт-бевақт.

Эртасига яна шу ҳол
Чириллар нақ тун чоқда.
Уйғонамиз икков дарҳол,
Кечаги гап қулоқда.

"Тоби қочган, йўқса бундай
Йиғламас эди сира!."
Бўлса бордир қайдан билай,
Оналари ҳамшира...

Етиб келар чолу кампир,
Етиб келар врач ҳам.
Қўшнилардан бирови дер:
— Эмизинг-чи, жон болам!

Эмизади. Бир лаҳзада
Тинчиб пиш-пиш ухлайди.
Парвоси йўқ, ким безовта,
Кимлар уни йўқлайди

Доктор йигит жаҳли чиқар
Отамиз насиҳатда:
— Қорни очса бола йиглар,
Эмизинг ҳар соатда.

Энди йиглар бўлса гўё
Тинчитишни биламиз.
Чолу кампир, доктор айтган
Чораларни қиламиз.

На қорни оч, на йўргагин
Нам қилмаган у "баттол".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажбуримиз-да, такрорланар
Кеча тундаги аҳвол.

Чолу кампир ҳозир-нозир,
Шунда таниш врач ҳам.
"Йўргак янги, эммаётир",
Хотиним кўзида нам.

Сўргичдан сув ичиришар,
Бирпасда тинчир бола.
Чанқоқ экан, сезмабмиз-а,
Хижолатдан юз — лола.

Шўрлик доктор зарда қилар,
Онам бўлса насиҳат:
— Бола деган сувсаб турар,
Сув беринглар вақт — бевақт.

Ўн бир ойки, шу алпозда,
Икков бола боқамиз.
Ҳар кечаси қўшниларнинг
Эшигини қоқамиз.

...Қувват бергин, худовандо,
Бахтиёр чол-кампирга.
Невараси йиглаганда
Келиб туришсин бирга.

Сен ҳам соғ бўл, доктор ошнам,
Дарё бўлсин юрагинг...
Уч-тўрт ойда ўглимиз ҳам
Жажжи ука кўради.

1971

www.ziyouz.com kutubxonasi

НЕГА КЕЛДИНГ

Яна нечун келдинг қошимга, дилдор?
Кўз-кўз қилганими тўкин бахтингни?
Ё тўкиб солгани дил ҳасратингни?
Бирга кечган дамлар ё этди хумор?
Яна нечун келдинг қошимга, дилдор?

Маъно уқолмадим ўт нигоҳингдан,
Кўзларингда алам изи бормиди?
Ёки ғолибият ҳисси ёрмиди?
Ёхуд ёнармидинг дуди оҳингдан.
Маъно уқолмадим ўт нигоҳингдан.

Сендан яхшироғин топарман, дединг,
Кетдинг, қулоқ солмай хонишларимга,
Парво ҳам қилмадинг ёнишларимга,
Билмадим, неларни ўйлаган эдинг,
Сендан яхшироғин топарман, девдинг.

Яна қошимдасан, билолмам, лекин,
Ҳамон аввалгидай ёнармикансан?
Ёки ёнганингдан тонармикансан?
Сендан ҳар балони кутмоғим мумкин,
Яна қошимдасан, билолмам, лекин...

Қайтдинг ҳузуримга, билмам, ким бўлиб,
Ўтмишингни эса олганингданми?
Ё икки ўт ичра қолганингданми,
Севгилим бўлибми, ё синглим бўлиб...
Қайтдинг ҳузуримга, билмам, ким бўлиб.

Яна нечун келдинг қошимга, дилдор?

1971

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒИЛГАН ЙИЛИМ

Менинг мучалимни от йили дерлар,
Дерлар: "От бошида кўп бўлар мушкул".
Жангга кетган эди у маҳал эрлар
Ва дадам онамга тутолмаган гул.

Шундоқ, мен туғилган йилим От эди,
Бир отки, бошида тоғдай зил кулфат.
На йил, Ватаниму, элим от эди,
Бошига иш тушган эди ўша пайт.

Халқ сабри тоғ эди, ғамга дош берди,
Урди суворийдай ўзин жанггоҳга.
Сув келса симирди, тошни кемирди,
Ёвни тиқди ўзи қазиган чоҳга.

Нақлларда тарих тажрибаси бор.
Дерлар: "От бошида кўп бўлар кулфат".
Кулфатлар остида бўлмасин деб хор,
Отга битмас қувват бермиш табиат.

Ачинмам от йили туғилганимдан,
Дўстларим, бунинг ҳам бордир лекини:
Ер-кўкни титратсам шод кулганимда,
Отдай кўтаролгум ғамлар юкини.

1972

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎҒЛИМГА

Ўғлим, эндигина бир ёшга тўлдинг,
Лекин ҳукмронсан хонадонимда.
Фарқига бормайсан йиғи, кулгунинг,
Мен ҳам билмас эдим сендай онимда.

Тушунмайсан недир ҳаёт, замона,
Ҳали тўлишмаган мургак ақлинг ҳам,
"Гўдак йиғламаса сут бермас она" —
Англамайсан элнинг доно нақлин ҳам.

Аммо истакларинг бўлгунча бажо
Хонани кўтарар йиғинг овози.
Кўзингда зарра ёш кўрмай, деб асло
Онангу мен бўлгум ҳар ишга рози.

Олдингга уямиз ўйинчоқларни,
От бўлиб кишнаймиз овутмоқ учун.
Неларга ундамас ота-онани
Фарзанд муҳаббатин оташи, кучи.

Амринг ижро этсак ўзингда йўқ шод,
Гунча лабларингда ўйнар табассум.
Кулгингдан хонамиз бўлади обод,
О, ширин гўдаклик —подшолик мавсум!

Майли, йиглаб ҳукминг ўтказгил бугун,
Юпатмоққа келсин дунё қошингга.
Мақсадга осонроқ етишмоқ учун
Йиглаб юрмасанг бас йигит ёшингда.

1972

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁМҒИРДАН СЎНГ

(Манзара)

Ёмғирдан сўнг табиатга боқдим суқли, лол,
Япроқларда иниб қолмиш инжу томчилар.
Мажнунтоллар сочин ювган келинчак мисол
Ёйиб кўм-кўк кокилларин, сувин силқитар.

Сувдан чиққан паҳлавондай адл тераклар,
Дур-қатралар товланади гуллар қатида.
Шўх боладай завққа тўлиб кетар юраклар
Ёмғирдан сўнг илк қуёшнинг саховатидан.

Юзга томган кўз ёш каби ҳар жой, ҳар жойда
Халқоб-халқоб сув безамиш заминнинг юзин.
Йиғлаб-йиғлаб аламидан чиққан гўзалдай
Бутун борлиқ касб айламиш ўзгача ҳусн.

1972

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАМАНГОН ТОНГИ

Тун кулранг этагин йиғиштирмоқда
Асрий чинорларнинг япроқларидан.
Гул атри омухта олма ҳидига,
Тутар йўловчининг димоғларидан.

Айни пишиқчилик, сўритокларда
Олтинранг ҳусайни кўрсатар жамол.
Анвойи нашвати, сархил ноклардан
Бутоқлар эгилмиш гўё мажнунтол.

Ўхшаши топилмас боғкўча кўркин,
Гўё маъмур давр дастурхони бу.
Боғбон қалби каби сахий ва тўкин,
Миришкор меҳнатин чин нишони бу.

Тамбалар олинар дарвозалардан,
Ташриф буюрмоқда ахир қутли тонг.
Тонготар палласи боғкўчаларда,
Гулзорларда бесас ажиб бир оҳанг.

Чилвир сочин бошга чамбарак қилиб
Ҳовли супиришар келинлар, қизлар.
Улкан тандирларга олов ёқилиб.
Нонвой иссиқ нонни, ҳў, боя узган.

Самовар қопқоғи шарақлаб турар
Исроил полвоннинг чойхонасида.
Гузарлар қаймоғу қатиққа тўлар,
Қишлоқлик дўстлардан туҳфа-насиба.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ойнадай ярқирар кенг асфалт
йўллар,
Ҳа, махсус машина сув сепиб ўтган.
Тонг билан Тошкентдан поезд ҳам
келар,
Тонг билан бошланар меҳмондўстлик
ҳам.

Меҳрин қориштириб пок ҳавосига,
Чиройига чирой қўшар Намангон.
Кўзгудир халқининг муддаосига,
Катта тўйхонага ўхшар Намангон.

Қатиқ-қаймоғини, нони, гулини,
Меваси, шеърини қилиб дастурхон.
Шаҳрим кўкси узра қўйиб қўлини
Тонгни қаршилайди, кутади меҳмон.

1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНТЯБР СУБҲИДАМИДА

Сентябр тонгининг шу сўлим пайти,
Онажон — мактабим, сенга интилдим.
Умрим йигирма йил орқага қайтиб,
Етти ёш боладай гул тутиб келдим.

Балки номим айтиб чақирмас биров,
Балки танимассан бу ўглонингни.
Йиллар сочларимга қўндирмиш қиров,
Ҳаёт мендан олур имтиҳонини.

Багрингда "Алифбе" таниган эдим,
Қалбим макон этдинг эзгу тилакка.
Ким бўлдим? Манзурми элга хизматим,
Оташ сололдимми бирор юракка?!

Буларни баҳолар шу заргар халқим,
Мен сенинг қошингда ўша ўглингман.
Етти ёш боладай пок эрур қалбим.
Етти ёш боладай дили чўглингман.

Кел, мени қайтадан ҳузурингга ол,
Етти ёш боладай ўйинқароқман.
Дилда қўшиқларим бир булоқ мисол,
Вафога чанқоқман, ишққа чанқоқман.

Зотан, ким ҳам қонмиш ишқ чашмасидан,
Ундан қанча тотсам, шунча ташнаман.
Бир қалам қошлининг карашмасидан
Узун кечалари шеърга ошнаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша ўғлонингман етти ёшдаги,
Дилимда борини тўкиб солгучи.
Ўша ўғлонингман етти ёшдаги,
Ҳар сўзинг сирғадай тақиб олгучи.
Ўша ўғлонингман юраги олов,
Бировга бошини эгмаган, мағрур.
Ўша ўғлонингман юраги олов,
Кўзларимда ўзинг бахш айлаган нур.

Яна ҳузурингга келдим эгиб бош,
Хизматинг оқлай деб ғайратга тўлиб,
Етти ёш боладай маъсум ва ювош,
Ва ўн етти яшар ўт ошиқ бўлиб
... Етти ёш ўглимни ёнимга олиб.

1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЖАБ...

Инсон тафаккури лол этар мени:
Унинг измидадир табиат, олам.
Қаранг, сўриб олиб илон заҳрини
Ундан кашф этибди бир ноёб малҳам.

Инсон табиати лол этар мени,
Илоннинг заҳридан топару дармон —
Нечун наштар санчиб заҳар тил билан
Баъзан илон ўрнин оларкан инсон?!

1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

БРИГАДИР

Ҳошимхон ака Нажмиддиновга

Йилтироқ каломлар ахтариб,
Ё бўлиб кофия бандаси.
Димиққан хонада сарғариб
Хунобдир шоирлар қанчаси.

Китоблар варақлаб уззу кун
Гўёки ақлингиз чархлайсиз.
Тополмай дурустроқ бир мавзу,
Яна ишқ дардини шарҳлайсиз.

Ёшингиз етса ҳам олтмишга
Қиласиз ошиқлик даъвосин.
Баҳорни таърифлаб қор, қишда,
Бошлайсиз муҳаббат ғавғосин.

Деҳқоннинг бугдойранг юзига
Сиз қиёс ахтарган паллада,
У китоб яратар ўзича
Қуёшнинг тигида-далада.

Чўмилиб сигарет дудига
Газетда босилар шеърингиз.
Ёқдими деҳқоннинг дидига,
Афсуски, билмассиз бирингиз.

Хўп яхши келибсиз биз томон,
Топасиз шеър учун кўп мавзу.
Сиз хаёл айлаган қаҳрамон
Даладан келяпти, ана — у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бизнинг нишондор бригадир,
Ўзбекнинг оддий бир одами.
Ҳаётин сўрсангиз — юзта шеър,
Қайларга етмаган қадами.

Урушда қатнашган қон кечиб,
Волгани қилган у ҳимоя.
Ўлмаслик ҳақида онт ичиб,
Музаффар қайтганди, ниҳоят.

Жанггоҳдан қайтди-ю, танкидан
Ўлтирди трактор рулига.
Аскардай шижоат қалбида,
Тош ҳам гул бўлади қўлида.

Жангдаги мардлиги бир достон,
Унисин қўяйлик, хайр, майли.
Ер очиб, адирга берди жон
Шуни бир шеър қилинг, оғайни.

Меҳнатга бахш этган бор меҳрин,
Тупроқни жонидай ардоқлар.
Сув қилиб ичворган ер сирин,
Эргашар унга кўп ўртоқлар.

Жангчи-да, туради бир сўзда
Палагда бўлмаган ваъдаси.
Шу боис юз ёруғ ҳар кузда
Мўлжалдан ортади пахтаси.

Бугун ҳам пахтазор бағрида
Қалбида эртанинг ташвиши.
Кечса ҳам оромнинг баҳридан —
Лафзидан кечмайди эр киши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пайкални табибдай оралар,
Ҳар ниҳол, ҳар кўсак ҳисобда.
Керакми эҳтиёт чоралар,
Ғўзалар қонганми офтобга?

Сувчилар маошин олдими?
(Ғайрат ҳам боғлиқ-да ақчага!)
Ғўдаклар кўникиб қолдими,
Шийпонда созланган боғчага?

Бошида ҳамиша минг хил ўй,
Писандмас ёндирса саратон,
Ўзини ўйласа, ҳойнаҳой,
Жангда ҳам ютқазар қўмондон.

Шу важдан ошиқлар олчидир,
Ваъдамиз ўринлар муттасил.
Бошлиққа жуда ҳам ёлчидик,
Ҳа, мана йигирма етти йил.

Айб эмас бўлмаса сўзамол,
Кўксига муштлашни билмаса.
Мухбирлар ёғдирса дўл савол
Жавобин дўндириб қилмаса?

Ўзини тутмангу сўроққа,
Биз билан гаплашинг биродар.
Шу катта колхозда, қишлоқда
Гапимни тасдиқлар ҳар одам.

Бор гап шу,
Қаҳрамон атаманг.
Фазога етмаган қадами.
Пахтазор ичида "атаман"
Ўзбекнинг оддий бир одами.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соддадир ҳақиқат мисоли,
Машаққат сингари ҳалолдир.
Деҳқоннинг оддий бир тимсоли
На илҳом, на ширин хаёлдир.

Шуни бир шеър қилинг, илтимос,
Мухбирдай шарҳламанг рақамни.
Йилтироқ бўлмасин,
Рўйирост
Кўрсатинг меҳнаткаш одамни.

1973

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ШЕЪР

Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър,
Унга тўкмоқчиман қалбимнинг қўрин.
Унга тўкмоқчиман кўзларим нурин,
Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър.

Шундай шеър ёзайки, акс этсин умрим:
Тундай сокин бўлсин, дарёдай тошқин.
Тўфондай сершовқин, вулқондай жўшқин,
Шундай шеър ёзайки, акс этсин умрим.

Унда кўзгу мисол кўриниб турсин:
Менинг яхшилигу ёмонликларим.
Озроқ билимиму нодонликларим,
Унда кўзгу мисол кўриниб турсин.

Ҳар бир мисрасида муҳаббат жўшсин:
Мартенда қайнаган пўлат тафтига,
Деҳқоннинг минг чизиқ бўлган кафтига,
Ҳар бир мисрасида муҳаббат жўшсин.

Олов пуркаб турсин ҳар битта сўзи,
Эритсин тош бўлиб қотган дилларни,
Дўстликка ўргатсин барча тилларни,
Олов пуркаб турсин ҳар битта сўзи.

Майли, ғадир-будур бўлсин ҳижоси,
Зинҳор ўхшамасин панду ўгитга,
Ё тилла тиш қўйган силлиқ йигитга,
Майли ғадир-будур бўлсин ҳижоси.

Ҳарфлари уфурсин асрим нафасин,
Курашга ундасин ҳар тирик жонни,
Қуёшга тенг этсин азиз инсонни,
Ҳарфлари уфурсин асрим нафасин.

Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър,
Ўша шеърни истаб келдим дунёга.

1974

www.ziyouz.com kutubxonasi

РИВОЯТ

Бу ҳудудсиз оламда ёлғизликдан зерикиб,
Бир тонг одам яратмоқ режасин тузмиш худо.
Ва бир уюм тупроқни оёқ остига тўкиб,
Одам лойини қориб, пишитиб эзмиш худо.

Кейин таҳорат олиб, завқу ҳафсала билан
Бор санъатин ишлатиб тушмиш одам ясашга,
Ўз ишидан қувониб, қўшиқни қўйиб баланд,
Лак-лак жуссани тизмиш кечгача гўё лашкар.

Қош қорайгач, боқсаки, қолибди бир сиқим лой,
Ўзи ҳам кўп толиққан, бошқа лой қормоқ малол.
Бир сиқимгина лойдан одам ясаб бўлмагай,
Кўзи қиймас ташлашга, одамнинг лойи, увол.

Роса боши қотибди шўрлик ҳорғин худонинг,
Хаёл билан бир нарса ясаб қўйибди қушдай.
Ичини ғовак қилиб, тешиб икки томонин,
Пуфлаб кўрса чиқармиш ажойиб бир сас —
ҳуштак.

Эртасига тонг билан жон улашибди худо,
Ҳуштакка жон беришга асло йўқ эмиш асос.
Жон берса ақлу ризқ ҳам лозимдир этмоқ ато,
Гарчи одам лойидан, лек ўзи одам эмас.

Сўнг бериб одамларга пуфлатиб кўрмиш бир-бир,
Бир лаҳзада қўлма-қўл бўлиб кетмиш бу эрмак.
Ким қаттиқроқ пуфласа, қаттиқроқ қилар
"чир-чир",
Худо хулоса қилмиш: Жон зарур эмас, демак!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, ризқ ҳам керакмас, ичига
пуфлаб турсанг,
Тириклиги ўтади бировларнинг дамидан.
Ақл ҳам ҳожат эмас, ким қайси
томон бурса,
Ўша томонга юрар, билмас недир қувонч,
ғам.

Шу йўсинда ташвишдан қутулибди худо
ҳам,
Одамлар орасида қолиб кетибди ҳуштак.
Ўзгалар дами билан чинқирганларни
кўрсам,
Беихтиёр ёдимга тушиб кетар шу эртак.

1974

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНА ҚЎЛЛАРИ

Кўксига сиғмасдан қувончи,
Қийқириб эмаклар хонада.
Болакай оёққа турмоқчи,
Талпиниб ёлворар онага.

Завқланиб гўдагин кузатар:
Журъат йўқ, бўлса-да дармони.
Онажон қўлини узатар,
Оёққа турмоқчи ўғлони.

Тирмашиб онанинг қўлига,
Топади журъат ҳам, нажот ҳам.
Бир олам бахш этар ўғлига,
Қўлида парвозга қанот ҳам.

Оҳ, она, қўлларинг бўлмаса,
Оёққа туролмас ўғлонинг.
Ўғлонлар оёққа турмаса,
Ҳоли вой бўларди дунёнинг.

1975

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШИРМОНОЙ

(Ширмоной Мирсултонова хотирасига)

"...Ширмон дея, Ширмон дея
Куйлаб ва қилиб лол,
Келтирди хушон йўллари,
Тўхтанг, менга навбат".

Туроб Тўла

Ўша қўшиқ янграмоқда
Юрагимни ёндириб,
Раққосалар хиром айлар
Кўзларимни тиндириб,
Вужудимни сув-сув этиб,
Ўзлигимдан тондириб,
Қўшиқ бўлиб қалбим аро
Оқиб кирар Ширмоной.

Шоирларнинг орзусида
Кезган нодир китобдай,
Минг китобга мавзу бўлган
Ўша мақтовбоп Попдай,
Ерга сиғмай кенг самога
Парвоз қилган офтобдай,
Нурга тўлиб, ял-ял ёниб,
Кулиб турар Ширмоной.

Илк ишқига гувоҳ бўлмиш
Сўнгсиз пахтазор ичра,
Пахтазорда жавлон урган
Не-не гулрухсор ичра,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулрухсорлар маскани шул
Пахтакор диёр ичра,
Оташ ишқу оташ меҳнат
Завқин сурар Ширмоной.
Туғилди-ю Она-ерга
Ошиқ бўлиб яшади.
Илҳом бўлиб, ғазал бўлиб,
Қўшиқ бўлиб яшади.
Сирдарёдай тез оқди-ю,
Жўшиб, тўлиб яшади,
Эзгуликнинг тимсолидай
Умр кўрар Ширмоной.

Она юртим, пок меҳрингга
Қониб ўлсам розийдим,
Тутаб ўтган тунд умрдан
Тониб ўлсам розийдим,
Ўз қалбимнинг ёлқинидан
Ёниб ўлсам розийдим,
Ёниб яшаб, ёниб ўлмоқ
Дарсин берар Ширмоной.

1975

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Леся Украинкадан)

Тунда қабристондан қўрқар одамлар.
Қўрқинчли афсона, босинқирашдан.
Ҳатто кундузлари тобут, инграшдан,
Оҳ-зордан даҳшатга тушар одамлар.

Мен бундай ҳоллардан қўрқмайман ҳеч ҳам,
Фақат маъюсгина ташлайман назар.
Тунда қабристондан йўл олар бўлсам
Меҳрибонлар руҳи кузатиб қолар.

Улардан қўрқмайман.
Ғам-ҳасрат билан
Силашдан толмайман қабрлар тошин,
Азизларни мангу ҳижрон дунёсидан
Кошки қайтаришнинг бўлса иложи.

Қувноқ хотиралар тикланар, бироқ,
Соқов қабрларнинг сукути оғир.
Улар баён этмас қаърига олган
Қиёмат даҳшатин биздан тутиб сир.

Қўрқмайман — қабрлар сокин ётишар,
Ором ва уйқусин бузмайлик асло.
Севги, ўй, туйғумиз кўммоқчи бўлган —
Жонли қабрлардан қўрқаман танҳо.

Мен сиздан қўрқаман, дўстин сотганлар!
На таъна тошига тўлган сўзлардан,
Ва на қўрқитишдан чўчимам фақат,
Қўрқаман жодули сизнинг кўзлардан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Даҳшат туюлади сизнинг
мулойим —
Ширин сўзларингиз, кулган чеҳрангиз.
Мен улардан уқиб оламан доим
Қалбга нималарни яширгансиз сиз.

Юзингизда сўнган орзу-умидлар,
Алданган севгини кўраман ҳар гал.
Ўлик қалбингиздан шарпа чиққан он,
Музлаб қолар гўё томирларда қон.

Марҳумлар — сукутда. Бузмайлик асло,
Жонли гўрларгина чиқарар овоз.
Тунда қабристондан қўрқмайман, аммо,
Кундуз ҳам шу сасдан қўрқаман, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНА ОСТОНАНГДА

Яна остонангда турибман дўстим,
Ёруг ният билан,
Ёниқ дил билан.
Ўз боғимдан узган даста гул билан,
(Бу гулларни атай сен учун уздим.)
Яна остонангда турибман, дўстим.

Биламан,
Меҳмонга дарвозанг очиқ,
Ҳамиша мунтазир сахий дастурхон:
Кулган чеҳранг каби иссиқ ширмой нон —
Дилдаги меҳрингдай ноз-неъмат сочиқ,
Биламан, меҳмонга дарвозанг очиқ.

Аммо дилда жиндак ҳаяжон, ғулув:
Бир дам суҳбатингга ярармиканман,
Ё вақтинг беҳуда олармиканман
Манзур бўлармикин келтирган гулим,
Юрагимда жиндак ҳаяжон, ғулув.

Кошкийди, бир нафас бўлсам дилкашинг,
Бир пиёла чойинг қадрин оқлолсам,
Кутилган меҳмондай иззат сақлолсам,
Хуморинг ёзолсам,
Тарқатсам ғашинг,
Кошкийди бир нафас бўлсам дилкашинг.

Яна остонангда турибман, дўстим,
Юрагимда жиндак ҳаяжон, ғулув.

1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАНГЛАР

Рассом Муталлиб Аббосовга

Ранглардан иборат бу жаҳон,
Ранглардан иборат бу ҳаёт.
Ранглардан иборат ҳар инсон,
Ранглардан иборат коинот.

Анвойи бўёқлар бўлмаса,
Ловуллаб, товланиб кулмаса,
Ранглардан дил завққа тўлмаса,
Ҳаётда бўлмасди зарра тот.

Ҳаётдир, курашдир бу ранглар,
Рангларда минг бир хил оҳанглар,
Гоҳ қувноқ, гоҳ ҳазин жаранглар,
Гоҳ кулар, гоҳ чекар оҳ фарёд.

Бўёқлар тилини билсайдим,
Минг рангни дилдан ҳис қилсайдим.
Ҳеч кимдан, ҳеч ерда, ҳеч пайти,
Кутмасдим ҳеч қандай илтифот.

1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР ВА ШЕЪР

Юксак минбарлардан йўқдир илинжим,
Кўкракка муштламоқ бемаъни одат.
Тунлар шуҳрат дарди олмайди тинчим,
Шеър ишқида ёнмоқ — мангу саодат.

Бир мисра дардида мижжа қоқмасдан,
Узун кечаларни улагум тонгга.
Бир мисра дардида бағрим ёқмасам,
Шеърим янгратмаса қалбим оҳангин —

Дўстларим, шоирлик даъвоси бекор,
Бекордир минбардан омад кўзлашим.
Шеъри тўғрисида шоирмас, зинҳор,
Шоир тўғрисида шеъри сўзласин.

1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИПАК МАВСУМИ

Ўттиз хил ташвиши бор
Ўттиз кунлик мавсум бу,
Тариқдай ипак қуртга
Боғлаб дунёча орзу,
Бутун оламни ўйлаб
Шоир каби беуйқу,
Хаёлида бокира
Қизлар кезишар балким,
Бари атлас киймоғин
Истар пиллакор халқим.

Уй тўрига меҳмонни
Олган танти мезбондай,
Заҳматкаш қурти уйда,
Бола-чақа айвонда,
Оромини унутиб
Сергак туриб посбондай
Ҳотамча ҳимматидан
Нурга тўлдириб қалбим,
Ипак ишқида ёнур
Менинг пиллакор халқим.

Ошпичоқни қистириб
Белга тонготар маҳал,
Барг дардида йўл олур
Тутзор томонга жадал,
Не тонг, жондош дўстлар ҳам
Барг деб қизаришса сал,
Буюк мақсад йўлида
Бир-бирин кечирмас ким?!
Буюкликка дахлдор
Менинг пиллакор халқим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нонушта ё тушликка
Гоҳо вақт бўлмаса ҳам,
Уйдаги ҳеч бир жонда
Ҳаловат бўлмаса ҳам,
Пилласи бўлмасин кам,
Тароват бўлмасин кам,
Гўзалликка ташналик
Қалбида мангу ҳоким,
Менинг Ўзбекистоним —
Менинг пиллакор халқим.

Кўздан қочган уйқулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Тонгдай шаффоф туйғулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Меҳнатлару орзулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Дағал қўллар заҳмати
Этгай уни мулойим
Ва жамлагай ипакка
Республикам чиройин.

Баҳор каби сержило
Қуёш рангли атласда,
Товланишган қизларга
Кўзлар боқса ҳавасда,
Бу мўъжиза соҳибин
Бўлурму куйламасдан,
Лойиқдир унга эъзоз,
Лойиқдир унга таъзим,
Бу — сен, менинг диёрим —
Менинг пиллакор халқим.

1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЮКЛИК

Туроб Тўлага

Тоғлар қаршисида лол қоламан мен,
Тоғлар салобати босибми?
Чўққига бир боқиб тин оламан мен,
Таъзим билан эгиб бошимни...
Мени мафтун этар тоғлар бардоши,
Мангу сукунати биланми?..
Гарчи асрларнинг тенгдош, сирдоши,
Улуғворлик даъво қиларми?..
Гарчи маъданларни сақлар бағрида,
Аммо хокисорлик одати.
Дардлар тўлиб кетган қаъри-қаърида
Яна дардларингга қулоқ солади.
Нотанти табиат оқсоч бошида
Неча бор чақмади чақинлар.
Ваҳима келтириб гоҳ-гоҳ қошига
Момақалдироқлар тақиллар.
Даҳшат солмоқ бўлиб довуллар увлар,
Эзиб ташлаш истар ёмғир, қор.
Қанча кўп офатга у дучор бўлар,
Шунчалик касб этар улуглик, виқор.
Мағрур аташади тоғларни, ажаб,
Унинг мағрурлиги нимада?
Мағрур бўлса бузиб ҳар ишга асаб,
Сурон солмасмиди?
Ахир бир тўлганса бутун дунёни
Ларзага келтирур муқаррар.
Хокисорлигидан турли балони
Кузатар бўлиб гунг ва кар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундоқ, қиёси йўқ
Бардоши билан,
Хокисорлиги-ю
Чўнг ёши билан.
Бутун салобати,
Сукунати-ла
Ахир тоғ, тоғ-да!
Ундан шу хислатни
Ўргангум келар
Гоҳ кимсалар зимдан
Тош отган чоғда.

1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУЁШ

Гарчи коинотда боқийдир қуёш,
Унга бегонадир кексайиш, ўлим.
Аммо оқшом чоғи уфққа қўяр бош,
Бир куни ўтгандан бағри қон бўлиб.

1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИДАГИ ЎЙЛАР

Биз вақтли меҳмонмиз боқий дунёда,
Умр мангуликни қилмагай даъво.
Ҳар гал янги йилни кутган аснода,
Қисқа умримизга тилаймиз маъно.

Висолга ошиққан ошиқ мисоли,
Бугун янги йилга интиқмиз яна.
Эзгу ният билан дастурхон солиб,
Дўстларни чорламоқ асрий анъана.

Янги йил оқшоми орзулар қат-қат,
Янги парвозларга қанот тилаймиз.
Янги йилдан кутиб янги бахт, омад,
Ғовлардан ўтишга нажот тилаймиз.

Қизиқ туюлади гоҳо бу ҳаёт,
Лолман ҳар нарсага қодир инсондан.
Нечун янги йилдан кутар илтифот
Меҳмоннинг қўлига боққан мезбондай.

Янги йил кирмоқда қопқамиз қоқиб,
Чақалоқдай маъсум, чақалоқдай пок,
Қадрдон дўстлардай кўнгилга яқин,
Қалби гард қўнмаган мусаффо ва оқ.

Бизга не келтирур ҳали муаммо,
Аммо кутиб келур биздан илтифот.
Биз ундан кутамиз умрга маъно,
У биздан тилайди мазмунли ҳаёт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Омухта бўлса гар мардлик ва ҳиммат,
Вафо била севги юрса эгизак.
Дилларда жўш урса меҳр, саховат,
Янги йил умрига бўлажак безак.

Қонларда кўпириб яратиш ишқи,
Боглар барпо қилсак, шаҳарлар қурсак.
Эзгу бўлса шоир, ҳофизлар машқи,
Янги йил умрига бўлажак безак.

Дунё қафас бўлса бадниятларга,
Разолат томирин мангуга кессак.
Мардона қўл чўзсак машаққатларга
Янги йил умрига бўлажак безак.

Қалқиган дунёнинг оромин сақлаб,
Уруш истовчилар багрини эзсак.
Гўдак янги йилнинг умидин оқлаб,
Биз унинг умрига берурмиз безак.

Мардлик муносибдир мард замонага,
Меҳмоннинг қўлига боқмас мард инсон,
Кутар чақалоқдай йил остонада,
Уни безатишни ўйлайлик бу он!

Бу боқий дунёда биз гарчи меҳмон,
Янги йиллар учун мезбонмиз, мезбон.

1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАМАНГОН УЧУН

Кўкка кўтармадим
Мен сени мақтаб,
Қушиқлар битмадим шаънингга.
Багринг тарк этмадим
Мисоли Машраб,
Сингиб кетдим жисму жонингга.

Менсиз ҳам аёндир
Элда шавкатинг,
Зарурмас мадҳия битмоғим.
Оламга ёяй деб
Шону шуҳратинг
Шартми пойтахтларга кетмоғим?!

Олисларда юриб
Қўмсаб, соғиниб,
Шаънингга ёзмасдан қасида.
Ўзинг бахш айлаган
Қалбим чўғини
Хизматингга қилдим бахшида.

Сенинг фарзандингман,
Саодатим — шу!
Демасман, Сен ё мен — ягона.
Овоза этмасман,
Севгим ва туйгум
Муҳтож эмас мақтовга, она!

1977

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАМНИНГ НАЗДИДА

Онамнинг наздида боламан ҳамон,
Эркалаб мош-гуруч бошимни силар.
Тегиб кетмасин деб бемаврид шамол,
Эрта-кеч дуои жонимни қилар.

Мунис кўзларида беназир меҳр,
Бўй-бастимга боқиб қувончи олам.
Ишга кузатаркан ташвиш билан дер:
Эҳтиёт бўлиб юр кўчада, болам!

Кўча — тасодифга тўла бир дунё,
Яъни остонангдан бошланган ҳаёт.
Тўлқинига олар мисоли дарё,
Синовдан ўтади матонат, сабот.

Осонмас кўксингни тўлқинга тутмоқ,
Бардошинг етмаса ғарқ бўлишинг бор.
Онамга аёндир балки бу жумбоқ,
Балки...
Бу кўчада топгандир озор.

Бир маромда юрмас бу дарё кўча,
Ҳамма ҳам манзилга интилар илдам.
Тезроқ етмоқ учун ҳовлиққанича,
Ўзгаларни туртиб ўтар бир одам.

Бошқаси одилу саховатпеша
Қўлтиқлаб боради сўлу соғини.
Лой сачратиб кетар бир беандиша,
Юволмай юрасан кейин доғини.

Ҳазир бўладиган қийин муаммо,
Ўз йўлингдан тинчроқ бориб-келиш ҳам.
Шу боис қошига қайтгунимча то,
Жон ҳовучлаб турар бечора онам.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАСАДГЎЙЛАР

Дўстлар, осон тутманг ҳасадгўйларга,
Сиздан топиб бўлмас шунча бардошни.
Маҳалла сафида борса тўйларга,
Улар ош ўрнида чайнашар тошни.

Хушнуд чеҳрангизда кўрса табассум,
Қовоғи солиниб бўзарар ранги.
Юраги эзилиб, туюлар машъум
Қўшни боғдан келса қўшиқ оҳанги.

Сиз янги либосда бўлсангиз пайдо,
Ўз кийими қисар ўз баданини.
Сиз гўзал ҳаётга боқсангиз шайдо,
Янтоқзордай кўрар гул, чаманини.

Ширин сўзингиз-ку дардларга даво,
Уларга наштардай ботса, не ажаб?!
Сизга рўшноликни кўрмасдан раво,
Зулматда яшарлар бад ният сабаб.

Беҳуда койинманг улардан безиб,
Бекорга ранглари бўлмаган заҳил.
Осонми, ўз қалбин анордай эзиб,
Ўзини пармалаб яшамоқ, ахир...

Дўстлар, осон тутманг ҳасадгўйларга.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛАРИМНИНГ КИТОБЛАРИ

Дўстларимнинг китоблари —
Жажжи-жажжи китоблар,
Устозларнинг девонлари
Қаршисида бир мургак.
Бамисоли қатраларда
Акс айлаган офтоблар,
Ҳар бирида эртанги кун
Ишқи ёнган бир юрак.
Ҳар бирида мавж уради
Илк севгидай соф туйғу,
Ҳар биридан туяман мен
Илк кўкламнинг нафасин,
Чақалоқнинг кулгусидек
Беозор, маъсум кулгу,
Денгизларга шошаётган
Ирмоқларнинг шўх сасин,
Мен уларда тонгдай шаффоф
Орзуларни кўраман,
Катта йўлнинг бошидаги
Мақсади чўнг карвонлар.
Йўл бошида лаҳзагина
Ширин суҳбат қураман,
Ниятлар соф, демак, асло
Писанд эмас довонлар.
Ниятларда шуълаланар
Бир қуёший тиниқлик,
Даҳоларга дилдан таъзим,
Устозларга эҳтиром.
Она халқнинг оташ меҳри
Бахш айлаган илиқлик,
Туғилажак авлодларга
Баҳорий дилдан салом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўстларимнинг китоблари —
Митти-митти китоблар,
Атак-чечак бўлаётган
Гудаклардай ҳузурбахш.
Жажжигина юраклардан
Отилган илк хитоблар,
Тўнғич фарзанд бахш айлаган
Қувонч, лаззат, ҳузур, бахт.
Улар гуё илк парвозга
Қанот ёйган полапон,
Ҳа, уларни чорламоқда
Нурли чўққи — келажак.
Ҳар бирига мўъжизадай
Суқли назар соламан,
Дўстларимнинг китоблари
Жавонимга нур, безак.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

АРМОН

Отам Исматулла Юсупов хотирасига

Довул урган боғ каби
Уйим ҳувиллаб қолди.
Орзуларга лиммо-лим
Ўйим ҳувиллаб қолди.
Тўйхона эрди кулбам,
Тўйим ҳувиллаб қолди,
Гўёки тор узилди,
Куйим ҳувиллаб қолди,
Сизни тупроқ қаърига
Қўйган ондан, отажон!

Олти ойки армонли
Қалбим унсиз бўзлагай,
Шаҳар кезсам нигоҳим
Бастингизни излагай,
Фаромуш ҳолатимни
Биров сезгай, сезмагай,
Гарчи фарёдлар уриб,
Кўзимдан қон сизмагай,
Куйган ахир йиглолмас
Ёнгай жондан, отажон!

Мен бир шаҳид жангчидан,
Танҳо ёдгор эдим-ку,
Ота эркалашига ташна,
Абгор эдим-ку,
Меҳру мурувватингиз
Туфайли бор эдим-ку,
Нонсиз қолмасдим, аммо
Меҳрга зор эдим-ку,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наҳот, айрилдим энди
Меҳрдан ҳам, отажон!
Ёлғизлигим сездирмай
Суянган тоғим бўлиб,
Ўксиклигим сездирмай
Гул очган боғим бўлиб,
Ҳасратли дамларимда
Дардкаш, ўртоғим бўлиб,
Уйдаги илк сўроқчим,
Ҳам илк сўроғим бўлиб,
Қувонч ғамни кўрардик
Бирга баҳам, отажон!

Оқшомлар ишдан қайтсам,
Ўрнингиз бўшлигида,
Ўғлим Раҳматуллонинг
Соғинчи, ғашлигида,
Рўзғорнинг мен билмаган
Минг бир хил ташвишида,
Бир дардим мингта бўлиб,
Бағрим тилкалашида,
Кундан-кун билинмоқда
Қадрингиз, отажоним!

Бир дардим етмасмиди,
Найлайки, абгор қолдим,
Фарзандларим бобосиз,
Боз отага зор қолдим,
Наҳот, икки отадан
Мен ёлғиз ёдгор қолдим,
Икки тоғни кўтарган
Қалбим мисли нор қолдим.
Каъбамга айланди-ку
Қабрингиз, отажоним.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Не тонг икки ўт ичра
Ёна-ёна кул бўлсам,
Икки мотам тоғини
Кўтаролган фил бўлсам,
Отам руҳига содиқ,
Сизга чин ўғил бўлсам,
Ёниқ қалб-ла элимнинг
Ишида машғул бўлсам,
Номингизни кўтарсам
Юксакка, отажоним,
Таскин бўларми ўксик
Юракка, отажоним.
... Довул урган боғ каби
Уйим ҳувиллаб қолди.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ГЎЗАЛГА

Малоҳат бобида танҳосан, санам,
Бир кўрган бўлгуси ҳуснинг мафтуни.
Афсуски, ўзинг ҳам биласан буни,
Шундадир бахтинг ҳам,
Бахтсизлигинг ҳам.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАҚТОВЛАР

Мақтовлар ўхшайди алдоққа,
Ҳушёр бўл улардан, биродар.
Тўлдириб қўйининг пуч ёнғоққа,
Сўндирар ғайрату ироданг.
Гарчи сен қатрасан, келса гал,
Ўхшатиб қўйишар дарёга.
Айт-чи, ким бахт топмиш, қай маҳал
Ишониб беҳуда рўёга?
Заминдай зил юкни кўтармоқ,
Эҳтимол, келардир қўлингдан.
Мақтовлар остида қолсанг, оҳ,
Тоймоғинг муқаррар йўлингдан.
Тарихга кўрк бўлган буюклар
Юрганлар мақтовдан юксакда.
Мақтовга қул бўлган шўрликлар
Айланган олтиндан кесакка.
Мақтовлар ўхшайди алдоққа,
Алданиб қолмайлик, биродар.
Алданиб ўзини чироққа
Урган у парвона,
Биз — одам.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЁВЛАР

Куёвларни сийлаганмиш пайғамбарлар,
Уй тўрига олинади келса куёв.
Қайноналар елиб-елиб қанд чой дамлар,
Қайноталар кўрсатишар эъзоз, сийлов.

Қизингизни "ёр-ёр" билан олиб кетиб,
Дилда қўзғаб чин ўғиллик туйғусини.
Севгисидан, меҳнатидан бахт бахш этиб,
Ушатар у қизингизнинг орзусини.

Бундай куёв муносибдир ҳар иззатга,
Чунки у — эр, ота ўғли, вафодор ёр.
Муқаддас деб қарар номус, ориятга
Қайнотага юк бўлишдан қилади ор.

У бир таянч қайнотага, қайнонага,
Хотин учун кутилган бахт, суянчиқ тоғ.
Мағрур куёв орзу ҳар қиз, ҳар онага,
Ғурурсизлар куёвликка туширгай доғ.

Ундайларга хотин — ҳасса, турмуш зина,
Оёқости поёндоздир нафсоний.
Оёқ тираб қайнотанинг сийнасига
Юксакроқ бир мартабани қилар ний.

Куёвларни сийлаш удум, илож қанча?!
Қайноталар елка тутар погонадай.
Аста-аста баландроққа илашганча,
Умр кўрар ширин тушдай, афсонадай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Турмуш қуриб бахтин топмоқ
қизларга эш,
Ёрга иқбол ҳадя қилмоқ — йигит шаъни.
Уйланишга этиб бахту омадни пеш,
Давлат топган йигитликда йўқдир маъни.

Ота-она қиз чиқарар қўшиб мулкин,
Эъзозда ўз аравасин тортган куёв.
Қайнотага ортиб қўйиб умр юкин,
Шерман дея гердайганлар асли қуён.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАШРАБ

Уни ўзи туғиб,
Сўнг ўз кашфидан
Ёқа ушлаб қолмиш табиат — она.
Битта юрак ичра топмишди маскан
Бир шоҳу
Бир шоир
Ва бир девона.

Оташ нафасидан ларзага келиб,
Уни дорга илди машъум замона.
Замона устидан ҳукмдай бўлиб,
Мангу янграб қолди ўтли тарона.

1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Илҳом оғушида маст бўлсам гоҳо,
Ўғлим қаламимни олиб қочади.
Қаламим учига илганча гўё
Ранжу аламимни олиб қочади.

Болалик аталган беғубор дунё
Дардли оламимни олиб қочади.
Менга шўхлигини қолдириб танҳо,
Ташвишу ғамимни олиб қочади.

Ёниқ ҳисларимни қўяр жиловлаб,
Мени олиб чиқар сирли дунёдан.
Қиқирлаб чопади,
Етолмам қувлаб,
Қувлаб,
Болаликка етолмас одам.

Майли етолмасам...
Менда не армон,
Ўғлим олиб кетса мендан қаламни.
Болалик олмаса кимга тутарман
Тақдири қаламга боғлиқ оламни?!

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАРИФАНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Маҳалламнинг кўрки, дилбари,
Зарифахон,
Зарифа пари,
Кўчамиздан ўтсанг саллона
Бир тўхталиб...
Боқар ёш, қари.

Ўн олтига тўлибсан бугун
Тўлин ойдан кулибсан бугун,
Табассуминг ёнган чеҳрангга
Ранжу ташвиш солмасин тугун.

Шу тароват мангу ёр бўлсин,
Бахтинг топки,
Барқарор бўлсин.
Юзга киргин,
Ўша ёшда ҳам
Бир кўришга ҳамма зор бўлсин.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕНИНГ ИЗЛАГАНИМ

Агар сен бўлмасанг, бўлмасдим мен ҳам,
Асли туғилганман сен учун, эркам.

Туғилган онимдан сени изладим,
Сени топмоқ бўлди умрдан маъно.
Беқарор ел каби излаб, бўзладим,
Излаб, бетин кездим мисоли дарё.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки — ишқу вафо, гўзаллик, ашъор.
Сенки — дил дардимга ягона даво,
Ёлгиз ҳасраткашим, мунисим, дилдор.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки — юрагимни қиздирган қуёш.
Сенки — дилдан оққан нолаю наво,
Лабимдаги кулгу,
Кўзимдаги ёш.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки — ишқ аталмиш қудрат ва туйғу.
Сенки — ҳижронларга айлаб мубтало,
Тунлар кипригимдан қочган шўх уйқу.

Мен излаган гавҳар сен эдинг танҳо,
Тошга қоқилтирди йўлда бу ҳаёт.
Неча бор ёнингдан ўтиб бепарво,
Сенсиз қолишимга оз қолди, ҳайҳот!

Менинг излаганим ўзингсан танҳо,
Аё, дил мулкимда ноёб гавҳарим.
Кўплар сен бўлмоқчи бўлишар, аммо —
Мен топиб оламан сени ахтариб...

Агар сен бўлмасанг, бўлмасдим мен ҳам,
Асли туғилганман сен учун, эркам.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЛАҲЗА

Мунча гўзаллар кўп бу анжуманда,
Тароват базмига чиққанми қизлар?!
Турфа гулларга бой ушбу чаманда
Ташна нигоҳим бир раънони излар.

... Файз йўқолиб борур бу анжумандан,
Кўзимга тушмагач жонбахш кўзларинг.
Гуллар хазон бўлиб қолди чамамда,
Моҳим, кўринмагач порлоқ юзларинг.

Шукр, бу кўргулик бир лаҳза, холос,
Ихтиёр этмабсан бир анжуманим,
Хазон бўлар экан умрим рўйи-рост,
Мангу безатмасанг қалбим чаманин.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАВОБ

Рашкини қўзғабми санамлар шаъни,
Ва севги мадҳига битганим ашъор.
— Менга бағишлаган шеърингиз қани?
Ноз билан сўроққа тутади дилдор.

— Сенга шайдолигим ўзи бир ғазал,
Сенинг ҳар мақоминг менинг шеъримдир.
Ҳаётим нур билан буркаган гўзал,
Сенга бағишлаган шеърим — умримдир.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бизни чорраҳада учратди ҳаёт,
Гарчи бошқа-бошқа эди йўлимиз.
Аммо ташна кўзлар тўқнашган заҳот
Бир нафас ларзага тушди дилимиз.

Менинг йўлим чексиз, кенг ҳамда узоқ,
Қисқа, тор экан сен боражак йўллар.
Сени ўз йўлимга бошладим, бироқ
Бир дамда айрилди қовушган қўллар.

Мана, кетяпман йўлимда ҳануз,
Сени дил қумсайди тунд кечаларда.
Ҳамроҳ бўлолмадинг, чекаман афсус,
Қолдинг-а боши берк, тор кўчаларда.

Бизни чорраҳада учратди ҳаёт.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕНГИЗДАГИ СУҲБАТ

(Бўлган воқеа)

Қайси бир йил чет элларни
Қилмоқ учун саёҳат
Отланишди Ғафур Ғулом,
Ойбек ва Акмал Пўлат.

Қанча йўлни машинада,
Қанча йўлни поездда,
Ўтгач, сафар давом этди
Пароходда — денгизда.

Тўлқинларнинг кўксин ёриб
Кема кетиб боради.
Неча кунки кўринмайди
Сўнгсиз уммон сарҳади.

Йўл ҳамон сув...
Тўрт томон сув,
Ойбек домла ҳайратда.
Тугаб қолар экан мавзу
Олис йўлда суҳбатга.

Ғафур ака завқи тошиб
Деразадан қарайди.
Енгил шамол тўлқин ёлин
Эркалатиб тарайди...

Акмал ака бўлмоқ учун
Улкан шоир хаёлин
Ҳазил билан бериб қолар
Тасодифий саволин:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Челак бериб шу денгизни
Бўшат, деса, борди-ю,
Ғафур ака, неча челак
Чиқаркин-а бунда сув?

Ғафур ака қувлик қилиб
Сувга назар ташлайди.
Ўйлагандай лаҳзагина
Манглайини қашлайди.

Сўнг салмоқлаб жавоб берар
Асло бузмай пинагин:
— Бир челак-да... Шу денгиздай
Бўлса агар челагинг.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЗИЛ

Ўзим сени мақтаб-мақтаб юксакларга кўтардим,
Энди ўзим у чўққига ета олмай доғдаман.
Гоҳо —гоҳо ёнгинамга тушарсан, деб кутардим,
Ўз-ўзимни койиб юргум тушмаганинг чоғда ман.

Мен чўққига кўтаргандим, чиқиб олдинг осмонга,
Сал пастроқ туш, ердаги бир бечорага шафқат қил.
Ўзинг жонон, чиқолмасдинг уч погона нарвонга,
Бўлмаганда мендаги шул ихтиёрсиз, юмшоқ тил.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒИЛГАН КУНИМ

Қалбим дарчасига отилди бир тош,
Туғилган онимда ўлдирмоқ учун.
Булутлар ортига беркинди қуёш,
Кўнглимга ғаш солди бир юлдуз учиб.

Мени ўкситмоқчи бўлди табиат,
Даҳшат билан босди момақалдироқ.
Менчи, ҳаёт бўлиб, бўлиб муҳаббат,
Учган юлдуз ўрнин олдим ўша чоқ.

Юлдузга урилиб қайтди бедармон,
Қалбим дарчасига отилган ул тош.
Мени оқ кифтида кўтарди оқ тонг,
Қутламоққа чиқди жилмайиб қуёш.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ
Юлиб ташламоқчи бўламан.
Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ
Суғуриб ташламоқчи бўламан,
Бироқ,
Юлиб ташлолмайман, малагим!
Ахир, сен билан бирга
Юлиниб кетмасми юрагим?
Юрагим юлиниб кетса, аниқ-ки,
Ўламан.
Ўлимдан қўрқмайман,
Қўрқаман фақат
Сени ўзгаларга бериб қўйишдан.
Сени ўзгаларга қолдириб кетишдан
Қўрқаман.
О, даҳшат!
Бу азоб ўлимдан минг карра ёмон.

1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

УМР

Поездларда,
Самолётларда,
Трамвайда,
Саман отларда,
Учқурликда
Бўлиб гўё нур
Ўтмоқда умр.

Мажлисларда
Ишхоналарда,
Навбат кутиб,
Қабулхонада,
Ҳар бир куннинг
Лаҳза, онида,
Гоҳ судралиб,
Гоҳида магрур
Ўтмоқда умр.

Баъзан сезиб,
Баъзан сезмаймиз.
Баъзан ўтган
Дамни эслаймиз.
Қариб қолиб
Афсус, ҳавас-ла
Ёшлигимиз қўмсаб
Излаймиз.
Бермай бизга
Ихтиёрини,
Маҳкам тутиб
Йиллар барини,
Ўз умрини
Биздан тутиб сир
Ўтмоқда умр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умр ўтар,
Шошар қайгадир,
Унинг иши
Доим пойгадир.
Ўзи шошар,
Шоширар бизни,
Бизлар ўйлаб
Ўғилу қизни,
Юракларга
Ортиб ташвишни,
Ўтказамиз
Қанча ёз, қишни —
Гоҳо ғамнок,
Гоҳида масрур,
Ўтмоқда умр.

Умр билан
Шошайлик, дўстлар,
Бирга қайнаб
Тошайлик, дўстлар.
Бошланган иш
Токи битгунча,
Биз қадрига
Токи етгунча,
Бевафолик
Қилиб-да бир қур,
Ўтиб кетиб
Қолмасин умр.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОБУР

Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиқ бўлди.
Бобур

Буюк Ганг бўйида чекар эди оҳ,
Сир соҳилин қўмсаб бечора шоир.
Гарчи Ҳинд, Афгонда у олампаноҳ,
Тақдиридан паноҳ истарди Бобур.

Қалбини кемирар жанг-жадал билан
Қўлга киритилган салтанат, тахт ҳам:
"Мендан бахтлироқдир, эй, она-Ватан,
Қучоғингда юрган гадо, бадбахт ҳам".

Бундай кўргуликни шоирга нечун,
Раво кўрди экан у басир замон?!
Қиличидан олам титради у кун,
Аммо зор-зор йиғлар қалами ҳамон.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОМАД

Нолийверма ҳадеб дунёдан,
Гар келмаган бўлса омадинг.
Бўшамаса ҳасратдан одам,
Букилади адл қомати.

Биласан-ку боқийдир олам,
Унга кимлар келиб кетмаган.
Биров боши бир умрга хам,
Биров гамни писанд этмаган.

Кимки магрур кутса қайгуни
Олиб қочар қайгу ўзини.
Кимдан бурқса ҳасрат тутуни,
Кўр қилади омад кўзини.

Нолийверма ҳадеб дунёдан,
Юклайверма ҳасратинг унга.
Тутаб яшар нолиган одам
Омад ўзин урмас тутунга.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЗ ЭКАН-ДА...

Заъфарон япроқлар бир-бир узилар,
Маъюс келиб урар ерга тўшини.
Кеча кўрк бўлганди борлиққа улар,
Бугун-чи,
Тупроққа кетар қўшилиб.

Битта япроғин ҳам ушлаб қолмоққа
Азамат чинорнинг етмасдан кучи,
Забардаст қўлларин чўзиб ҳар ёққа,
Турар куз ишидан эс-ҳуши учиб.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАСЛАҲАТ

Сал пастроқ тушсанг-чи, кўкда нима бор,
Пастда берадилар қадру баҳони.
Ҳаёт аталувчи мангулик бозор
Ажратар ботиру марду даҳони.

Сен ўзингга қўйма осмон қадар нарх,
Озгина инсоф ҳам керак одамга.
Англа, Навоийдек қуёши бор халқ
Унча зор эмасдир сен каби шамга.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧУСТ РИВОЯТИ

Не кунларни солмас бошга
Севги аталмиш савдо,
Олмослик бир паривашга
Бўлмиш бир чустлик шайдо.
Ёр куйида йўқдир ором,
Ўзлигини унутмиш.
Йўлин пойлаб саҳар ва шом
Паридан бир сўз кутмиш.
Париваш ҳам таърифлардан
Баланд экан, соз экан.
Ўзин юксак қадрларкан,
Мағруру танноз экан.
Ошиқ йигит оҳ-зоридан
Завқу ором оларкан.
Йигит эса бардош билан
Пари кўнглин овларкан.
Кунлар ўтиб, ойлар ўтиб
Раҳм айламиш париваш.
Ҳа, фидойи ёр бўлар, деб
Фаҳм айламиш париваш.
— Оҳ, бечора, оҳу ноланг.
Дилим эзиб юборди.
Ювиб кетди кўзда жоланг
Кўнглимдаги ғуборни.
Майли, қатъий бўлса аҳдинг
Бўлай сенга ёстиқдош.
Фақат бордир
Битта шартим,
Кўнсанг агар этай фош.
— Жоним билан, — дебди шайдо
Бош устига ҳар шартинг,
Дилдор сўзин қачон, қайда,
Икки қилган эр марди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Турмуш қурсак,
Айтиб қўяй,
Ясатгаймиз хонадон,
Аммо зинҳор ҳатламагай
Ҳеч кимса остонадан.
Бўлса қанча дўсти ёринг,
Бўлса қанча улфатинг,
Чойхонада сарфла боринг,
Кўчада қур суҳбатинг!
Бирор меҳмон бошлаб кирсанг
Уйингни тарк этаман.
Шу шартимни малол кўрсанг
Ҳозир ташлаб кетаман.
Шўрлик йигит боши қотмиш,
Оғир эди ёр шарти,
Ёр шартидан қаттиқ ботмиш
Қалбидаги ишқ дарди,
Нима қилсин:
Шул, пари деб,
Дўстларидан тонсинми?
Ё бўлмаса дўстлари деб
Ҳажр ўтида ёнсинми?
Йигит ўйчан турар эди
Тўйиб ҳаво симириб.
Пари жавоб кутар эди
Қошларини чимириб.
Ёр кўзига тик боққали
Етмадими мажоли,
Йигилдими ёки ҳали
Тарқаб кетган хаёли,
Ютганича ичга дардин
Шўрлик деди:
— Розиман.
Иннайкейин...
Не бўларди
Тўй бўлди ўз-ўзидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2

Ошиқ йигит бахти бекам
Севгисига етишган.
Эрин севар париваш ҳам,
Иноқлашиб кетишган.
Турмуш тотув, ҳурмат бажо
Дилларда ишқ олови.
Ишқ бор уйда ҳатто гўжа —
Девзиранинг палови.
Аммо йигит юрагини
Кемиради бир ҳасрат.
Парвивашга тилагини
Айтмоқ учун йўқ журъат.
Пинҳон дарди санчиғини
Боз ичига ютади.
Чиқармай ёр аччиғини
Қулай фурсат кутади.
Бажариб ҳар фармонини,
Олиб ёрнинг кўнглини
Ниҳоят, ўз армонини
Тўкиб солди бир куни:
— Хоним, Сизнинг шартингизни
Қабул этдим, тонмайман.
Номард деманг мардингизни,
Лекин дардда ёнгайман.
Остонамиз ҳатламасин
Майли, бирорта меҳмон,
Исмимизни атамасин
Бирор дўсту қадрдон.
Аммо ёлғиз бир дўстим бор,
Меҳри сингган қонимга.
Мен учун кўп чеккан озор,
Жони туташ жонимга.
Мен ҳаётдан топганим дур,
Давлатим ҳам ўшадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар қаддим керсам маґрур,
Савлатим ҳам ўшадир.
Ўша дўстим иқболимдан
Ўз бахтидай қувонгай.
Бохабардир аҳволимдан,
Тоґдай тургай суянсам.
Шу ягона жигаргўшам
Бўлсин гоҳ-гоҳ меҳмоним.
Атамангиз беандиша
Севгимиз ҳаққи, хоним!
Босди пари чеҳрасин тер,
Ўт чақнади кўзидан
"Наҳот, шу эр,
Наҳот, шу эр,
Кетаяпти ўзидан?!"
У ўзидан кетган деса
Бошин эгиб турибди.
Аҳдин маҳкам тутган, деса,
Ґашга тегиб турибди.
Эркак бошин хам тургани
Пари кўнглин юмшатди.
Қош чимириб, бир силтаниб
Юрагини бўшатди:
— Йигит сўзи бир бўлґуси,
Бегим, сўздан қайтдингиз.
Бизга берган аҳдни бузиб,
Шундай гапни айтдингиз.
Аммо менга муносибмас,
Жанжал-сурон кўтармоқ.
Қабул этмоқ осон эмас,
Рад этмоқ ҳам қийинроқ.
Майли, кўнай, фақат битта
Меҳмон олиб келасиз.
Бу гапим ҳам елга кетса
Не бўлишин биласиз.
Фақат битта!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Фақат битта,
Қуллуқ сизга, азизам!
Севинганча йигит кетди,
Енгил тортди пари ҳам.

3

Ёруғ бўлсин эрим юзи
Деб дўстининг олдида.
Меҳри жўшиб, эриб ўзи
Зап дастурхон солди-да...
Тайёрлади турфа таом
Ишлатиб бор санъатин.
Ўз ишидан олиб ором
Кутди келар соатин.
Эрин хушнуд қилайин, деб
Куйманди у чарчамай,
Сўнг хонага яшириниб
Қараб турди дарчадан.
Эри хурсанд кириб келди...
Не кўз билан кўрсинки,
Остонадан ўтар эди
Меҳмон... бир эмас, икки...
Бу қандай ҳол, наҳот эри
Шундай белафз, бесубут,
Бир меҳмон деб ваъда бериб,
Бўлди ваъдаси унут.
Ё парини кўзга илмай
Ёлгон қасам ичганми?
Дўстларимга бир мақтанай,
Деб ёридан кечганми?
Паривашни титроқ босди
Таранглашди асаби.
Қони қайнаб ақли шошди,
Авжга минди ғазаби.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пари насли назокатни
Қурбон қилмас жаҳлга.
Ишга солиб фаросатни
Қулоқ тутди ақлга.
Ҳеч воқеа бўлмагандай
Сақлаб эрнинг иззатин.
Ташиб турди таом ва чой
Бажо айлаб хизматин.
Кетар чоғда дарчасидан
Кузатди боз париваш,
Эри чиқди,
Орқасидан
Чиқиб келди икки бош.
Таъзим қилиб кўча томон
Йўл олди икки меҳмон.
Лабда кулгу, шоду хандон
Ҳовлига қайтди мезбон.
Шу пайт ҳовли ўртасида
Пари турарди тажанг.
Паранжиси елкасида,
Кўзлар ёшли, юз таранг,
— Ҳа, жонгинам?
— Бўлди тамом,
Уйингиз тарк этаман,
Бундай турмуш этмас давом,
Бебурд эрни нетаман?
— Нима бўлди, нима сабаб,
Нечун бундай газаблар?
Тушунтиринг, ўтди не гап?
— Поймол бўлди аҳду-шарт?
— Қачон?
— Бугун!
— Қандай қилиб?
— Билмасликка оласиз.
Бир меҳмонни ваъда қилиб,
Бир жуфт бошлаб келасиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Во, ажабо!
(Йигит ҳайрон)
Меҳмон ёлғиз эди-ку!
Қайдан чиқди бундай бўҳтон,
Хоним, не кўргилик бу!
— Кўзим очиқ, ажратаман
Бирни, ахир, иккидан.
Баски гапим ўтмас экан,
Йўлни тўсманг, мен кетай...

4

Зарда билан, шитоб билан
Жўнаб қолди париваш.
Минг илтижо, хитоб билан
Йигит эргашар яккаш.
Эр арзига қулоқ солмай
Пари кетиб борадир.
Изидан бир қадам қолмай
Эр ҳам етиб борадир.
Бири кейин, бири олдин
Борар экан эр, аёл,
Рўпарадан чиқиб қолди,
Бир нуроний оқсоқол.
Ҳамма танир Чуст элининг
Донишманди эди ул.
Нохуш кўриб ёш келинни
"Хўш, йўл бўлсин!" деди ул.
Йигит ёниб тушунтирди
Бўлиб ўтган бор гапни.
Париваш ҳам очди "сир"ни —
Яъни эри алдапти.
Бармоғини тароқ қилиб
Чол соқолин таради.
Мийигида аста кулиб
Шўрлик эрга қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айт-чи, болам, қандай либос
Кийган эди меҳмонинг?
— Беқасамдан фаслга мос
Енгилгина чопони.
— Кўрдингизми, қизим, сиз ҳам,
Ҳа, ўшандоқ бирови...
— Бошқаси-чи?
— Оппоқ кийган.
Ортар йигит хуноби:
— Бир ўзидан ўзга йўқди!
— Тўхта, болам, қулоқ сол.
— Қайтишганда қай хил чиқди?
Паридан сўрайди чол.
— Қайтар чоғда,
Қош қорайган,
Шунданмикин, билмадим.
Қора тўнда кўргандайман.
Ҳа, ҳа, хато қилмадим.
— Баракалло! Пок экансиз
Она қизим, — деди чол.
Эрингиз ҳам, сиз ҳам ҳақсиз.
Демак, ўринсиз жанжал...
Уйингизга кириб келган
Меҳмон асли ягона.
Сизга эса жуфт туюлган
Бу покликдан иншона.
Оқ либосда қаршингизда
Бўлмиш, болам, намоён —
Меҳмон билан бирга келган
Қут барака ва имон.
Қайтар чоғда қора кийиб
Чиқиб кетган рўдапо —
Эзгуликка ўрнин бериб
Чекинган қора бало.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билинг, меҳмон фазилати
Ана шундай улуғдир.
Кимки ҳотам ва ҳимматли
Остонаси қутлуғдир.
Уйингизга меҳмон келса,
Бахт келгуси бегумон.
Меҳмон келмас уйни эса
Ҳавас қилманг ҳеч қачон.
Билсин барча эру хотин
Будур ҳаётнинг панди,
Деб ҳассасин дўқиллатиб
Кетди Чуст донишманди.
Парига чол ривояти
Кор этдими, этмади?
Гапни чўзиб, ҳикоянинг
Охирига етмадим.
Бу воқеа қачон ўтган,
Унисин ҳам билмайман.
Ишониб бу ривоята,
Ҳақиқат деб билгайман.
Донишманднинг сабоғига
Амал қилгум хулласи.
Сизга келсак... у ёгини
Ўзингиз ҳал қиласиз.

1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒИЛГАН ЙИЛИМ

(Достонлар туркуми)

ОНАИЗОР

(Достон)

Муҳтарама волидам Мукаррамхон Мирюсуф қизига оташин меҳр билан бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Қурбонларнинг хотирасин
Эъзозлаган ҳайкаллар
Пойига мен бошим эгиб
Келганимда таъзимга,
Қурбонларнинг ҳурматига
Ёнган мангу машъаллар
Оналарнинг қалби бўлиб
Кўринади кўзимга.
Ҳа, оналар қалби ёнур
Шаҳидларнинг догида.
Мангу машъал — юракларни
Ёқиб кетган ҳижрондир.
Фарзандларин улуғ жангга
Кузатишган чоғидан
Оналарнинг юрагида
Тугилган зил армондир.

Мангу машъал қаршисида
Ҳар гал толиб ҳаёлга,
Ёдга келур бир умидвор
Онаизор қисмати.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мангу умид ошно бўлган
Ул табаррук аёлга
Ёниқ қалбдан шу достоним
Багишлашни истадим.

II

... Йиғилди нонушта дастурхони ҳам,
Ишга кетди келин — лобар Латифа.
Янги кун бошланди —
Умр достонидан
Очилди яна бир янги саҳифа.

Она ёлғизгина қолди ҳовлида,
Ҳамдами қўлдаги қадрдон ҳасса.
Сабру матонатга бир тимсол эди,
Ҳассага суянган бир сиқим жусса.

Мўъжазгина ҳовли.
Ўртада шийпон.
Шийпон теграсида анвойи гуллар.
Пайпаслаб йўл олур гуллари томон,
Яна оқшомгача дардкаши шулар.

Фарзандлари бошин силаган каби
Гулларини бир-бир силайди она.
Гулзорга дардини сўйлаган каби
Ажиб мунгли қўшиқ куйлайди она:

"Боғаро сайр айлабон
Арғамчи солдим толга,
Толеим йўқлидан
Ёлгончи бўлдим ёрга.
Толеим бўлса эди
Ёнган чироқ ўчгаймиди,
Мен суянган тоғларим
Ўз ўрнидан кўчгаймиди?"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хазин қўшиғига ўзи чайқаб бош,
Қўшиқ оҳангида бўзлайди она
Балки ўша саркаш,
Ўша қаламқош
Олис ёшлигини эслайди она.
Гуллар атрин олиб қочувчи еллар
Тортқилаб кетади она хаёлин.
Шу елдай беқарор,
Бевафо йиллар
Ялаб кетган каби умрин, жамолин.
Ҳовлини тўлдириб, гулдираб шу пайт,
Кириб келди яна таниш почтачи:
— Ассалом-алайкум,
Чарчамай-толмай,
Омон юрибсизми, Сулувби ача?
— Кел, ўғлим, бормисан?!
Нимадан чарчай...
Дуо қила кетди
Латифахонни:
— Ҳамма юмушимни қилар, қизимдай,
Дард чексам бергудай ҳатто жонини...
Кел, болам?!
— Одилжон пул юборибди.
— Дарвоқе, тушимга кирди шу кеча.
— Яқинда бориб ҳам қолармиз, дебди...
Бир даста ақчани тутди почтачи.

Ёлғиз қолганингда келган суҳбатдош
Мисоли ғойибдан тушган хазина.
Кўнглида сақлашга етмасдан бардош,
Тушин сўзлай кетди Сулувби эна.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VI

— Яйраб юрганмишман катта чорбоғда,
Сархил меваларга кетармиш хушим.
Атрофи ойнаванд бинодан тушиб,
Бир гуруҳ ёш-яланг келмиш мен ёққа.

Танишга ўхшайди барин чеҳраси,
Худди ўз боламдай дилга яқинмиш.
Еру кўкни тутар шўх қаҳқаҳаси,
Бирови "Аба" деб мани чақирмиш.

"Абажон!"
Қучоғин кенг очиб келиб,
Даст кўтариб олди,
Қарасам — Одил.
"Болам, — дейман дув-дув ёшим
тўкилиб, —
Шукр, ҳосил бўлди охир муродим".
"Келинингиз, — дермиш, — Мария,
Марьям!"
Ўзбек қизларидай эмиш қора қош.
Белига чулганган жуфт ўрилган соч,
"Тенгини топибди, — дермишман, болам!"

"Булар — Фарҳод, Сайёд, Дилшод —
ўғиллар,
Қизларим — Хуршида, Ҳуснида — мана".
Пешонасин тутиб келишди улар,
Суйиб ўпармишман, айлансин онанг!

Суратлари бору кўрмаганман-да,
Лекин кўзларимга суриб юрибман.
Кўрсам деб юрардим, орзу-армонда,
Қара-я, тушимда барин кўрибман.
Ҳа-ҳа, равшан кўрдим, аммоки,
тавба,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одил ўша-ўша — ўн тўққиз яшар.
Болалари бўлса ўзидан катта,
Қуйиб қўйгандайин ўзига ўхшар...
Энди бошланганда ҳол суриштириш
Бир нимадан чўчиб уйгониб қолдим.
Қара-я, ўнгидан келганини туш,
Йўқлаган экан-да, хабарин олдим.
...Муштипар онанинг тушини тинглаб,
Ичидан зил кетиб турар почтачи.
Кампир бир хўрсиниб яна бошлар гап:
— Пулни нима қилай, ўзи келса-чи?
— Келади, ҳадемай келади, ача,
Қайга ҳам боради юртига келмай?!
— Ҳа, болам, унга ҳам осонмас унча,
Жўжабирдай жонмиш...
— Балли! Бўпти, хайр!

Қандоқ келган бўлса шундоқ гулдираб,
Почтачи йўл олди дарвоза томон.
Озгин иягига муштини тираб,
Танҳо қолди яна бу умидли жон.

Кафтига қисганча бир даста пулни,
Тушин эсга олиб жилмайди хиёл.
Боз багрига тортди орзуманд дилни
Ёлгизликнинг содиқ ҳамроҳи хаёл.

VIII

Иқболхона эди кичик хонадон,
Сулувхон бахтининг чеки йўқ эди.
Уч ўғлон гиргиттон эди онадан,
Дастурхони тўкин,
Кўнгли тўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Садоқатли эри — Қодир чавандоз,
Босган қадамидан чақнарди олов.
Ҳамон йигитлардай кескир ва бир сўз
Мардларга фидойи,
Номардларга — ёв.
Сафга кириб қолган уйни тўлдириб,
Кетма-кет туғилган уч оға-ини.
Қувонар ўғлонлар бастини кўриб,
Рўзғор юмушидан қолганди тиниб.
Тўнғичи онасин изидан борган,
Мактабда муаллим — аталган Нодир.
Уста математик — қилни қирқ ёрган,
Ўн ўйлаб бир сўйлар эди маънодор.
Ўтган йил битирди дорилфунунни,
Севган курсдошига уйланиб қайтди.
Эл кўриб тошкентлик зебо келинни,
Нодирнинг дидига офарин айтди.
Келинки, латофат бобида тенгсиз,
Исми Латифахон — жисмига монанд.
Пазанда, меҳнаткаш, меҳрибон, мунис,
Хизматидан бутун маҳалла хурсанд.
Шофёр бўлган эди иккинчи ўғли,
Қотма, эпчил эди, ғайратли, ўктам.
Кулиб турган, тийрак, боладай хушфеъл,
Шўхлиги ёқарди гўзалларга ҳам.
Нодир аташганди унинг отини,
Сардоба* қизларин жон-дили эди.
Мен билан боғлар, деб, ўз ҳаётини,
Кўплари тикканди унга умидин.

---

* *Сардоба* — Наманган шаҳридаги даҳа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кенжаси шу Одил — ўн етти яшар,
Имтиҳон берарди ўрта мактабда.
Ўйчан боқишлари жуда ярашар,
Орзулар лиммо-лим маъсум ёш қалбда.

Уч ўғил гўёки уч бутун жаҳон,
Келин Латифахон нурли бир олам.
Бахтидан энтикиб яшар хонадон,
Мангуга келгандай бу уйга кўклам.

* * *

Ногаҳон зилзила даҳшати мисол
Олам тинчин бузди "уруш" деган сўз.
Ким ғазабдан титрар,
Ким қолганди лол,
Гўё кўклам ўрнин эгаллади куз.
Гўё тўниб қолди гулларнинг атри,
Тинди чаманларда булбуллар саси.
Ошларга қатилди шу сўзнинг заҳри,
Сўнди чеҳраларнинг хушнуд хандаси.
Ватаннинг бир қисми бўлган хонадон
Шу сўз дахшатидан тушди ларзага.
Жунбушга келди-ю томирларда қон,
Ғазабдан айланди ҳар мўй найзага,
Ёв бостириб келган ўша машъум кун
Икки ўғлин олиб отланди ота.
Сулувхон қўл очди фотиҳа учун:
"Соғ-омон боринг-у, қайтинг бехатар!"

* * *

Онажон, бўлмагай лашкар хатарсиз,
Хатардан бехабар эдингиз у кун.
Ҳамон ўша кунни қаргаб ўтарсиз,
Кўзи йўлда қолган оналар учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Гавжум хонадонни ўгри олгандай,
Тўрт эркак ўрнига қолганди Одил.
Рўзғор ташвишларин кўтармоққа шай,
Ҳар ишга уқувли,
Ҳар ишга қобил.
Тўрт эркак ўрнига қолган ўспирин
Ёлғиз суянч эди келин, онага.
Ҳар сатри "ғалаба" сўзидай ширин —
Хатлар ишонч эди келин, онага.
Бир ёнда Латифа, бир ёнда Одил,
Она дардларига шерик бўларди.
Рўзғор-ку бекам-кўст, аммо интиқ дил,
Онани эзарди айрилиқ дарди.
Одам олар экан одамнинг тафтин,
Одамлар ичига ўзин урарди.
Оқшомлари ҳориб қайтгач мактабдан,
Маҳалла ишига бош-қош турарди.
Маҳалла раисин муовини — "ая"
Юмушлар ичида дардин унутар.
Маҳалла ишида бўлмас ниҳоя
Гоҳ ярим тунгача қолиб ҳам кетар.
Бировнинг эридан келган қорахат,
Уни юпатмоққа шошади дарҳол.
Бировни алдаган дўкондор бадбахт,
Уни сал инсофга чақирмоқ даркор.
Ҳижрон аталгуси оғриқсиз азоб
Эсдан чиқар гоҳо ишнинг кўпидан.
Сулувхон ҳижронга берар эди тоб,
Мадад олар эди ёр мактубидан.

IX

Бирдан босиб келди ғам деган вабо —
Хат олди: "Эрингиз қаҳрамонларча..."

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошига улкан тоғ қулади гўё,
Бир ўқ очиб кетди кўксидан дарча.
Ўт ичида қолди жону жаҳони,
Кўз ёшлари оқди мисли шалола.
Ёндиргудай эди бутун дунёни
Сулув юрагидан ўрлаган нола:
"Бахтим, етардим-ку сенинг қадрингга,
Тегрангда айланиб парвона мисол.
Чақноқ боқишингга,
Шамшод қаддингга
Бир умр шайдои, ташнаи висол.
Оловли кунларда омадинг тилаб,
Мижжа қоқмасдим-ку узун кечалар.
Сафарлардан қайтсанг голиб, ярқираб,
Иқболга тўларди уйлар, кўчалар.
Амрингга шай эдим аскар боладай.
Соябоним эдинг,
Таянчим эдинг.
Олис тутардинг-ку ҳижрон, ноладан,
Энди не кунларга қолдириб кетдинг?
Мард эдинг,
Голиблик сенга ёр эди,
Қиличингдан ўтган қанча-қанча ёв.
Наҳотки, ажалга бўй эгдинг энди,
Наҳотки, қулади сен минган бедов.
Нурхонамасмиди сен билан кулбам,
Севгимиз ниҳоли уч мева берди.
Йигирма уч йиллик тотув турмуш ҳам
Наҳот, ширин тушдай эсланур энди?!
Қадрингга етдиму авайлолмадим,
Наҳот, ташлаб кетдинг, қалбим гавҳари.
Сенсиз ҳаётимда маъно қолмади,
Наҳот, сенсиз тугар умрим дафтари?!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сулувхон ёнаркан ҳижрон ўтида
Бўзларди отадан айрилган Одил.
Латифа ўз дардин ичга ютди-да,
Уларга юпанчдек бардам туролди.
Синиқ кўнгилларга даво бол сўзи,
Жангдаги ёрига тиларди омад.
Согиниб бахтининг порлоқ юлдузин,
Тунлари бедору, кундуз бетоқат.
Диллар жароҳати топмасдан шифо,
Машъум мужда билан келди хабарчи:
Қисмат онага боз қилмабди вафо,
"Фарзандингиз Нодир қаҳрамонларча..."
Сулув кўзларига тор бўлди жаҳон,
Одил тополмасди жон қўярга жой.
Латифа бошига йиқилди осмон,
Зулмат-ла қопланди яшнаган чирой.
Оламни бузаркан она ноласи,
Бўзларди бир йиллик келинчак қалби:
"Йўлингда интизор кўзим жоласин
Сел қилиб, шунқорим, қайларда қолдинг?
Ўзим-ку юпанчга муштоқман, ахир,
Қандай юпатайин онажонингни,
Қалбимда ардоқлаб садоқат, меҳр
Бошга кўтарсам ҳам меҳрибонингни,
Отанг мотамидан яра юрагин
Заррача овутмоқ келмас қўлимдан.
Сендай бўлолмасман, таянч, тираги,
О, бу куним минг бор оғир ўлимдан!"

XI

Ҳали тўймай туриб висол тотига
Шаҳид бўлмиш жондан азизроқ Нодир.
Латифанинг умри ва ҳаётига
Сингиб кетди жондан лазизроқ Нодир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки дард кемирар, Латифа дилин.
Ёридан жудолик, она кулфати.
Сулувхонга қиздай меҳрибон келин
Онага боғлади умри, қисматин.
Она бўлмоққа-ку улгуролмади.
Аммо она қалбин билар Латифа
Асо бўлиб тиклаб она қоматин,
Унга сабру бардош тилар Латифа,
Маҳалла аҳлидан оларди дуо
Содиқ қолган эди мард қурбонларга.
Онага қасд этди яна бу дунё:
"Фарзандингиз Нозим қаҳрамонларча..."

* * *

О, қисмат, бунчалар бўлмасанг басир,
Чилпарчин қилдинг-ку Сулувхон дилин.
Аёл гулдай нозик мавжудот, ахир,
Бу ғамдан филнинг ҳам синмасми бели?!
Уч эркак йўқотмиш битта хонадон,
Маҳалла айланди азахонага.
На бир ширин калом на бирор инсон
Тасалли беролмас шўрлик онага.

* * *

Мунча бардошлисан, эй она қалби,
Қуёшдай захматкаш,
Қуёшдай ёниқ.
Қуёшга шунча ўқ отилса, балки,
Парча-парча бўлиб кетмоғи аниқ.

Нечун сажда қилмай сенинг қошингда,
Ададсиз кулфатга берган бўлсанг дош.
Кўзларингдан оққан аччиқ ёшингдан
Эриб кетарди-ку ҳатто заранг тош.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўксинг жафоларга қилдинг-у
қалқон,
Ҳар фарзандинг билан бирга жон
бердинг.
Зафар умидидан кечмай, онажон,
Саботинг-ла манфур ёвни ўлдирдинг.

XII

Уруш авжда эди.
Уруш баҳона,
Тақдир отар эди кулфатлар тошин.
Уч суянган тоғи қулаган она
Тамом йўқотганди сабру бардошин.
Нола бўлиб учар изтироблари,
Аламлари кўзда сел бўлиб оқур.
Кетма-кет ҳижроннинг ғам-азоблари
Ёниқ кўзларини айлади бенур.
Нурсиз кўзларига зимистон олам,
Табиат йўқотмиш кўрк, тароватин.
Қалбини анордай эзгувчи алам
Қасосга айланиб, жўшар нафрати.
Газанда Гитлердан қурбонлар ўчин
Олмоқ истар эди бу онаизор.
Тўмарисдай қайнар ғайрати, кучи,
Афсус, ёвга бормай бўлган ярадор.
Жангчига айланган вужуди, жони,
Жангчи сўнгги ўқни асрар ўзига.
Сўнгги ўқдай қолган кенжа ўғлони
Қирқ учинчи йилнинг сарғиш кузида
Оқ йўл сўраб келди она қошига.
Ёвдан олай, дея отам хунини,
Одамликдан йироқ ғаним бошига
Солай деб, дарбадар итлар кунини.
Икки ўт ичида ўртанди она,
Ахир, Одил унинг сўнгги тираги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Юбормайман!" — дерди кўнглида,
Яна...
"Юбор!" деб амр этар ўчли юраги.
Шунда она бўлиб туйди ўзи ҳам,
Онадай муқаддас Ватан дардини.
Ватан ярасига бўлмаса малҳам,
Фашист хонадонин бут қўярдими?!
Бағри эзилса ҳам қаддин тутди ғоз,
Қасоскор кенжасин йўлин тўсмади.
Наздида у олар эл учун қасос,
Гўё унга боғлиқ халқнинг қисмати.

XIII

Одил ҳам жўнади.
Қўлига асо,
Кўзига нур бўлиб Латифа қолди.
Келинни ёт дерлар,
Ёт эмас асло,
Уч ўғил ва қизнинг ўрнини олди.
Нодиридан ёдгор келиннинг меҳри
Тасалли берарди онаизорга.
Латифа онага бахш этиб умрин,
Садоқат кўрсатар суюкли ёрга.
Ҳафталарни қувиб ўтар ҳафталар,
Ожиз онага ҳеч топилмас нажот,
Одил мактубида йўллар хушхабар
"Қирон солмоқдамиз ёвга, онажон!,
Одил хатларини ўқий олмасдан
Ўпиб юзларига суртар суюниб:
"Кенжам олаётир қурбонлар қасдин,
Омон қайтар, кўргум ҳали тўйини..."
Сулувхон қалбида нурланар умид,
Кенжасин хатлари бўлмаса канда...

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIV

Не қора кун эди,
Не қора маврид,
Латифа почтага ногоҳ кирганда,
Маъюс кутиб олди уни почтачи.
Бу яна бир машъум муждадан дарак,
Ҳайҳот, бу кулфатни она билса-чи,
Юраги ёрилиб ўлиши бешак.
Бирга югурдилар маҳаллакомга,
Раис ҳам жонсарак:
Билмасин "ая!"
Узоқ кенгашдилар.
Яна, ниҳоят,
Латифадан чиқди бир жўяли гап.
"Билдириш" қоғозин яширин тутиб,
Ўзга иншо билан тўлди саҳифа...
Аччиқ аламини ичига ютиб,
Онага шундай хат ўқир Латифа:
"Ассалом, онажон — кўзларим нури,
Омон юрибсизми менинг бахтимга?!
Бадбахт фашистларнинг қуритиб шўрин,
Етдик Германия пойтахтига.
Уруш ҳам тугади,
Зафар муборак!
Энди унутилар андуҳларингиз.
Балки қайтишимдан топгансиз дарак,
Очилгай сеп тўла сандиқларингиз.
Аммо, онажоним ҳозирча узр,
Қошингизга бир оз кечроқ борурман.
Узримни эшитиб бўлманг беҳузур,
Аламли дилимни сизга ёрурман:
Украин ерида отам мозори,
Икки акам хоки қолган, биласиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар хотираси умрдай азиз.
Сиз учун ҳам гулга кўмайин бориб.
Атрофга гул ёйди музаффар баҳор,
Уларни кимсасиз қолдирай нечун?
Сиз ёлгиз эмассиз, келинойим бор,
Койиманг онажон, эркалик учун.
Эҳтимол, бирор йил қолурман унда,
Балки бахтимни ҳам излаб кўрарман.
Меҳрингиз йўлимни ёритгай кундай,
Зориқтирмай тез-тез йўқлаб турарман.
Бошим кўксингизга босганча:
Одил.
Берлин, учинчи май, қирқ бешинчи йил».

* * *

Ҳамон сир тутилар келин тадбири,
Одил ҳалокатин билмас маҳалла.
Кутиш бўлиб қолмиш она тақдири,
Қулоги эшикда "тирқ" этган палла.

XV

Она-ку ўглини кутади, лекин
Гўзал Латифани кутдиргувчи йўқ.
Садоқат аталган ноёб дил мулкин
Барча туйғулардан тутар у қутлуг.
Ҳали ўн гулидан очилмай бири,
Уруш жудо этди ёридан мангу.

Қалбига нақш айлаб Нодир тасвирин,
Ўзга ёр васлини истамади у.
Нодирдан қолмади мерос ё зурёд,
Фақат қуёшдай пок муҳаббат қолди.
Ширин туш сингари эзгу хотирот,
Илтижо битилган сўнгги хат қолди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Жоним, авайлагил онажонимни,
Эркаклар йўқлигин сездирма зинҳор.
Ўзинг чироғи бўл хонадонимнинг,
Меҳринг зиёсидан чекинсин озор".

Латифа садоқат тимсоли бўлиб,
Ёр хатин қасамдай муқаддас тутди.
Она хизматини қисмат, деб билиб,
Ёшлик, ҳаловатни тамом унутди.
Ёри қурбон бўлган ўша лаҳзада
Тароватда тенгсиз жонона эди.
Йигирма уч ёшда,
Кўрган ларзада,
Не-не азаматлар парвона эди.
Жоноқи олмадай ёнган юзига,
Сим-сиёҳ сочига жон берсанг арзир.
Пайваста қошлару чақноқ кўзига
Кимлар бўлмадилар шайдо-ю асир.
Кўплар соя каби эргашиб юриб,
Ваъда айладилар қўл етмас иқбол.
Совчилар мокидай зир-зир югуриб,
Унга етишмоқни қилдилар хаёл.
Латифа садоқат тимсоли бўлиб,
Ёр хатин қасамдай муқаддас тутди.
Она хизматини қисмат, деб билиб,
Ёшлик, ҳаловатни тамом унутди.
Шунда қўл солдилар она кўнглига:
"Этманг бечоранинг ёш умрин хазон.
Энди ихтиёрин беринг қўлига,
Ахир ўз бахтини топсин бу жувон!"

Ахир не ихтиёр шўрлик онада,
Неча бор келинга солди маслаҳат,
— Шаҳид тирилмаган ҳеч афсонада,
Қизим, минг розиман, изла ўзга бахт.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Инсонга бир марта берилгуси
бахт,
Ўзга бахт кетидан қувмам, онажон!
Бахтим — Нодиримни унутиб ҳеч вақт
Севгимни қон билан ювмам, онажон!
Ўртамоқ бўлдилар:
— Кетасан увол,
Фарзанд лозим бўлур, ахир аёлга,
Чақалоқ меҳрини туймаса аёл,
Охир ўхшаб қолур жонсиз деволга.
Йўқ, унга кор этмас бу сафсаталар,
Қалбида ўзга бир олов ёнади:
— Фарзанд деб, ё бахт деб ташлаб
кетсам гар
Меҳримга гўдакдай ташна онани,
Ўзим кечиролмам ўзимни асло.
Боз мени кечирмас Нодирнинг ёди,
Бўлур умрим ҳазон, толеим қаро,
Шу она хизмати — эзгу муродим.

На мансаб, на бойлик ва на шуҳратга
Гўзал Латифанинг кетмади эси.
Сулувхон кўксига бош қўйган пайтда
Туйди барчасидан лазиз ёр исин.

XVI

... Тинмай айланади фалакнинг чархи,
Йил ўтар, пул келар Одилдан фақат.
Гарчи билолмагай кун ва тун фарқин,
Она кенжасини кутар бетоқат.
Гоҳо ўксинади хуноби ошиб:
"Пулингга зормасман, меҳрингга зорман,
Мунча ташна қилдинг,
Вой багритош-ей!"
Дийдорига тўймоқ кўнглида армон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қорахатни пинҳон тутилган кезда
Одил келган бўлди Украинага.
Латифа кунора қатнаб "собес" га,
Нафақа ундирди ожиз онага.
Нафақа келтирса почтачи ҳар гал,
Одил маошидан, — дейди, — бир улуш.
Она кўнгли учун тўқиб хушхабар,
Дедилар: уйланмиш, фарзанд туғилмиш.
Байрам кунларида шўрли онага
Набираларинг деб сурат тутдилар.
Ўпиб суркар экан, юз-пешонага,
Изтироб ичида зардоб ютдилар.
Шундоқ! Йўқотмасдан она ишончин,
Одил ҳалокатин тутарлар пинҳон.
Ўзлари эзилиб, она қувончин
Бутун сақлашмоқда келин, почтальон.

XVII

Йиллар ўтаверар, келмас кенжаси
Қочиб кетмаган-ку Украина ҳам.
Гоҳо тузар бориб кўрмоқ режасин,
Фақат бир андиша қайтарар йўлдан:
"Ёлғиз боролмайди.
Латифа ҳамроҳ,
Демак, дарвозани беркитиш даркор.
Келину қайнона отланишган чоғ
Одил этган бўлса сафар ихтиёр...
Ўғил-қизларини олиб ёнига,
Бирдан кириб келса кўча тўлдириб,
Олов туташмасми ёлғиз жонига,
Даъфатан эшикни қулфлоғли кўриб?!
Қулфлоғ дарвоза — чилладай совуқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Машъум хаёлларга олиб
бормасми?!
Қулфлоғлиқ дарвоза — бамисоли ўқ,
Мажруҳ юрагини баттар ёрмасми?!
Кимсасиз қолибди, чорбоғимиз деб
Мияга тепмасми Одилнинг қони?!
То хабар бергунча қўшнилар чиқиб,
Худо кўрсатмасин... танҳо ўғлони..."
Яна ўз шахдидан қайтади она,
Интизор кутмоқни афзал кўради.
Гоҳо шубҳаларга боради, яна
"Тирик! Тирик!" дейди ташна юраги.
Ширин орзулари ширин туш бўлиб
Ширин умидига бағишлар қанот.
Мисли бир фаришта,
Бир оққуш бўлиб,
Кенжасин кутади бу мўътабар зот.

XVIII

Уни сийламади нотанти ҳаёт,
Ғамлардан букилди адл қомати,
Уруш бор-йўғидан айирди, ҳайҳот!
Аммо умидидан айиролмади.

Ёлғизгина умид — қанот ва нажот,
Ундан бир дақиқа айру қолмади.
Ёлғизгина умид бахш этди сабот,
Кенжасин кутишдан асло толмади.

Соғинган лаҳзалар урди-ю фарёд,
Шубҳалар ичида у йўқолмади.
Умиди шубҳасин этди-да барбод,
Кенжасин кутишдан асло толмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўқир кўзларига зулмат —
коинот.
Тақдир тадбирига қулоқ солмади.
Яшашдан толди-ю бу мўътабар зот,
Кенжасин кутишдан асло толмади.

ХОТИМА

Достонимга нуқта қўйдим,
Аммо, азиз китобхон,
Урушнинг ғам-ғуссасига
Нуқта қўйиб бўлмагай.
Жанггоҳларда шаҳид бўлган
Не-не навқирон ўғлон,
Оналарнинг юрагида
Ҳамон тирик, ўлмаган.
Улар она меҳри билан
Асрадилар Ватанни,
Жонлар бериб оқладилар
Оналарнинг оқ сутин.
Бугун эса эсга солиб
Ўша қирғинли жангни
Ётибдилар оналарнинг
Қалбин машъалдай тутиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУҒИЛГАН ЙИЛИМ

(Достондан боблар)

Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида қурбон бўлган оталаримизнинг пок руҳларига бахшида

МУҚАДДИМА

Борлиққа тароват, элга ризқ олиб,
Мана, ташриф этди оламга кўклам.
Онажоним тўкин дастурхон солиб,
Туғилган кунимни этмоқда байрам.

Уйимда шундай тўй ҳар йил гул фасли,
Дўстим, сен даврамнинг азиз меҳмони.
Бундай пайт меҳмонлар сўзлашур асли,
Аммо сўз сўрайди бугун мезбонинг.

Дўстим, қирққа қараб кетмиш ёшимиз,
Тимқора сочларга ораламиш оқ,
Не-не синовлардан ўтди бошимиз,
Ҳамон ўрганамиз ҳаётдан сабоқ.

Пойгачи отлардай югурик вақтнинг
Тизгинин тутолмай чопаркан умр.
Оталик завқидай муқаддас бахтнинг
Насиб бўлганига қиламиз шукр.

Багримизга босиб ўғил-қизимиз,
Толени қучгандай қувнаймиз, дўстим,
Ота дийдорига тўймай ўзимиз,
Суратларга боқиб "дада" деб ўсдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оила жамулжам, қувноқдир давра
Ва лекин бир ўрин тўрда бўш турар.
Шу дардни туяман ўттиз уч карра,
Лабимда хандаю қалбим ўкирар.

Бугун дуо қилиб, бағрига босиб,
Бахтим тилагувчи бузруквор отам,
Камолим кўришдан бўлиб бенасиб,
Олис ўлкаларнинг бағрида ётар.

Азизим, шу тўкин дастурхон узра
Оталаримизинг ҳалол ризқи бор.
Шу ризқни қолдириб кетмишлар бизга
Биз ёруғ дунёда кўз очган баҳор.

ОНАМ СЎЗЛАЙДИ...

Баҳор келди,
Кирқ иккинчи —
Йилнинг сўлим баҳори,
Мен ғойибдан бахт кутгандай
Интиқ кутган гул фасли.
Тўққиз ойки кутар эдим
Шу кўкламнинг дийдорин.
Тўққиз ойки, ташна қилар
Тўнғич фарзанднинг васли.

Баҳор келди,
Ўрик гуллаб,
Боғлар кийди яшил тўн,
Лойсувоқли томлар узра
Унди майса, қизғалдоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо баҳор чеҳрасига
Соя солмиш унсиз мунг,
Тўққиз ойки олисларда
Авж оларди зўр жанггоҳ,

Жанггоҳ узра тўқнашарди
Ўт-сувдай икки дунё:
Унинг бири зулмат эди,
Зиё эди бирови;
Бири оташ меҳр эди;
Бириси эди риё,
Бири бахту иқбол эди,
Рўё эди бирови.

Жанггоҳ узра курашарди
Икки олам беаёв:
Унинг бири ажал эди,
Бири нажот олами;
Бири қора ўлим эди
Гулгун ҳаёт унга ёв,
Бири макру ҳийла эди,
Бири сабот олами.

Тўққиз ойки, мен турардим
Икки йўл орасида,
Тўққиз ойки ажал билан
Олишар эди башар.
Минг ажалга қалқон бўлиб
Оналик ҳавасида,
Фарзандини авайламоқ
Оналарга ярашар.
Баҳор келиб, илк зафардан
Дарак топганда олам,
Ғолибият элчисидай
Дунёга келдинг, болам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎША БАҲОР...

Уруш борар,
Уруш борар
Диёримдан олисда.
Шаҳар ёнар,
Қишлоқ ёнар
Диёримдан олисда.

Олисларга ёгар гарчи
Фашизмнинг офати,
Ўзбекистон бағрида ҳам
Қизғин уруш ҳолати.

Не-не жангу жадалларга
Шоҳид бўлган бу ўлка,
Минг тирилиб, минг бор яна
Шаҳид бўлган бу ўлка,

Ноҳақ муштдан дилда ғазаб —
Урган каби пўртана,
Қасос истаб,
Қасос истаб
Ўзбекистон ўртанар.

Нафратини ифодалаб
Тошарди қўш дарёси,
Тўлгонади қасосталаб
Лоласию раъноси.

Ўртанади кўҳна Тошкент,
Қутлуғ маъво Бухоро.
Иягига қўл тираган
Ўйчан Самарқанд бобо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яшил кийган келинчакдай
Мангу кўклам Фаргона,
Чексиз Қарши, Сурхон гўё
Жабрдийда бир она.

Олисдаги қирғинлардан
Наманган ҳам огоҳдир,
Бўлмаса-да бағрида жанг,
Наманган ҳам жанггоҳдир.

Чимилдиқда қолса ҳамки.
Жондан азиз дилбари,
Отланишди жанггоҳ сари
Наманганнинг шерлари:

— Фотиҳа бер, она диёр,
Бағри чаман Наманган,
Бизлар сенга дилбандмизу
Фарзандмиз шу Ватанга.

Чанқаб қолсак, сув ўрнига
Шарбат тутган боғларинг,
Пойимизга гилам бўлиб
Тўшалган ўтлоқларинг.

Шўх сойларинг жўшқинлиги
Қалбимизга бўлмиш жо,
Ўргатган ўз тошқинлигин
Бизга азим Сирдарё.

Бешигимиз узра куйлаб
Машрабнинг оташ байтин,
Гуллар тутиб, нафосатга
Шайдо этиб улгайтдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўзалликни топтар экан
Мурдор фашист оёғи,
Бизлар учун айни шу кун
Катта имтиҳон чоғи.

Муҳаббатинг белга қувват,
Дилга ғурур, кўзга нур,
Йигит бурчи, садоқати
Бугун жангда ўлчанур.

Бугун бизни майдон чорлар,
Кураш чорлар,
Шон чорлар,
Қасос ол, — деб қурбон бўлган
Не-не маъсум жон чорлар.

Юрагида алам билан,
Кўзларида ёш билан,
Минг аламни даф қилгувчи
Беадад бардош билан,

Кузатганди улуғ жангга
Наманган ўз мардларин...
Ҳамон, ҳамон эзар дилни
Қурбонларнинг дардлари.

ОНАГИНАМ

Йигирма кун умр кўрган
Ёлғизгина ўғлини —
Қувончини, ишончини,
Кўзин қорачиғини

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенга ташлаб, отам кетди,
Онагинам, сан қолдинг.
Отам кетди. Қўлинг силкиб,
Кўзларингда нам қолдинг,
Муштдаккина юрагингда
Тоғ каби зил ғам, қолдинг,
Ғамларингга шерик бўлиб
Яшнаган кўклам, қолдинг.
Тогдай оғир ғам кўтарган
Ўн саккиз ёш келинчак,
Бир ёнингда каштаю ип,
Бир ёнингда беланчак.
Ўша чоғлар мен сен учун
Қувончмидим, дардмидим,
Дилингдаги аламларни
Заррача билармидим?!

Шерик эдим оромингга,
Бурда нонинг, уйқунгга.
Аммо шерик бўлолмасдим
Заҳматингга, қайгунгга.
Ўн саккиз ёш — севги ёши,
Иши-висол, ёнишлар.
Ўн саккиз ёш — севги ёши
Ёр деб ўздан тонишлар...
Ўн саккиз ёш — севги ёши
Май ичмасдан маст, карахт
Ўн саккиз ёш — севги ёши,
Оний висол бахту тахт.

Ўн саккиз ёш... Аммо жангда
Сенинг севгинг, имонинг,
Гарчи жисминг Наманганда,
Жанггоҳда эди жонинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кутар эдинг ёвни енгиб
Зафар билан келар, деб,
Уйим яна муҳаббатга,
Бахт-иқболга тўлар деб.
Ногоҳ "Дала почтаси"дан
Келганида қорахат,
Етим қолди умидларинг,
Етим қолди муҳаббат.

Етим қолди ёлғизгинанг,
Етим қолди уй-хона,
Аммо сен-чи, аммо сен-чи,
Етим қолмадинг, она!

Кўзларингда селдай ёшу
Дилда тогдай бардошинг,
Нажот бўлди, қанот бўлди
Муҳаббатинг — қуёшинг.
Муҳаббатинг — қуёшингдан
Ёдгор бўлиб мен қолдим,
Ота меҳри оташига
Зор-зор бўлиб мен қолдим.

...Ўша кўклам бир умрга
Вайрон қилди дилингни —
Гуллар очиб, алдаб туриб
Юлиб кетди гулингни.
Гуллар тутган қўлларингда
Эрмак бўлиб мен қолдим.
Бахтли висол кунларингдан
Эртак бўлиб мен қолдим.

Отам жонин олган бир ўқ
Сени минг бор ўлдирди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин оташ ишқу умид
Қалбинг нурга тўлдирди.
Топинганинг боланг бўлди,
Заҳматларинг — дилкаш дўст,
Каштанг менга олам бўлди,
Игнанг учи ризқи рўз.

Кўзларимга ўз нурини
Бағишлади кўзларинг,
Таранглигин менга бериб,
Ажин босди юзларинг
Менга қудрат бўлиб кўчди
Билакдаги қувватинг,
Менинг қаддим ғоз бўлдию
Букилди ғоз қоматинг.

Онагинам, қуёшимсан,
Мен соядай ҳамроҳинг,
Ҳаёткорим, ўзингдирсан,
Пойингдир саждагоҳим!

НАМАНГАН БУ

Олисдаги қирғинлардан
Огоҳ эди Наманган,
Бўлмаса-да бағрида жанг,
Жанггоҳ эди Наманган.

Ўғлонларин кузатса ҳам
Қолмади у ўксиниб,
Курашга шай паҳлавондай
Мағрур керди кўксини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пахтазорда, завод, боғда
Сарф айлаб бор кучини,
Меҳнат билан олди ёвдан
Ўғлонлари ўчини.

Йигитларнинг шижоатин
Ҳадя этди қизларга,
Ишқу ҳижрон мадад берди
Аламнок гулюзларга.

Ўсмирларнинг чеҳрасида
Катталардай жиддият,
Боболарнинг юрагида
Дуо ила қатъият.

Болалар ҳам дарсдан кейин
Шошилишар ҳашарга:
Қишлоқларда — далаларга,
Фабрикага — шаҳарда.

Олисдаги қирғинлардан
Огоҳ эди Наманган.
Бўлмаса-да бағрида жанг,
Жанггоҳ эди Наманган.

Совга ортиб фронт томон
Елар экан поездлар,
Бола олиб вагон-вагон
Келар экан поездлар.

Феруза кўз, олтин сочли
Норасида болалар
Аҳволи танг, юзи сўник
Чекиб оҳу нолалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирор иссиқ гўша излаб
Келмиш Ўзбекистонга,
Бир эркалаш, бўса излаб
Келмиш Ўзбекистонга.

Қуёш юрти кўксин очиб,
Гўё меҳрибон она,
Ҳар гўдакдан минг ўргилиб,
Гиргиттону парвона.

Уйи тору бағри кенг, деб
Аталган сахий халқда
Қурбонлардан ёдгор каби
Ҳар бир гўдак ардоқда.

Саховатли эл қалбини
Шеърда ифода этиб,
Ғафур Ғулом наъра тортар:
"Сен етим эмассан" деб.

Меҳрга кон Ўзбекистон
Баланд тутиб қаддини,
Кўтаролди қуёш томон
Гўдакларнинг қадрини.

Қийналса-да она диёр,
Тўкмай кўз ёш, ҳасратин,
Юпун яшаб, юпун кийиб,
Келажакни асради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Она шаҳрим, паҳлавондай
Кўксинг керсанг арзигай,
Синов чоғи содиқ қолдинг
Чин дўстликнинг фарзига.

Фидоийлар хотирасин
Ардоқлайсан эгиб бош.
Кўксинг ўзра ҳайкал қўйиб
Бошин силайсан ювош.

Қурбонларнинг тирик ёди
Бўлса ҳамки овунчоқ,
Юраклардан ўчмас ҳамон
Қонли уруш солган доғ.

Бўш ўринга боқиб ҳар гал
Мен шуларни ўйлагум,
То тирикман алам билан
Мен шу дардни куйлагум.

ХОТИМА

Кечир, дўстим, кўп сўзладим
Ёзай, дедим дилимни.
Мақсадиммас қораламоқ
Ўз туғилган йилимни.

Бошим узра тутсам, дейман
Болалигим, бахтимни,
Умрин бериб, асраб қолган
Мард, музаффар элимни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Туғилибоқ суронларга
Ошна бўлган бир менмас,
Азиз ота дийдорига
Ташна бўлган бир менмас,
Бир менингми юрагимни
Яралабди ёв тиғи?
Йўқ!
Ҳамон ҳўл кўз ёшидан
Оналарнинг ёстиғи.

Ҳамон йўлда ўн тўққизда
Тул қолганлар нигоҳи,
Ҳамон дилни поралайди
Етим ўғлонлар оҳи.
Биз минглармиз, миллионлармиз
Мангу азобда жони,
Ўша қонли қирғинларнинг
Тирик юрган қурбони.

Ҳаммамизда тилак бирдир,
Бирдир ғоя ва шиор:
Қизил қонга бўялмасин
Яшил либосли баҳор!

Кўтар, дўстим, қадаҳингни,
Кўтарайлик битта оқ.
Қурбонларнинг руҳи учун
Ичиш эмас ҳеч гуноҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИРИК ҚУРБОНЛАР

(Достон)

Оталари жанггоҳлардан қайтмаган тенгдошларимга атаганим

МУҚАДДИМА

Ватан!
Она дея топиндим сенга,
Йўқликдан оламга келганим онлар;
Сен ҳам она бўлиб босдинг бағрингга,
Тафтингдан томирда югурди қонлар.

Ватан!
Қуёшим, деб топиндим Сенга,
Нурга чанқоқ кўзим очган замонлар;
Сен ҳам Қуёш бўлиб кўмдинг нурингга
Кўзга зиё бердинг, қалбга дармонлар.

Ватан!
Тангрим, дея топиндим Сенга,
Онгда пайдо бўлгач мавҳум имонлар
Сен ҳам эътиқоддай сингдинг кўксимга,
Тангрилар қошингда қолди ҳайронлар.

Ватан!
Муҳаббат, деб топиндим Сенга,
Дилда мавж урганда сирли туғёнлар;
Сен ҳам Севги бўлиб, олдинг изимингга,
Яна бардош бердинг
Тушса ҳижронлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ватан!
Қудрат, дея топиндим Сенга,
Умрим йўлларида турса довонлар.
Сен ҳам қудрат бўлиб кирдинг қонимга,
Шаҳдим қаршисида
Лолдир вулқонлар...

Ватан!
Иқбол, дея топиндим Сенга,
Иқбол илинжида кездим уммонлар;
Ўзинг иқбол бўлиб тортдинг қаъринга,
Бердинг қутлуг кунлар,
Фараҳли тонглар.

Ватан!
Орзум, дея топиндим Сенга,
Орзусиз яшолмас экан инсонлар.
Сен ҳам орзу бўлиб, чорлаб ўзингга,
Ҳаётим йўлида туздинг бўстонлар.

Ватан!
Илҳом, дея топиндим Сенга,
Қўшиқ бўлмоқ истар бугун армонлар.
Кел, оқ фотиҳа бер, шоир ўғлингга,
Сенга дардин айтур тирик қурбонлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи қўшиқ

БИЗ — ШУНДАЙ АВЛОД...

I

Ҳали Она сўзин айтмасдан туриб,
Оналар заҳматин туйган авлод — биз.
Оналар чеҳрасин заъфарон кўриб,
Урушнинг даҳшатин туйган авлод — биз.

Бизлар йўргак ичра ширин уйқуда
Ором олар экан мисоли ҳилол,
Биз бўлиб улгаяр эди осуда
У куннинг эртаси бўлмиш истиқбол.

Фашист ўқ отганда эл келгусига,
Кўксин қалқон қилмиш бизнинг оталар.
Ажалдай ёпишса Ватан кўксига
Эзиб талқон қилмиш бизнинг оталар.

Гарчи иш тушганда элнинг бошига,
Камарбаста туриб тикмадик жонлар,
Ёвнинг ҳасад билан отган тошига
Дучор бўлган эдик мурғак ўғлонлар.

II

Ўқлар ёмғирида бўлганда ғалвир
Муқаддас Ватаннинг жонбахш қучоғи —
Жангда ҳал бўларкан бизларнинг тақдир.
Жангоҳ бамисоли дўзах ўчоғи —
Баробар ёнаркан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳўл ҳам,
Қуруқ ҳам.
Ёндирмоқ бўларкан ҳатто жаҳонни.
Замон ярасига қўймоқ-чун малҳам.
Оталар бермишлар жанггоҳда жонни.

Ўшанда оналар эмизган сутда
Қаттол уруш заҳри бўлмиш омухта.
Алла орасида — мунгли сукутда
Айрилиқнинг дарди бўлмиш омухта.

Заҳру дард қўшилган оппоқ сут билан,
Қонимизга сингмиш сўнгсиз армонлар,
Гарчи олис эдик тўплар зарбидан,
Оталар жисмида бўлдик қурбонлар.

III

Қора вабо янглиг келган қорахат,
Оналар сочига тушибирганда оқ.
Билмай ёр бўлганин бир қаро қисмат,
Оппоқ толаларни қилдик ўйинчоқ.

Кичик кулбаларни
Катта ғам босиб,
Шаҳидлар руҳига очилса аза,
Йиглаб келганларнинг йўлини тўсиб,
Этагидан тортиб қилганмиз мазах.

Илк бор атак-чечак бўлган лаҳзалар
Йиқилиб,
Ўпганда Ватан тупроғин.
Бурнимиз қонаса вужуд ларзада
Додимиз тутарди қўшни чорбоғин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо, билмас эдик
Душманнинг ўқи
Умрбод қилганин кўксимиз қонлар.
Ота билан яшаш ҳаққи, ҳуқуқин —
Йўқотиб,
Зор қолган тирик қурбонлар.

IV

Инсон кураш билан олган эрк, қадрин
Фашист этолмаган бўлса ҳам барбод.
Бизнинг шўх кулгига жудолик дардин
Битмас азобини қўшди умрбод.

"Ота" номин айтсак диллар бўзлар-да,
Оналар қалбини тирнар қийноқлар.
Ота дийдорига ташна кўзларга
Мангу чўкиб қолди зорлик, яйноқлик.

Гоҳо кўрсатишди бизга суратлар,
Аммо овутолмас сурат фарзандни.
Оламча қувончлар,
Олам лаззатлар
Босолмас ўз отанг тутган бир қандни.

Англаб етмасданоқ уруш маъносин,
Гунча ҳисларимиз бўлмиш пайҳонлар.
Гарчи киймасак-да, аскар либосин
Йўргакларда ётиб бўлдик қурбонлар.

V

Бир йигит умри ҳам ўтиб кетибди
Жангнинг сўнгги ўқи отилган кундан.
Ўттиз беш баҳор ҳам келиб етибди,
Осмон мусаффодир машъум тутундан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳижрон азобини кўтарган туллар,
Бугун овунишар набира билан.
Оталар ёшидан ўзган ўғиллар
Бастидан гиргиттон меҳрибон Ватан.

Шукрона айтишар бугун кекса — ёш:
"Беҳуда кетмади тўкилган қонлар!"
Бизлар пинҳон-пинҳон тўкамиз кўз ёш,
Шаҳидлар умрига шерик қурбонлар.

VI

Гарчи қисматимиз бўлмади забун,
Гарчи зор кезмадик бир бурда нонга.
Гарчи бахтимиз ҳам топмади якун
Гарчи муносибмиз қутлуғ замонга.

Замон иқболга ёр,
Бахтлидир наслим,
Инсон нонга эмас,
Меҳрга ташна.
Инсон қалби нозик гулдир бамисли,
Мурувaват нуридан очилар, яшнар.

Дастимиздан тутди танти одамлар,
Меҳру оқибатдан етдик вояга.
Аммо бўронларга дуч келган дамлар,
Зор бўлдик отадек магрур қояга.

Оталар бир ўқдан ўлдилар, илло,
Биз минглаб ўқларга бўлдик қалқонлар.
Ёв ўлдирмоқ бўлди...
Ўлмадик аммо.
Бизлар ўлим билмас тирик қурбонлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи қўшиқ

СИЗНИ ИЗЛАДИМ

Байрамни эслатар
Вокзал сурони,
Соғинч ифодаси — қайноқ бўсалар.
Мардлар қучоғига отилар ёниб
Ташналаб келинлар,
Дилгир кексалар.

Дийдорлашув завқи тотли нақадар,
Сезилмас битмаган яра оғриғи,
Чекинар туюлган ғуссаю кадар,
Кўрк бағишлар ҳатто юзлар чандиғи.

Ишонмай "қорахат",
Шум хабарларга
Вокзалда кезишар интизор жонлар;
"Наҳот, ҳамма қайтган она шаҳарга
Қайтмагай бизнинг Эр,
Ота, Ўғлонлар".

Кутишдан бўлса-да тоқатлари тоқ,
Вокзалдан кетишмас:
"Ноумид шайтон!"
Кўздан айрилса-да,
Бўлса-да чўлоқ,
Қайтиб келса бўлди, дейишар, омон.

Кутгани қайтганлар эркалашини —
Кўриб шивирлайди намсиз дудоқлар.
Ҳар битта вагонни,
Ҳар бир жангчини
Элакдан ўтказар гирён нигоҳлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сизга ўхшатолмай суратларини,
Вокзал майдонида яйнаб кўзларим.
Маҳкам тутганимча онам барини,
Отажон,
Мен сизни изладим.

II

Узун эмас экан йилларнинг умри,
Тутиб бўлмас экан вақтнинг этагин.
Кундузни ёритса офтобнинг нури,
Тунга файз бағишлаб онам эртаги —

Орзум — мард Алпомиш минган арғумоқ.
Лекин насиб этмас ўйинчоқ от ҳам.
Толнинг новдасига боғлаб арғумчоқ
Депсинсам
Учқунлар сочгудай қадам.

Қўшним — велосипед минган боладан
Пойгада олдинроқ етсам маррага,
Биров голиб қўлим кўтарса баланд,
Биров чопиб кетди унга далдага.

Ҳали англамасдим:
Қитмирлик нима?
Нимадир хушомад,
Нимадир омад?
Наздимда болалик қалқиган кема,
Ҳамманинг жони ҳам бунда омонат.

Мағлуб рақибимнинг бошини силаб,
Кўзда ёшин артар ғамхўр отаси.
Уни голиб атаб хушомад қилар
Пойгани кузатган давра каттаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отага ҳавасми ва ёки ҳасад,
Каттага ҳурматми ва ёхуд нафрат.
Бўғзимга тиқилиб дилдаги ҳасрат,
Кўзимда ёш қалқиб кутардим шафқат.

Яхшики, дарёдир оталар бағри,
Эркаклар ажратар ҳақни ноҳақдан.
Сўзамол ҳакамни четга чиқариб,
Менинг ғолиблигим ота олди тан.

Хушомадга мойил сўзамол катта,
Қошида ғазабдан чақнаб кўзларим.
Ҳаяжон ичида эсим йўқота,
Отажон,
Мен Сизни изладим!

III

Қурбонлар қайтмади...
Кўзлар жоласи
Қанчалар қилмасин ёстиқларни нам.
Кўникиб қоларкан инсон боласи
Тақдирнинг беаёв ўйинига ҳам.

Бир синфга келдик ўттиз ўғил-қиз,
Ярмимиз отасин кутиб толганлар.
Портфел олдиришга етмай қурбимиз,
Китобни халтага солиб олганлар.

Қушлар топганини бўғзига жойлаб
Олиб келганидай полапонига —
Оналар топганин асраб — авайлаб
Тутарди бизларга — болажонига...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиллар олиб кетиб шўхлигимизни,
Бизни китобларга айлади ошно.
Ўйламасдик очлик-тўқлигимизни,
Сероб бўлиб қолди уйларда ош-нон.

Таом, кийим-кечак етарли, фақат,
Меҳр етмас эди,
Оловли меҳр —
Ота сиймосида дилкаш, ҳамсуҳбат.
Эркак сиймосида дардкаш ҳамфикр.

Муҳокама қилиб тарих корини
Жанжал чиқарсак ҳам дарс пайти баҳсдан.
Бизга бериб вақту ихтиёрини
Домламиз кузатиб турарди баъзан.

Художўй эдими,
Ё сўзлаганда
Кўпроқ айтармиди "худо!" сўзини.
Бизни юпатмоққа йўл излаганда
Ҳамдард кўрсатарди бизга ўзини:

"Қурбонсиз бўлмаган ҳеч жангу жадал,
Ўксиманг, отадан бўлдик деб жудо;
Оталар ҳаётин берсак ҳам бадал,
Ватандан ажрашдан асради худо!"

Таскин бериш учун айтган гаплари
Ғурур тўлдиради ўксиган дилга.
Кўнгил туйғуларин битган дафтарим
Дардим сўзлар эди шеърий тилда.

Шаҳидлар шарафин мадҳ этиб қалам,
Илк шеърим босилган ўн олти ёшда.
Наздимда шеъримни ўқирди олам,
Ҳавас қилар эди гўё тенгдошлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунё касб этарди ўзгача фусун,
Ноёб ғазал эди ҳар ютум нафас.
"Неча сўм оласан шу шеъринг учун?"
Дея сўраб қолди бир бедард нокас.

Гўё қулаб кетдим кўк пештоқидан,
Пулга чақилганда эзгу ҳисларим.
Юрагим сўкилиб чоки-чокидан,
Отажон,
Мен сизни изладим.

IV

Катта орзу билан туғилар инсон,
Ҳаёт уни бошлар каттакон йўлга.
Майда гаплар билан ўралашган жон,
Сўппайиб қоларкан кимсасиз чўлда.

Катта олис йўлга чиққан одамга,
Чўт эмас йўлдаги кераксиз тошлар.
Ғашига тегса гар қоқилган дамда
Олиб улоқтирар...
Ё суриб ташлар.

Катта орзуларга ошно элимнинг
Қўлидан ушладим йўл бошидаёқ.
Унинг қўшиғига созлаб дилимни
Унинг хоҳишини билдим зўр маёқ.

Қоқилсам суяди қудратли халқим,
Толсам юрагимга бахш этди дармон.
Ҳаёт дарёсида борурман оқиб,
Нурли истиқболга демакки ёрман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пулга тузоқ қўйган кимсанинг эмас,
Улуғвор халқимнинг олдим хислатин.
Ушалган лаҳзалар дилдаги ҳавас,
Отажон, мен Сизни изладим.

Учинчи қўшиқ

НЕЧУН...

Ҳассали кишидан қўрқармиш ит ҳам,
Давлат саналаркан ҳасса ҳам гоҳо.
Яхшики, ҳассага суянмас олам,
Яхшики, итхона эмасдир дунё.

Йиллар олиб кетиб белнинг қувватин,
Алиф қоматларни айласа дуто.
Нуроний чолларнинг безаб савлатин
Дармон ва кўрк берар қўлдаги асо.

Нотанти табиат золимлик қилиб,
Дунёни кўришга ожиз яратса,
Ўзини содиқ дўст ва ҳамроҳ билиб,
Йўл бошлаб юраркан одамга ҳасса.

Ёлғиз йўлга чиқса зимистон кеча
Одам тутмоқ учун ўзни дадилроқ,
Бирор кори ҳолни ўйлаганича
Қўлга ушлар экан ҳасса ё таёқ.

Хонадон соҳибин кўп кўриб ҳаёт,
Бошга тушганида ногаҳон ўлим.
Чироқсиз қолди деб,нурафшон уйим,
Ҳассага суяниб чекарлар фарёд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одам ҳасса учун яралган эмас,
Ҳасса одам учун яралмиш асли.
Унга суянмоқни этмасман ҳавас,
Ундан халос ўтсин умрим тўрт фасли.

Ҳасса керак экан йўлиқсанг итга...
Аммо тор кўринди кўзимга дунё,
Ўн етти ёшдаги полвон йигитга
Забардаст отаси бўлганда асо.

II

Таёқ керак эмас билим жангида,
Ҳар ким ўз билгича ўтар синовдан.
Катта шаҳар ичра ёшман, янгиман
Воқиф бўлмаганман давра, паловдан.

Бехабар эканман улфат имосин,
Ва ё дўстлик деган туйғу ҳурматин —
Ҳатто имтиҳонда фарзанд баҳосин
Ошириб қўйишга етар қудрати.

Тасаввур қилмасдим қондошлик баъзан
Оқни қора қилиб қўймоққа қодир.
Виждон ютиларкан парво қилмасдан.
Ҳатто синов чоги бўлмасдан одил.

Менга дорилфунун муқаддас даргоҳ,
Менга ҳар муаллим табаррук бир зот.
Сўнгги синовдан сўнг ишондим мутлоқ
Толиб бўлганимга...
Лекин бу ҳаёт...

Қабул қилмадилар мандат кунида,
Назарга кирмади "аъло" баҳолар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тортишув сўнггида, суҳбат
сўнггида
Мендан ғолиб чиқди турли баҳона.
Чиқсам, мағрур турар қабулхонада
Кеча имтиҳондан "йиқилган" йигит.
Ўпиб қутлашарди ота-оналар:
"Яша, ота ўғил!"
"Бор бўл, студент!"

Менга турқи таниш қориндор ота,
Ҳар гал имтиҳонда келиб-кетарди.
Учраб қолганда ҳам йўлда бир хатар,
"Йиқилган" ўғлини адл кўтарди.

Балки пулдор эди, балки амалдор,
Балки ниқоб кийган битта муттаҳам,
Шундай асоларга суянса, алҳол,
Тикланиб кетаркан ҳатто латта ҳам.

Ҳасса қилмас эдим. Сизни, Отажон,
Сиз қуруқ ёғочмас, пурвиқор қоя.
Йигит орзуларим бўлганда қурбон
Етмай қолди Сиздай ҳимоя.

III

Замон елар экан миниб учқур от,
Шиддат — зийнат эрур йигит умрига.
Замон шитобида касб этиб сабот,
Ҳаётни ўқийсан китоб ўрнига.

Ҳаёт силлиқ эмас йўнган таёқдек,
Ёхуд эртак эмас орзудек ширин.
Ҳаёт — ўзинг очган янги сўқмоқдир —
Олдинда нималар бори яширин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаёт — она эрур бор коинотга,
Унинг фарзандидир бутун мавжудот.
Нобоп қилмишларин тўнкаб ҳаётга,
Онани айблайди баъзи нонкўр зот.

Ахир гуноҳкормас муаззам Ҳаёт
Шундайларни асраб тургани учун,
На чора?
Яхшими, ёмонми зурёд,
Она бахш этади бор меҳрин, кучин.

Гар биров чекинган бўлса инсофдан,
Биров адолатни алмашса нафсга.
Издан чиқиб кетмас Ҳаёт дафъатан
Балки чорлар экан
Курашга,
Баҳсга.

Мандат ҳайъатида турибман қайта,
Меҳрибон боқишар таниш чеҳралар:
— Шундоқ бўлиш керак бунақа пайтда,
— Қолиб кетишингга сал қолди...
— Агар...

— Айтиш керак эди, шаҳид жангчининг
Ўглиман деб, ука, тортинмай асло.
— Майли, хафа бўлма, гинадан кечгин
— Ҳа, қабул қилиндинг...
— Ўқийвер аъло.

Мағрур турардингиз жисми жонимда,
Аччиқ кулган каби сохта афсусдан.
Қонингиз кезарди қайноқ қонимда
Ўзимни тиярдим таънали сўздан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиз майда ниятлар йўлида эмас,
Катта Ватан учун бахш этгансиз жон.
Ноҳақлик қошида қолсам бир нафас,
Нечун номингизни қилайин қурбон,
Отажон!

Тўртинчи қўшиқ

СЕНИ АЙБЛОЛМАЙМАН

Сени айблолмайман бевафоликда,
Ва лекин менинг ҳам йўқдир гуноҳим.
Тирик туриб тушган бу жудоликда
Тақдирни лаънатлаб ўтамиз, моҳим.

Сени учратганда умрим тонгида,
Қуёш ҳароратин берди нигоҳинг.
Қалбим макон этдинг ўзинг мангуга,
Мангу дилда қолди ишқинг ва оҳинг.

Ўзинг бўлган эдинг ноёб кашфиёт,
Сўнгсиз олам аро янги бир олам.
Ҳаётбахш бир туйғу,
Сўнмас эътиқод
Муҳаббат аталмиш қувонч ва алам.

Ҳамон хумор айлар ўша учрашув,
Наманган сойининг сўлим соҳили,
Бизни қутлагандек қарсак урган сув,
Соябон мажнунтол майин кокили.

Балки ёдингдадир
Қўллар қовушгач,
Икки ниҳол танни титратган ларза.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дутор қўш торидан чиққан
товушдай
"Севаман" сўзини тенг айтган лаҳза.

Тўқис туйилганди сен билан дунё,
Ишқинг тўлдирганди кемтик дилимни.
Хумор кўзларингга беркинган ҳаё
Бахтга буркар эди умрим йўлини.

Висол лаҳзалари — умр лаззати,
Ҳаётни бол этар ширин ваъдалар,
Сенинг паймонларинг — қалбим мадади,
Наҳот, ишқли диллар алдар, алданар?

Ўтнафас Машрабнинг оташ байтларин,
Сенга ўқимоқдан чарчамас эдим.
Оқшомлар — кузатиб қайтган пайтларим
Қаламим бўярди оқ қогоз бетин.

II

Гўё жоним кетар сен билан бирга
Ёлгиз қайтар эди оловли жисмим.
Сенга бағишланган илк ғазал,шеърга
Мисралар яширар, малагим, исминг:

"Ҳуснингни кўриб, ҳуру пари
Лол бўла қолгай,
Қаддингни кўриб, балки
Алиф дол бўла қолгай.

Атрофга боқиб, қочгани жой
Топмаса нуқта,
Қошу яноғингга қўниб
Хол бўла қолгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лаб очсанг агар сўзларингга
Тенг кела олмай,
Оламдаги лаззат йиғилиб
Бол бўла қолғай.

Ишқ аҳли аро таърифу
Ташбеҳ эса лола
Кўрганда юзинг минг уялиб
Ол бўла қолғай.

Мастона нигоҳинг ўтидан
Сўнгуси Чўлпон,
Зулфингга ёпишган қора тун
Ёл бўла қолғай.

Афсона эмиш Лайлига
Дил бергани Мажнун,
Кўргач сени сочини ёйиб
Тол бўла қолғай.

Ошиқ эли йўлингда уриб
Оҳу фиғонлар,
Ҳам Фарҳоду ҳам Тоҳиру
Зол бўла қолғай.

Йилларча кутиб васлингга
Етса бу Ҳабибинг,
Мангуга топиб бахтини
Хушҳол бўла қолғай".

III

Онам остонангдан қайтди ноумид,
Ғуссали кўзида ғилқиллади ёш.
Она кўзин ёшли кўрмасин йигит,
Ҳайҳот, бу азобга етмагай бардош.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отанг рози бўлмай нон синдиришга,
Анвои важларни ташлабди қалаб.
Тили бормаса ҳам очиқ айтишга,
Эҳтимол, отамнинг йўқлиги сабаб.

Ошкор севгимиздан бўлганда воқиф
Тўйинг тараддудин кўриб қолди-ку.
Қайта кўришмоқлик этмади насиб,
Чил-чил синган эди бокира туйгу.

Сени юлиб олиб кўнглим мулкидан,
Ноёб бисотимдан айирди отанг,
Шиддаткор бир бургут эдим сен билан
Темир қанотимни қайирди отанг.

Айбим нима эди, билмам, қошида,
Кўйингда саргашта кездирди-қўйди.
Қалбим кўзгусига отган тош ила
Тотли ҳаётдан ҳам бездирди-қўйди.

"Отасиз йигитда бойлик не қилсин,
Ўзга хонадонда кулар иқболи!"
Бахтга буркаш учун суюкли қизин,
Отанг куёв қилди қассобнинг ўглин.

Тўйингда янграган сурнай, ногора
Душман тўпларидай даҳшат туюлди.
Қўшин қаршисида ёлгиз, бечора —
Қолдим, кўзларимдан армон қуйилди.

Наҳот, йигирма йил аввалги уруш,
Менинг тақдиримни яралар ҳамон.
Бойлик бамисоли босқинчи юриш,
Биринчи севгимни айлади қурбон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV

Кошки учратмасам сени ҳар куни,
Кошки яшамасак бир маҳаллада.
Аланга олмаса қалблар ёлқини
Кўзларим кўзингга тушган паллада.

Ҳамон ўша олов,
Ўша дардимиз.
Ҳамон назаримда ўн еттидасан,
Баҳам кўролмаймиз битта бахтни биз,
Сен ҳам армон билан ёниб ўтасан.

Нетай, сен — онасан,
Мен эса ота.
Уч ўғил, икки қиз — кулбам чироғи
Хотин умрбод рашк азобин тортар,
Аммо болаларнинг недир гуноҳи?

Отанг сайр эттирар тутиб дастидан,
Ичига ютганча ўз дардларини,
Уруш бўлмаса-да қимор устида
Қурбон бўлган куёв фарзандларини.

Гоҳо маҳалланинг чойхонасида,
Оҳ уриб эслармиш ўз қилмишини.
Тақдир деган калом баҳонасида
Яшириб кетармиш урган нишини.

Сени айбломайман бевафоликда
Ва лекин менинг ҳам йўқдир гуноҳим.
Тирик айрилиқда,
Бу жудоликда
Урушни лаънатлаб ўтамиз, моҳим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бешинчи қўшиқ

ЎҒЛИМ БИЛАН СУҲБАТ

Маҳалламнинг дониш чолларин кўриб,
Бобонгни сўрайсан,
Қўзгаб дардимни.,
Изтиробли санчиқ,
Зил армон бўлиб
Ўглим, саволларинг эзар багримни.

Олам гулистондир тасаввурингда,
Сенинг тўкис бахтинг дунёга ёрдай.
Саккизга тўлмаган қисқа умрингда
Бахту бахтсизликнинг фарқига бормай —

Бола кўзи билан кўриб оламни
Ўйлайсан:
Беғубор яралган борлиқ.
Мангу туюлади умри одамнинг
Наздингда иқбол ҳам аслида бордек.

"О-на", "Ло-ла" сўзин битган дафтаринг
Сен учун беғубор ва чексиз дунё.
Ҳали англамайсан дунё дардларин
Ҳали луғатингга "уруш" сўзи ёт.

Ҳали бахт йўлида тўкилган қонлар,
Берилган жонлардан йўқдир хабаринг.
Кинода кўрганинг:
Кураш,
Қурбонлар,
Сенга ўйин бўлиб туюлар бари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кумуш соқолларин суркаб юзингга,
Манглайинг ўпмаган бобонг ҳақида.
Дардли ургу бериб "бобонг" сўзига
Бувинг айтиб берар турли ақида.

Мен ҳам армонимни ичимга ютиб,
Сен билан тинглайман бувинг эртагин.
Бобонг қайдалигин билишни кутиб,
Эртак давомини сўрайсан тагин...

Бувинг кипригига илинади ёш,
Бошқа ёққа бурар суҳбат мавзусин.
Ўлимин айтишга етмасдан бардош
Эртага қолдирар...
Бошлаган сўзин.

II

Мен сенга афсона айтмайман, ўглим,
Бир дам шерик қилгум дардли ўйимга.
Кўрмаган бобонгни қўмсамиш кўнглинг,
Юргил, зиёратга Шуҳрат уйига.

Муқаддас саждагоҳ бу Шуҳрат уйи.
Гўё шаҳидларнинг рамзий мозори.
Исми-шарифлари ёзилган ўйиб,
Эъзозда турибди номаи кори.

Бунда гапиради ҳатто суратлар,
Бунда тилга кирар ҳар хат, ҳар ҳужжат,
Бунда қурбонлар-ла қуриб суҳбатлар
Ўксик кўнгиллардан чекинар ғурбат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу уй катта достон,
Катта жангнома,
Бунда тирик тарих сақлайди сукут.
Шу достон сатрида бобонгнинг номи.
Ана... боқиб турар нигоҳлари ўт.

III

Нечун жимиб қолдинг?
Аскар жомаси
Кинода кўрганинг эсга солдими?..
Сени кўролмаган бобонгнинг акси
Мурғак юрагингдан ўрин олдими?

Ва ё уруш деган машъум қабоҳат
Ўйин эмаслигин этдинг тасаввур?
Менинг юрагимни эзган жароҳат
Ё кўзинг ўнгида намоён бўлур...

Сурат остидаги хатни ҳижжалаб,
Балки, юрагингга тўлгандир ғурур.
Балки, қалбинг бобо меҳрини тилаб,
Кўнглингга ўксуклик чўкди бир умр?!

IV

Манглайи серажин мўйсафид тарих,
Не-не қиргинларга бўлса-да шоҳид.
Асло кўрган эмас эъзозлаб даври,
Шараф гулчамбарин кийганин шаҳид.

Порлоқ хотирасин буркаб шон билан
Қайта тирилтирмиш уларни Ватан.
Жой топиб туғилган она шаҳридан
Ўз ҳақин олмоқда гулгун ҳаётдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана деворлардан боқишар сенга,
Сени деб жонидан кечган қурбонлар.
Улар умри туташ сенинг умрингга,
Насибанг — ўшалар емаган нонлар.

Шаҳрим юрагидир Шон-шуҳрат уйи,
Шу юракка жодир сенинг бобонг ҳам.
Соғинсанг, шунга кел, термилгин тўйиб,
Саволларинг билан эзмагин, болам.

Шунда бобонг руҳин этажаксан шод,
Кўзингга тўтиё шу уйнинг гарди.
Ғолиб боболарни этганингда ёд,
Тирик қурбонларнинг англарсан дардин

Сенга аён бўлар бувинг армони,
Отанг куйидаги мунг сабаби ҳам.
Тасалли топади шу уйда жоним,
Дардимга бир лаҳза топаман малҳам.

Мен сенга афсона тўқиганим йўқ,
Сени олиб кирдим шаҳрим қалбига.
Бобонг ўлмасликка олгану ҳуқуқ,
Умрин бериб кетган менга ва сенга.

Энди насиҳатга қолмади ўрин,
Ортиқ сафсатанинг фурсати эмас.
Бобонг эркалашин қўмсашдан бурун,
Ватанни бобонгдай сева олсанг бас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтинчи қўшиқ

ШУКРОНА

Совуқ калом тинглаб кўксим музласа,
Қайноқ меҳринг билан эритдинг ҳар он.
Ерга урганида қадримни кимса,
Ўзинг қила олдинг кўксимни осмон.

Сенга бошим эгиб қилурман таъзим,
Эй, менинг муштипар, меҳрибон онам!
Мунис заҳматкашим, дардкаш азизим,
Босган изинг менга қиблайи олам!

II

Одамнинг қисмати боғлиқ одамга,
Инсон тақдирига дахлдор инсон.
Бахтим чўққисига интилган дамда
Чалиб йиқитмоқчи қай бир бевиждон.

Сиртида жилмайиб, тош отиб зимдан
Асли қиёфасин кўрсатмай мутлоқ.
Соядай эргашиб юрар изимда
Ҳар бир сўзимга ҳам қўяди тузоқ.

Бадкор ниятини ўчириб, чизиб,
Тақдир битигимни этурсан таҳрир.
Сенга таъзимдаман бағри денгизим,
Эй, муаззам ҳаёт — доно муҳаррир.

III

Қуёшга интилган ниҳол мисоли,
Инсон туғиларкан ҳаётга ташна.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фашизм вабоси — асрим дажжоли
Ниҳоллар устига тиради пошна.
Қуёш ҳароратин кўрмасдан раво,
Тўлдирмоқ истади кўнглимга кадар.
Сен қуёш қалбингдан бердинг-да зиё,
Мени кафтинг узра тутдинг мўътабар.

У ота меҳридан этди бенасиб,
Сен сахий меҳрингдан этмадинг жудо.
Таъзимдаман, қўлим кўксимга босиб
Менинг азиз халқим — қудратли даҳо!

IV

Тақдирдан нолимоқ ялқовнинг иши,
Ношудлар нолийди касби коридан.
Мен замонга ортмай шахсий ташвишим,
Замон ташвишини ортиб борурман.

Дерлар: курашдадир соя билан нур,
Даврим курашларга чорласа не тонг.
Бошини хам қилмай, яшайди магрур
Умрин курашларга бахш этган инсон.

V

Не-не балоларга этса-да дучор,
Бойлик илинжида тўпланган олтин.
Фарзандим бахтини этгай деб пайдор,
Олтин йиғар экан очкўзлар зоти.

Отам қолдирмади менга хазина,
Ундан қолган мерос ёниқ қалб ва дард.
Шу икки бойликни менинг вазифам
Шаҳид қони каби сақламоқ бегард.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яна мерос қилиб қолдирди сени,
Сени оламларга бермаган отам.
Сенга сажда қилгум эгиб бошимни
Эй, қалбим ва дардим — муқаддас Ватан!

VI

Кичик юрагимга катта олам жо,
Эзгуликка шайдо ёниқ ҳисларим,
Яхшидан ёмонлик истамай асло,
Зулмат диллардан ҳам зиё излагум.

Биров ич-этин ер кулса омадим,
Бировнинг қовоғин уйдирар хандам.
Нетай, мен ўзгача яшай олмадим,
Ёвузлик, ҳасадга бўлмадим банда.

Кўнглинг дарё бўлса, йўлинг ҳам дарё!
Доғда қўймас экан ҳеч яхши ният.
Яхши ниятларга айладинг ошно,
Сенга таъзимдаман, эй пок Шеърият!

ХОТИМА

Армон билан бошлаб, шукрона билан,
Нуқта қўймоқдаман бу достонимга.
Гарчи дастим узун, толеим баланд,
Боғбон камлик қилур дил бўстонимга.

Йўргакда ёпишган шу ўтли армон,
Сўнгги нафасгача ушалмас, ҳайҳот!
Сенинг фарзандингни, азиз китобхон,
Шундай зил армондан асрасин ҳаёт!

1975—1979

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кураштдан иборат бу ҳаёт боғи
Бўрон, довулларни кўп кўргай, кўрган.
Ўртанмайин десанг довуллар чоғи
Чинорга суянмай яшашни ўрган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Гўдак кулгусидай беғубор, маъсум,
Унда ошиқона ёниб қарашлар,
Унда маъшуқона ибо, табассум.

Унда табиатнинг саховати жам:
Ҳали рассом топиб улгурмаган ранг,
Ҳали созанда кашф этмаган оҳанг,
Шоирлар излаган янги ташбеҳ ҳам.

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Пурҳикмат Беруний унда барҳаёт,
Сино беморларга бахш этар нажот,
Унда Навоийдан шеър тинглар башар.

Унинг осмонида сузиб юради:
Юртини соғинган Бобур нидоси,
Чорлар адолатга осмон худосин,
Аналҳақ Машрабнинг қонли юраги.

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Унда тилга кириб қадим минорлар,
Ўтиб гувоҳликка асрий чинорлар
Замонлар коридан эртак сўйлашар.

Эртаклар қаърида пинҳон армон ҳам,
Армонлар йўлида не-не қурбон ҳам.
Қурбонлар қонидан унган бўстон ҳам,
Эртакка юзма-юз турган бир олам.

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Унда оқибатдан қуриб кошона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зукко аскиядан титраб чойхона,
Пири бадавлатлар қаҳ-қаҳ уришар.

Унда қуёш билан бирга чиқади
Меҳмонга аталган нон ҳам тандирдан,
Инсон муҳаббати,
Инсон қадридан
Кўзлар нур эмади,
Қалб куч йиғади.

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Унга ҳавас билан боқар оламлар,
Меҳнатни туг этиб унда одамлар
Номус, деб курашар,
Ор, деб курашар.

Ҳар кимнинг корига виждон тарозу,
Поклик мезон эрур,
Ҳалоллик — шиор.
Имонлар пок учун иқбол барқарор,
Ҳалоллик бор учун йўлдошдир орзу.

Менинг юрагимда бир олам яшар:
Багридан тўрт фасл кетмас офтоб.
Бойлиги беҳисоб, қўри беҳисоб,
Пахтасидан оппоқ кийинар башар.

Дилда шу оламни ардоқлаб, қучиб.
Ўзбекистоним, деб севгум ҳар лаҳза.
Ва бошқа ҳеч нарса, бошқа ҳеч нарса
Зинҳор Ўзбекистон эмас мен учун.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАТАН

Йўқ, мен Ватан дея сиғинмам асло,
Оёқ остимдаги оддий тупроққа.
Йўқ, мен бино қўйиб юрмайман, ҳатто,
Шу тупроқда ўсган сернеъмат боққа.

Ватан бўлолмагай менга мутлақо,
Бағрида бойликлар сақлаган тоғлар.
Тубида жавоҳир асраган дарё,
Пойимга ястанган бахмал ўтлоқлар.

Ватан муқаддас, деб куйлаганимда,
Сени ўйлагайман, эй қодир инсон!
Дунё тарихидан сўйлаганимда,
Сен билан намоён бу кўҳна жаҳон.

Менга нечун керак бу чексиз дунё,
Нечун менга боғ-роғ, жавоҳиру зар.
Гунг тоғлар — оддий тош,
Тупроқ — хор тупроқ
Сенинг муҳаббатинг тушмаса агар.

Осмон нима эмиш,
Нимаймиш қуёш,
Ғариб нотавондир сенсиз коинот,
Ким ҳам ёлғизликка бера олар дош,
Меҳринг бахш этмаса умр ва ҳаёт.

Мен ҳам бу оламга нечун керакман,
Нима фарқ қиларди тупроқдан таним,
Агар қароғингдан топмасам маскан,
Қалбингдан топмасам, мўъжаз Ватаним.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕН, МЕН ВА У

Не ажабдир,
Менинг нодон сўзларим ҳам
Сенга ҳикмат туюлса?!
Не ажабдир,
Менинг арзон совғам, эркам,
Сенга қиммат туюлса?!

Ахир, жоним,
Сенинг ёшлик қусурларинг
Менга хислат туюлгай...
Нозларингу
Аразларинг,
Усулларинг
Бахтли қисмат туюлгай.

Севган юрак
Севгилисин яхшилигин,
Кўрар минг бор ошириб.
Севган юрак
Севгилисин ёмонлигин
Кетар эмиш яшириб.

Бу оламда
Сен мен учун, мен сен учун
Фариштамиз мисоли.
Қалбларда — ишқ,
Уйда қуёш порлар тун — кун,
Керакмас ўзга толе.

Аммо, эркам,
Бизнинг толе, иқболимиз
Унга ҳасрат туюлгай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Заҳар татир
Унга тутган нақд болимиз,
Дилига ҳасад қуйилгай.
Не ажабдир,
Сену менинг хислатларим
Унга иллат туюлса.
Излаб юрса
Сену менинг иллатларим,
Айбимиз — бахт туюлса.

Дунё-дарё,
Хас ҳам оқар бу дарёда.
Балки бордир эҳтиёж.
Ажабланма,
Сену мен бор бу дунёда
У ҳам бор-да, не илож?!

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧРАШУВ

Ё, Раб! Кўрмай қолдими кўзим,
Ё тондими ўзлигидан қалб.
Хаёлларим тутундай тўзиб
Мен қошингда ҳайкалга ўхшаб
Қотиб қолдим бугун, гулюзим.

Ўша қомат, ўша латофат,
Уйқум олиб қочган шўх кўзлар...
Бугун нечун қилмас бетоқат,
Бугун нечун ёнмайди сўзлар.
Ўз ҳолимдан ўз қалбим бўзлар.

Бас, ушалди эзгу армоним,
Кўрдим ўша гулгун юзингни.
Айтақолгин, тезроқ айт, жоним,
"Хайр" деган сўнгги сўзингни,
Тополмадим сендан ўзингни.

Вайрон қилиб қўйдинг боз мени,
Учратмасам кошкийди сени.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАНҚИДЧИЛАР

Шоир дўстлар, ҳайрон бўлманг,
Танқидчилар корига,
Уларни ҳам оналари
Шундай қилиб туғмаган.
Бу дунёга келган чоғда
Овозининг борича
Сизу биздай йиғлаган.

Сизу биздай ошиқ бўлган,
Шеър ҳам ёзган бир палла,
Боғлар кезиб хилват жойда
Илк бўса ҳам олишган.
Бир кун талант ва ақлга
Торлик қилиб бир калла
Ора йўлда қолишган.

Ақл бир ён тортиб қолган,
Бир ён тортган истеъдод,
Ақл жаннат ваъда қилган,
Тотавер, деб лаззатин.
Истеъдод-чи, роҳат эмас,
Ваъда қилган умрбод
Кончиларнинг меҳнатин.

Ақл қурғур ғолиб чиқиб
Тортиб кетган уларни,
Боғ яратмай ўзгаларнинг
Боғларидан ўтишар.
Болалардай тишлаб ташлаб
Ғарқ пишган меваларни,
Хомига тош отишар.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИВА

Замонлар ва жанглар силсиласида
Туғилган кунини ҳатто унутиб,
Давр ваболари, зилзиласидан
Қаддин магрур тутиб, мардона ўтиб
Бир шаҳар турибди яшнаб жамоли —
Мағлублик билмаган полвон мисоли.

Унинг саховатли ёниқ сийнаси,
Не-не доноларга зако эмизмиш.
Илҳом хазинаси, куй хазинаси,
Не-не шоирларга наво эмизмиш.
Заковат тимсоли, санъат тимсоли,
Ўрта Осиёнинг кўрки, камоли.

Асрий пахсаларнинг ёриқларидай
Нуроний манглайин қопламиш ажин.
Ҳикмат излаб қисмат ёзиқларидан
Бир дам ўйга толган гўё мунажжим.
Билмам, қаёқларга учмиш хаёли,
Ё шаҳид ўғлининг қўмсар висолин?

Меъмор санъатига дилдаги дардин
Омухта қилолган мунис онажон.
Қуёшга талпинган мораларда
Эзгу орзуларин этмиш намоён.
Ноилож қолганди тарих шамоли,
Уни қулатмоққа етмай мажоли.

Бугун мард замонга бўлиб муносиб,
Минг йиллик тарихга мисоли кўзгу,
Паҳлавон Маҳмудни кўксига босиб
Номардлик устидан кулиб турар у.
Ҳар қарич тупроғи мардлик тимсоли,
Қадам қўйган номард топгай заволин.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

"ЛАЗГИ"

Хоразмда "Лазги" чалинса,
Бутун ўлка рақсга тушаркан.
Ёшлар каби гурсиллаб кекса,
Ёшлар басма-басга тушаркан.

Наинки қўл,
Рақс этар сочлар,
Ўрлар экан кўкка қувончлар,
Чеҳраларга қўниб қуёшлар,
Гўё осмон пастга тушаркан.

Ақидалар йўқотиб қадрин,
Лол қоларкан шоирлар сатри.
Сармаст этиб муҳаббат атри
Ҳар юракка ларза тушаркан.

Олтин рангга кираркан қумлар,
Қарсак чалиб ўйчан гужумлар,
Болга тўлиб биллур узумлар,
Япроқлар "гум-қарс"га тушаркан.

Билмагандир ўзи эҳтимол,
Куй яратган йигит ёки чол.
"Лазги" сеҳри ҳаёт, ишқ мисол
Ғам-қайғу-ла қасдга тушаркан.

Гувоҳ эрур оқ сочли тарих,
На қилич, дор,
На амри маъруф,
Элни шунча этмагай мағлуб
Гар туйғулар баҳсга тушаркан.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИАРИҚДА

Севсам, севибман-да, ўзбекман содда.
Ғафур Ғулом

Хоразмнинг бир шўх соҳибжамоли,
Нозли хиром айлаб товус мисоли.
Пароканда этиб фикру хаёлим,
Ақлу ҳушим олди Янгиариқда.
Дўстлар, қалбим қолди Янгиариқда.

Енгил учар эди мисоли оҳу,
Кулса кичик оғзи сочарди ёғду,
Рақсида минг жилва, жилвада жоду,
Сеҳр уммонида сузди балиқдай,
Дўстлар, қалбим қолди Янгиариқда.

Дилни муқом билан боғлаб олибдир,
Қарогимда унинг акси қолибдир.
Бошимга ошиқлик савдо солибдир.
Айларман ошкор энди ҳайиқмай,
Дўстлар, қалбим қолди Янгиариқда.

Севиб қолибди, деб кулманг, азизлар,
Севгига бир умр қулман, азизлар,
Севмай қолсам кесак, кулман, азизлар,
Бунда гуноҳим йўқ ҳатто тариқдай,
Дўстлар, қалбим қолди Янгиариқда.

Билмам, жой олдимми ул шўх ўйидан,
Шоир бўлиб қолсам не тонг кўйида,
Аму соҳилига Сирнинг бўйидан,
Майли, Тоҳир бўлиб оқсам сандиқда,
Дўстлар, қалбим қолди Янгиариқда.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бағрингни кенгроқ қил, эй ошнам,
Ҳаммага етади бу дунё.
Сен уни торайтмоқ бўлсанг ҳам
Ўзин кенг тутади бу дунё.

Сен уни ўзгадан қизғонма,
Кенгроқ оч юрагинг эшигин.
У ахир ҳеч кимдан, ҳеч тонмас,
У ахир инсоннинг бешиги.

У сени кўксида ардоқлар,
Сен уни бағрингга жойлагил.
Кетмайсан сен уни ортмоқлаб,
Олам — бу мулк эмас, ўйлагил.

Ҳаммага кўп кўриб сен уни
Ўзинг ҳам бағрингга олмасанг,
Қўрқаман, оқибат бир куни
Дунёга сиғмасдан қолмасанг.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр васлига қувондим, қовди кўйидан мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатга магрур ўлмасин.
Алишер Навоий

Ўша оқшом
Мен шоҳ эдим етти иқлимга,
Сен малика —
Ўн саккиз минг олам измингда.
Ёлгиз ўзинг
Эга эдинг бутун мулкимга,
Мен дунёни
Қучган эдим сенинг жисмингда.

Наҳот шундай
Бевафодир дунё дегани,
Шунчалар ҳам
Қисқамиди шоҳликнинг умри.
Тахту давлат
Асов тулпор янглиг юганин
Узиб кетди,
Сен боғимни тарк этгач, қумри.

Сен-ла кетди
Мен забт этган у нурли дунё,
Ёдгор бўлиб
Бошимдаги тож қолди фақат.
Тахт ҳам кетди,
Давлат кетди, кетдинг бевафо,
Бошимда тож —
Мангу қолган — сўнмас муҳаббат!

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁЛҒОН

Мени алда, эркам,
Ваъда қил висол,
Нурдай сингмасанг ҳам қучоқларимга,
Шўх овозинг оқсин ширин куй мисол,
Ёлғонга ўрганган қулоқларимга.

Ёлғизимсан, дединг инондим ахир,
Ягонамсан, дедим ўртаниб дилим.
Тилда овутсанг ҳам қувондим ахир,
Ёлғон айтар бўлсам кесилсин тилим.

Ҳаёт ўз ишини қилди ниҳоят,
Куз келди ишқимиз гуллаган боққа.
Сен-ку, бу ҳижронга қилурсан тоқат,
Лекин мен чидамам аччиқ фироққа.

Не тонг, ёлғонлардан куйган кўнгилга
Ҳақиқат бўлгани сингари малҳам,
Аччиқ ҳақиқатдан ўртанган дилга
Малҳам бўлар экан гоҳо ёлғон ҳам.

Шу боис, азизам, аччиқ ҳақиқат,
Яралаб кетаркан ошуфта жонни.
Жонбахш малҳам дея ўтингум фақат
Лабларингдан учган ширин ёлғонни.

Мени алда эркам,
Ваъда қил висол.

1981

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛИК

Гулдай кўксинг эзмиш тоғдай оғир ғам,
Қаро кўзларингга қаро бу олам.
Агар тутолмасам ғамингга елкам,
Дўстлик даъволарим абасдир, абас.

Не тонг, камолингдан куймиш ёмонлар,
Номингни ёмонга йўймиш ёмонлар.
Охир маломатга қўймиш ёмонлар,
Билгил, иғво умри абадий эмас.

Бошга кулфат тушса билингай дўстлар,
Беадад ҳимматин илингай дўстлар,
Дўстига тиғ тегса тилингай дўстлар.
Дўстликка фидолик энг олий ҳавас.

Ҳар кимга кўз тутиб гирён бўлмагил,
Номардлар тонсалар ҳайрон бўлмагил,
Дўстсиз қолдим дея вайрон бўлмагил,
Менга меҳринг азиз, кимга азиз нафс.

Суянган тоғларинг путраб кетсалар,
Исмингдан даҳшатда титраб кетсалар,
Дардинг айтсанг бефарқ мудраб кетсалар,
Койима, танг жойда пастлик қилур паст.

Ундайлар қошингга қайтмоғи аниқ,
Эски қўшиқларин айтмоғи аниқ.
Чунки ғам тоғин ҳам битмоғи аниқ,
Ҳар мушкул — дўст танлаш йўлидаги дарс.

Баски виждонинг пок, имон саломат,
Қаддинг мағрур тутсанг йитгай маломат.
Ахир адолат бор, дўстим, адолат,
У мангу музаффар, мангу муқаддас!

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

БАЙРАМ БАДИҲАСИ

Бугун баҳор чиқмиш кўчага,
Тароватга, фусунга тўлиб.
Кўрк таратиб ҳар бир гўшага
Гул кўтарган қизлардай кулиб,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Камалакнинг етти ранги-ла
Бўяб атлас ипакларини,
Сармаст этиб ишқ оҳанги-ла
Кексаю ёш юракларини,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Бугун байрам!
Дам олур меҳнат,
Ахир меҳнат байрами бугун.
Дастурхондир сахий табиат,
Унда ишқу эзгулик тўкин,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Не ажабдир, ошиқ дил билан
Куйлар эсам севги қўшиғин?!
Гуллар очиб, кийиниб башанг,
Мамнун этиб мафтун ошиғин,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Кулиб турар осмонда қуёш,
Чеҳраларга табассум ёйиб,
Ишқсиз, сўхта, худбин, бағри тош,
Кулгу билмас зотларни қойиб,
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

Муҳаббатдан яралган олам,
Эзгуликдир унинг устуни.
Шу қўш туйғу,
Шу икки калом,
Тинчу омон тутсин, деб уни
Бугун баҳор чиқмиш кўчага.

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

ГАП

Отда юрганимдан сенга не зарар,
Ё пиёда қолсам сенга қандай наф?
Соядай эргашиб шом ила саҳар,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, "Гап?"

Таъзим бажо этсам хушомадгўй деб,
Салом бериб ўтсам гердайган атаб,
Ҳар бир қадамимни қилурсан таъқиб,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, "Гап?"

Хандон давра қурсам дўстларим билан
Пулдор, бойвачча деб юрасан айблаб,
Ёлгиз қолсам, хасис, зиқна деб бирдан
Яна ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, "Гап?".

Менинг-ку қўлимдан келмас ёмонлик,
Яхшилик қилсам ҳам турмайсан қараб.
Қачон топарканман сендан омонлик,
Нечун ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, "Гап?"

Тирик экан сендан қутулмас одам,
Гўрга ҳам борасан вижирлаб, қайнаб,
Мен ўлмайман, сени қолдириб доғда
Чунки қабримда ҳам тинч қўймайсан, "Гап?"

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шодлик, сенга қучоқ очдим мен,
Қайғу, сени кулиб кутдим мен.
Қувонч, сени элга сочдим мен,
Алам, сени ичга ютдим мен.

Ҳасад, сенга қилмадим парво,
Ҳавас, сенинг боғингда ундим.
Не тонг, боқий зулмат ва зиё,
Ҳаёт, сени шундай тушундим.

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАРДЛАРГА

Ҳўкиз шохи ёки балиқ кифтида
Замин турар, деган гаплар афсона.
Куррага жон бериб юрак тафтидан
Сиз ушлаб турасиз мангу мардона,

Сизнинг кифтингизда унинг ташвиши,
Унинг дарди билан Сизлар беором,
Номард кимсаларга қолганда иши
Путраб кетармиди гард бўлиб тамом?!

— Ахир бир юртга ҳам битта номард кўп,
Қабоҳат уруғин сепмоқ унга кор.
Заминнинг бахтига қуёшдай кулиб,
Эзгулик сепасиз Сизлар ҳар баҳор.

Сиз борсиз кўнгилини тўқ тутар олам,
Ҳаёт қушиқлари магрур таралар.
Битгай Сиз ҳимматдан қўйганда малҳам
Номардлар изида қолган яралар.

Замин тақдирини ўйлаганим пайт,
Дилда ардоқлагум шу эзгу ҳисни:
Мард қилиб яратган танти табиат,
Номард таъқибидан асрасин Сизни.

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕВГИЛИМ

Агар оддийгина бир аёл бўлсанг
Соҳибжамол бўлсанг, баркамол бўлсанг,
Ширинмақол бўлсанг, лафзи бол бўлсанг,
Балки оддийгина бир аёл бўлсанг,
Шунча куймасмидим, доғингда...

Эртакдаги пари, ҳур бўлсанг, балки,
Лаъли лаб, тишлари дур бўлсанг, балки,
Умримни ёритган нур бўлсанг, балки,
Эртакдаги пари, ҳур бўлсанг, балки,
Шунча куймасмидим, доғингда.

Йўқ, на соҳибжамол ва на малаксан,
Мени қуршаб олган чексиз фалаксан,
Дарду доғинг билан менга кераксан,
Дунёда боримдан бир хуш дараксан,
Ҳаётим тотлидир хаёл боғингда.

Жонимни йўлингга қўйиб севмасам,
Азобинг роҳатдай туйиб севмасам,
Ҳижронда жонимдан тўйиб севмасам,
Жонимни йўлингга қўйиб севмасам,
Шунча куярмидим доғингда.

Бир умр васлингга абгорлигим ҳам,
Гоҳ беҳуд, гоҳида ҳушёрлигим ҳам,
Бойлик, давлатим ҳам, ночорлигим ҳам,
Бир умр васлингга хумморлигим ҳам,
Куйиб юрганимдан доғингда...
Севгилим!

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАДР

Сени йўқотдим-у, бадавлат қалбим
Қиз чиқарган уйдай бўшади-қолди.
Ҳатто табассумни унутди лабим,
Дардли қўшиғим ҳам ҳатто йўқолди.

Сен ёнимда эдинг,
Сезмабман, ажаб,
Жисмимга жон каби сингиб кетганинг.
Ғолиб юрар эдим бепарво қараб,
Бугун билдим мени енгиб кетганинг.

Шунча юксак экан қадринг, азизам,
Сен туфайли экан қаддим ғозлиги.
Яна сен туфайли мағрур бошим хам,
Қайлардасан, менинг нозик нозлигим?

Қизиқ фалсафани кашф этмиш ҳаёт
Бепарво қалблардан олгали ўчин:
Топганинг йўқотмоқ шарт бўлса, наҳот,
Оқибат қадрига етмоқлик учун.

1982

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧЎҚҚИ ЙЎЛИДА

Чўққидан чўчима,
Чўққи кўп ўктам,
Багрига босади етганинг асно.
Юксак қадрлагай шиддатингни ҳам,
Чиқдингми,
У сени қулатмас асло.

Ва лекин, азизим, чўққи йўлида
Турфа савдоларга бўласан дучор.
Олдда ҳеч ким бўлмас — тутсанг қўлидан,
Аммо оёгингдан тортгувчи бисёр.

Ҳар бир одимингда игнадай санчиб,
Товонинг тешувчи тиконлар пастда.
Тилин қалдиратиб, оғзини очиб
Заҳар сочмоққа шай илонлар пастда.

Пастда — сарбаландлик даъво қилгувчи,
Тойилмоғинг кутган кемтик довонлар.
Пастда тирмашганда тиззанг тилгувчи,
Қиррали тошларки — оқизгай қонлар.

Шулардан ўтолсанг етиб бардошинг,
Чўққига талпиниб этавер давом.
Бирдан қалб суст тепар,
Айланар бошинг,
Сезасан етмасдан қоляпти ҳаво.

Интил, интилавер, чўққи яқиндир,
Энди мумкин эмас зинҳор тўхташинг.
Нафасинг қисгани туюлмасин сир,
Бу жой табиатнинг "қисир нуқта"си.

Пастда қолди энди хавф ила хатар,
Сени қулатмоққа интилганлар ҳам.
Барига чидадинг, етолдинг магар,
Чўққидан чўчима,
Чўққи кўп ўктам.

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ажаб, мени мендан кўпроқ
Билар одамлар,
Қилмаганим қилган гумон
Қилар одамлар.
Турли-туман "миш-миш"ларни
Тўқиб шаънимга,
Гоҳ ачиниб, гоҳ устимдан
Кулар одамлар.

Тўғри йўлим эгриларга
Эгри туюлар.
Ёлғончига рост сўзим ҳам
Туюлар ёлғон.
Не тонг, ҳамма ўғри дея
Билса ўғрилар,
Ахир нодон назарида
Ҳамма ҳам нодон...

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

УСМОН НОСИР СЎЗИ

Мен қуёшдай боқийликни
Орзу қилмадим,
Ё ой бўлиб тунлар багрин
Ёритмоқни ҳам.
Юлдуз каби, мангуликни
Эзгу билмадим,
Мангу яшаб қолган зотни
Кўрмаган олам.

Зотан, кўҳна тарих учун
Ҳатто бир аср —
Бир бор мижжа қоқилгунча
Ўтгувчи фурсат.
Нечун юз йил яшаб юрмоқ
Қалб бўлса сўқир,
Замин дарди гар кўнглингдан
Бегона турса!

Ачинмайман,
Шундоқ бўлди
Умримнинг йўли,
Бамисоли оний чақмоқ,
Ёндиму ўчдим.
Бир хонада тутамадим
Юз йил шам бўлиб,
Ярқ этдим-у бир лаҳзага
Оламни қучдим.

Бир лаҳзалик зиё бўлиб
Кирдим қалбларга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва бир лаҳза қўрқоқларни
Даҳшатга солдим.
Юрагимни зарра-зарра
Тўкдим дафтарга.
Оний илҳом бахш айлаган
Шеър бўлиб қолдим.

Она-юртга муҳаббатинг
Изҳор этгали,
Шарт эмасдир узоқ йиллар
Сўзлаш ҳикоя.
Дилда борин ўз халқингга
Айтиб кетгали,
Шоирга бир чақмоқ умри
Қилар кифоя.

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

(Алим Кешоковдан)

Ўгри босмасин деб, уйларни бехос
Хаёлга келтириб жиддий зарарни,
Ҳамон кечалари беркитиб паққос,
Тамбалаб қўямиз дарвозаларни.

Ҳар қандай ўгридан юз карра баттар
Зотлар учраб турар ҳаётда азал:
Дилида сен учун сақлару заҳар,
Тилида ҳамиша тутади асал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОШИЛАМАН

(Озарбайжон шоири Ҳусайн Орифдан)

Бу булоқдан қонмай ҳали,
У булоққа шошиламан.
Юртдан — юртга,
Элдан — элга,
Тоғдан — тоққа шошиламан.

Сойдан сойга мўлжал олиб,
Тошу тузга шошиламан.
Қиш кўкламни қўмсаб қолиб,
Ёзда кузга шошиламан.

Кундан — кунга
Йилдан — йилга,
Ойдан — ойга шошиламан.
Сўровчим йўқ, бу дунёдан,
Билмам, қайга шошиламан?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧИРОҚ

Танбеҳлар оламан кўпинча
Гоҳ онам, гоҳ эса хотиндан:
— Паришон бўлмасанг, эҳ, мунча,
Чироқни ўчирмай кетибсан.

Ишда ҳам хунобдир раҳбарлар:
— Кор эрур на койиш, на ҳайфсан.
Хонангда ёнибди то саҳар,
Чироқни ўчирмай кетибсан!

Шиорлар ҳайқирар завқ билан
"Тежангиз электр қувватин!"
Мен кирган хонамда шавқ билан
Бурайман чироқлар мурватин.

Эҳтимол тежамкор муҳаррир,
"Тузат" деб босмас ҳам шеъримни.
Шунақа яшадим мен, ахир,
Тузатиб бўлмагай умримни.

Танишу нотаниш ҳар одам
Шу айбим койигай, нетай, мен?
Дўстларим шу тарзда дунёдан
Чироқни ўчирмай кетарман.

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУРОҚ ШЕЪР БИТГУВЧИ ШОИРГА

Фарзандим деб бош-кўзин силаб,
Эл ичида кўз-кўз қилурсан.
Либосини бир оз янгилаб,
Ҳеч ким сезмас дея билурсан.

Тона олмас у бечора ҳам,
Номинг олиб юрибди ахир.
Багри доғу маграур бўйни хам,
Нима қилсин шу бўлса тақдир.

Меники деб турганинг сабаб,
Одамлар ҳам маъқуллар сени.
Ёқа ушлаб қилурлар ажаб,
Ўхшатолмай бўйи-бастини.

Ажаб, ахир фарзанд дегани
Отасига ўхшагай эди.
Унда сенинг қиёфанг қани,
Бошқача-ку, қош-кўзи, бети.

Янги либос кийдирдинг магар,
Магар бошинг узра кўтардинг,
Гарчи унга аталдинг падар,
Бошқаники қўшиги, дарди.

Кимга тортган ахир бу бола,
Бошқаларни эслатар нуқул.
Суриштирса қилиб ҳафсала,
Бўлмасмисан эл аро бир пул?

Туққанларин топиб олади
Болам — деган қуроқ шеърларинг.
Айт-чи, сендан нима қолади
Ўхшамагач бирор ерларинг?..

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПУЛНИНГ ҲАСРАТИ

"Пул ўлсин!"
"Пул ўлсин!" — дейдилар такрор,
Очўзлар ўзларин тиқса балога.
"Пул қурсун-а", — дерлар бирор бадкирдор
Умрбод тўймаса молу дунёга.
Менда нима гуноҳ?
Бўлсайкан тилим,
Дод солиб ўзимни қилсам ҳимоя.
Буксин демаган-ку одамлар белин,
Мени бу дунёга келтирган доя.
Мен инсонлар аро робита учун,
Меҳнатни қадрлаш учун туғилдим.
Нетай, ҳаром қўлга етмаса кучим,
Ночор, ожизликдан мудом бўғилдим.
Жонсиз ва забонсиз қогозман, аммо
Кимга кескир забон,
Кимга-чи, жонман.
Кимга умр бўйи нопок муддао,
Кимга умр бўйи етмас армонман.
Бадқовоқ таъмагир чеҳрам кўрганда
Юзи жилваланиб ўйнар кўзлари.
Чайқовчи мени дер юрган-турганда,
Кўйимда ҳаттоки алдар дўстларин.
Уларнинг наздида юракка қувват,
Гапнинг бутунлиги,
Белга тиракман.
Етар дейишмайди, тўплаб ҳам қат-қат,
Қанчалар кўпайсам, шунча керакман.
Менга алам қилар жомадонларда,
Сандиқлар бурчида димиқиб ётиш.
Мени деб тонмоқ ҳам қадронлардан,
Мени деб имону виждонни сотиш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эзилиб кетаман қўлма-қўл ўтиб,
Нопок қўлга етсам аталиб пора.
Порахўр кундузи имонин ютиб
Қорани оқ деса,
Оқни-чи қора.
Мендан қувват олиб, менга таяниб,
Донолар устидан кулса нодонлар,
Дод солгум келади юрагим ёниб,
Яхшиларни бадном қилса ёмонлар.
Ҳароратим билан кўзин ёг босиб,
Биров эл ичида йўқотса бурдин.
Баҳо бермайдилар унга муносиб
Мени айблайдилар: "Пул қутуртирди".
Фарқига бормасдан ҳалол, ҳаромнинг,
Ўгри тумшуғидан илинган пайти,
Мен тешиб киргандай унинг томини,
"Минг лаънат пулга!" деб мени айблайди.
Илинжимда ўзин юз кўйга солиб,
Номусин пулловчи фоҳишалар ҳам,
Гўё виждонидан сохта уялиб,
"Пул ўлсин-а" деса, қилмасми алам?!
Тубсиз чўнтакларни тиг бўлиб йиртиб,
Парча-парча қилиб жомадонларни,
Пулпараст зотларга ё бериб фириб,
Чиқиб кетолмасам мен айбдорманми?!
"Пул ўлсин!"
"Пул ўлсин!" — дейдилар такрор,
"Нафс ўлсин!" демаслар,
Шундан доғдаман.
Ҳалол меҳнат билан бўлсам пойдор,
Унутмагил, инсон, мен — ардоқдаман.

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

САФАР

Йўлга чиқаяпман,
Кўришгунча хайр,
Менинг ҳаёткорим — онажон юртим.
Қай манзилда бўлмай,
Қай элни кезмай,
Сенга талпинаман, жонажон юртим.

Йўқ, йўқ, қучоғингдан
Айру тушмасман,
Сени юрагимда олиб кетяпман.
Мени кетди дема,
Жонимга маскан —
Бир қизинг қалбида қолиб кетяпман.

1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМИН САДОСИ

(Достон)

I

Болам —
Кўксим эмиб ўсган одамзот,
Қулоқ бер,
Очайин дил ҳасратимни.
Миллион йиллар тутиб
Сукут ва сабот,
Бугун ўйлаб қолдим ўз қисматимни.

Баски,
Ўз қисматим этар экан банд,
Сенинг ташвишингда баттарроқ бандман.
Сенга,
Тирикликка
Онаман гарчанд,
Ўзим коинотга битта фарзандман.

Сайёралар аро митти сайёра,
Битта арзандаман
Боқий Қуёшга.
Учраб қолмагай, деб
Бир дайди тошга,
Мени асраш билан борлиқ овора.

Бола ҳаловати —
Она матлаби
Фарзандга шамолни кўрмаслар раво.
Кенжатойни суйиб,
Сийлаган каби
Хонадонда ёшдан то улуг бобо —
Мени ҳам авайлар Онам — Коинот,
Отам — Қуёш олов меҳрини боғлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сайёралар этиб қондошлик исбот,
Теграмда нур сочиб
Чақнар,
Чароқлар...

Шундоқ,
Меҳр билан тирик бир фарзанд,
Ва лекин муштипар онаман!
Сен — менинг фарзандим —
Тўрт ярим миллиард!
Баринг учун ўзим
Танҳо ёнаман!

Менинг жамолимдан
Шодмон борлиқ.
Мен қувониб боқдим камолотингга...
Бугун асабларим
Тарангдир тордек,
Сабаб бўлмасанг деб ҳалокатимга!

II

То сен туғилгунча
Сўқир, нотавон,
Меҳрдан бегона ер эдим, болам,
Сени қучоғимга олганим замон
Онага айландим,
Аталдим Олам!

Димоғимга урган
Чақалоқ исинг
Жонбахш нурдай сингди қалбу чеҳрамга.
Ўша ондан нотинч оналик ҳисси
Сенинг тақдирингни
Қўйди зиммамга...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен ҳали кўксимда
Илк нафас олиб
Тасаввур қилмасдинг ҳатто жисмингни,
Одил бўл,
Доно бўл,
Абжир,
Мард бўл, деб
Одам қўйган эдим исмингни.

Нур билан очай, деб
Илк бор кўзингни
Мен ота — Қуёшдан кўмак сўрадим.
Фарқ этмогинг учун
Тун — кундузингни
Вужудингни нурга ўрадим.

Томирингга ёйдим
Қатим-қатим нур,
Кўксингга бир парча қуёш жойладим,
Қонинг —
Ҳарорат ва зиёдан эрур
Мен эса жон ҳадя айладим.

Гўзалликни туйсин,
Мурғак дилинг, деб
Турфа рангга кириб ясандим, болам.
Сен учун,
Сен учун
Касб айладим зеб.
Кўксим узра очиб гул, лола.

Кўз очиб,
Тамшаниб ризқинг қидирдинг
Тутдим, болагинам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар неки борим,
Сутимга омухта меҳр эмдирдим,
Қўлингга топширдим эрк — ихтиёрим.

Мовий осмонга илк нигоҳ солиб
Митти лабларингга қўнди табассум.
Сайёралар аро
Мен эдим голиб,
Сенга илк қувонч бахш этганим мавсум.

III

Сенинг илк кулгингдан
Гунг Коинотга
Гўёки жон кирди,
Ҳаёт бошланди.
Сен билан туғилган маъсум ҳаётга
Боқиб,
Қуёшнинг ҳам кўзи ёшланди.
Севинчдан рақс этди
Сайёралар ҳам,
Сенга умид кўзин тикиб, қувониб...
Сен туфайли қалбга эришди олам,
Оламни ёритди битта қалб ёниб...

Аммо яшолмасди ўша қалб танҳо,
Боқий бўлолмасди бир қалбдан ҳаёт.
Сенга тилар эди абадий ҳамроҳ
Муҳаббатга муҳтож Коинот.

Боқий бўлсин, дея оламда ҳаёт,
Ҳаётни асрасин, дея муҳаббат.
Боқий қолсин дея
Сени, Одамзот
Қўш-қўш фарзанд туғдим ниҳоят.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрагингга солиб севги оташин,
Кўзингга дунёни этдим мунаввар.
Висол лаззати-ю,
Фарзанд ғам-ғашин
Баҳам кўрмоқ Сенга бўлди муяссар.

Менинг томиримдан ўтган шу хислат,
Қалбинг макон этди эзгу ҳисларга.
Ҳаёт нажоткори — олов муҳаббат
Бағримни тўлдирди
Ўғил-қизларга.

Сен кўпайган сайин
Дилимни хушлаб,
Барингга бир хилда очдим юрагим.
Барингга бир хилда
Меҳрим бағишлаб,
Барингни бир хилда нурга ўрадим.

IV

Сўнгсиз севинч эди
Сенга тилагим,
Раво кўрмас эдим аччиқ кўз ёшни...
Нечун,
Бошланганда атак-чечагинг,
Ўйинчоқ ахтариб ушладинг тошни?

Ажаб,
Эрмак учун тутганинг тошни,
Кейин бир-бирингга ота бошладинг.
Кейин шўхликларинг
Ҳаддидан ошди,
Шу йўсин илк бора дилим ғашладинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улгайиб борардинг,
Ўсарди онгинг,
Чорларди камолот пиллапояси.
Қай бир тонг
Уйқудан нохуш уйгондинг,
Бирингда туғилиб зўрлик ғояси.

Таваллуд топгандинг
Яктан ва якдил.
У баттол ўртага илк раҳна солди.
Бўлинди меҳрлар,
Бўлинди кўнгил,
Оқибат ўзинг ҳам бўлиндинг, қолдинг.

Ҳамон бошим қотар;
Қачон туғилган
Ўша тош кўтарган тўнғич зўравон?
Эт билан тирноқни бегона қилган,
Ўша шум қай қалбдан эмган экан қон?

Болам,
Тош отишдан топди ибтидо:
Зиддият,
Ихтилоф,
Кўзларнинг ёши...
Табассум ўрнида ингради нидо,
"Уруш" деган сўзнинг
Шу бўлди боши.

V

Иккига бўлиниб кетдингу
Бирдан
Ўз-ўзингни қилмоқ учун ҳимоя.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўт ёқиб,
Қай бир кун тўмтоқ темирдан
Чўқморни кашф этдинг ниҳоят.

Ғафлат босганмиди... Ва ё...
Билмадим...
(Минг лаънат қотиллик туғилган онга!)
Шаҳид ётар эди қанча дилбандим,
Тандан жудо боши беланиб қонга.

Шаҳид фарзандларим бағримга олиб,
Ўша кун
Мозорга айландим, нетай...
Оҳ, нечун шаҳидлар кўксимда қолиб,
Қотилни ютмабман,
Садаганг кетай?!

Ҳамон шу армондан
Доғдадир дилим,
Турфа қуш учгандай
Битта уядан —
Ўзим фарзанд туғиб,
Яна қотилин
Ўзим туққанимга куяман.
Сенга-ку ҳаёт бахш айлаган ўзим!
Қазони кашф этган,
Сен бўлдинг, Одам!
Бир-биринг ўлдириб, Сен топсанг, тўзим,
Тирик ўлдирарди мени ҳар мотам.

Қочиб бўлмас экан...
Даво йўқ экан,
Ўз ичингдан чиққан аччиқ балога.
Гўё бир навдада гул билан тикан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жо бўлдим:
Гул — ҳаёт,
Тикан — қазога...

Камон — ўқ яратиб,
Кўксим тепкилаб
Кўпайиб бордилар қотиллар қавми.
Ёлборганим сайин
Мен инсоф тилаб,
Лафзимни кесарди шамширлар дами.

Кун-бакун такомил топарди қурол,
Ҳар бирингда айри-айрича гоя:
Солмоқ бўлар эдинг бировинг қирон
Биринг эса истаб ҳимоя.

VI

Фарзандлар улғайиб,
Касб этса камол,
Тор келиб қолгандай кийган кўйлаги.
Парвозга шайланган полопон мисол,
Тарк этмоқ истадинг
Туққан уйларинг.

Багримни кенг тутдим,
Боламсан, ахир!
Оёгинг етган жой бўлсин, деб макон.
Босган изларингга
Сочдим-да меҳр,
Бошинг етган жойда тутдим соябон.
Кўксим чок-чок этиб,
Чизиқлар тортиб.
Чегара яратсанг,
Кашф этсанг Ватан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олисда меҳри ҳам, қадри ҳам
ортиб,
Урушмай яшар, деб қувондим.

Зотан,
Зарра аямадим саховатимни
Ахир бир юракдан жон эмар бадан.
Тенг улашдим
Қалбим ҳароратини,
Баробар бўлсин деб бағримда одам!

Барчага баробар бўлинган ризқ-рўз
Барчани баробар тўйдирди...
Аммо,
Тўймаслик дардига гирифтор,
Очкўз —
Зотлар ўзга ризқин қиларди даъво.

Бошқалардан кўра
Истарди кўпроқ,
Кўпроқ бўлсин, дерди ер билан ҳаво,
Кўпроқ керак эди ҳаттоки, тупроқ.
Кўпроқ,
Кўпроқ,
Кўпроқ...
Унга муддао.
О, бир бало бўлди
Очкўзлик дарди.
Чанг солиб борарди ҳўлу қуруққа.
Кун сайин,
Кун сайин томир отарди
Ўхшаб намхуш ерга тушган уруққа.

Шу тахлит туғилди очкўзлар қавми,
Менга,
Менга бўлсин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менга, деб буткул...
Ризқ-рўз нима эмиш,
Қондош одамин
Зўрлик билан қилиб олди қул.

Баробар туққандим
Барчангни, болам,
Бир хилдир одамзот — номинг маъноси.
Аммо бир маконда
Туздинг қўш олам,
Очкўзлар ва қуллар дунёсин.

VII

Ажаб,
Дунё ичра тузиб дунёлар,
Тирқираб кетдингу кўзим ўнгида.
Қондошлар, қардошлар бўлдилар ёвлар
Босқинлар авж олди сўнгида...

Шундоқ айру тушди
Орзу мақсадинг,
Шундан бир-бирингга қарадинг ғайри.
Ягона тақдирни бўла бошладинг,
Юртинг айру тушди.
Ўзлигинг айру.
Гарчи ҳар бирингга
Ўз маконингда
Ўзга-ўзга Ватан бахш этган эдим,
Барибир очкўзлик тепди қонингда
Қўшнинг фарзандини қолдириб етим.

Ҳукмронлик истаб
Қўшни Ватанга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирғинбарот қилдинг бетўхтов,
ажаб...
Бировинг гуллатган
Боғу чаманга
Бировинг ўт қўйдинг очкўзлик сабаб.

Кўп бор бад ниятдан
Тутдим қўлингни.
Бўлгил бир-бирингга дея бедахл.
Битта қавм бўлган қизу-ўғлимни
Битта халқ деб атадим, ахир.

VIII

Ҳар қавмингни халқ атадим,
Ўзга қилдим одатинг,
Ўзга бўлди мамлакатинг,
Ўзга-ўзга миллатинг.
Ҳар бирингга ўзга тақдир,
Ўзга-ўзга тил бердим.
Ўз тақдиринг ярат, дердим,
Урушга йўл йўқ, дердим.
Не иложки, яхши ният
Билан қилган бу ишим,
Догда қўйди мени баттар,
Ортди яна ташвишим.

Қайси тилда сўзлашмасин,
Қонхўр урушқоқ зотлар,
Уруш учун топди сабаб,
Топди сабаб безотлар,
Бир-бирини камситмоққа
Чора излаб атайин...
Битта халқни буюк деди,
Бирин эса нотайин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен — баланду
У — паст, дея
Хоҳ гердайсин, хоҳ ёнсин,
Мен барчангни тенг кўраман,
Ким — ишонсин, ким — тонсин!
Мен сен билан сўзлашаман
Илк бор берган тилимда,
Бу тил бир хил садо берар,
Таваллудда, ўлимда.
Ишонмасанг, тингла, болам,
Ҳамма кулар бир тилда,
Ишонмасанг, тингла болам,
Ҳамма йиглар бир тилда,
Севгиларнинг тили бирдир,
Туйғуларнинг тили бир,
Қувончларнинг тили бирдир,
Қайғуларнинг тили бир.
Муҳаббатнинг тили битта,
Ҳижроннинг ҳам тили бир.
Орзуларнинг тили битта,
Армоннинг ҳам тили бир.
Мен-ку сенга ўргатгандим
Сўзлашнинг минг хилини,
Сен кашф этдинг менга ёт тил —
Яъни уруш тилини.
Ҳа, ўша тил заҳри мудом,
Юрагимни яралар.
Ўша тилда сўзлашади,
Мудом дили қоралар...

IX

Бир кун олам сирин очмоқ қасдида,
Юлдузли осмонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назар ташладинг.
"Ким мени яратди Осмон остида?"
Деб ҳаётқор кучни излай бошладинг.
Сенга ҳаёт берган илоҳий қудрат
Оёгинг остида ётган Мен — эдим.
Сен эса Худолар яратиб бир пайт,
"Тириклик ўшалар измида!" — дединг
Биринг ғофилликдан,
Биринг жоҳиллик —
Сабаб худо топдинг ўша замонлар...
Ва лекин тинмади
Қирғин, қотиллик
Майдон узра энди динлар, имонлар.
Қаттол ақидалар,
Қонхўр фатволар,
Кескир қиличларга бердилар мадад.
Одамлар қонидан оққан дарёлар
Юрагимга дардлар солди беадад.

Қай бири ҳақ эди:
Мағлубми, ғолиб?
Қай дин бўлаолди ҳокими мутлоқ?
Не топдинг, бир-биринг жонингни олиб,
Асли тириклик-ку
Сен истаган ҳақ!

Гар ўртага қўйдинг дину — имонни,
Имон — тинчлик эди менинг наздимда.
Имонсизлар тўкар қондошлар қонин,
Имонсизлик — уруш бошлаш аслида...

Сен худо номини қилардинг такрор,
Мен — сени йўқликдан яратган худо!
Фаҳм эт!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен — ҳаётнинг қасрига меъмор,
Мен — сенга ибтидо!
Уруш — интиҳо!

X

Зулмат занжирида
Қолма, деб ночор
Сенга ато этдим ақлу заковат.
Дунё кўзларингга кўринганда тор,
Йўл кўрсатмоқ учун
Бердим даҳолар.

Улар зеҳни билан
Очиб қитъалар
Улгайиб борарди инсоний камол,
Жоҳиллар бағримни чок-чок этдилар,
Донолар кашфидан излаб бойлик, мол.

Оқиллар кашф этса зиё ва олов,
Қайнаб турсин, дея олам қозони.
Жоҳиллар боғларни ёндириб лов-лов
Ваҳшийлиги билан шуҳрат қозонди.
Донолар дур топди уммон остидан
Зебу зийнат учун,
Гўзаллик учун,
Жоҳиллар от солди ўзга устидан,
Гавҳар орттирмоғу
Афзаллик учун.

Болам,
Бисотимни тутганим сайин
Бойлик сабаб бўлди қиргин, ажалга.
Юртлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мамлакатлар,
Эллар етмайин
Қитъалар урушга киришди дангал.

Даҳолар ижоди — эзгу кашфиёт
Ажалга айланди қотил қўлида.
Оромин йўқотди Олам ва Ҳаёт
Бойлик, зар бандаси — жоҳил қўлида.

Очкўзларнинг нафси мисоли ўпқон,
Сени ҳам ютарди...
Не-не даҳолар
Сенга кўкрагини қилганда қалқон
Уларни қатл этди ваҳшат, жаҳолат.

Ўшаларга боглик эди умидим,
Ҳар бири ўзича
Эди бир жаҳон.
Гўё улар билан бирга кўмилдим.
Кўксимни зил армон
Ўртайди ҳамон!

XI

Бундай разолатдан тоқатларим тоқ,
Сени қиргинлардан асраш истадим.
Солдим юрагингга эзгу иштиёқ —
Осойишта яшаш истагин.

Шундан идрокингда чақмоқ чақди-ю,
Уруш иллатларин очиб ташладинг.
Қонингда кўпирди муқаддас тўйгу —
Бирлаштирмоқ бўлдинг бошларинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сездинг қон тўкишмас ҳаёт маъноси,
Урушқоқлар бошқа,
Эллар бошқадир.
Ғолиб келди қону-қондошлик ҳисси,
Қалбингни ёритди инсоний қадр.

Уруш зулмат эди ҳаёт кўкида
Тириклик зиёсин тўсган рўдапо.
Наҳот қутулмоққа нажот йўқ, дединг,
Нур қидириб қолдинг шу зулмат аро.

Баднафс ҳукмронлар хоҳиши билан,
Жангу-жадалларда бўлмасдан қурбон.
Бир-бирин қошида бошин этмай хам,
Мағрур яшаш учун туғилган Инсон!

Қалбингда янграган ларзакор садо
Куйланди армонли қўшиқларингда.
Донолар шу йўлда этди жон фидо,
Шу армон жо бўлди тарих қаърига.

Чақалоқ мисоли
Беғубор, маъсум,
Ибтидо даврингни қилардим ҳавас.
Қандай гўзал эди
У илк табассум,
Қандай ширин эди
Ўша илк нафас.

Авжга минган зулм —
Хўрлик ва уруш,
Омухта қилганди дардимга дардинг,
Сенинг армонингга
Менинг орзум эш,
Ўша пок фаслингни сен ҳам қўмсардинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо, нажот қайда,
Чора қайдадир?
Қутулмоққа уруш исканжасидан...
Қандоқ озод бўлар инсоний қадр
Бойлик бандаларин даст панжасидан.

Менинг интилганим ўша нур эди,
Сени ҳам чорлаган маёқ — ўша нур.
Ва лекин иккига яна бўлиндинг,
Бирингга нур — азиз,
Бирингга-чи — дур.

Ҳар ким топганини асраш қасдида,
Ишга солмиш ақлу тафаккурини
Шундан икки олам кўксим устида
Маҳв этмоқ бўлади бири — бирини.

XII

Бу кун қиёс йўқдир тафаккурингга,
Қилни қирққа ёрмоқ келар қўлингдан.
Умр қўша олдинг
Қисқа умрингга,
Ғолиб чиқа олдинг ҳатто ўлимдан.

Болам,
Чексиз қудрат, чексиз идрокинг
Парчалаб ташлади зарраларни ҳам.
Олиб кела билдинг Ойнинг ҳам хокин,
Фикрингга тор ҳатто бепоён олам.

Тафаккур чўққиси фазлу камолот
Ҳар бирингга ошно
Бўлган ушбу чоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринг — боғ яратиб, безайсан
ҳаёт,
Биринг — қилмоқчисан бағримни жанггоҳ.

Бирингнинг қўлингда иқбол маёги,
Ёритмоқ истайсан истиқболимни.
Биринг-чи ўчириб Ҳаёт чироғин,
Сўндирмоқ бўласан бахту толемни.

Биринг юрагингдан сочилади нур,
Нурга тўлсин дейсан жумлаи жаҳон.
Бирингнинг қўлингда ярқирар шамшир,
Топган ганжинангни тутмоқ-чун ниҳон.

Сенинг камолотинг,
Сенинг кашфингдан,
Қўшни сайёралар тушмиш ҳайратга.
Бир-бирингдан ғолиб келмоқ қасдида
Таҳрир ҳам киритдинг, боқ, табиатга.

Букун қанот олиб
Мендан дилбандим,
Фазо пучмоғида учиб юрибсан,
Теграмда айланиб, жонга пайвандим,
Жароҳатли бағрим кўриб турибсан.

Сенинг ижодингдан банди-бандимда
Нурдан тез учувчи ракеталар жо.
Бедаво дард бўлиб улар танимда,
Гўё тиламоқда менга ҳам қазо.

Денгиз, океанлар,
Қитъалар оша
Бир-бирин нишонга олган бомбалар.
Мени излаб юрган ажалга ўхшаб
Эс-ҳушим ўғирлар,
Ташвишга солар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кашф этиб камону қилич,
милтиқни,
Бир-бирин қатл этган бўлса аждодинг...
Бугун ташвишдаман
Бутун борлиқни
Кўкка совурмаса сенинг ижодинг.

Наҳот, қуёш янглиг ёритиб умринг,
Камолот бахш этган нурли тафаккур.
Бемаврид ёнгиндай қуритиб шўринг,
Эртанги кунингни мутлоқ йўқ қилур.

XIII

Болам,
Кўксим эмиб ўсган одамзот,
Сўзимга қулоқ бер,
Ишлат идрокинг!
Сенга бахш этганим — Тириклик, Ҳаёт,
Менга ажал бўлиб қайтмагай токи.

Чархланган қиличдай кескир тафаккур,
Қил устида турган таранг асаблар.
Рўбарў бўлганда зиё билан дур,
Ёнгинга бўлмасин сабаблар.

Бугун чақнаяжак ўтдан қўрқаман,
Оламга етади ул олов тили,
Билгил, шу учқунни ногоҳ чақнатган
Сенинг ҳам, менинг ҳам бўлар қотилим!

Чунки миллион йиллар,
Мингларча жангда
Йиглаб қурбонларни сиғдирган бағрим
Бомбалардан путраб кетгуси чангдай,
Чексиз коинотда бўлмагай қабрим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, бугун урушқоқ — ҳаётнинг ёви,
Тенг қурбон бўладир одам ва олам.
Ногоҳ чақнамасин уруш олови,
Ғафлатда қолмагил, баркамол болам!

Мен барчангни комрон кўрмоқ истарман,
Орзум — барчанг учун
Тенг ва Тинч ҳаёт!
Фақат Сен тинч бўлсанг
Мен тинч яшарман,
Қўрқув, таҳликадан эт мени озод!

Қай кун эди?
Ҳатто чиқмиш эсимдан,
Сени туғиб, Сенга берганим ҳаёт!
Бугун тақдиримни бериб измингга,
Сендан, эй Одамзот,
Сўрайман нажот!

1982 — 1983

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАХТА ҚОНУНИ

Шоир, дўппингизни олиб қўйиб, бир
Мағзин чаққанмисиз "пахта" сўзининг?
Пахта етиштирмоқ бизларнинг тақдир,
Пахтакор санайди ҳамма ўзини.
Пахта бизлар учун йўргак ва либос,
Ризқи рўз,
Сўнгги кун келганда кафан.
Пахтакор бўлолмас пахтамизга хос
Мазмун ва қонунга амал қилмаган.

*П*окликдан бошланур пахтанинг номи,
Пок ният йўлида чигит экамиз.
Ниҳолларда кўриб умр давомин,
Ҳар бирига юз бор қадни букамиз,
Поклик омад билан омухта эрур,
Замин кўтаролмас нопоклар корин.
Ҳа, пахтанинг ўзи жазонгни берур,
Бор бўлса дилингнинг жиндак ғубори.

*А*қлдан олинган иккинчи ҳарфи,
Тупроқни сўзлатар деҳқоннинг ақли.
Пок тутса пахтакор номи ва қадрин,
Ернинг эгасиман дейишга ҳақли.
Дедик ҳамма ўзин санар пахтакор,
Ким нодон санаса оқил деҳқонни.
Пахтакорман деб лоф ургани бекор,
Унга раво кўрмам бир бурда нонни.

Х — ҳарфи хушликдан эрур нишона,
Хуштабиат бўлар пахтакор зоти.
Тилаги: хуш бўлсин замин, замона,
Тинч ва ҳур яшасин инсон авлоди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сохта шон-шуҳратга банда бўлса гар,
Шу йўлда виждонин айласа қурбон.
Қўш-қўш мукофотлар олса ҳам магар,
Унга муносибмас пахтакор унвон.

Табарруклик эрур пахтадаги *"Т"*,
Пахтакорнинг номи, касби табаррук.
Ердан унар унинг иқболи, бахти,
Асли табаррукдир, насли табаррук.
Бу муқаддас касбга қилса хиёнат —
Юзи қаро бўлар элнинг олдида.
Ҳатто бир дақиқа қочса диёнат
Хиёнат саналур ўз аждодига.

Аҳддан олингандир сўнгги ҳарфи *"А"*,
Қасамга муҳтожмас пахтакор аҳди.
Лафзи ғайрат қўшар ғайратига, ҳа,
Шу боис йил бўйи бўшашмас шахти.
Умрини ўтказиб баҳона билан
Кузакда лаб тишлаб турса бўйни хам,
Қадрин ўлчамаса хирмони билан,
Пахтакор саналмас унақа одам.

Мен шундай шарҳлайман "пахта" сўзининг
Ҳар бир ҳарфига жо бўлган мазмунни.
Ҳаётдан юмаркан отам кўзини,
Менга мерос қилиб қолдирган буни.
Шундоқ "Пахта" деган сўз замирида
Ётур пахтакорнинг умр қонуни.
Шу қонунга риоя қилса умрида
Омад тарк этмагай ҳеч қачон уни.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЖИБ ҲИКМАТ

Эмиш паймонаси тўлса чумоли
Тор кўринар экан кўзига ини.
Назарига кирмай она замини
Кўкни кўзлар экан бургут мисоли.

Тупроққа қоришиб, ивирсиб юрган
Ношуд уруғларин устидан кулиб,
Бундай тунд ҳаётдан тўйгандай бўлиб,
Қанот пайдо қилиб учаркан бирдан.

Меҳнатга туғилган гўл бандаларга
Беписанд боқаркан осмондан туриб.
Кўзини ёг босиб,
Ўзини уриб
Ем бўлиб кетаркан паррандаларга.

Чумоли умрида ажиб бир ҳикмат:
Ерда туғилганга ердадир ҳаёт.
Кимки кўзга илмай чиқарса қанот,
Унга ёр бўлгуси фожеий қисмат.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁШЛИК ШАҲРИ

Ким айтар:
Қайтариб бўлмас ёшликни?
Ёшлигинг қайтмаса,
Сен ёшликка қайт!
Мен тавоф этаман азим Тошкентни
Ёшликка қайтишни қўмсаганим пайт.

Бунда кутиб олар ёшлигим мени,
Ўн етти яшарли ўспирин бўлиб.
Чақноқ кўзларида шиддат ёлқини
— Мен — ўзингман! — дейди
багримга тўлиб...

— Яна қайтибсан-да?
— Ҳа, яна қайтдим...
— Тўлишиб кетибсан...
— Не илож, йиллар...
— Сочингда кўпайиб қолмиш оқ қатим...
— Бир уй бўлиб қолди қизу ўғиллар.

— Бахтлимисан?
— Нолиш одатим эмас,
Сокин армоним ҳам ўзингга аён.
— Дилда сўнмадими ишқ билан ҳавас,
Ёниб турибдими юрагинг ҳамон?

...Чуқур маъно билан ташлаб кўз қирин,
Дўлдай ёгдиради менга сўроқлар.
Ўн етти ёшлигим — қайсар ўспирин
Умрим китобини бир-бир варақлар.

Ўз измига солиб ихтиёримни
Яёв етаклайди кенг кўчаларда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гоҳо бир дам тортиб эътиборимни
Тўхтатар қадрдон хуш гўшаларда:
— Мана, орзуларинг аллалаган боғ,
Ҳамон ўша-ўша пок ва беғубор.
Гоҳ ноумид бўлсанг,
Хомуш тортган чоғ
Нохуш хаёлларинг оқизган Анҳор.

Мана, Дорилфунун — муқаддас даргоҳ,
Темир қанот берган орзуларингга.
Ҳамон устозларинг ҳолингдан огоҳ,
Содиқмисан тиниқ туйғуларингга?

Ўтган йилларимдан олиб сарҳисоб,
Ёшлигим мен билан юрар ёнма-ён.
Саволлар беради,
Кутади жавоб,
Ҳамон қизиқувчан, шиддаткор ҳамон.

— Ташлаб кетмадингми дўстларингни?
— Йўқ!
— Ачиндингми улар сендан тонсалар?
— Менда не ихтиёр,
Менда не ҳуқуқ,
Йўлда учраганлар йўлда қолсалар.

— Номардлик қилдингми?
— Келмас қўлимдан,
Ҳар не кори — борим ўзингга аён...
— Дўстни сотмадингми нафсинг йўлида,
Хушомаддан қаддинг бўлмасми камон?

Йиллар ва йўллардан сўраб сарҳисоб.
Ошно қилар турфа хаёлар билан.
Ҳали саволига олмасдан жавоб,
Боз кўмиб ташлайди саволлар билан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қалбингдан ҳасадга жой
берганмисан?
Бировга ёмонлик соғиндингми ё?
Омад келса бурнинг кўтарганмисан?
Ўзгани нодон деб, ўзингни доно?

Бирор қоқилганни қолдингми суяб?
Нажот беролдингми бирор муҳтожга?
Имонинг қасри ҳеч кетдими нураб,
Қараб тирикчилик ё эҳтиёжга?

Қаттиққўллик билан олур имтиҳон,
Гар ундан йиқилсанг бурун қонайди.
Ростдан сал чекинсанг,
Ё қочса имон,
Ёшлик мангуликка сендан тонади.

Шу боис ёшлигим қўмсаганим пайт,
Мен азим Тошкентни тавоф этаман.
Бундан
Дўстлик,
Поклик,
Вафо,
Садоқат,
Ёшлик сабоғини олиб кетаман.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎРМОНДА

Бунда тонг отади ёрқин, мусаффо...
Деразадан оққан илҳом насими —
Киприкларга уйқу илинган асно
Уйготар чертиб қалб даричасини.

Уланиб кетади тун билан кундуз,
Ҳаёт давом этар ижод боғида.
Қисқа салом-алик...
Сўнг яна бесўз
Ҳар ким банд ўз дарди, ўз тўлғоғи-ла...

Яна йўлкаларга гул тўшар излар,
Фикрлар залворин кўтаради ер.
Сайр аталувчи бу сокин кезлар
Роман тобга келар,
Туғилади шеър.

Боққа кўрк бағишлаб,
Салобат билан,
Аста чиқиб келар Уйғун — оқсоқол.
Пирларга муносиб хуш одат билан
Йўлдош Шамшаровдан тинглар ҳасби ҳол.

Йиллар ва йўлларнинг севинч, ташвишин,
Балки эслашмоқда икки отахон.
Не-не синовларга солиб бардошин,
Не-не чигриқлардан ўтказди замон.

Ўйчан термулганча сархил гулларга —
Зулфия — шеър мулкин пок маликаси.
Наводай қуйгали ошиқ дилларга
Тингламоқда она — Замин нафасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар кимнинг ўз йўли, ўз ўй-хаёли,
Табиатга очар сокин сирларин.
Мурғак арчалару, олма ниҳоли
Нигоҳларин тортар баъзи бирларин.

Булбул навосига муштоқ ҳар кўнгил,
Талпинар Иброҳим Раҳим боғига.
Кетолмай қолибди бу боғдан булбул,
Анор гуллаган шул жавзо чоғида.

Қушни боғда кезар ўйчан бир зако —
Замон донишманди — Асқад ал-Мухтор.
Янги бир асарга бахш этар бақо,
Ихчам жуссасида Рустам кучи бор.

Эрмак учун тутиб ирғайдан асо,
Ана кетиб борар Пиримқул Қодир,
Бу пайт Бобурми ё Акбарми ... Ва ё
Зебунисо билан сўзлашаётир.

Элга бағишланган иқтидор, кучи
Тарих ва замондош фикри билан банд.
Ватан камолини кўрсатмоқ учун
Ўтмиш ва эртани этмоқда пайванд.

Хонасидан чиқиб Абдулла Ориф,
Оҳиста кезади чорбоғ этагин,
Ўғли Илҳомжонни етаклаб олиб.
Уқтирар гул ранги, сўзлар оҳангин.

Заковат чақнаган ёниқ кўзларда
Ҳорғинлик сезилиб қолдими зарра,
Залворли фикрлар,
Чақин сўзлардан
Бир дам холи қолиб, қурилар давра.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўҳна арғувонни солиб ларзага
Осмону фалакка ўрлар қаҳқаҳа.
Шундай танаффусга чиққан лаҳзада,
Билки, жўрабоши Саид Аҳмад ака.

Бу кулгу — лавҳадир янги романдан,
Ёхуд комедия саҳифасидан.
Эҳтимол, мавзуга изчил уланган
Азиз Абдураззоқ латифасидан.

Қизир дилкаш суҳбат, кулгу беғубор
Бу — соғлиқ, ижодий омад гарови.
Даврага бахш этар фазилат, виқор,
Восит Саъдулланинг илик палови.

Сўлим оқшом чўкар,
Ёнар чироқлар.
Хоналарга кўчар яна танҳолик.
Бағрини тутади оппоқ варақлар,
Қуйилар жўшқинлик,
Теран донолик.

Машинка чиқиллар қай бир хонада,
Қай бирида эса қитирлар қалам.
Борлиқ ухлайди-ю...
Ҳар бир хонада
Бедор тўлғонади бу чексиз олам.

Борлиқ ухлайди-ю...
Уйғоқдир Дўрмон,
Бунда ҳукмрондир ижод шукуҳи...
Бунда кезар Ҳамза, Ҳамид Олимжон,
Ғафур Ғулом билан Ойбекнинг руҳи.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

1984 ЙИЛ ҚИШИНИНГ САБОҒИ

(Билмаса ҳазил)

Ким ўйлабди қишнинг қаттиқ келишини,
Сабримизни чилла синов қилишини.
Кўчада қор, йўллар тайғоқ, уйлар совуқ.
Асаб таранг, оддий гап ҳам мисоли дўқ.
Газ — жинчироқ, овқат тугул қайнамас
чой,
Дийдираган болалар ҳам мисоли той —
Ирғишлайди сал илимоқ илинжида,
Кампирлар тиш тақиллатар уй пинжида.
Таъна тошлар отилади бирданига
Қозонхона, газ ходимин гарданига.
Баъзилар-чи, ижрокомдан бўлар хафа,
Ҳар оғизда:
"Бу нимаси?"
"Қандай гап-а,
Ижроком, газ, қозонхона раҳбарлари
Ёзда нечун ўйлашмади қиш келарин?"

Ҳамюртларим, гап деганни ўйлаб сўйланг,
Раҳбарларнинг ташвишини сиз ҳам ўйланг.
Улар сизнинг ғамингизни тортган албат,
Исташарки қаҳратондан соғ-саломат,
Юзлар қизил, тан чиниққан, бардам
чиқинг,
Яъни кўклам фасли учун қувват йиғинг.
Бунинг учун ҳаракатдир энг зарури,
Ҳа, жисмоний ҳаракатда ҳикмат зўри.
Чунончи, уй исимаса печка қуринг,
Кейин кўмир ташвишида зир югуринг.
Кўп қаватли уй дейсизми?
Ҳечқиси йўқ.
Чўян печка ичида кўп сақланар чўғ.
Деразадан чиқиб турса дудбурони,
Тутуни ҳам илитади тунд ҳавони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаватларга кўмир ташиб югурасиз,
Ҳар соатда кул тушириб улгурасиз.
Печ иссиғи, ҳаракатнинг ҳарорати —
Совуқни ҳам унутасиз, жон — роҳати.

Ҳовлида-чи?
Сандал очинг — кони фойда,
Белу оёқ роҳатланур бундай жойда.
Илож қанча, газда овқат қайнамаса,
Оҳ, ўчоқда пишган таом қандай маза.
Раҳм қилиб занглаб ётган болталарга,
Тўнка ёринг мослаб-мослаб ўт қаларга.
Болалар ҳам арра тортсин, қон юришиб,
Соғ ўсишар, ўрганишар рўзғор ишин.
Ҳаракатда ҳислат катта, қилар бардам,
Газ қадрига етар шунда хотинлар ҳам.

Сиз шикоят қилиб юрган лаҳзаларда
Мен ўргандим ана шундай нарсаларга.
Уч ўглимни ёнга олиб ёрдим ўтин,
Ўчоқбошин макон қилиб олди хотин.
Бозиллаган сандалнинг бир ёнбошида
Онам хурсанд тут ўтинда пишган ошдан.
Икки қизим эрта-ю кеч ташийди кул,
Хуллас, дўстлар, меҳнат таги роҳат нуқул.
Ҳаракатда бўлиб турса ҳар хонадон,
Тумов — пучқоқ яқинлашмас, қизийди қон.

Раҳмат айтиб газчиларнинг ҳимматига,
Ижрокомнинг янги тадбир ибратига,
Ҳаракатга тушинг, дўстлар, ўтмай фурсат,
Бефойдадир, минг шикоят, мингта ҳайрат.
Бу ғамхўрлик сизу бизга кони фойда,
Фойдаланиб қолинг қишда — шу уч ойда.
Кучингизга куч қўшилар, ҳа, мен кафил...
Бу сабоқ кор келар яна келгуси йил.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ТАНИШИМ...

Бир ғаройиб танишим бор,
Мақтанишни дўндирар,
Бир ёлғоннинг тухмин экиб
Ўн ёлғонни ундирар.
Ҳар гапига қўшиб кетар
Казо-казолар номин,
Катталарни "акам" атаб
Безатади каломин:
Эшмат акам жуда-жуда
Мени яхши кўрарлар,
Тошмат акам телефонда
Ҳар кун аҳвол сўрарлар.
Хушматович мен бўлмасам
Туролмайлар бир нафас,
Эрта-индин у кишига
Муовин бўлсам ажабмас.
Ҳар даврада шу гап такрор
Эски пластинкадай,
Ўн йилдирки тинглайвериб
Қуриб кетди тинка ҳам.
У "ака"лар билмас бундай
"Ука" борин дунёда,
Ё саломга алик олиб,
Боши қолган балога.
Ё бирор тўй, маъракада
Чой ташибми бу чаққон,
Номларини эслаб қолиб
Атар "ака", "бир туққан".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуллас, тез-тез қизиб турар
"Акалар"нинг қулоғи,
Танишим ҳам мақтанишда
Олиб қочар улоқни.
Биз ноилож тинглаб турсак
Барча ёлғон сўзини,
У ишониб кетиб ўзи,
Осмон тутар ўзини.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хоним, Сиз — малика,
Биз — ғуломингиз,
Шоҳлик даъво қилса не тонг гадолар?
Бор ё йўқ қилса ҳам бир каломингиз
Ишқидан тонарми багри адолар...

Хоним, Сиз — малика,
Биз — ғуломингиз.
Давлатингиз аро топган паноҳлар.
Шому саҳар кутиб бир каломингиз,
Аланга олди-ку дилдаги оҳлар.

Хоним, Сиз — малика,
Биз — ғуломингиз,
Шоҳликдан юксакроқ бизга бу тақдир.
Бизга тожу-тахтдан қиммат домингиз,
Изламасмиз озод бўлмоққа тадбир.

Хоним, Сиз — малика,
Биз — ғуломингиз,
Қай қул умид қилмас хўжадан нажот,
Магар мулкингиздир жисму жонимиз,
Не ажаб, биз Сиздан тиласак ҳаёт?!

Хоним, Сиз — малика,
Биз — ғуломингиз.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эҳ-ҳе, булбул бўлиб кетдинг-ку, ошнам,
Дилгинангда шунча кўпмиди зоринг?
Мунча нола қилдинг,
Ёндинг мунча ҳам,
Ўтмай қолмаган-ку сира бозоринг.

Кеча наволаринг ўзгача эди,
Тилинг шилинган-ку ҳамду санодан.
Бугун янги қўшиқ топибсан энди,
Энди тушган каби ерга самодан.

Ҳар не кори боринг кўтарар бу ер,
Томири заминга туташган эл ҳам.
Аммо у кар эмас,
Эмасдир сўқир,
Барча қилиғингга гувоҳдир ошнам.

Лоақал, лоақал, сақлагил сукут,
Гап билан покланиб қолмас виждонлар.
Бугун ерга қараб қолмасди эл, юрт,
Камроқ сайраганда сендай хушхонлар.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПУШКИН

Ўйнашмагил шоир ғурури билан,
Ахир эл яшайди унинг қонида.
Халқ қадрин ўзининг қадри деб билар,
Халқ дарди ҳаттоки устихонида.

Шоир ҳам ғурурин йўқотса агар
Халқи қолмайдими ғариб, бенаво?!
Бенаво тўдалар бўлгайми башар,
Мазмунин йўқотиб қўймасми дунё?!

Бас, ғурурсиз қалбдан ўлик тан афзал,
Рақиб қаршисига чиқади мағрур.
... Дантес — аламзада кезгувчи ажал,
Шоир — эл қалбида барқарор ғурур.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИБЛИСГА ТАЪЗИМ

Сени бутун умр лаънатлаб ўтдим,
Чунки кори боринг оламга аён.
Сенинг қилмишингдан кўплар қон ютди,
Кўплар жудо бўлди жондан ногаҳон.

Бу ёруғ дунёда ҳарки риёга
Сенинг номинг билан берилур нисбат.
Ёвсан эзгуликка, меҳру зиёга,
Лаънатга маҳкумлик сен учун қисмат.

Мен сени кўрганман турли либосда,
Турли қиёфада кўрганман, аммо,
Таниб олар эдим, ё қиш, ё ёзда
Фаришта шаклига кирсанг ҳам ҳатто.

Бугун бармоғимни турибман тишлаб,
(Қандоқ нодонлигим сезиб қолдим-а...)
Мен фаришта санаб, этагин ушлаб
Тавоф этганларим кори олдида —

Сенинг қабоҳатинг мисли саховат,
Ҳақиқат қошида бош эгмоқ фарздир.
Фаришталар қилгач иблислик одат,
Этагингда намоз ўқисам арзир.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЛАЛАР

Қўй, уришма, ўғлимни, эркам,
Бу шўхликлар болаликка хос.
Уйни қий-чув тўлдирса не ғам,
Не ташвишдир чанг бўлса палос.

Иргишласа, сакраса тойдай,
Ё қувлашса тенгдошлар билан.
Кураш тушса акасин қўймай,
Майли, кучга тўлгай ёш билак.

Майли, бўлсин шўх, ўйинқароқ,
Ташвишланма, лат еса эти,
Пешонаси ғурра бўлса гоҳ,
Жароҳати битар вақт ўтиб.

Таъқиб этиб ҳар қадамини,
Болалигин қўйма жиловлаб.
Асрайман, деб кесма дамини,
Юрагида ёнсин оловлар.

Қўй, уршма, эркам боламни,
Болалигин қилсин болалар,
Болаликдан жудо оламни
Тутиб кетар қайғу нолалар.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕДОР ФАСЛ

Ўрик гулларида келинлар кўрки,
Маъсум гунчаларда ибо, нафосат,
Қуёш чеҳрасида барқ урар кулги,
Нурлар қатимида тенгсиз тароват,
Наврўзи олам — бу,
Хуммор фасл — бу.

Борлиқ йиғиштирди қишнинг кўрпасин,
Қор остида ётган баҳор уйғонмиш.
Дилларда такрордир ишқ фалсафаси,
Ошиқлар оҳидан дилдор, уйғонмиш,
Дардларга малҳам — бу,
Дилдор фасл — бу.

Деҳқон орзуларин экар тупроққа,
Ширин хаёллларнинг оғушида маст.
Замин шайланмоқда она бўлмоққа,
Ҳарсиллаб-ҳарсиллаб олади нафас,
Йилнинг наҳори — бу,
Бедор фасл — бу.

Бу фасл ишқ, орзу, қўшиқ бахш этиб,
Ёшликни қайтариб бермоққа қодир.
Еллар қанотида гул атрин тутиб,
Эртанги кунни ҳам уйғотаётир,
Юртим баҳори — бу,
Гулкор фасл — бу.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИЖҒОВ

Чарчадим, биродар, ростини айтсам,
Жонимдан тўйдирди мингир-мингиринг,
Биров тўғри йўлни кўрсатган пайт сан
Мингирлаб топасан бирор қингирин.

Бағрин кенг очгандан қиласан ҳадиқ,
Дейсан: "Бир илинжи бўлса керак-ов".
Сир туюлар ҳатто салому алик,
Бефарқ ўтганларни санагайсан ёв.

На совуқ ёқади,
На иссиқ сенга,
Ёзда қор тилайсан, қаҳратонда — гул.
На ширин ҳуш келур,
На аччиқ сенга,
Ғўлдираб, мингирлаб юрасан нуқул.

Айт, нима истайсан, эй, мижгов банда,
Бу кўҳна дунёдан,
Инсон зотидан.
Қачон лабларингда кўринур ханда,
Қачон тўйгунг ҳаёт илтифотидан.

Ахир муддаонгни этмасанг аён,
Нима тилашингни мен қайдан билай,
Бўлди, қулоғимни тинч қўй, қадрдон,
Умр ўтиб борар, ишимни қилай.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТИМНИНГ МАНСАБИ

Бирга ўсган дўстим бирдан
Минди мансаб отига,
Ўша кундан тушиб қолдим
Мен ҳамманинг ёдига.
Роса менга гамхўрлару
Меҳрибонлар кўпайди,
Умримда ҳеч учратмаган
Жонажонлар кўпайди.
Саломимга алик олмай
Юргувчилар ўпишар,
Кўзларимга қараб туриб
Шаънимга мадҳ ўқишар.
Мени нодон, деб юрганлар
Донолигим мақташар,
Бири "брат", бири "жигар",
Бири "қондош" аташар.
Тўйда кўрса юз бурганлар
Зиёфатга чорлайди,
Бадқовоқлар жилва қилиб,
Тунд чеҳралар порлайди.
Лой сачратиб ўтганлар ҳам
Машинасин тўхтатиб,
Манзилимга элтиб қўяр
Илтифотлар кўрсатиб.
Ҳузурига кириб қолсам
Қовоқ уйган кимсалар
"Хизмат борми?" деб, кун ора
Уйга қўнғироқ қилар.
Қайга борсам давра тўри,
Чойнинг зўри меники,
Хуллас, қуёш иссиғию
Ойнинг нури меники.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу ғамхўрлар ғамхўрликка
Лойиқ жавоб кутишар
Чой тутишиб, орасида
Гап қистириб ўтишар:
"Бир илтимос, дўстингизга
Қўйсангиз сал шипшитиб,
Шу ... кичкина иш бор эди
Берардилар пишитиб".
Эҳ, раҳбарга юмуши йўқ
Одам йўқдай шаҳарда,
Дўстим эса бу гаплардан
Мутлақо бехабар-да!
Менинг дўстим мансабига
Алоқадор ишим йўқ,
Боз устига бошлиқларга
Суйканишга ҳушим йўқ.
Шу боисдан ҳеч битмади
Янги дўстлар ишлари,
Пайдо бўлди мен ҳақимда
Янгича "миш-миш"лари:
"Айтиб қўйса, яқин дўсти
Чиқармиди йўлидан,
Ўзи латта, ёшлигидан
Ҳеч иш келмас қўлидан..."
Барҳам топди чорлашлару
Ғамхўрлигу зиёфат,
"Жигар", "брат", "қондош"лар ҳам
Тониб кетди ниҳоят.
Ҳа, мен қолдим эл айтгандай
"Эски ҳаммом, эски тос",
Улар эса излаб кетди
Ишбилармон янги дўст.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭРТАГА

Эртага келасан, малагим,
Хонамни ёритар жамолинг.
Эртага интиқдир юрагим,
Насибам бўлади висолинг.

Эртага келасан, малагим,
Ташрифинг байраму тўй менга.
Мисоли чирмовгул палаги
Қўлларим чирмашар бўйнингга.

Эртага келасан, малагим,
Чекинар айрилиқ азоби.
Ижобат бўлгуси тилагим,,
Ёпилур соғинчим китоби.

Эртага келасан, малагим,
Эртани зор кутар кўзларим.
Қийиндир, қийиндир битмаги,
Оҳ, сенга аталган сўзларим.

Эртага келасан, малагим,
Орзуманд дилимга тўлар нур...
Оҳ, қийин, эртанинг келмаги,
Бу кеча мисоли бир умр.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН БУГУН ...

Мен бугун мош-гурунч соч билан
Муҳаббат қўшиғин куйлайман...
Учрашиб ул қаламқош билан
Хуш ўтган кунларим ўйлайман.

Кўзларим ўнгида сиёқи
Қоматин тиклагай тасаввур.
Ғунчалар шаклида дудоғин
Эслатган баҳорга ташаккур!

Ёр бўлиб қалбимга ўт солар,
Шул қуёш кокилли навбаҳор.
Юракда ишқ дарди қўзғалар,
Висолга талпиниб дил бедор.

Унутдир айрилиқ дардлари,
Унутдир йилларнинг ўтгани.
Унутиб тақдирнинг айбларин,
Келяпти интизор кутганим.

Унутмай юрганим биляпти,
Шу боис ташаккур демоққа.
Нур бўлиб, гул бўлиб келяпти,
Хуш бўйин уфуриб димоққа.

Марҳабо, азизам, марҳабо,
Измингда қолгумдир то абад —
Эй, қайта туғилиб ҳар баҳор,
Куйлатган биринчи муҳаббат!

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИЗ БИЛАН УЧРАШГАН КУНЛАРИМ

Қайтадан келаман дунёга
Сиз билан учрашган кунларим.
Гўё шоҳ бўламан дунёга,
Сиз билан учрашган кунларим.

Офтоб жой топар жисмимда,
Коинот мисоли измимда.
Қўрқмайман ҳеч офат, ҳеч кимдан,
Сиз билан учрашган кунларим.

Наздимда нурафшон бу олам,
Заминдан чекингай алам, гам.
Инсофга келгандай иблис ҳам,
Сиз билан учрашган кунларим.

Дилимда қайнайди қўшиқлар,
Тилимда янграйди қўшиқлар.
Жўр бўлар жамики ошиқлар,
Сиз билан учрашган кунларим.

Оламни эгаллар пок ҳислар,
Оламга таралгай хуш ислар,
Муҳаббат қудратин кўз-кўзлар,
Сиз билан учрашган кунларим.

Севги бу дунёга тиргакдир,
Садоқат мисоли йўргакдир.
Умримга беназир безакдир,
Сиз билан учрашган кунларим.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЁТ БУ

Сен менинг ҳолимга кулма, биродар,
Ишонган одамим панд бериб кетса...
Ҳатто аҳволимга ачинма, магар
Бахт деган оламим ногоҳ тарк этса.

Яхшилик қилганим қилса ёмонлик,
Бошин силаганим дўлайтирса мушт.
Шафқат айлаганим бермай омонлик,
Субҳи шом шаънимга ёғдирса "миш-миш".

Не тонг, ҳисоблидир бу дунё кори,
Кимгадир панд берган бўлмоғим мумкин.
Кимдир атаганда бахтим, баҳорим,
Пайҳон қилгандирман балки дил мулкин.

Балки ранжитганман меҳр кўргузиб,
Тўғри йўл кўрсатган оқил зотларни.
Балки талтайганман, ёғ босиб кўзим —
Унутганман эзгу илтифотларни.

Умр ўтаётир, сездирмай зимдан,
Аста бажо айлаб ҳар бир фарзини.
Бошга неки келса кўргум ўзимдан,
Ҳеч кимда қолдирмас ҳаёт қарзини.

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮМУШЛАР

Қийин эркак бўлиб кўчага чиқмоқ,
Бас, чиқдингми,
Кори борига чида.
Ҳануз, остонангдан хатлаганинг чоқ
Қолдинг юмуш деган қуюн ичида.
Оёғинг ишхона сари элтади,
Ва лекин бошингда ўзга ташвишлар.
Нимдош тортиб қолмиш ўғлинг телпаги,
Савдо аҳли аро борми танишлар?
Чўнтакда хотининг тутқазган рўйхат,
Бир умр битмайди рўзгор кемтиги.
Сен бозордан ёнгоқ олаётган пайт,
Эсга тушар қизинг айтган этиги.
Хизматдош бир аёл туғилган кунга
Лойиқ совға танлаш сенга юкланди.
Божанг ўғли кирган дорилфунунга,
Қутлаб ўтмоқ даркор — ёдда тикланди.
Бир дўстинг қизини узатади — тўй,
Ёнида турмасанг бўлмайди наҳор.
Ишдаги бурчингни гапирмаёқ қўй,
Одамликнинг оддий бурчлари бисёр.
Улфатлар давраси,
Турфа йиғинлар,
Узоқ-яқин келар тушиб бир иши,
Бирортасин канда айласанг агар,
Одамгарчиликдан чиқасан киши.
Бошлиғинг кўнглини овлаб келгали,
Олис курортга ҳам бориб қайтасан.
Унутиб қўясан гоҳи маҳали
Ҳатто исминг нима, ўзинг қайдасан?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўнгилга минг турли режани тугиб,
Юрасан гоҳ дилхуш, гоҳида дилгаш.
Югуриб елсанг ҳам ортидан қувиб,
Сенга бўйсунмайди вақт деган саркаш.
Эркак бошингдаги турфа юмушга
Ўзингни бағишлаб ҳафталаб, ойлаб
Фурсат тополмайсан йўқлаб ўтишга
Онанг интизордир йўлингни пойлаб.
Қийин эркак бўлиб кўчага чиқмоқ...

1985

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ДУНЁ

Уюм шагал узра ўлтириб олиб,
Ҳаммага тош отган тантиқ боладай,
Ўзингча дунёга ясаб бир қолип,
Оламни жойламоқ бўлмагил атай.
Сенинг қолипингга тушмаса дунё,
Гуноҳкор қилмагил ахир ҳаммани,
Сенга нохушларни хушласа дунё,
Ғаним деб билмагин ахир ҳаммани.
Не илож, тош отсанг ҳамма бепарво,
Кулимсиб боқар бу корингга олам,
Ким ҳам кўрар сенга ғанимлик раво,
Расо одам билан курашар одам.

1985



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮРТИМГА

Дерлар, ниятингга боғлиқ қисматинг,
Мен эзгу ниятдан келдим дунёга
Эзгулик истадим,
Меҳр истадим,
Ўзинг йўргакладинг мени зиёга.
Меҳри қуёш янглиг ўтли онажон,
Меҳрибон диёрим, жоним Намангон.

Кўзларимни очдинг ҳимматинг билан,
Авайлаб ўстирдинг бамисли ниҳол.
Буюк Ватан ичра эй, мўъжаз Ватан,
Ризқ бердинг, онамнинг сутидай ҳалол.
Ҳалолликдан зарра чекинса виждон,
Асло рози бўлма мендан, Намангон.

Ногоҳ тарк айласа нотанти омад,
Ғаним таъқибига учрасам ногоҳ.
Бошимга ёғилса санги маломат,
Кўксимда аланга олса дуди оҳ,
Йиқитмай суядинг чўнг қоясимон,
Нажоткор таянчим ўзинг, Намангон.

Агар ниятимга қўнса гард, губор,
Бир қадам чекинсам мардлик йўлидан,
Сохта шон-шухратга бўлмоқ учун ёр,
Ногоҳон номарднинг тутсам қўлидан,
Ўзинг бадкарда қил,
Ўзинг мендан тон,
Мардлик сабоғини берган Намангон!

Боқийсан,
Менинг-чи умримдир оний.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар не кор-боримга сен олий ҳакам,
Шу оний умрдан ёлгиз армоним:
Нопоклар коридан сени сақлолсам.
Эй поклик маскани,
Эй, мулки имон,
Умрим маъносига зийнат Намангон!

Ўз нафси йўлида бирорта нокас,
Зарра доғ туширса тиниқ шаънингга,
Унга сендай Ватан раво ҳам эмас,
Ҳатто жасадини олма бағрингга.
Поксан, пок қолгайсан, то бор бу жаҳон,
Эй, менинг жаҳоним, жоним Намангон!

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЛАР

Кимлар,
Ким бўларлар ноаён, аммо,
Ўзларин бақавли Суқрот сезарлар,
Топиб ҳар қадамда турфа муаммо,
Улар гапирарлар,
Улар ёзарлар.

Букун минбар очиқ,
Фикрлар ошкор.
Тилга келган гапни гапирмоқ мумкин.
Демократия —
Қалқон ва шиор,
Пайҳон қиладилар андиша мулкин.

Хатлар парвоз қилар,
Минбар жаранглар,
Не тонг гапирмогу хат ёзмоқ — ҳуқуқ.
Дагдага қилсалар ҳамма аланглар,
"Ўзинг нима қилдинг?" деб сўровчи йўқ.

Балли, замонанинг қутлуг зайлига,
Беэътибор қолмас бирор хат, гапинг.
Сулаймон тогини сўра, майлига,
Зарра тегмаса ҳам ҳаётга нафинг.

Таклиф киритарлар,
Этарлар талаб.
Гарчи иш қийиндир,
Сўз айтмоқ осон,
Мактублар ёгдириб,
Гапларни тахлаб,
Тутиб юрадилар ўзларин осмон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаммада нуқсону
Ҳар ёнда хато,
Ўзларин фаришта, оппоқ сезарлар.
Бемаҳал дунёга келдик, деб ҳатто,
Отасин устидан хатлар ёзарлар.

Тил узун, агарчи, калта дастлари
Гарчи ўтказмаган бирорта ниҳол.
Ағдариб ҳаётнинг авра-астарин,
Қусур қидиришда улар кўп фаол.

Сувни текин ичиб,
Ариқ қазганлар
Шаънига тош отар бу нонкўр зотлар.
"Нонни меҳнат қилиб топ" десангиз гар,
"Адолат қани?" деб чинқирар, додлар.

Ҳаёт гўзал бўлсин,
Уй бўлсин шинам,
Совуқ сувга тегмай юрсин қўллари.
Оёқлар остига тўшалсин гилам,
Нур билан буркансин босган йўллари.

Гул бетикан бўлсин,
Севги беҳижрон,
Бажо бўлсин ҳар не истаганлари.
Улар талаб қилар,
Яратинг имкон,
Халқнинг қисматидир иш деганлари.

Халқ йўл чиқарганда,
Бино қурганда,
Бизга даҳли йўқ, деб четда ўлтирар.
Ва лекин пашшадай нуқсон кўрганда,
Халқ номидан филдай кўрсатмоқ бўлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оёқ остидан сал боқмай нарига,
Сафсата сотар бу маҳмадоналар.
Ақл ўргатарлар устозларига,
Ҳайрондир уларни туққан оналар.

Халқим, чарчатмагай сени зил меҳнат,
Чарчатади шундай зотлар миннати.
Бугун ўшаларга тилагил ҳиммат,
Тил билан тезлашмас давр шиддати.

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУ ШОИР ЮРТ...

Ижод тўлғоғи-ла банд шоир каби
Ўйчан куз кезади ўлкам бағрида.
Тингла,
Қушиқ айтар далалар қалби,
Шеър қуйилиб келар замин қаъридан.

Уммон каби чексиз пахтазорга боқ,
Чаноқлар лабидан кўпирмоқда шеър.
Шоир орзусидай беғубор, оппоқ,
Унга юрак қонин бахш айламиш Ер.

У ширин заҳматдир,
Ширин армондир,
Оқшом кеч ётқизиб, эрта турғазган.
Бу шеър ижодкори танти деҳқондир,
Қуёш котиб бўлиб нур билан ёзган.

Бедор кечаларнинг ширин ҳаёли,
Тонгги пок ниятлар ҳар сатрига жо.
Она юртимизнинг кўрки камолин
Шу шеър оҳангидан танийди дунё.

Оддийгина қилиб унинг номини,
Пахта аташади қадим-қадимдан.
Ижодкори ҳурмат-эҳтиромини
Қалбларга нақш этар ҳар бир одимда.

Бугун чаноқлардан тўпланиб борар,
Меҳнату илҳомдан яралган достон.
Ҳар толаси — бир сўз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир сўзки гавҳар,
Унда жам заҳмату, илҳому, армон.

Ўлкам камолига кин билан боққан,
Ғаразгўйни доғда қўйган қўшиқ бу!
Сенинг, Менинг, Унинг қалбида балққан
Қуёш муҳаббат бу,
Ҳаётбахш ишқ — бу!

Зафар тўйларида янграган алёр,
Давронга муносиб тансиқ достондир,
Не тонг, тупроғида етилса ашъор,
Бу шоир юрт, ахир, Ўзбекистондир.

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат биттадир,
Ҳақиқат каттадир,
Биз уни майдалаб юбордик чоғи.
Сенинг ҳақиқатинг,
Менинг ҳақиқатим,
Бошқа ҳақиқатлар у ёғи...

Ҳақиқат яхлитдир,
Бир ёмби тахлитдир.
Уни бўлакларга бўлсак, биродар,
Тортишиб, бўлишиб
Ҳар ким ўз улушин
Ола билармикин баробар?

Йўқ, йўқ, бу душвордир,
Тирикликда кордир.
Каттароғин олмоқ илинжи,
Шу илинж, шу армон
Йўлида ҳар инсон
Йўқотиб юради орому тинчин.

Майдаланган нарса
Бўлиб парча-парча,
Йўқолиб кетмасми оқибат?!
Ўзимиз майдалаб,
Этурмиз сўнг талаб
Катта ҳақиқатни ҳамма вақт.

Тирқираб кетса гар
Майда ҳақиқатлар,
Улкан ноҳақликка етмагай кучи.
Юраклар бир бўлсин,
Тилаклар бир бўлсин,
Ҳақиқатни бутун сақламоқ учун.

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

"Ёшликда берган кўнгил
айрилмас бало экан",
Унинг радди балоси
Висол ва вафо экан.
Ёшлик-ку, берар бардош
Ҳар қандай балоларга,
Улгайгач кўнгил берсанг,
Бу дард бедаво экан.

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

СУЯНЧИҚ

Сен суянган чинор қулаб ҳам кетди,
Йиқилди бошингда соябон толлар.
Боқ, бугун боғ аро мағрур қад керди —
Сен кўзга илмаган мургак ниҳоллар.

Гарчи асрларга бўлса ҳам тенгдош,
Чинорнинг илдизи эмасдир чуқур.
Шу боис довулга беролмагай дош,
Шу боис бўронда қулагай бир қур.

Узун қўлларини чўзиб осмонга,
Пурвиқор турса ҳам ул кўм-кўк толлар,
Соя солишса ҳам гарчи ҳар ёнга,
Синдириб кетдилар собит шамоллар.

Бўрон камон қилиб эгганда белин,
Боши ерга тегиб тортса ҳам азоб.
Ниҳоллар тикланур ўзига келиб,
Барча қийноқларга бера олгай тоб.

Наҳот, бу ҳақиқат сенга ноаён,
Қулаган чинорга тутурсан мотам.
Йиқилган толларнинг пойида ҳайрон,
Сўррайиб турибсан, эй, ғофил одам.

Мангу суянчигинг бўлолмас, чинор,
Бошинг узра мангу туролмас соя.
Ахир, бу ҳаётнинг ўз қонуни бор,
Неки бошланибди, топар ниҳоя.

Курашдан иборат бу ҳаёт боғи
Бўрон, довулларни кўп кўрган, кўргай.
Ўртанмайин десанг довуллар чоғи,
Чинорга суянмай яшашни ўрган.

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭРКАКНИНГ БАХТИ

Сен эркак бахтини чўнтак тўла пул,
Беҳисоб мулк билан ўлчама алҳол.
Эркакки бойликка бўлган экан қул,
Билгилки, ғурур ва номуси поймол.

Сен бойлик кетидан чопганинг сари,
Ортда қолиб кетар сени қувган бахт.
Виждон эвазига топган пулларинг,
Оқибат, бир куни қилгуси бадбахт.

Сен эркак бахтини зинама-зина
Чиқиб борилгувчи мартаба билма.
Мансаб — тушга кирган нодир хазина,
Ҳеч кимга, ҳеч қачон, ҳеч вафо қилмас.

Мансаб илинжида бўйнинг қилиб хам,
Ҳадеб қилпанглама муллаваччадай.
Мансаб — оз, лекин кўп тирмашган одам,
Чиққан, боз қулаган қанча-қанчалар.

Сен бахтни — танноз, кож маъшуқаларнинг
Совуқ нозларидан излама зинҳор.
Ўзгалар кетидан қувиб, уларнинг
Эри бадбахтликка бўлгандир дучор.

Бахт санаб ўзгалар базми висолин,
Меҳрга зор қилиб қўйса хотинин.
Ишқу садоқатнинг тутиб уволи,
Аёллар ер қилар эркак зотини.

Сен эркак бахтини улфатлар ичра
Бойваччалик билан ўлчама ҳаргиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ундайлар кўчада ош еб, май ичса,
Уйида заққумлар ютади, афсус.

Бас, эркак бахтига излама мезон,
Ҳақиқатдай жўндир эркакнинг бахти.
У — ғубор қўнмаган покиза виждон,
У — бош омонлиги, билак қуввати.

Бахт шудир: суяниб ўз меҳнатингга
Бир бурда нонингни тополсанг ҳалол.
Зор бўлиб ўзгалар илтифотига
Эркаклик ғуруринг кўрмаса завол.

Хотинингга лойиқ бўла олсанг эр,
Қобил фарзандларга муносиб ота,
Ҳаловатда кечса уйингда умр,
Сендан бахтли эркак йўқдир дунёда.

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТЕЛЛОНИ ЭСЛАБ

Эркам, бир эслайлик, буюк Шекспир,
Султон қидирганда севги тахтига.
Бу мулк тожин раво кўрмаган ҳеч бир
Салтанат шоҳи ё валиаҳдига.

Муҳаббат мулкининг шоҳи этиб ул
Сайламиш Отелло деган ҳабашни.
Оташин ишқига соқчи этиб ул
Қонига сингдирмиш оташин рашкни.

Отелло!
Биргина рўмолча учун
Тўшакда қатл этди Дездемонани,
Рашкми бу ва ёхуд севгининг кучи,
Ёрни ўлдиришга шу баҳонами?!

Йўқ, йўқ, у рўмолча оддий совғамас,
Олов муҳаббатнинг нишони эди.
На бойлик эди у,
На ҳою — ҳавас,
Бир телба ошиқнинг имони эди.

Садоқат тимсоли, вафо тимсоли,
Ёрга ҳадя этган тан-жони эди.
Интиқ дилнинг зори, ёрнинг висоли,
Жаҳон ичра ёруг жаҳони эди.

Шўрлик Дездемона севги билан маст,
Маврга топширган ихтиёрини.
Аммо бир лаҳзага бир нопок, нокас,
Тортди рўмолчадан эътиборини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу бас!
Қора Мавр — ишқпараст юрак
Шубҳалар қуюни ичра йўқолди.
Ҳа-ҳа, ганимларга шу бўлди керак,
Қонда рашку алам аланга олди.

Рўмолча баҳона бадниятЯго
Топтамоқ бўлганди Мавр шаънини,
Бундай ҳақоратни кўтаролмай, о
Жондан жудо этди сийминтанини.

Гарчи бу дунёда рўмолчалар кўп,
Аммо имон эзгу,
Садоқат эзгу.
Шундан ёр жасадин кўксидан ўпиб,
Ўзин кўксига ҳам ханжар урди у.

Наҳот, бир рўмолча...
Ишқсиз зотларга
Не тонгки Отелло туюлса пасткаш.
Нафс занги қоплаган эътиқодларга
Қайдан аён бўлсин севги билан рашк.

Бу туйғулар Сизу бизга аёндир,
Шундан Отеллони эсладим атай.
Дерсиз, Отеллодай севиш ёмондир,
Бошқача севишни билмасам, нетай.

Фақат севган юрак шубҳага мойил,
Фақат севган юрак рашкдан қиймадир.
Жоним қийналмагай олса азроил,
Эътибор йўқолса жоним қийналур.

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎРМАГАН КУНИМ

Сўзларимдан йўқолгай маъни,
Аламимдан чиқар тутуним.
Чўлдай бенур гуллар чамани,
Эркам, Сизни кўрмаган куним.

Очилмагай бир дам қовоғим.
Ўксик боқар ташна нигоҳим.
Кўксим ёрмоқ истайди оҳим,
Эркам, Сизни кўрмаган куним.

Қалбим кўкин босар гумонлар,
Умид йўлин тўсар гумонлар.
Мени дорга осар гумонлар,
Эркам, Сизни кўрмаган куним.

Осон тутманг моҳи талъатим,
Бу азобга йўқдир тоқатим,
То етмагай сўнгги соатим,
Эркам, Сизни кўрмаган куним.

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мени авайлашар дўстларим,
Таъна тошларидан,
Маломатлардан,
Бошимга келажак
Аломатлардан,
Мени авайлашар дўстларим...
Шеърим бевафодан зорланса,
Ё санамлар васфин
Этмасам канда,
"Э, бировни севиб
Қолган экан-да"
Деган миш-мишлар ҳам бор нарса.

"Эҳтиёт бўлсин-да, эҳтиёт,
Ким бўлдийкин ўшал
Гўзал жонони,
Жанжалга қолмасин
Тинч хонадони,
Издан чиқмасин-да, тинч ҳаёт!"

Қуллуқ, азизларим, тасанно,
Мағрур бошим эгай
Ҳузурингизда,
Шаънимни авайлаб,
Сақлаб гап-сўздан
Умримни этарсиз пурмаъно.

Дўстларим, ташвишга тушманг Сиз,
Ошиқ бўлиб қолсам,
Қайғурмасин жон.
Кўрмоқ истасангиз
Мени соғ-омон
Севолмай қолишдан асрангиз!

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЙРОНЛИК

Кимгаки дуч келсам ақл ўргатур,
Ё, раб, мунча мени нодон яратдинг.
Ҳар ким ўз ҳолича бир йўл кўрсатур,
Йўллар ўртасида сарсон яратдинг.

Чайқовчи муллолик даъво қилганда,
Кечаги ғар ўзин отин билганда,
Риё андишанинг бағрин тилганда,
Бу кордан коримни нолон яратдинг.

Гоҳо имомликка ўтса каззоблар,
Тўрга олинганда олғир, қаллоблар,
Имонини ютса нопок қассоблар,
Кўриб эс-ҳушимни ҳайрон яратдинг.

Фосиқлар яшаркан мудом гап пойлаб,
Бировни бировга ёв қилиб, қайраб,
Тиржайиб, кўксида зимдан тош жойлаб,
Кимнидир бўҳтонга қурбон яратдинг.

Ғийбатлар заҳридан гуллар сўлсалар,
Бу ҳолдан сангдиллар яйраб, кулсалар,
Ҳатто, сен берганни олмоқ бўлсалар,
Мени туғилгандан пушмон яратдинг.

Халқим иқболидан ўзга орзум йўқ,
Сенга бандаликдан ўзга фарзим йўқ,
Сенга жон қарзимдан ўзга қарзим йўқ,
Шукур, мени шундай инсон яратдинг.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧАҚИРИҚ

Етти мучамиз бут, соғ-саломатмиз,
Демак, беморларнинг ҳаққи бор бизда.
Меҳнатга яраймиз, бас, бадавлатмиз,
Демак, ночорларнинг ҳаққи бор бизда.

Биз агар жамулжам, маъмур, тўкинмиз,
Етим-есирларнинг бор бизда ҳаққи.
Азот кўтаролсак турмуш юкин биз,
Дардга асирларнинг бор бизда ҳаққи.

Турфа яратмишдир бизни табиат,
У кимга Ҳотаму
Кимга бахилдир.
Ким ҳам ожизликни қилибди ният?
Ночорга раҳм этган киши оқилдир.

Дўстлар, тарк этмасин бизни заковат,
Юртда яшар экан не-не муҳтожлар.
Агар кўрсатмасак дилдан саховат
Бекордир бойлигу мансабу тожлар.

Гарчи ноиложмиз бўлиб олмоққа,
Ўксик, мажруҳларнинг оғриқ, дардини.
Мурувват кўрсатиб, бахш этиб тоқат
Ювайлик дилдаги алам, гардини.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗУН ҚЎЛ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Дасти калта эди,
Бир кун одамлар
Ўзимизнинг одам, дея сийлашди.
Унга тақдирларин иониб, магар
Эзгу ният билан раҳбар сайлашди.

Элнинг ваколатин қилиб баҳона
Қўл узатиб кўрди юқорироққа.
Одамлар елкаси бўлди поғона,
Осмонни мўлжаллаб тирмашди тоққа.

Қаранг, у кимнингдир этагин тутиб,
Кимларнинг рўйи-рост хизматин этди.
Вақт — учқур,
Ой-кунлар шамолдай ўтиб,
Дасти узайгандан узайиб кетди.

Энди ҳар томонга етгувчи қўли
Салобат бахш этди ихчам бастига.
Ҳарки мақсад сари очилди йўли,
Ҳар неки истаса олди дастига.

Узун қўл ҳар ишга мойил ва қодир,
Ҳоҳлаган одамин бўғзидан тутди.
Бас келмоқчи бўлса бирор баҳодир,
Оёғидан тортди, чирпирак этди.

Унутди, берилган эди узун қўл
Дасти калталарнинг бошин силашга.
Бош силаш қаёқда? Узун қўл нуқул
Бошлар узра ўйнаб тегарди гашга.

Одамлар ўз бошин этгали халос
Чиқиб кетдилар у қўлнинг остидан.
Узун қўл кичкина бошин чангаллаб
Энди нолиб юрар элнинг дастидан.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЗИЛ

Ҳаёт бизни шундай кўйга,
Солиб қўйган, нетамиз.
Қайси йўлга бошласангиз
Ўша йўлдан кетамиз.

Оғзингиздан чиққан сўзни
Маъқуллаймиз, қўллаймиз.
Гап қайтариб, фикр айтиб
Фикрингизни бўлмаймиз.

Сиз — доносиз, Сиз — меҳрибон,
Сиздир ғамхўр отамиз.
Биров сизни деса ёмон
Дарҳол келиб сотамиз.

Бахтимизга омон бўлинг,
Соянгизда юрайлик,
Қошингизда бош эгиб, қўл
Қовуштириб турайлик.

О, раҳнамо, билмайсиз-да,
Аслида биз кимлармиз.
Ўзимиз ҳам ечолмаган
Жумбоқмиз, тилсимлармиз.

Бугун сизни атагаймиз
Одил, оқил каттамиз,
Асли кимсиз, Сиз мансабдан
Тушган куни айтамиз.

Ҳаёт бизни шундай кўйга
Солиб қўйган, нетамиз,
Кимки бизга сал ишонса,
Ё суянса — бетамиз.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕЧОРА ОДАМ

Қийин, сенга қийин, бечора одам,
Тордай таранг турар доим асабинг,
Дилингда борини айтсанг мабодо
Хавф остида қолар митти мансабинг.

Катталар дўқини сийлов биласан,
Қошларида ёйдек эгилар қаддинг.
Кейин кичикларга зугум қиласан
Гўё кўрсатгандай мансабинг, қадринг.

Кунда битта мажлис, "доно" раҳбарнинг
Ҳар сўзин мўмиё каби англайсан.
Унга ҳақ гап айтган бирор "қайсар"нинг
Танобини тортиб қўйгали шайсан.

Ишинг — бошлиқлардан қўнгироқ кутмоқ,
Ҳар бир топшириқдан бошинг осмонда.
Муддаонг шу тахлит назардан ўтмоқ,
Бошлиқ назаридан қолган ёмон-да.

Яшайвер, дунёнинг корига чидаб,
Орсиз бўлсанг кулиб боқар бу замон.
Одамга бир марта берилур мансаб,
Одамга минг марта берилади жон.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

САБАБ

(Ҳазил)

Хотин ишга отланаркан,
Ёлворади эрига:
— Жон дадаси, ўғлингизни
Боғчага ташлаб ўтинг!
Эр сапчийди худди тикон
Киргандай бир ерига:
— Вақтни қара, кечикяпман,
Эс-песинг борми, хотин?!

Бошқа уйда бошқа сўров:
— Жон дадаси, илтимос,
Қизчангизни боғчасидан
Ола келинг қайтишда!
Эр бечора қош чимирар
Ишчан одамларга хос:
— Қизиқмисан, қайдан билай,
Қачон қайтаман ишдан?!

Болаларни олиб юриш
Эркак зотига азоб,
Эрта ё кеч топилади
Турфа сабаб, баҳона.
Гарчи ишга кечикса ҳам,
Гарчи бўлса ҳам хуноб,
Бу — хотинлар вазифаси,
Хотинлар ахир — она.

Аммо бизнинг маҳаллада
Бир ойдирки ўзга ҳол.
Эркакларнинг тилларидан
Бол томади эрталаб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хотинжон, сен шошилмасдан
Нонуштангни қила қол!
Йўл олишар болаларни
Етаклашиб, эркалаб.

Барҳам топган илтижолар,
Эрларнинг баҳонаси.
Болаларни олиш, қўйиш
Бўлмас энди сансолар.
— Хотиржам бўл, ўглимизни
Мен оламан, онаси!
Қизимизни обкеламан!
Бирам хушфеъл оталар.
Дадалари етагида
Болаларга ҳам маза,
Аёлларнинг боши кўкда:
"Инсоф берди эрларга"
Ҳа, бемалол кириб юрар
Иш бўлса-ю бўлмаса
"Ателье-мод", магазинлар...
Ва ҳоказо ерларга.

Аёлларнинг хотири жам
Эрта ҳам кеч эрлари
Боғча томон чопишмоқда
Қолмай зарра ҳаяллаб...
Бир ой бурун боғчамизга
Соҳибжамол бир пари
Мураббия бўлиб келган...
Ҳали билмас аёллар.

1989

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗАМОНДОШИМГА

Сиёҳ чаплайверсак кечаги кунга,
Қандоқ бўлар экан эртамиз?
Ўтмишни тўлдириб қора тутунга,
Энди истиқболни қайга элтамиз?

Булгаб юбордик-ку аждодлар шаънин,
Биздан сўрмасмикин эртанги авлод:
— Оталар умридан топмабсиз маъни,
Яшадингиз нега қўйиб эътиқод?!

Ўтганлар қабрига мағзава тўксак,
Гўрдан-гўрга суқсак, бу не кўргулик?
Шундан қабримизни безаб келажак,
Хокимиз этарми кўзга сургулик?

Тўдадай эргашсак имонсизларга
Чирқираб қолмасми аждодлар руҳи,
Наҳотки, инсонлик раво бизларга
Наҳот, насиб этар иқбол шукуҳи?!

Ҳайронман, бундай бад корлар олдида,
Сен ҳам ҳайрондирсан, балки замондош.
Нолимагил омад кетиб, қолди, деб
Шукр қил, елкада турибди-ку бош.

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҚЛАНИШ

Қатағонлар қурбонларининг
пок руҳларига бахшида

Улар қамалдилар,
Улар отилдилар,
Гарчи гуноҳлари эмасди аён.
Ғанимлар уларга
Бўҳтонлар қилдилар,
Адолат тахтига ўлтирди гумон.

Эллик йил муқаддам
Улар билан бирга
Тупроққа кўмилган адлу ҳақиқат,
Бугун фариштадай
Бурканиб оқ нурга,
Авлодлар қошида тикламоқда қад.

Унинг шуъласида
Бўлмоқда намоён
Тарихнинг зимистон саҳифалари.
Ҳар бир саҳифада
Неча-неча қурбон,
Ночор, ҳимоясиз қолганлар бари...

Ўксик кўзларида,
Сўлгин юзларида
Тилга чиқолмаган армон излари:
Гарчи умидларин
Узган ўзларидан,
Наҳот, бадном бўлар ўғил-қизлари?!

Наҳот, ҳурриятга
Тикилган жонлари
Ҳуррият душмани бўлиб учса-я?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эзгу умидлари,
Виждон, имонларин
Имонсиз кетишнинг доги қучса-я?!

"Инқилоб — ҳақиқат,
Инқилоб — адолат,
Заҳматли, олисдир унинг йўллари".
Қарангки, бўгиздан
Олмиш ўша пайт
Бошимиз силайди деган қўллари.

Зах тўла, азоблар,
Ваҳшийча қийноқлар
Терговга восита бўлган у маҳал.
Уйдирма айбнома,
Пинҳона сўроқлар
Инсонлар тақдирин қилган экан ҳал.

Эллик йил ўтибдир
Уч-тўртта безотнинг
Ҳукми ноҳақлигин англамоқ учун...
Дилларда тош босиб
Етган дод-фарёднинг
Ўзини оқлашга етмабди кучи.

Бугун афсус билан,
Жанговар сўз билан
Уларнинг шаънини оқлар замона.
Олий суд: Айбсиз! — дер
Хижолатда Ватан —
Фарзанди қошида гуноҳкор она.

Асраб қололмади
Содиқ дилбандларин
Адоват вабоси — фисқу-фужурдан...
Дилидаги қат-қат

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айрилиқ дардлари
Тасалли топарми бугунги нурдан?!

Эллик йил муқаддам
Қилинган бу бедод
Инсонлик шаънига чапламиш бўёқ.
Инсон тақдирига
Дахлдор сен, эй зот,
Сенга бу ҳақиқат бўлсин бир сабоқ.

Узатсанг ҳар ерга
Етгучи узун қўл
Мамлакат номидан ҳукм ўқувчи тил,
Зулмдан шафқатни
Кўргайсан деб маъқул,
Сенга эл томондан берилгандир, бил!

Сен, эй пок қўшниси
Бўҳтонга қолса ҳам,
Осойишин кўзлаб сукут қилган зот,
Ўзингни қанчалик
Панага олсанг ҳам,
Бир кун ошкор этар корингни ҳаёт.

Ватандош, ҳушёр бўл,
Нопоклар корига
Бонг уриб қарши чиқ, бўлса ҳам қийин.
То кимдир тортилиб
Ноҳақлик дорига,
Афсус, деб юрмайлик эллик йил кейин...

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЙЛАМАЙ

Оҳ, дилни қанчалик ғашлайди,
Дил ғашлаб, кўзларни ёшлайди,
Гоҳ мени қиймалаб ташлайди,
Ўйламай айтилган битта гап.

Хушомад, ё дашном, ё дўқдир,
Юракка отилган бир ўқдир,
Заҳарки, давоси ҳеч йўқдир,
Ўйламай айтилган битта гап.

Ўйлаб айт, гар ўйнаб айтсанг ҳам,
Сўнг ўйлаб гапингдан қайтсанг ҳам,
Бекордир минг тавба этсанг ҳам
Ўйламай айтилган битта гап.

Эҳтимол, кимлардир ёқтирар,
Бировга маломат ёғдирар,
Бошқани ҳушидан оғдирар,
Ўйламай айтилган битта гап.

То игво бозорин тузмагай,
Умрлар риштасин узмагай,
Гул ҳаёт боғини бузмагай,
Ўйламай айтилган битта гап.

Ҳирс қўйиб мансабга ё молга,
Эрк берма, ошнам, хом хаёлга,
Учратар муқаррар заволга,
Ўйламай айтилган битта гап.

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАСАЛЛИ

Сен у нотавондан ранжима, кўнгил,
Асли бетайиндир зоти, мазҳаби.
Нотанти тақдирнинг кори, кўнгил,
Дуч келтирди сенга унинг мансаби.

Ҳа, мансаб берилган — чўпга либосдай,
Осмондай сезади бугун қадрини.
На сенинг дардингга у қулоқ осгай,
На зарра ҳис этар элнинг дардини.

Қара, чиқарибди ўпкадан қанот,
Кўкка ўрламоқда пуфакка ўхшаб.
Пуфаклар ҳолини билмайсан, наҳот,
Қанча юксалса ҳам ёрилгай бешак.

Ажабланма, бугун бошингда учса,
Мансаби дамидан кўринар катта.
Ёрилиб оёқлар остига тушса
Унинг қадри кетгай мисли кир латта.

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР ВА МАНСАБ

(Ҳазил)

Шоир минса мансаб отин,
Бу беадад жазо экан.
Мадҳ этолмас аёл зотин,
Хотинига маза экан.

Шеър ёзмаса кўнгли нотинч,
Уйи тинчиб қолар экан,
Юрагини босиб ўкинч,
Қийналаркан, толар экан.

Кимдир хурсанд, мансаб бериб,
Уни йўлга солганидан,
Хотин хурсанд "бевош" эрин
Сал қуюлиб қолганидан.

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОҒАЛАРИНГ БЎЛСА

Олтиндан қимматроқ мис бўлай десанг,
Уч бор эрга тегиб қиз бўлай, десанг,
Сиринг очилса ҳам без бўлай, десанг,
Тоғаларинг бўлсин юқорироқда.

Гарчи сен олтинсан, чўян дегайлар,
Бол тутсанг, бу заҳри чаён дегайлар,
Асрлон бўлсанг ҳамки, қуён дегайлар,
Тоғанг бўлмаса гар юқорироқда.

Укам, ҳар қадамда учрар бу жумбоқ,
Қилтириқ бўлсанг ҳам аташар дўмбоқ,
Ноҳақликни оқлаб, ҳақни-чи кўммоқ,
Ҳеч гап, тоғанг бўлса юқорироқда.

Итмас, сен ҳурсанг бас, тўхтайди карвон,
Димоғингга етмас ҳеч дароз нарвон.
Чўнтакдан бир умр узилмас червон,
Тоғаларинг бўлса юқорироқда.

Елка тутмасалар ўшал тоғалар,
Қандоқ сакрар эдинг уч-тўрт поғона?
Лекин ёрилгайсан мисли ноғора
Тоғанг қулаб тушса юқорироқдан.

1990

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАҚИҚАТ, ОЛ ЎЗИНГ ДУНЁНИ

Назир акага

Менингмас боболар нақли шу:
Кимнингки нияти пок, эзгу
Қалбида юрт меҳри зўр ёғду,
Уни даф қилолмас туҳматлар.

Маломат лойига ботса ҳам,
Бегуноҳ азоблар тортса ҳам.
Зимистон зиндонда ётса ҳам.
Эл уни ардоқлар, ҳурматлар.

Кўп қизиқ бу ҳаёт нисбати:
Халқига фидолик — хизмати
Бўлганлар тақдири қисматин
Булутдай қоплагай зулматлар.

Боболар нақлига инонгум,
Ўғлонлар дард чекса мен ёнгум,
Бу ёлгон дунёдан ҳам тонгум,
Келса гар меҳнатга кулфатлар.

Ҳукмдор бўлганда қўрқоқлар,
Ўз халқин алдаган олчоқлар,
Мардларни агарчи эл ёқлар
Маҳв айлар бадкирдор, ғурбатлар.

Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни,
Даф қилгил жаҳолат, риёни,
Чекинсин сен сочган зиёдан
Зулматлар, кулфатлар, туҳматлар.

1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Тожу тахт ҳавасин энди қўй, дўстим.
Оз умр ичида кўп орзу аро.
Қарам ўлкадаги шоҳликдан устун
Мустақил давлатда бўлмоқ фуқаро.

Мустамлака юртнинг шоҳи ҳам қулдир,
Бўғзин қисиб турар хўжасин дасти.
Бугун Ўзбекистон ҳур, мустақилдир.
Шунинг ўзи сенга шоҳлик эмасми?!

Майли, мансабдорсан, майлига, гадо.
Майли, даҳрийдирсан, майлига, диндор.
Истиқлол йўлида бўла бил фидо.
Ахир, озодликдан лазиз нима бор?!

Англа, эга бўлдинг шу юрт, заминга,
Елкангга ол энди унинг юкини.
Истиқлол тақдири дахлдор сенга,
Истиқбол боқмоқда сенга юкуниб.

Бугун — бир-бировдан қидириб қусур,
Насаб талашмоқлик абасдир, абас.
Гиналар ўрнига сўрашиб узр,
Бирликда намоён бўлмоқ муқаддас.

Муқаддас бўлса гар Ватан туйгуси,
Муқаддас сақлайлик аждодлар руҳин.
Муқаддас бўлса гар элнинг келгуси,
Қонларда жўш урсин бирлик шукуҳи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимда заковатдан устун келиб
нафс,
Қай бир томирида урса ҳаром қон,
Ватанни ўша нафс йўлида эмас,
Нафсин Ватан учун қилолсин қурбон.

Зотан, баднафслардан асрамоқ учун
Истиқлол аталмиш доруломонни,
Йиғиб ғурур, ақл, бирдамлик кучин,
Энди авайлайлик Ўзбекистонни.

1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЗАРРУ

Юрагимга чўкди даҳшат, иштибоҳ,
Қалбим ўртамоқда бир оловли оҳ,
Савоб деб ҳар лаҳза қилурмиз гуноҳ,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Аввал аждодларни бадном айладик,
Ўтганларни гўрдан гўрга жойладик.
Сув ичган қудуқни булғаб, лойладик,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Бугун ечилганда оёқ-қўлимиз,
Заҳарга айланди асал тилимиз,
Оҳ, тошдай қотди-ку юмшоқ дилимиз,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Чертса узилажак тордай асаблар,
Ўртада хомталаш мавқе, мансаблар
Бу корни оқларкин қай дин, мазҳаблар,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ғараз қиличлари олинди қиндан,
Динга кирурмиз, деб чиқурмиз диндан,
Юрт бижғиб кетди-ку ҳасаддан, киндан.
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Унутдик тазарру, тавба, шукрни,
Сенинг раҳматингдан ёғилган нурни,
Бугун бир-бировга қазирмиз гўрни,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ошкора тоатни айладик одат,
Меҳробдан майдонга кўчди ибодат,
Тиловат ўрнини олди сиёсат,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаж қилмоқ баҳона тўлдириб
хуржун,
Маккага йўл олсак тижорат учун,
Тазарру қилмайлик қошингда нечун,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Бомдод намозидан то вақти хуфтон,
Гарчи ҳар кўнжида янграгай азон.
Аммо ором топмас аҳли Намангон,
Ўзинг кечиргайсан, бизни, Оллоҳим!

Ё раб, биз имонни бозорга солдик,
Диёнат, виждонни бозорга солдик,
Каломинг — Қуръонни бозорга солдик,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ўғиллар отага берурлар таълим,
Талаба қошида лолдир муаллим,
Қаёққа кетурмиз бир Сенга маълум,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Укалар акадан олур интиқом,
Қадрини йўқотди ҳокиму имом,
Қариндошлик тамом, қондошлик тамом,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ёқасидан олур каттани кичик,
Илигидан қопур арслонни кучук,
Андишанинг оти қўрқоқ ҳар нечук,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Чекинди кўнгиллар мулкидан уят,
Каттага ҳурмату, кичикка иззат,
Бу қандоқ замона, қандоқ жамият,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсон қадри пасту, мол нархи
баланд,
Юртдош — юртдошини шилиш билан банд,
Ҳеч кимга кор этмас насиҳату панд,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ношукурлик боис учди барака,
Коримиз талотўп, мажлис, маърака,
Яна пешонада нелар бор экан,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Ношукурлар қилган бад корлар сабаб,
Кўнгилларга етган озорлар сабаб,
Эътиқодлар тушган бозорлар сабаб,
Ер ютмаса эди бизни, Оллоҳим!

Дардлашиб қоғозу қаламлар билан,
Ёлбораман дилда аламлар билан,
Инсофни йўқотган одамлар билан,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Эй воҳ, қўрқмай қолдик чоғи қаҳрингдан,
Жиндаккина сув бер инсоф наҳрингдан,
Ахир, яралганмиз лутфинг, меҳрингдан.
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!

Йўлидан адашган ғўр муллони ҳам,
Оқни қора деган домуллони ҳам,
Арз айлаган Ҳабиб Саъдуллони ҳам,
Ўзинг кечиргайсан, қодир Оллоҳим!

1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАЖОН

Гарчи кумушланиб борар сочларим,
Гарчи элликдан ҳам ўтибди ёшим,
Кўксимга сиғмаса ғам, қувончларим,
Онам, тиззангизга қўярман бошим.

Даъват айласалар муллаваччалар,
Сўфи ҳар азондан айласа огоҳ,
Мен масжид томонга чопмасман магар,
Онажон, пойингиз менга саждагоҳ,

Одамлар Маккага учарлар, ажаб,
Умр йўлларида қидириб савоб.
Яратгандан Сизга умрлар тилаб,
Онажон, Каъбам деб этарман тавоф.

1992

www.ziyouz.com kutubxonasi

АЁЛЛАР

Сизни мадҳ этмаган шоир шоирми,
Ҳофизми куйлабон ёнмаган ҳофиз.
Олам билармикан бир мусаввирни
Ҳуснингиз қошида қолмаган ожиз.

Сиз ғариб дунёни безатмоқ учун
Кўкдан ерга тушган сахий қуёшсиз.
Сизда жам ҳарорат, меҳр, нур кучи,
Тирикликка бошсиз,
Ҳаётга бошсиз.

Ҳа, ҳаётнинг боши муҳаббат эрур,
Севмоқ, севилмоқдир дунё неъмати.
Сизнинг чеҳрангиздан ёғилажак нур
Эркаклар зотининг топган зийнати.

Сизмасми йигитлар тушига кириб,
Оромин йўқотган хуш хаёл бўлиб,
Битта жилва билан минг бор куйдириб,
Сўнг ором бахш этган жуфт, аёл бўлиб.

Она деб бош узра кўтарамиз, оз,
Ёр дея кафтларда тутамиз, бу кам.
Сингиллар йўлига солсак поёндоз,
Қизлар кипригида кўрмасайдик нам.

Эҳ-ҳе, шаънингизни мақтовга чулғаб,
Азиз бошингиздан сочсак ҳам дур-зар,
Пойингиздан учган зарра чангу гард
Олдида ҳеч бўлиб қолади улар.

Бизларга жон бўлиб яралгансиз Сиз,
Бизлар яралганмиз Сизларга фидо.
Сиз бор балолардан қўрқмагаймиз биз,
Аммо қаҳрингиздан асрасин Худо.

1992

www.ziyouz.com kutubxonasi

СИЗ БЕМОР КУНЛАРИ

Дилшодабегимга

Олислаб кетгандай суянган тоғим,
Ҳувиллаб қолгандай қувонган боғим,
Кўп бўлди дилхушдан дилтангроқ чоғим,
Сиз бемор кунлари, Дилшодабегим.

Мунча ҳам чўзилди номсиз беморлиқ,
Бизни босиб келар ҳар кун хумморлиқ,
Мисоли Намангон қилгандай торлиқ,
Дил учар Поп сари, Дилшодабегим.

Ҳар лаҳза ўтмоқда тенгсиз қадрингиз,
Кўзларим сафлардан излар қаддингиз,
Олмоққа тайёрман оғриқ, дардингиз,
Халқим хизматгари Дилшодабегим.

Олам оғрир агар, оғриса аёл,
Аёлсиз дунёни ким қилгай хаёл?
Дийдорингиз кўриш мунча ҳам маҳол,
Аёллар сарвари Дилшодабегим.

Аёлдан бол сўзин аяган эрлар,
Мени хушомадгўй десалар, дерлар,
Сизга тош отганлар ўз бошин ерлар,
Узилгай қўллари, Дилшодабегим.

Дўстим атасамми, десамми сингил,
Банда бўлгани рост меҳрингизга дил,
Суҳбатингиз қўмсаб соғинар кўнгил,
Дил мулким гавҳари, Дилшодабегим.

Олам турфа эрур, турфадир одам,
Асло қочиб бўлмас ғийбат, игводан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўл ювгим келади номард дунёдан,
Корлар кўрган сари, Дилшодабегим.

Биров мартабадан бўлиб умидвор,
Хоки пойингизни ўпмоққа тайёр,
Муродга етмаса тикар ҳатто дор,
Шу — бадкор ҳунари, Дилшодабегим.

Ранжиманг, баъзи бир иззатталабдан,
Уларни камситган худо матлабдан,
Аёллик муқаддас ҳар не мансабдан,
Унутинг буларни, Дилшодабегим.

Кесакка дош берар мевали дарахт,
Меваси бор экан, шудир олий бахт,
Қисирлар бу бахтни кўролмай карахт,
Қабоҳат — йўллари, Дилшодабегим.

Сизга фазилатдир — қунт, чидам, сабот,
Эл хизмат буюрса боғламоқ қанот,
Шу боис Оллоҳдан тиладим нажот —
Уйқусиз тунлари, Дилшодабегим.

Азиз умрингизга ёр бўлсин ривож,
Ҳар сўзингиз этай бошим узра тож,
Қайта табибларга сезманг эҳтиёж,
Соғайинг кун сари, Дилшодабегим.

Дўстларингиз кутар гул қилиб меҳрин,
Миннатдор қалбларнинг орзуси ширин,
Бир дуо ўрнида ёзилди шеърим,
Қўллаб илҳом пари, Дилшодабегим.

1993

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАХМАТ ТАХТАСИДА

Шахмат тахтасида тарих сабоғи,
Аждодларнинг асрий тажрибаси жам.
Сафланиб жангларга отланган чоғи
Зафар, дер Шоҳлар ҳам Пиёдалар ҳам.

Тўқнашади унда фикру заковат,
Асаблар қисирлар,
Тахта қисирлар,
Бир томонга кулиб боқади омад,
Ўзга томон бир-бир берар асирлар.

Рақиб босқинидан қолар чорасиз
Зафар ваъда қилган мағрур Сипоҳлар.
Четдаги қориндор икки Тўраси
Шоҳ қолиб, ўзларин асрашни хоҳлар.

Омад кетганидан Фарзин ҳам додлаб,
Ўзини беҳуда ураді ҳар ён.
Кураш юкин азот кўтарган Отлар
Садоқат кўрсатиб бўлурлар қурбон.

Ноилож қолган Шоҳ чангаллайди бош:
— Мот! — дея тан берар мағлубиятга.
Кимларга ишониб бошладим кураш
Улар мағлуб,
Мен-чи, қолдим уятга.

Менинг назаримда шахмат тахтаси —
Тарихнинг саҳнаси,
Ҳаёт саҳнаси.

1994

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎҚОТИШ

Қадрдонларим Мадаминжон ака Обидшоев билан Раҳматулла ака Расулов бир кунда бандаликни бажо келтирдилар. Оллоҳ ул зотларни раҳматига олган бўлсин!

Қўш чинор қулади юртимда ногоҳ,
Ларзадан титради мулки Намонгон.
Адл турганида сезмабмидик, оҳ,
Йиқилгач, алплиги бўлди намоён.

Шаҳрим кўрки эди ул чинор бири,
Бирида мужассам юрт салобати.
Ажаб, эгиз бўлди қисмат, тақдири,
Довулга учради камолот пайти.

Ахир чинорлар ҳам замин фарзанди,
Ташнадир қуёшга, сувга, меҳрга
Гарчи пурвиқордир,
Гарчи арзанда,
Таяниб яшайди инсонга, ерга.

Гарчи фазилати — ҳиммат, саховат,
Ночор, толиққанга берар пок паноҳ.
Соясида топиб ҳузур, ҳаловат
Бирор бор ҳолидан бўлдикми огоҳ?!

Биров тил тиғида бағрин тилганда
Биров томирига болта урган дам.
Сукут сақладилар гуноҳ қилгандай,
Ҳатто соясида улгайганлар ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Танасин кемирса ҳасад қуртлари,
Санги маломатдан шохлари синса,
Тош отган қўлларин наҳот тутмади
Бу — юрт чинори, деб бирор мард кимса.

Йиқилган чинорлар устида дилхун
Кўз ёш тўкар экан дўсту-ёронлар,
Менинг кўзларимдан тўкилгай беун
Қалбимни ўртаган ўтли армонлар.

Сен, ҳей, бўронларга дош берган юртим,
Ҳеч довул урмасин баҳорларингни.
Қуртдай кимсалардан авайлаб тургил,
Токи кемирмагай чинорларингни.

1995

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЁЛҒИЗ ЎҒИЛЛАР

Бизни сийлаганлар ёмонлик кўрмас,
Бизни ранжитганлар омонлик кўрмас.
Ёлғизликнинг ўзи осон эмасдир,
Бизни қийнаганлар осонлик кўрмас.

1995

www.ziyouz.com kutubxonasi

УРУШ

Мени камситишга уринма унча
Сенсиз ҳам бу ҳаёт камситиб қўйган.
Митти болалигим — мисоли гунча —
Қаҳратон урушнинг заҳрини туйган.

Отам юрагини тешиб ўтган ўқ
Ҳамон оғриқ бериб турар кўксимда.
Билки, сендан зарра илинжим ҳам йўқ,
Ўкситмоқчи бўлма, ўзим ўксикман.

Кўриб юзларимда зоҳир кулгуни
Мени ранжитмоққа уринма бетин,
Умрбод қалбимда қолган қайғуни
Фақат туя олар ўзимдай етим.

Менга тош отмагил, нимаймиш тошинг,
Қурбон қилолмаган ҳатто фашист ҳам.
Ахир — сен фашистмас, тошинг — қўрғошин,
Барига қалқондир мендаги чидам.

Кулиб қўяқолсам қилмишларингга
Кимга суянгай, деб ич-этинг ема.
Ёпишиб юрмайман ҳомий барига,
Суянчиқ билмайди уммонда кема.

Ҳаёт ўзи шундай яратмиш мени,
Ҳимоячим йўқдир Оллоҳдан ўзга.
Балки қасдим учун юборган сени
Солиб турсин дея урушни эсга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажаб, сен қайдаю, уруш қаёқда,
Қаттол душман билан олишган отам.
Гарчи қилмишларинг ёвдан зиёда,
Менга сололмайсан шўришу мотам.

Аввал ҳам сендайлар учраб турарди,
Шунда бахш этарди Оллоҳ сабрини,
Белим буколмаган ёлгизлик дарди,
Тополмай юрсам ҳам отам қабрини.

Ҳа, сабр тошидан яралганман мен,
Томиримда оққан қон эмас, бардош.
Мени қулатмоққа уринмагил сен,
Кўзларим корингдан тўкмагайлар ёш.

Мени камситмоққа уринма, ошнам,
Майли, тан олмасанг шоирлигимни.
Ғам, андуҳ бошимни қилолмагай хам,
Басдир билиб қўйсанг собирлигимни.

1995

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

Идоранинг тор хонасин тарк этиб гоҳо
Баґри осмон далаларга кетгим келади.
Даласидай кўнгли ҳам кенг деҳқонлар аро
Юракдаги дардларимни айтгим келади.

Ўн саккиз минг олам аро энг табаррук зот,
Она замин нажоткори мўътабар деҳқон.
Унинг номи билан боґлиқ тириклик, ҳаёт,
У ҳалоллик рамзи эрур, соҳиби имон.

Минбарларда кўкрагига муштлаб, гупириб,
Кимлар сухан сотганида эл қайґусида.
Ҳали баҳор уйґонмасдан тўнни бар уриб
Даласини уйґотади қиш уйқусидан.

Молу давлат илинжида минг йўлга кириб,
Минг товланиб, ёлґон сўзлаб юрса кимсалар,
Унга тамом бегонадир алдов ва фириб
Эл ризқини ўйлаб ишга чиқар ҳар саҳар.

Тушига ҳам кирган эмас мансаб орзуси,
У Оллоҳдан ҳосилига тилар барака.
Яхши ният мудом яхши самар бергуси,
Унга басдир саховатли замин бор экан.

Чор атрофга бош урмагай мавқе ахтариб,
Меҳнатидан топар ҳарки шону шавкатни,
Тариқдайин мансабига қул бўлган ґариб
Кимсадан ҳам дариґ тутмас меҳру шафқатни.

Юмшоққина ўриндиқни тожу тахт билиб,
Қай бир каснинг умри ўтса "миш-миш",
гап ташиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Содда деҳқон давраларда осмондан
келиб,
Қўзғатмагай суҳбатдошлар нафратин,
ғашин.
Эр меҳрига зор танноздай асабий, тажанг,
Иззатталаб нусхалардан толганда кўзим,
Либоси жўн, табиати гўзал ва башанг,
Деҳқонларнинг суҳбатига ураман ўзим.

Фақат деҳқон ета олур инсон қадрига
Ким бўлсанг ҳам боши узра тутади
қадринг.
Қулоқ тута билар тилсиз тупроқ дардига,
Сен ҳам агар дардинг айтсанг бўлар
ҳамдардинг.

Даланинг соф эпкинига кўкрагин тутиб,
Топганини қўяр юртнинг дастурхонига.
Ранжиса ҳам аламини ичига ютиб,
Меҳнат билан поклик қўшар пок
виждонига.

Қай кас раҳбар қўлтиғига силлиқ суқилиб,
Хизматдошин пок шаънини қилгунча
яксон.
Ҳар туп ғўза, ҳар чаноққа юз бор букилиб,
Даласини пахтага кон этади деҳқон.

Ҳузурингга талпинаман азамат деҳқон,
Ўргангали сендан Меҳнат, Поклик,
Ҳимматни.
Алпомишдай келбатингда кўраман аён,
Ўзбекистон — келажаги буюк давлатни.

1996

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАМАЗОН МУНОЖОТИ

(Туркум)

ПОКЛАНИШ МАВСУМИ

Шукрилиллоҳким, етибмиз
Покланиш мавсумига,
Турфа кору қилгиликдан
Сақланиш мавсумига,
Тил ширин, суҳбат ширидир,
Чиқмагай қиндан қилич,
Кек, хусуматдан кечиб,
Ардоқланиш мавсумига.
Бандалар Оллоҳ ҳузурида
Баробар барчаси,
Меҳру оқибат ипи-ла
Боғланиш мавсумига.
Бандаи ожиз эканмиз,
Тонг эмас қилсак гуноҳ,
Раббимиз етказди бул кун
Оқланиш мавсумига.
Ҳар киши тоат, ибодат
Қилса ўз жони учун,
Рўза бирла Ҳақ йўлига
Чоғланиш мавсумига.
Тавбамиз қилгил қабул,
Эй пуркарам Парвардигор,
Минг тазарру бирла келдик
Ёқланиш мавсумига
Дилда — Сен, тилда дуо,
Ҳам муддао, ҳам илтижо:
Умрлар айланса, шояд,
Покланиш мавсумига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЛТИЖО

Эй, бор Худавандо,
Арзимни инобат қил,
Шаккоклик этар бўлсам,
Афв айла, иноят қил
Кўнглимни мунаввар эт,
Коримни ибодат қил.
Исминг-ла ният қилдим,
Орзумни ижобат қил,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

Юртимнинг ахир зарра
Тупроғи эрурман мен,
Боғ ичра чинордан бир
Япроғи эрурман мен,
Халқимнинг умид қилган
Тирноғи эрурман мен,
Бут бахтини кўрмоққа
Муштоғи эрурман мен,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

Юз йилки, залолатдан
Тўлганди сабр жоми,
Ҳаттоки унут бўлгач
Аждодлари аҳкоми,
Бир неъмат ато этдинг,
Истиқлол эрур номи,
Бошларга Ҳумо қўнди,
Кечмоқда хуш айёми,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрк очди ватан бул кун,
Кўркига жаҳон шайдо
Эрк олди элим бул кун,
Эркига замон шайдо,
Дилларда сенинг номинг,
Тилларда дуо пайдо,
Ҳам нури Муҳаммаддан
Уйларда зиё пайдо,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

Ҳар дилни ўзинг покла
Кин, гина, аразлардан,
Бирликни ўзинг асра
Минг турли ғаразлардан,
Ғийбатчи ғанимлардан,
Кўр дилли фаразлардан,
Имонидан айрилган
Бадхулқу маразлардан
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

Ушбу рўза айёми
Ифтору саҳарларда,
Зикр айлар элим исминг
Қишлоғу шаҳарларда,
Шукрона этар изҳор,
Изҳори-назарларда,
Шукронаси янграйди
Мавж ичра хабарларда,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

Ҳурликники бахш этдинг,
Осуда ҳаёт бергил,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлларда машаққатлар
Толдирса нажот бергил,
Мушкулларин осон эт,
Бардошу сабот бергил,
Орзулари уфқида
Учмоққа қанот бергил,
Юртимни омон сақла,
Халқимни саломат қил!

БАНДАНГМАН

Туғилгандан маломатга нишон бандангман,
Бағри сабру қаноатга макон бандангман.
Балолардан асрагувчи ўзингсан, раббим,
Ҳеч бир ғаним етказолмас зиён бандангман.

Эсим таниб ёдлаганим сенинг номингдир,
Дил тубида эзгу инжу эҳтиромингдир,
"Ла илаҳа иллаллоҳу" — илк каломимдир,
Улус ичра эътиқоди ниҳон бандангман.

Қувнаб қаҳ-қаҳ отганимда сенга суянгум,
Қайғуларга ботганимда сенга суянгум,
Турганимда, ётганимда сенга суянгум,
Ахир Сенинг изингдадир бу жон — бандангман.

Бошим уриб масжидларга чопмагайман, рост,
Мавқеталаб имомларга қўймадим ихлос,
Ҳар фарзингни юрагимга жо этдим, холос,
Кимларнингдир назарида ёмон бандангман.

Фақат ўзинг баҳолайсан кору-боримни,
Кечиргучи ўзингдирсан кирдикоримни.
Тинглагувчи ҳам ўзингсан оҳу-зоримни —
Чексам фано ё бақода фиғон, бандангман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эзгуликни куйлаб ўтар умрда
роҳим,
Ёвузликни лаънатладим — шудир гуноҳим.
Риё кўрсам сен сарига ўрлади оҳим —
Жисмим учун торлик қилиб жаҳон,
бандангман.

Сенга банда, Муҳаммадга эрурман уммат,
Шунинг ўзи минг шоҳликдан, минг
ганждан қиммат,
Гарчи ғаний бўлолмадим, бойлигим —
ҳиммат,
Шул эваздан мушкуллари осон
бандангман.
Кўнглимни кек, риёлардан асрадинг,
қуллуқ,
Ногаҳоний балолардан асрадинг, қуллуқ,
Кўп мунофиқ ошнолардан асрадинг,
қуллуқ,
Паноҳингда омон қолган омон бандангман.

Парвардигор, берган умринг ўзингга аён,
Фоний дунё саҳнасида ҳамма ҳам меҳмон,
Мағрифатинг ёғиб турган моҳи рамазон,
Тилагувчи сендан фақат имон бандангман.

ШУКР ҚИЛГИЛ

Бошингга тушса бир кулфат
Яратганга шукр қилғил.
Сабрни айлагил улфат
Яратганга шукр қилғил.
Умр бир қисқа муддатдир,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Синовлардан иборатдир,
Гаҳи меҳнат, гаҳи роҳат,
Яратганга шукр қилгил.
Омонат хонумонлар ҳам,
Омонат танда жонлар ҳам,
Тириклик энг лазиз неъмат,
Яратганга шукр қилгил.
Кўзинг то кўрса дунёни
Авайла дўсту ошнони,
Ганимат лаҳзалик суҳбат
Яратганга шукр қилгил.
Шукрдан топдилар, ошнам,
Азизу авлиёлар ҳам,
Тилар бўлсанг ёруг қисмат,
Яратганга шукр қилгил.
Жаҳонга бўлмайин устун,
Кетармиз изма-из бир кун,
Олинган ҳар нафас қиммат,
Яратганга шукр қилгил.
Ўшал рўзи қиёматда
Тутар бизни ҳаловатда,
Бугунги сабр ила тоқат
Яратганга шукр қилгил.
Биродар, ассалом сенга,
Ҳабиб айтар калом сенга:
Уриб оҳ, қилмагил ҳасрат,
Яратганга шукр қилгил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЙ ҚОДИР ХУДО...

Хизмат тақозоси билан юқори идораларга бир раҳбар ходим устидан ёзилган бўҳтонни теширишда қатнашиб қолдим. Хат остида бир неча кишининг номи ёзилиб, имзо чекилган эди. Ўшаларни чорлаб суҳбатлашганда, улар ҳеч қаерга шикоят ёзмаганларини айтишди, имзолар сохталигини тасдиқлашди. Туҳматга қолаётган одам улар учун қадрли эканини, ундан жуда кўп илтифотлар кўришганини эътироф этишди.

У хатни ёзган кимса эса игвогарлиги туфайли бир неча ердан бадкарда бўлиб қувилган, ниҳоят, ана шу багри кенг инсоннинг илтифоти туфайли бу даргоҳга ишга олинган, раҳбарнинг атрофида гирдикапалак бўлиб юриб, охири чиркин кўнглига унинг ўрнини эгаллаш фикри тушиб қолган нонкўр бўлиб чиқди.

У бир пайтнинг ўзида хат остига содиқ одамлар номини ёзиб улардан ҳам устозни жудо қилмоқчи экани билинди.

Ё парвардигор, бундай каслар яна қанчайкин?! Муқаддас рамазон кунларида ўшандай ножинсларни ўйлаб шу сатрлар қогозга тўкилди.

Бу очунда ибтидодан токи интиҳо,
Сен ўзингсан қисматларни айлаган ато,
Кимнинг қалбин пурнур қилдинг,
Кимнингдир сиёҳ,
Ожиз банданг шому саҳар қилгум илтижо:
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

Ўзингдирсан билдиргувчи билмаганимни,
Ажратурсан этганимдан қилмаганимни,
Ўз багримда ўстирибман ёвуз ганимни,
Қўрқоқлик деб билди, наҳот, сийлаганимни,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳиммат қилган пок зотларни
ғийбат қилган кас,
Туҳматларни иншо этиб, бир хат
қилган кас,
Ҳатто шўрлик хотинига туҳмат қилган кас,
Наҳот сендан бехабардир,
Қаҳрингдан қўрқмас,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

Багрин очиб сийлаганлар панд еб
қолдилар,
Чиркин бошин силаганлар панд еб
қолдилар,
Унга инсоф тилаганлар панд еб қолдилар,
Туҳматидан қулаганлар панд еб қолдилар,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

Яна ҳар бир мансабдорга кўзи мўлтираб,
Иззат тилар оёғию сўзи қалтираб,
Оқилларнинг бошларига оёғин тираб,
Юқорини орзу қилар, (шоҳидсан ё, Раб)
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

Бандаларинг пок меҳнатга уриб ўзини,
Шукр қилиб, яратаркан ризқи-рўзини,
Бу мунофиқ шувит қилгай элнинг юзини,
Наҳот, оҳлар кўр қилмагай унинг кўзини,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

Наҳот, туҳмат ёзаётган қалам ёнмагай,
Оқ қоғознинг багрин тилиб алам ёнмагай,
Фарёд уриб чекилган ҳар рақам ёнмагай,
Шу боис ҳам бад коридан нокас тонмагай,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Не илож, бу бетавфиқ ҳам сенга
бандадир,
Менинг билан битта юртда, бир
Ватандадир,
Шакли одам, лек имони парокандадир,
Сенга солдим,
Ҳукм ҳаққи фақат сандадир,
Туҳматчига инсоф бергил , эй қодир Худо!

Бир бандангман,
Арз этмоққа балки йўқ ҳаққим,
Нетай бу юрт меникидир, менингдир
халқим,
Бас, оқиллар маломатдан ютгани заққум,
Нолам эшит, Ҳабибингман, ахир, Оллоҳим,
Туҳматчига инсоф бергил, эй қодир Худо!

АЙИРМА

Неча йилки дилимга бир оташ тушибдир,
Умр йўлим бир санамга туташ тушибдир,
Бу савдодан юрагимга бир ғаш тушибдир,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

Найлай уни жонимдан ҳам азиз кўрибман,
Сен бахш этган умримдан ҳам лазиз
кўрибман,
Балки шундан гуноҳларга ботиб юрибман,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

Сен жо дилга ўзга кирса дейдилар гуноҳ,
Юволмасмиш бу гуноҳни ҳеч бир оҳу-воҳ,
Мен ўзингдан тилагайман марҳамат, паноҳ!
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ким бадавлат ортдиргани хонумон
билан,
Ким мартаба, мансаб ёки зўр унвон билан,
Мен ганийман кўнгил берган шул жонон
билан,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

Маґрурланса бисотидан айрилгай одам,
Ё ишонган нажотидан айрилгай одам,
Бино қўйган ҳаётидан айрилгай одам,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

Кечир, ёрга бино қўйган осий бандангни,
Ёр ишқида ёниб куйган осий бандангни,
Осийлигин дилдан туйган осий бандангни,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

Қисматимга ёзилгани шу бўлса, нетай,
Қабул айла, даргоҳингда тавбалар этай,
Бу оламга ишқ деб келдим, ишқ билан
кетай,
Уни мендан айирмагил, Парвардигорим!

1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТ ҚАДРИ

(Достон)

Тургунпўлат Сулаймоновни хотирлаб

МУҚАДДИМА

Дўстим, бугун яна сени йўқладим,
— Қайдасан?
Муаллақ қолди саволим.
Қирқ йил —
Кечамиди ё ўтмиш қадим,
Бевош ўсмирликка учди хаёлим.

Дўстим, бугун яна сени эсладим,
Бош эгиб йўл олдим яна қабрингга.
Қирқ йил —
Ёнма-ён ташладик одим,
Қачон етмагандим сенинг қадрингга?!

Қадр топмаганлар кетарлар ташлаб,
Биз сени бир умр тутдик-ку кафтда.
Наҳот, ташлаб кетдинг
Кўзимиз ёшлаб,
Гўё етмагандай қалбимиз тафти.

Ташлаб кетганларга дейдилар, осон,
Қийиндир йўқотмоқ дўст-қадрдонинг.
Ҳар гал сени қўмсаб ўртанганда жон
Эслайман тоғликлар маҳзун достонин.

I

Эмиш қай бир тоғнинг қай бир кунжида
Қабила яшаркан бахтиёр, масрур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ҳурлигига, ором, тинчига
Бир паҳлавон княз кафилдир, мағрур.

Зиммада қабила учун масъуллик,
Умри меҳнат билан кечаркан гўзал.
Унга бегонадир мутелик, қуллик,
Кўрар қарамликдан
Ўлимни афзал.

Иши бўлмас экан ўзгалар билан
Ўзгалар тахтига қилмаган даъво.
Эли тинч яшаса, бас, дасти баланд,
Бир кун чиқиб қолмиш ғайри муаммо.

Дармиён мамлакат подшоҳига
Қабила ҳақида етибди хабар.
— Ажаб, у қандай халқ, тоғ даргоҳида
Ва кимдир у халқнинг бошида сарвар.

Агар тинч яшаса, яшаса хуррам,
Демак, етарлидир бойлик, бисоти.
Балки ўзин шоҳ деб атар княз ҳам,
Ким бўлди, қайси бир уруғдан зоти?

Калласида минг хил фикрлар ғужғон,
Қонида қайнабди очкўзлик ҳисси:
Халқи хазинасин этмоғу гумдон,
Князни қул қилмоқ бўпти, алқисса.

Шундайин улуғвор салтанат туриб,
Унинг амрин тутмай юролмас бир кас.
Аркони давлатга машварат қуриб,
Чопар юборибди князга, хуллас.

Чопар дабдаба-ю асаса билан
Қабилага келмиш подшоҳ номидан.
— Шоҳим дасти узун, толеи баланд,
Ташрифим — бу сенга эҳтиромидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен ҳам муносиб бўл бундай ҳурматга
Бош эгиб етиб бор этгали таъзим.
Ул зот зўр бермасдан қурол, қудратга
Мени юборди, ҳа,
Қадрлаш лозим.

Чопарга термулиб ҳайронлик билан,
Княз дер:
—Айт, шоҳинг муддаосини.
—То бошинг кетмасдан нодонлик билан
Амрин тут шу тоглар подшосининг!

Княз эҳтиросга берилмай, аста
Элчига уқтирди кўнгил розини:
— Мен сенинг шоҳингга тобе эмасман,
Сен ҳам ўйлаброқ қўй тош-тарозини.

Халқим салтанатинг ҳудудидамас,
Яшайди аждодлар меросларида.
Бизга ўзгалардан фармон керакмас,
Биз ҳам ўзгалардан мутлоқ нарида.

Бориб айт, шоҳингга дагдага эмас,
Меҳр билан чўзсин дўстлик қўлини.
Тотув қўшниликни қилурмиз ҳавас,
Тиз чўкмоқдан афзал билиб ўлимни.

Хуш келса, бош узра, қилурмиз меҳмон,
Пойи қадамига гуллар пояндоз.
Аммо гуруримиз
Қилмасмиз қурбон,
Эъзозга муносиб этурмиз эъзоз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II

Хўмрайиб, чимрилиб қайтибди чопар,
Мужда келтирибди хўп қўшиб, чатиб:
— Князи итдай қўрс, эли жанговар,
Кўрмаган шоҳимиз қаҳрини татиб.

Саройки бор экан фисқу фужур бор,
Хушомадгўй ҳам кўп шоҳнинг пинжида.
Шоҳнинг назаридан бири умидвор,
Бириси ёглироқ эт илинжида.

Хуллас, ёқа ушлар аркони давлат:
— У қанақа бадбахт?! Қандай безори?
— Унга раво эмас, меҳру мурувват...
Қизигандан қизир игво бозори.

Ўрин қолдирмаслар мулоҳазага
Токи шоҳ княздан бўлсин даргазаб.
— Фитна қизиб борар ҳар бир лаҳзада,
Тафаккур ўрнига чархланар асаб:

— Шоҳим, чидамаймиз бу ҳақоратга...
— Сугурмоқлик лозим шаккок тилини...
— Лашкар тортиб бориб падарлаънатга,
Кўкка совурайлик юртин кулини.

Токи сабоқ бўлгай ҳар бадкирдорга,
Қайта тугилмагай бундайин нодон.
Шоҳ сукутга чўмар...
Келар қарорга:
— Билинг, сичқон билан олишмас арслон!

Менким, савлатидан тоглар ҳуркган шоҳ,
Лашкар суриб борсам бир қабилага —
Бўлмасми сичқонга Арслон баногоҳ
Ҳужум қилган каби иш қабилида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизга ўзини тенг кўрган князни
Келтириб пойимни ўптирган маъқул.
Ва унга суянган ҳар нодон касни
Ўшанда бемалол қилажакмиз қул.

Бизга мурдалардан кўра қул зарур,
Шу боис бефойда жанг-жадал, ўлим.
Ҳамма тенг маъқуллар:
— Қойил, ташаккур!
— Бизга кўрсатдингиз заковат йўлин.

Ҳамду сано ўқиб шоҳ закосига,
Уни дуо қилар аркони давлат.
Етмоқ учун чиркин муддаосига
Мулозимларига солар маслаҳат.

— Хўш, баски, сўрабди дўстлик қўлини
Майли, узатайлик, нимаси ёмон.
Тотув қўшниликнинг тутиб йўлини
Борайлик, қолмасин кўнглида армон.

Муғомбирлик билан иршаяди шоҳ,
Аркони давлат боз чалади қарсак.
— Элчиларим борар, этингиз огоҳ,
Шодмиз янги дўстни шу ерда кўрсак.

III

Княз ҳузурига келди чопарлар,
Ўзгача виқору
Ўзга кўрк билан.
Тотув қўшниликдан,
Дўстликдан ҳабар
Совга-салом, яъни ханжар, бўрк билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илтифот кўрсатиб мезбон уларга,
Тўкди топганини дастурхонига.
...Буюк шоҳ қайси кун чиқар сафарга
Белгиланди кутиш жойи, они ҳам.

Княз кутар бўлди ўз сарҳадида
Тоғларнинг забардаст подшосини.
У ҳурмат сақлади кўнгли қатида,
Билмас шоҳнинг асл муддаосини.

* * *

Келишилган соат,
Келишилган кун
Ўрнига қўйилиб барча қоида.
Дармиён подшоҳни кутмоқлик учун
Княз етиб келди ваъда жойига.

Қавмидан келтирган йигирма нафар
Паҳлавон йигитлар меҳмонга пешвоз.
...Ажаб ҳанузгача на бирор чопар,
На белги шоҳларнинг ташрифига хос.

Княз ҳайрон эди,
Навкарлари ҳам,
Атрофни кузатди бургут кўз билан.
На бирор шарпа бор,
На бирор одам,
Не сир содир бўлди буюк дўст билан?!

Ногоҳ пистирмадан "урҳо-ур" қилиб
Қилич ялангочлаб юз чоғли лашкар.
Мўр-малах сингари бирдан ёпирилиб,
Мезбонга ташланди,
Тавба, алҳазар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Подшоҳ ҳийласин англади княз
Фурсат ўтган эди, надомат бекор.
Қўл-оёқ занжирда қудрати етмас,
Догда қўйган эди бу разил шикор.

Уни келтирдилар шоҳ ҳузурига
Иржайиб тутқунга тикилади шоҳ.
— Давлатим зўрига, кучим зўрига,
Имон келтирдингми, энди, эй гумроҳ?!

— Тоғлик одатига бу ишинг хилоф,
Бундай макр фақат фоҳишага хос.
Юрагингда бўлса сал ғурур, инсоф,
Мен сени эркак деб этардим эъзоз.

— Мағрурсан!
— Ғурурим — тоғликлигимда!
— Тиз чўктириб қилгум ғуруринг поймол.
— Чиранма, қўл-оёқ боғлиқлигимда,
Бандини ғўдак ҳам йиқар бемалол.

Ваҳир-вуҳур билан аркони давлат
Шоҳнинг қўлтиғига пуркашади сув.
— Шоҳга гап қайтарар бу падарлаънат,
Боши ҳам елкада бир омонат-ку.

Шоҳ кулмоқ бўлади тутқун устидан:
— Мен ҳам тоғликдирман унутма шуни.
Этингни ажратсам арзир пўстидан,
Бироқ кўтармагай тоғлик қонуни.

Тан олиб давлату салтанатимни,
Қавминг билан киргил менинг измимга.
— Элимни, ҳурлигу адолатимни
Алишмам сенга банд жонсиз жисмимга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен қурбон бўларман, эл эса
қолур,
Қолур ўз эркини айлаб ҳимоя.
Халқин сотганларнинг исми йўқолур,
Менинг исмим бўлур нажоткор қоя.

— Қавмингни бир ҳовуч чумоли мисол
Қириб ташламоққа етар шавкатим.
Ўзинг ақл билан гапга кирақол,
Тиз чўк ва эътироф этгил давлатим.

— Тоғлар тиз чўкмагай,
Мен тоғдан зарра.
Сен тоғлик ғурурин қилма хақорат.
Макринг сезганимда
Билки, бир карра
Сендай риёкорни этардим ғорат.

— Шошма, тиз чўктириш менинг қўлимда,
Топаман ғуруринг кучин асосин.
Сени ҳукм этмагум бугун ўлимга,
Қатл ҳам қилмагум ё дорга осиб.
Зиндонга ташлангиз!

Маҳкум князни
Қоронги зиндонга элтдилар дарҳол,
Шоҳнинг хаёлларин ҳеч ким билмасди,
У княз ғурурин этмоқчи паймол.

"Кимдан куч олади, кимга суянгай,
Нечун тан олмайди тоғлар шоҳини.
Нимадан қайғуриб,
Недан қувонгай".
Билмоқ истар эди зўр паноҳини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айғоқчилар кетди княз мулкига
Ижро этмоқ учун шоҳ фармонини.
У кимга суяниб халқин эркига
Гаров қилиб қўйди ширин жонини.

Узоқ изғидилар қидириб жавоб
Тоғлар подшосининг саволларига.
Булутлар ортида қолгандай офтоб,
Мулкда ҳамма муштоқ ўз сарварига.

Ёвига ташланмоқ бўлган йўлбарсдай
Қўшни шоҳ қоридан таранг асаблар.
Эру аёл бир хил мағрур княздай,
Наҳот, тоғликларда зиддир насаблар.

Айғоқчилар қайтди
Топган гапи шу:
— Бор экан қартайган ота-онаси,
Хотини бор экан, бағоят сулув
Ҳам икки ўғлони, бир қайнонаси.

— Агар шулар бўлса суянчиқлари
Тунда босиб бориб келтиринг барин.
Айғоқчилар билан бир тўп лашкари
Ижро айладилар подшоҳ амрин.

IV

Қатоғон майдони.
Тумонат одам.
Шаҳ мағрур ўлтирар тахтиравонда,
Қиличи қонсираб жаллодларнинг ҳам
Қулоғи динг турар олий фармонга.

Соқчи қуршовида шердай ўкириб
Кириб келар экан чорасиз княз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Банди бўлмасайди, емаса фириб,
Бир ўзи юз шоҳга келгудайин бас.

Кўзини ечдилар:
Боқди атрофга
Мунча кўп, қонга ўч саргузаштталаб?
Дор тагида эса
Ўхшаб офтобга,
Отаси турарди соқолин тараб.

— Ё, раб, бу қандай ҳол,
Қандай фириб боз?
Кўзларин ўқ қилиб қадади шоҳга.
Шоҳ бездай иршаяр:
— Тиз чўк, эт эъзоз,
Раҳминг келсин пирдай пуштипаноҳга.

— Ўғлим, бу малъунга тиз чўкма зинҳор.
Майдонни қоплади ота овози —
Ўлдирса ўлдирсин мени бу беор,
Аммо сен тиз чўксанг бўлмасман рози!

Княз қаҳ-қаҳ отар,
Шоҳ талвасада.
— Ос, — деди, — имонсиз қари кўппакни!
Кўз ўнгида ота қурбон бўлса-да,
Княз раво билмас кўз ёш тўкмакни.

— Онасин олиб чиқ!
Муштипар она
Дор тагида пайдо арқон бандида.
— Тиз чўк!
Онанг боши измимда мана.
Она қичқиради ўз дилбандига:
— Ўғлим, бу номардга тиз чўкма
асло.
Майдонни қуршайди она овози.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Майли, бошим олса розиман,
аммо
Сен тиз чўкар бўлсанг эмасман рози!

Княз қаҳ-қаҳ отар,
Шоҳ талвасада:
— Бошини танидан қилингиз жудо!!!
Она типирчилаб шаҳид ётса-да
Княз ёш тўкмакни билмайди раво.

Шу тахлит хотинин тилкаладилар,
Ва бисмил қилдилар икки ўғлонин.
Княз бошин эгмай қоядай турар
Ва беписанд кутар шоҳнинг фармонин.

Бир айғоқчи келиб пичирлар шоҳга
— Ягона дўстини топиб келтирдик.
Балки таъсир этар ўша айтар гап,
Йўлга солса уни қолдиринг тирик.

Нажот топган қулдай севинади шоҳ:
— Майдонга судраб кел ўша дўстини.
У ҳам шу галварсдай бўлса баногоҳ
Биргаликда шилай улар пўстини.

Княз қатағонда дўстини кўриб,
Қафасдаги шердай тортади наъра:
— Бу қандай бедодлик,
Бу қандай фириб?
— Тиз чўк, дўстинг кетар узлатга қараб.

— Дўстим, бу ҳайвонга тиз чўка кўрма!
Майдон узра кезар маҳкум овози.
Ўлимдан баттардир чўкканинг кўрмак,
Майли, сен учун мен ўлмакка рози!

Княз наъра тортар
Шоҳ талвасада:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тилини суғуриб, терисин шилинг!
Жаллод кўз-кўз қилар завқу ҳафсала,
Княз бағри ёнар мисоли пилик.

Бошин урай деса бунда йўқ, девор,
Ўкириб ўкириб чекарди фарёд.
Тўлганар кўз ёшин тўкиб шашқатор
Мисоли Ёсуман домида Фарҳод.

Шоҳ бу манзарадан тортади ҳушёр,
Наздида кичрайиб борарди княз.
"Энди ғурури ҳам, кучи ҳам бекор,
Кўз ёшин тўкдими,
Тиз чўкади, бас!"

Гердайиб туради тахтиравондан
Имо билан чорлар банди князни.
— Кўз ёшинг кўп оқди тўкилган қондан,
Мени ҳайрон этар фақат бир жазминг:

Ўлдирдим меҳрибон ота-онангни,
Парво ҳам қилмадинг,
Қаҳ-қаҳа отдинг.
Қатл этдим хотининг,
Икки болангни
Беписанд қарадинг,
Бир пулга сотдинг.

Қатра ёш тўкмадинг шунча қурбонга,
Сўқирмисан, дея мен ҳам тонг қотдим.
Аммо бир дўстингни беласам қонга
Кўз ёшинг сел қилиб, ўзинг йўқотдинг.

Менга изоҳлаб бер,
Бу қандайин ҳол

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўё видолашдинг Кўк, Қуёш билан.
...Княз жавоб берар туриб бемажол
Дилда армон билан,
Кўзда ёш билан:

— Сенга бегонадир бу нодир тўйғу,
Таъна қилма, номард, кўз ёшларимни.
Ёвуз ниятингга етолмадинг-ку,
Қатл этганинг билан қондошларимни.

Ота-онам сўйдинг, бағрим тилинди,
Лекин таскин берди ҳаёт қонуни.
Улар қартайганди, эрта ё индин
Кетар эди, сен ҳам биларсан буни.

Хотиним чароғи эди хонамнинг,
Раво қилдинг гулдай жисмини ерга.
Насли қолмасин деб икки боламнинг,
Терисини шилдинг, қайғурмай нега?

Лекин ҳали ёшман умидли дунё,
Уйланарман, бўлар фарзандларим ҳам.
Шу боис ёш тўкиб қилмадим гавго
Қиличдан ўтганда дилбандларим ҳам.

Аммо ҳаётимнинг содиқ ҳамроҳи,
Ягона дўстимдан айладиг жудо.
У билан кечганди умримнинг роҳи
Энди ундай дўстни берарми Худо!

Энди ким безатгай умрим йўлини,
Бундай дўстни қайдан топаман энди?!
Мана, сен, чўздим деб дўстлик қўлини
Макру-ҳийла билан айладинг банди.

Қўлдан тушиб кетди шоҳнинг қиличи
Мағрур занжирбанднинг бу ҳасратидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Княз турар эди жонидан кечиб,
Кўзи қонга тўлиб ўч, нафратидан.

ХОТИМА

Мана, икки йилки, ёнимда йўқсан,
Бугун номинг тутиб чақирмоқ абас.
Даврада қаҳ-қаҳанг янграмас шўх-шанг,
Бастинг кўрганларда қўзғамас ҳавас.

Бир ён бўш, мисоли синган бир қанот,
Суянмоқчи бўлсам тирсак муаллақ.
Балки имтиҳондан ўтказар ҳаёт,
Балки бу қисматни бахш этди Оллоҳ.

Икки йилки сенсиз яшар Намангон,
Бир сим узилгандай гўё торидан.
Боғидан камайди битта ғазалхон,
Бир япроқ узилган алп чиноридан.

Гоҳо менга қараб итлар ҳурсалар,
Қолгум ўша княз тушган ҳолатга...
Сени эслаганда оқшом ё саҳар,
Дейман, дийдор қолди рўз-қиёматга.

Кунлар ўтган сайин тоғдай юксалиб
Янада улуғвор сезилар қадринг.
Мен чорасиз қолиб — чиқсам мунгайиб
Мунгайиб қаршилар чорасиз қабринг.

Жойингни жаннатда тилаб Худодан
Тиловат ўрнида ўтсин бу калом.
Дўстин йўқотмасин дунёда одам —
Кафтим юзга тортиб қилгувчи дуом.

1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХУШ КЕЛДИНГ

Ташрифинг муборак,
Муборак Наврўз!
Озод Ватанимга сафо келибсан!
Пойингда тароват,
Дастингда ризқ-рўз,
Кўксингда муҳаббат, вафо келибсан!

Оламдан қаҳратон қаҳрини қувиб,
Хуш келдинг, ҳаётбахш ҳарорат мисол.
Заминдан қаттиқ қиш заҳрини ювиб,
Юз очдинг мафтункор малоҳат мисол.

Бойчечак кўтарди мурғак бошини,
Тоғлар севинчидан оқди шалола.
Байроқдай кўтариб ўз бардошини
Қадамларинг қутлаб очилди лола.

Боғлар ҳам келинлик либосин кийди.
Баракадан дарак бодом гуллари.
Она тупрок ийди,
Табиат ийди,
Тошни ҳам уйғотди ҳамал еллари.

Борлиқда яшариш, тозариш, гуллаш,
Қишнинг қабоҳатли тахти ҳам қулар.
Мен табиат билан тиллашсам дилкаш,
Қалбимда ниш урар азал орзулар.

Эй, сен, оламларни уйғотган Наврўз,
Эй, поклик ва ҳикмат, гўзаллик рамзи.
Мусаффо дилларга бўлгину ҳамроз,
Кўнгилларда қургил тозариш базмин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сеҳринг билан эрит муз дилларни ҳам,
Сўқир юракларга зиё бўлиб кир.
Ахир, одам учун ганимат одам.
Сўхта кимсаларда уйготгин меҳр.

Инсоф бер, қўшниси ўтқазган ниҳол
Барқ урса ҳасадда ёнгувчи зотга.
Ўзгалар бахтидан ўз бахти мисол
Қувонганлар оро бергай ҳаётга.

Имонин нафсига қурбон қилганлар
Кўнглига диёнат тухмини сочгил.
Багрини номард дўст тиғи тилганлар
Кўксида умидлар чечагин очгил.

Чиркин ниятларда сақланиб қолган
Ёвузлик, Риёни тиққил қабрига.
Истиқлол авлоди етар камолга,
Поклик бўлиб жойлаш улар қалбига.

Уйдан бошланади Ватаннинг тинчи,
Осойиш бўлиб кир ҳар хонадонга.
Яратиш шукуҳи, ижод севинчин
Мангу жо айлагил Ўзбекистонга!

Ташрифинг муборак,
Муборак Наврўз!

1998

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЁВУДДИНГА

Тарихнинг минг йиллик сабоғидир бу,
Тўғри сўз ҳамиша қўзғатар кулгу,
Ошкор этаверма дилдаги туйғунг,
Балога қолмайин десанг дунёда.

Зинҳор айтиб бўлмас ғарнинг ғарлигин,
Ва ё иғвогарнинг иғвогарлигин,
Уқтирмоқ бўлмагил карга карлигин,
Балога қолмайин десанг дунёда.

Ана бир кас келар — чиркин олами,
Ҳалол одамларда бордир алами,
Фақат ёвузликка ишлар қалами,
Олис тур бундайин кори балодан.

Нодонни нодон деб атама зинҳор,
Бундай ҳақиқатни исботлаш душвор,
Баъзисин олимлик ҳужжати ҳам бор,
Дабдабасин қара — келар самодан.

Ҳазрат Навоийдан то бизга қадар,
Турли қиёфада келар бу кадар,
Тузатмоқчи бўлсанг дунёни агар,
Тўғри гапни айтиб кулгуга қолма.

Курашма демайман, курашгин, укам,
Келбатига мардлик ярашган укам,
Ўз ақлу кучингга минг суянсанг ҳам,
Тўплар орасига ёлғиз от солма.

1998

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ЖАННАТ БУ

Ҳусн бўлиб гўдак заминга
Тароватдан яралган маъво,
Боғларига саховат инган,
Тоғларида метин бардош жо,
Етти иқлим учун рағбат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Дунёдаги малҳам, лаззат жам
Бунда битган қантак ўрикда,
Саҳросида унган гиёҳ ҳам
Жон бахш этар ҳатто ўликка,
Шарбат томиб турган неъмат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Томирларга оқиб кирар нур
Эмсанг мармар ҳаволаридан,
Ёмғири ҳам бамисоли дур,
Сут оқади дарёларидан,
Сайҳун, Жайҳун — оби раҳмат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Тупроғидан унгай латофат
Пахта бўлиб, буғдой, гул бўлиб,
Жамолини кўрай деб фақат
Хизмат қилар офтоб қул бўлиб,
Офтоб шайдо бўлган талъат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Тароват-ла яшамоқ қийин,
Бадавлатлик бундан-да душвор,
Талпинганлар саноқсиз тайин,
Ганж қидириб келгувчи бисёр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шул эваздан умри заҳмат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Искандардан Ленинга қадар
Жазм этмишлар эга бўлмоққа,
Босқинларнинг захмидан кадар
Қоришгандир ҳар кафт тупроққа,
Бойлигидан топган кулфат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Спитамен, Тўмарис бўлиб
Чиққан ўзин айлаб ҳимоя,
Муқанналар қасосга тўлиб
Қалқон бўлган мисоли қоя,
Умр, жондан қадри қиммат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Ботирларин битмас саноғи,
Шундан кўкси тўла ғурури.
Ўша мардлар аро мард шоҳи
Ул жаҳонгир Амир Темури,
Жасоратда тенгсиз сийрат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Кўк тоқига йўл очган илк бор
Суҳбат қурган юлдузлар билан,
Табобатда бўлган ҳукмдор,
Дил овлаган чин сўзлар билан,
Жаҳон аро шоҳ шеърият бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Тарихини қопламиш ғубор
Босқин, макр, турфа алдашдан,
Юз қоқилиб, тикланиб юз бор
Таржимаи ҳоли чалкашган,
Қалбида эрк сўнмас ния бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аждодлардан мерос ғурури
Томирида жўш уриб бир кун,
Руҳи қўллаб Амир Темурнинг
Бош кўтарган истиқлол учун,
Ғолиб чиққан нафсонийт бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Бўлиб Турон, бўлиб Туркистон
Ўзлигини излаган Ватан.
Бешигида улғайган ўғлон
Жонин гаров қўйиб дафъатан
Эълон этган ҳур мамлакат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Ҳилпирайди байроғи мағрур,
Алпомишдай керган қаддини,
Аждодларнинг пок руҳи масрур
Кўтармоқда кўкка қадрини,
Қадамида шиддат, журъат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Поймол бўлган ўтмишин поклаб,
Ғуборлардан тозалаб тарзин,
Олам аро иззатин сақлаб,
Бажо айлаб Эрк, Тенглик фарзин
Шиорида "Куч — адолат" бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Етти йиллик одимларига
Жойлаб етти асрлик мазмун,
Уфқдан-да боқиб нарига
Қадам ташлар салмоқдор, вазмин,
Кори — ижод, касби — ҳиммат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Афсонавий паҳлавонсимон
Юксалмоқда дақиқа сайин,
Покдир ният, кўнгил ва имон,
Бас, мақсадга етмоқлик тайин,
Келажаги буюк давлат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.

Қор, музликлар, тошларнинг багрин
Ёриб чиққан бойчечак мисол,
Парчаламиш қуллик занжирин
Асрий орзу бўлган истиқлол,
Эрки боқий, иқболи мангу
Ўзбекистон деган жаннат бу.

1997

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕТГИМ КЕЛМАС

Тонг ҳам оқармоқда, мен
Борайин, хайр!
— Омон боринг, — дея қўлинг узатдинг.
Кафтинг кафтларимни куйдирар чўғдай,
Менинг кетгим келмас,
Сенинг кузатгинг.

— Бир-биримиз учун яралдик асли,
Мунча кеч келдингиз, — дея сўз қотдинг.
Адашиб юрибмиз баҳор, гул фасли,
Менинг кетгим келмас,
Сенинг кузатгинг.

Мунчалар жафокаш бўлмаса тақдир,
Топишгач ҳам ҳижрон азоби қаттиқ.
Ҳамон қовушмоққа топилмас тадбир,
Менинг кетгим келмас,
Сенинг кузатгинг.

Армон билан кечган неча ой-йиллар,
Қисмат хатоларин келар тузатгинг.
Ажралмоқ истамас бу интиқ диллар,
Менинг кетгим келмас,
Сенинг кузатгинг.

Бир кун бу дунёда қолмагай ишим,
Муқаррар фанодан бақога қайтгум,
Лекин ўшанда ҳам битта ташвишим,
Менинг кетгим келмас,
Сенинг кузатгинг.

1998

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЛПИНМАСА СЕНГА ОДАМЛАР

Абдуллажон ака Аббосовга

Хуш кечарми умрингда дамлар,
Қувончини кўриб баҳамлар,
Ё бошига тушганда ғамлар
Талпинмаса сенга одамлар.

Санаб дилкаш, қадрдон ошна,
Суҳбатингга бўлишиб ташна,
Кўришганда очилиб, яшнаб
Талпинмаса сенга одамлар.

Гарчи бойсан, бадавлат ғаний,
Топганларинг қиммати қани,
Дийдорингни бир бор кўргани
Талпинмаса сенга одамлар.

Яшасангу саксонми, юз йил,
Қавминг билан бўлмасанг аҳил,
Сендан фақир кас топилмас, бил,
Талпинмаса сенга одамлар.

Эл назарин берган, эй Худо,
Шу бахтдан ҳеч этмагил жудо,
Яшамоқдан қолмас муддао,
Талпинмаса сенга одамлар.

1998

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТИЗ ЧЎКТИРИБ БЎЛМАС ЎЗБЕКИСТОННИ

Номардлар қавмига мард кўкси нишон,
Бахиллар ҳамиша сахий пайида.
Зиёдан ажалдай қўрқар зимистон,
Қўрқоқлар курашда билмас қоида.

Майдонга чиқмоққа оёғи титраб,
Ортдан тош отишга ўрганган каслар —
Коридан ажабга тўлма, мағрур қалб,
Не тонг, тубанлигин қилади пастлар.

Кеча Юртбошини нишонга олган,
Билки, қасд айламиш менинг жонимга.
Унинг сиймосида ўқ отмоқ бўлган
Менинг ғуруримга, эрк, имонимга.

Азалдан султонлар қисмати оғир,
Ватани, халқига кўкси қалқондир.
Халқи унга қалқон бўлмаса, ахир,
Ғурур ҳам паймолдир, юрт ҳам пайҳондир.

Мутелик занжирин чил-парчин қилиб
Кўкрагини тоғдай кўтарган Ватан,
Ғурурин дунёга байроқдай илиб
Мадад олар буюк Темур руҳидан.

Ватан муқаддасдир,
Ҳурлик муқаддас.
Юртдошим, ҳурликка тикканмиз жонни.
Ёвузларнинг чиркин нияти абас,
Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни!

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕҲҚОН ВА ШОИР

Деҳқон — далага шеър битгувчи шоир
Кетмони қалами,
Меҳнат илҳоми.
Табиат устоздир, деққончи — шогирд,
Бир умр имтиҳон — устоз инъоми.

Ахир заҳмат билан ёзилади шеър,
Заҳмат билан унар заминдан ризқ-рўз.
Шоир шеър заҳматин олий неъмат, дер,
Деҳқон маҳоратин қилади кўз-кўз.

Кузатиб туради устози аввал,
Деҳқону шоирнинг матонатини.
Ҳар бирин қисматин ния қилар ҳал
Меҳнатдан топгуси ўз омадини.

Деҳқон пешонадан тўкиб реза тер,
Юртга хирмон тутар, элга эса нон.
Шоир қалбин ёқиб ёзар экан шеър,
Юртга равнақ тилар, халқига имон.

Зотан, нону имон ҳаётнинг боши,
Балли икки неъмат ижодкорига.
Қисматидан нолиб,
Шуҳрат талашиб
Юрган кас тушмас юрт эътиборига.

Имтиҳон онлари касб этиб бардош
Ғайрат, маҳоратин кўрсатур деҳқон.
Ҳар кун қаламига қўндириб қуёш
Шоир эзгуликдан битади достон.

Мусаффо бўлса ҳар иккисин қалби,
Демакки, хирмон бут, дастурхон тўкин.
Ёлгон чиқса деҳқон, шоирнинг гапи,
Юрти кўтаролмас бу хўрлик юкин.

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЖАРОҲАТ

(Достон)

Шоир Ҳабиб Саъдулланинг дард билан ёзилган достонини 16 февралда Тошкентда юз берган ёвузликка лаънат ва нафрати деб билдим.

Унинг қўшиқлари, лирик шеърлари, айниқса, "Тазарру" достони кенг адабиёт ихлосмандлари орасида жуда машҳур бўлиб кетган.

Ҳабибнинг ғазаб ва алам билан битган ушбу достони ҳам ўқувчини лоқайд қолдирмаслигига ишонаман.

Достондаги чақнаб турган сатрлар менинг, сизнинг, барчамизнинг қонимизни қайнатиб турган алам, бўғзимиздан отилиб чиқаётган бир оловли вулқондир.

Саид Аҳмад,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БАҒИШЛОВ

Ватан, сенга отилган ўқ
Менинг кўксим тешиб ўтгай,
Сенинг жисмингдаги оғриқ
Менинг жонимни оғритгай.
Агар ёш оқса чашмингдан
Оқур икки кўзимдан қон,
Оҳ урсанг гар, менинг оҳим
Шарори дуняни тутгай.
Боқиб кўрку жамолингга
Яширмас завқини олам,
Қай ул шайтонки вос-восда
Гўзал бағрингга ўқ отгай?
Шу ўқдан неча кундирким
Қароримни йўқотмишман,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенинг заҳминг битар аммо,
Менинг заҳмим қачон битгай?!
Сенга қасд айлаган дажжол
Менинг халқимга қасд этмиш,
Бутун халққа ганим кори
Лаиндан ҳам ўтиб кетгай,
Лаинлардан ўзинг асра,
Худойим юрту халқимни,
Ўзинг бахш айлаган ҳурлик
Унга мангу насиб этгай.
Дилим оғриқлари чак-чак
Тўкилмиш дардли достонга,
Дегайман, қалби кўрларни
Ватан, нону тузинг тутгай.

ТОШКЕНТ

Тошкентим, Шарқ аро менинг бош кентим,
Олов ёшлигимнинг қайноқ бешиги.
Икки минг йил яшаб мудом ёш кентим,
Қалбим мулки — ўзинг бахш этган севги.

Сенга талпинганман зиё қидириб,
Ташна кўзларимга тўлдиргансан нур.
Меҳрингдан мунаввар бўлиб тақдирим,
Умрбод таъзимда дейман ташаккур.

Порлоқ туйғуларга этмишсан ошно,
Кенг бағринг
Кенгликдан ўргатган сабоқ.
Кўкўпар бинолар этган маҳлиё,
Анҳоринг бўйида кезганман муштоқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муштоқ юрагимга шеър ишқин солиб,
Сирли шивирлаган ҳар бир япроғинг.
То ҳануз синовга шайланган толиб,
Ҳаяжон ичида кутгум сўроғинг.

Бир кўчангда юрсам нурланиб ойдек,
Орқасига қилиб ушлаб дастларин.
Қаршимдан чиқади тоғкелбат Ойбек,
Оламни сиғдирган чақноқ кўзлари.

Бир кўчангдан чиқар Ғафур ал-Ғулом,
Ўзингдай пурвиқор, ўзингдай ўктам.
Нурли қаламидан тўкилган калом
Файзиёб этади тонготарни ҳам.

Шаҳодат бармоғи ҳавони чизиб,
Аста одимлайди ўйчан Миртемир.
Бир кўчангда зукко Шайхзода кезиб,
"Тошкентнома"сига киритар таҳрир.

Мудом синовдаман шулар қошида,
Меҳру жамолингга лойиқ сўз излаб.
Ҳар сафар қайтаман йигит ёшимга,
Тавоф этмоқ учун келганим кезлар.

* * *

Тошкент, мурувватинг билмас ниҳоя,
Эзгу туйғуларни йўргаклагансан.
Милён тақдирларга бўлгансан доя,
Ҳар биридан огоҳ турмакдасан сан.

Ўзбек ғурурланар азрўйи азал,
Қалбига нақш этган Тошкенти билан,
Сен олам тилида бетакрор ғазал,
Халқим камолига ўзингсан Ватан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзингсан асрлар шамолларига
Ватан кўкси бўлиб ўзини тутган.
Даҳо фарзандларин заволларига
Гувоҳ бўлганидан қон, зардоб ютган.

Таъқибу таҳдидлар текканда жонга,
Тошиб кетганида сабр жоми ҳам,
Сен йўргаклаб тутдинг Ўзбекистонга,
Истиқлол аталмиш хуш айёмни ҳам.

Бугун камолингда бўлмиш намоён
Мустақиллик руҳи, қудрати, кучи.
Суқланиб боқаркан бастингга жаҳон,
Жон нисор бир ютум хуш ҳавонг учун.

Тошкент — Ватанимнинг бедор юраги,
Халқим тақдирини сенга ишонган.
Салтанат пойтахти,
Ҳурлик тираги,
Шундан ганим олмиш сени нишонга.

СУИҚАСД

Азим Тошкент бир дам гулдираб турди,
Устма-уст портлашдан,
Ўқлар сасидан.
Ким сезмади, кимдир сезиб улгурди,
Бу кор истиқлолга суиқасд эди.

Хорижга беркинган икки-уч нонкўр
Чираниши эди тож-тахт дардида.
Бу суиқасд эди уйгонган ғурур,
Покланган имонга, инсон қадрига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу суиқасд эди ҳурлик йўлида
Қурбон бўлганларнинг пок руҳларига.
Мутелик занжирин ечиб қўлидан
Озод бўлган халқнинг шукуҳларига.

Ватан камолидан ҳасадга тўлиб,
Шаҳдам одимларни чалмоқ бўлдилар.
Халқ уларни отган алафдай юлиб,
Ўқ билан қайта жой олмоқ бўлдилар.

Ўт қўймоқ бўлдилар муқаддас туйғу —
Буюк келажакка комил ишончга.
Бақавли сўндирмоқ бўлдилар мангу
Тош отиб кўкдаги боқий қуёшга.

Гоҳо қўлда хочу, гоҳ бошда салла,
Тахт, дея касб этиб турфа қиёфа.
Манфур ўйин билан топиб тасалли,
Ўзни юпатдилар улар бу дафъа.

Хиёнат эди бу,
Бўҳтон эди бу
Исломнинг табаррук шариатига.
Эркин Воҳидовнинг шаън ғазалию
Абдулланинг ёрқин шеъриятига.

Бўғмоқчи бўлдилар янгроқ санъатни,
Мумтоз ҳофизларнинг ўт нафасини.
Саксонда яшарган Саид Ахмаднинг
Оламга таралган қаҳқаҳасини.

Шўриш солмоқчилар халқнинг бошига,
Маҳв этиб суянган Йўлбошчисини.
Кўр ҳам алишмагай ғавҳарин тошга,
Наҳот, ғаним ҳамон йиғмас эсини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАРБАДАРЛАР

Ногоҳ фалокатдан ҳайрат ичра лол,
Токи фаҳм этгунча корни халойиқ
Пўчоқ олиб қочган болалар мисол,
Муртад "ўйинчи"лар бўлдилар ғойиб.

Кўздан йўқолдилар ҳис ҳам этмасдан,
Осиб бўйинларга тавқилаънатни.
Ўзларини туққан муқаддас маскан
Оқ қилгани каби машъум қисматни.

Наҳот, шу қисматни танладинг, бола,
Ўйнадинг кимларнинг чирмандасига.
Наҳот, тақдирингни қилдинг ҳавола
Шармандаларнинг ҳам шармандасига.

Қай бир исловотнинг сассиқ кунжидан,
Онаси кўксига тош отган малъун.
Шилта фоҳишанинг жирканч пинжидан
Олган ақидасин санадинг қонун.

Сени фарзандим, деб бошинг силаган
Эл оромин бузиб топдингми ором?
Ахир, суяк ташлаб сени сийлаган
Саркоринг коми ҳам ҳаромдан, ҳаром.

Бегуноҳ қурбонлар қонини кўриб,
Наҳотки, қувонди қотил кўзларинг.
Қалби басирларга қўғирчоқ бўлиб,
Нима ахтардингу нени кўзладинг?!

Она оқ қилганга ер чидар балки,
Ота оқ қилганни кўтарар замин.
Кимники оқ қилса Ватани, халқи,
Уни багридан ҳам итарар замин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Осмон-ку узилиб ерга тушмади,
Ҳуқуқ ҳам топмади ерда қабоҳат.
Бўлдинг ўз элингнинг манфур душмани
Тошкент кўкрагига солиб жароҳат.

АЖДОДЛАР ҲУКМИ

Юрак зарб еганда сирқирайди тан,
Эл тинчи бузилса қийналур тарих.
Пойтахт ларзасидан оғриди Ватан,
Тарих лол, тополмай бу корга таъриф.

Қабридан сапчиди буюк аждодлар,
Тошкент қучоғига нур бўлиб елди.
Ватан тарихини безаган зотлар
Жароҳатга боқиб, ўксиб эзилди...

Баҳоваддин Нақшбанд:

На дилида ёру
На дастида кор,
Қонхўр махлуқлардан бўлингиз ҳушёр!

Имом Бухорий:

Ватанни севмоқлик, — дедик, — имондан,
Бу бад кор чиқмагай ҳеч мусулмондан.

Нажмиддин Кубро:

Халққа ганим бўлган — Ҳаққа ганимдир,
Ватан Каъба мисол сиғинганимдир.

Ахмад Фарғоний:

Наҳот, озод бўлгач ақлу тафаккур,
Авлодимдан чиқмиш сотқину манфур?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улуғбек:

Тахт талашган падаркуш
Ватанфуруш бўлғуси,
Тарих тажрибаси шул:
Ит қавмида ўлғуси.

Навоий:

Меҳр кўргизганга жафо айламак,
Ўз жонига қасду жазо айламак.

Бобур:

Қотилни қон тутар, хоинни ажал,
Бегуноҳ қон тўкмак осийлик азал.

Машраб:

Худо ягонадир, ягона Ватан,
Ватанга ўт қўйиб қочмоғинг мумкин.
Эй нодон, қаёққа қочгунг худодан,
Кузатиб турар у, ахир, ўз мулкин.

Абдулла Қодирий:

Мен жоним бахш этган эътиқодимга
Ғанимлар шайтонни солди ёдимга.

Чўлпон:

"Халқ тўлқиндир, халқ денгиздир,
Халқ кучдир",
Халқ кучига қарши борган куч пучдир.

Усмон Носир:

Мен тирилдим ҳурлик туфайли,
Хизматингга ол, озод Ватан.
Боз жонимни тикарман, майли,
Аммо эркинг қайтиб бермасман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аждодларнинг ҳукми тарих ҳукмидир,
Худога топширдик — бергай жазосин.
Дину имонимиз ва қалбимиз бир:
Тошкентга жароҳат етказган — осий!

УЧРАШУВ

Гўри Мирдан чиқмиш алп Соҳибқирон
Шамширин чақнатиб, ғазабга тўлиб.
Келди эл бошига иш тушган замон
Юртбоши ёнида турмоқчи бўлиб.

Катта йўл устида насимдай кезиб,
Ажиб манзарага ташлади нигоҳ.
Йўлбошчи карвонин шаҳд билан тўсиб,
Бош соқчи хатардан этарди огоҳ.

Баракалла! — деди топиб тасалли, —
Султони қадрига етаркан, илло...
Соқчи ахбороти тугаган палла
Юртбоши қошида бўлди у пайдо.

Юртбоши дардини ичига ютди,
Мардона қаради Амир Темурга.
Темур бу нигоҳдан қувониб кетди,
(У ҳам риёкорни жуда кўп кўрган).

Темур:
Болам, ҳайрон бўлма, ғаним корига
Ҳамиша султонлар кўкси нишондир.
Ўз халқи, динига, диёр, ёрига
Мард султон қалқондир.
Ёв ҳам ишонди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юртбоши:
Раҳмат, Соҳибқирон,
Қуллуқ, ҳазратим,
Ташвишли онимда зўр мадад учун!

Темур:

Аллоҳ — мададкоринг, имон — қудратинг,
Ўзи сени берди мамлакат учун.
Сал кам олти юз йил кўз тутиб ётиб
Мақсадимга етдим сенинг сиймонгда.
Тарихнинг ғуборли чангига ботиб,
Унут бўлар экан дин-да, имон-да...
Юртимни қутқардинг шум қадамлардан,
"Куч — адолатда!" деб ёздинг қонунга.

Юртбоши:

Сабоқ олиб сиздай мард одамлардан,
Ҳурлик туйғусини қуйдим қонимга.

Темур:

Олам маҳлиёдир Ватан бастига,
Заковатинг билан олдинг дунёни.
Тўрт нокас тушибди жонинг қасдига,
Наҳот, унутмишлар улар худони.

Юртбоши:

Ҳукумат уйида мажлис бор эди,
Ҳокимлар, вазирлар бўлишганди жам.
Нопок ганимларнинг чиркин умиди
Маҳв айламоқ бўлган салтанатни ҳам.

(Темур қаҳ-қаҳ урар)

— Эй гумроҳ гуруҳ,
Халқи қўллаганни асрагай Аллоҳ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенлар Ватанидан қувгинди
макруҳ,
Юртбоши ҳолидан аждодлар огоҳ!

Билки, Худо урган топади авзун,
Аммо авзун топмас урса арвоҳлар.
Совуқ башарангга тупургани учун
На Ватан гуноҳкор,
На халқ гуноҳкор!

* * *

Оппоқ тулпорини шаҳдам елдириб,
Буюк соҳибқирон кўздан йўқолди.
Йўқ, йўқ, Юртбошининг жисмига кириб
Унинг юрагига жойлашиб олди.

Гўёки қўшилиб кетди икки жон,
Иккала қалб бир хил урди баробар.
Ўзбекистон деган мустақил макон
Истиқболи учун бир хил жавобгар.

ЙЎЛБОШЧИ

— Кетдик!
Фармон берди жасур Юртбоши,
Карвон йўл олади бош майдон сари.
Кутардилар дафтар, микрофон очиқ,
Оламнинг мухбиру даракчилари.

Шахд билан тушди у нақлиётидан
Ё раб, чеҳрасида ёнар шижоат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўё Темур тушди сакраб отидан,
Тарзи қўрқмасликдан берар далолат.

Гўё Темур келди Юртбоши бўлиб,
Ислом Каримовнинг пок сиймосида.
Ва ёхуд Юртбоши шиддатга тўлиб,
Темурни эслатди басти, тарзида.

Бургут нигоҳ билан боқди атрофга,
Вайронликни кўриб кўнгли ғашланди.
Бир жасадни олиб ўтишган топда,
Бошин қуйи солди, кўзи ёшланди.

Муштоқ мухбирларга юзланди шунда:
— Ганимларнинг чиркин нияти аён.
Мустақиллик эълон қилинган кундан
Мен тикиб қўйганман шу ғояга жон.

Жонимга қасд этган ҳар кори фириб,
Билиб қўйсин буюк бир ҳақиқатни.
Аравани ярим йўлда қолдириб,
Кетгувчи номард йўқ!
Бу қарор — қатъий.

Халқимга гапим шу, илтимосим ҳам,
Ваҳимага тушмай қаддинг кер, қани!
Бошинг баланд тутсанг
Бўйни бўлгай хам,
Бирдамлигинг кўрса — ёвнинг ўлгани.

* * *

Ойнаи жаҳондан таралган калом,
Журъат, қудрат бўлиб қуйилди қонга.
Таҳдид сола олмас бирорта ноком,
Бирдамлик қалқондир Ўзбекистонга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

18 ФЕВРАЛ — МОТАМ

Бугун куйлар ҳазин, чеҳралар сўлгин,
Она — Ўзбекистон тутмоқда мотам.
Ё Раб, она бўлмоқ қанчалар қийин,
Ундан оғирроқдир бўлмоқлик Ватан.

Байроқ тимсолида бошини эгиб,
Шаҳид фарзандларин кузатар нолон.
Дилини ўртаган қайғу ҳам эгиз,
Кўзларидан оқар аччиқ ёшу қон.

Ахир, она бўлиб улгайтган ўзи,
Ўзи ардоқлаган сахий бағрида.
Ҳар бирин бастидан қувонган кўзи,
Бугун олаётир совуқ қаърига.

Майдонда жон берса қилмасди алам,
Номард ғаразидан ўлгани ёмон.
Қон тўкмай етдик-ку истиқлолга ҳам,
Наҳот, ҳасадгўйлар қилдилар қурбон.

Қандоқ чидаб бўлар бу разолатга,
Осмондан тушмаган қотиллари ҳам.
Ватан унсиз йиглар: қўйди уятга
Бағрим эмиб ўсган шу разил болам!

Не илож, улар ҳам ўз фарзандидир,
Кимга ҳам маломат қилади Ватан?!
Шунчалар тошбағир, шунчалар басир,
Туғилдийкан қайси шўрлик онадан.

Она сийнасини тилишга мойил,
Бундай касофатлар қачон туғилган?
Ота терисини шилишга мойил,
Кори қабоҳатлар қачон туғилган?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қурбонлар дардида юм-юм қуяр ёш,
Қотиллар доғидан кўздан тўкар қон.
Гул дея тутганинг чиқиб қолмиш тош,
Ўзингни айблама, Ватан — онажон!

* * *

Йўлбошчи номига учар мактублар,
Дунёнинг турфа хил давлатларидан.
Ҳамдарлик билдириб,
Дўстлар, маҳбублар,
Қабоҳат аҳлини лаънатлар эди.

Ватан қурбонларни бағрига олди,
Очиқ кетган кўзлар аста юмилди.
Ғаламислар эса гар тирик қолди,
Оламнинг лаънати ичра кўмилди.

ЎЗБЕКИСТОН

Тарихни, варақлаш фурсати эмас,
Ахир, ўз ўтмиши элга аёндир.
Бу кунлар қадрига ета олсак бас,
Истиқлол — бу Аллоҳ берган имкондир.
Майда туйғуларни улоқтир, ёндир,
Ўзбекистон, озод Ўзбекистондир.

Кўр бўлар кечаги кунни унутган,
Мардликнинг баҳосин билмаган басир.
Олов ичра ҳурлик байрогин тутган,
Мард инсонга меҳру садоқат арзир.
Мард элда мардларнинг қадри осмондир,
Ўзбекистон, озод Ўзбекистондир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буюк мақсадларни дилга этиб жо,
Халқи ғурурини байроқ қилган зот
Кўксини тоғ тутиб кезганда дунё,
Оламни маҳлиё айлади кушод.
Йўлбошчи билан халқ бир тану жондир,
Ўзбекистон, озод Ўзбекистондир.

Бас, тарих қукмини ўқиб улгурган,
Ғилдирак остига тош қўймоқ бекор.
Карвонга писандмас олисдан ҳурган,
Ортга чекиниш йўқ!
Қатъий бу қарор.
Тошкент фожиаси бир имтиҳондир.
Ўзбекистон, озод Ўзбекистондир.

Юртбоши номига ёғилар хатлар
Мамлакатнинг турли гўшаларидан.
Ватандан мосуво исқирт оқпадар
Сарсон кезар хориж кўчаларида.
Халқи севган султон бахтли султондир,
Ўзбекистон, озод Ўзбекистондир.

Номалар қатида изҳори диллар,
Сергак тепиб турар ёш авлод қалби:
— Сиз умид боғлаган қизлар, ўғиллар
Сиз бизни ҳеч кимга бермаган каби
Сизни ҳам бермасмиз-қатъий паймондир,
Ўзбекистон, бизнинг Ўзбекистондир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОТИМА

Қай касофат бўлса ёв
Туққан эли-миллат билан,
Номи чиққай эл аро
Минг қарғишу лаънат билан.
Гарчи Тошкент ларзаси
Дилларни доғлаб қийнади,
Ҳар жароҳат битгуси
Ўтган даму фурсат билан.
Чеккан озоринг элим,
Бағримни тилди бегумон,
Дардлашурга чорладим
Бир дам ширин суҳбат билан.
Эй Ватан, огоҳ эту,
Огоҳ тутиб тур ўзни ҳам.
Токи Ҳақ учратмагай
Қайтиб бу хил иллат билан.
Мен дилим очдим-да,
Тўкдим ҳар не унда борини,
Соқий, энди сенга гал,
Тўлдир қадаҳ ҳиммат билан.

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЖГА ЙЎЛ ОЛГАН ВАТАНДОШЛАРГА

Маккага йўл олган азиз юртдошим,
Муборак сафаринг бехатар бўлгай.
Қалбингга жойлашиб имон қуёши,
Биҳишт хуш атрига димоғинг тўлгай.

Оллоҳнинг уйида кечган ҳар лаҳзанг
Йилларча савобдай безасин умринг.
Шайтоний иллату гулув, васваса
Даҳшатдан чекинсин кўргач дил нуринг.

Асли жонинг тикиб худо йўлига
Шу қутлуғ сафарни этдинг ихтиёр,
Покликни нақш айлаб қайтгил кўнглингга
Умринг узун бўлгай, бахтинг пойдор.

Зотан, замонлару маконлар абад
Эзгулик, покликнинг эрур муҳтожи.
Халқ ахир кимдан ҳам кутарди мадад
Имон нурин сочиб турмаса Ҳожи?

Бобонг армони-ю
Отанг орзуси —
Муқаддас Ҳаж сари очган экан йўл.
Шу лазиз замонга шукр туйгусин
Дилда ардоқлагил ҳам фидоси бўл!

Муқаддас бир фарзни этурсан бажо
Даф қилиб тош отиб унда шайтонга.
Шайтон қавмидаги бир гуруҳ аммо
Бугун тош отмоқда Ўзбекистонга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Суханида Раҳмон, қонида шайтон,
Бад нусхага кийиб диндор ниқобин.
Мусулмонлик фарзин этишиб пайҳон
Тўсмоқчи бўларлар ҳурлик офтобин.

Ўшал безотларнинг қаттол қўлин ҳам
Синдирсин Ҳақ йўлда отган ул тошинг.
Ватан, эл дардига бўлолсанг малҳам,
Ҳажинг қабул, ўзинг табаррук, Ҳожим!

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТЎРТЛИКЛАР

Қорни очдан қўрқма, кўзи очдан қўрқ,
Қорни оч бир бурда нонга тўяди.
Кўзи оч касофат кўзин қилиб лўқ
Нон берган қўлингни ғажиб қўяди.

* * *

Севаман, деб ҳар кун такрорлаш мумкин,
Мумкиндир меҳрни айламоқ изҳор.
Менга меҳр қўй, деб, севгил, деб лекин
Тиз чўкиб юрмайди бирор эси бор.

* * *

Гоҳ осмондан келиб айлаб пўписа,
Элдан битта нодон иззат кутади.
Унга инсоф тилаб одамлар эса
Андишадан дардин ичга ютади.

* * *

Сенинг мақтовингга муҳтож эмасман,
Иғво, "миш-миш"ингдан чекмагайман ғам.
Худога минг шукр, дўстим эмассан,
Арзимайсан ҳатто ғанимликка ҳам.

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФЕРУЗАНИНГ ҚЎШИҒИ

Эй, багритош, ишончимни
Пайҳон қилиб кетган ёр,
Бир кун менинг соғинчларим
Кипригингни нам қилсин.
Сен-ку мени хор айладинг
Энди ўзинг бўлдинг хор,
Қайрилмасам, ажабланма,
Сенга ҳам алам қилсин.

Мендан алам ўтган эди,
Қандоқ бўларкан энди?
Бевафо ёр, наҳот Сизга
Энди қадрим билинди.
Алам қилсин, алам ҳиссин
Беқадрлар ҳам билсин!

Суйганларнинг туйғуларин
Топтаганлар хор бўлгай,
Ишқ гавҳари топталса ҳам
Топгай бир кун эъзозин.
Бу оламда вафодорлар
Бахти барқарор бўлгай,
Бевафо ишқ худосидан
Олгай охир жазосин.

Мендан алам ўтган эди,
Қандоқ бўларкан энди?
Бевафо ёр, наҳот Сизга
Энди қадрим билинди...
Алам қилсин, алам ҳиссин
Бевафолар ҳам билсин.

1999

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАВРЎЗ

Наврўз, хуш келибсан Ўзбекистонга,
Ташрифингга маҳтал боғу-бўстонга.
Юз йиллар қаҳратон қаъридан чиқиб
Баҳори гул очган ҳур гулистонга.

Бугунги алпона шиддатинг билан
Сенга зор заминни шошириб қўйдинг.
Дилларга бахш этган ҳимматинг билан
Илҳом чашмаларин тошириб қўйдинг.

Оҳ, қандай ҳузурбахш эркин эпкининг,
Димиққан кўкраклар тоғдай юксалмиш.
Сен тимсоли бўлиб зако эркининг,
Ватаним бағрида урмоқдасан ниш.

Зотан, эрку фикри муз қотган элнинг
Орзуманд дилига бахш этиб офтоб.
Гул очиб борурсан, лаҳзанг йилга тенг,
Сен билан ниятлар топажак руёб.

Майса гилам тўшаб қир-адирларга,
Боғларга кийдириб келин либосин.
Деҳқон ризқ сочади момиқ ерларга
Ҳар уруққа қўшиб орзу, ихлосин.

Ғазалхон жилғалар тоғлардан тушиб,
Бахш этар инсону заминга ҳаёт.
Наврўзим, сен боис тилларда қўшиқ,
Ҳур халқим ўзгадан кутмагай нажот.

Сен — ҳурлик тимсоли, ҳар нафасингда
Ўксик кўнгилларга қуйилар ғурур.
Истиқлол навоси янграр сасингда,
Ҳаётбахш наврўзим, сенга ташаккур!

2000

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҲИСОБ

(Шоир дўстим Гуломжон Акбаровнинг 60 йиллик тўйида деганларим)

Умрнинг баҳори — йигитлик фасли
Учрашдик умидбахш шеър гулшанида.
Муяссар бўлса, деб шоирлик васли
Бўлдик доноларнинг анжуманида.

Қирқ йилки, шу боғда кездик орзуманд,
Қирқ йилки, шу йўлда бўлдик ҳамқадам.
Кимдир писанд этди, кимдир беписанд,
Бизлар осойишта тебратдик қалам.

Эзгуликни кўрсак олам чароғон,
Мадҳ этдик бор имкон, бор овоз билан.
Гоҳо ёвузликдан булганса жаҳон,
Торлик қилиб қолди жонларга бу тан.

Омад келганида ҳаволанмадик,
Қисилмадик омад терс боққанда ҳам.
Ғийбат, бўҳтонлардан қилмадик ҳадик,
Нимадан ҳам чўчир хокисор одам?!

Тошдай бошларимиз юз ёққа уриб,
Талашиб юрмадик сохта мавқе, шон.
Ё бойлик кетидан елдай югуриб,
Ғурур бўстонини қилмадик пайҳон.

Гуноҳ эмас экан камтар яшамоқ,
Гарчи қуролмадик шоҳона қаср.
Бир қалбни ёритса биз ёққан чироқ,
Шуни қасрлардан билдик боқадр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишгол қилолмадик шеърият тахтин,
Лекин ўкинмаймиз, ўз сўзимиз бор.
Одамлар кўзига тик боқмоқ бахтин
Насиб этганидан хушнудмиз бисёр.

Шоир бўлолдикми, йўқми, ноаён,
Лекин яшаяпмиз шоирларга хос.
Дейдиларки, шоир сўзлари ёлгон,
Аммо, эл-юртига содиқлиги рост.

2000

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЕЛИНЛАРИМ

Ўғилларим юрагига
Қуёш бўлиб киргансиз,
Остонамдан орзумдаги
Қувонч бўлиб киргансиз,
Сизлар билан, Сизлар бўлиб
Ташриф этмиш фаришта,
Хизматингиз боис ҳовлим
Шому саҳар сариштa,
Келинларим, қизларимдай,
Ардоқли суюкларим,
Келинларим, онам каби,
Мунисим, буюкларим!

Субҳидамда офтоб Сиздан,
Ибрат олиб уйғонгай,
Сиз супурган кўчамиздан,
Ўтган одам қувонгай,
Тонг кўрк очар очиқ чеҳра
Хандон кулгунгиз кўриб,
Чарчоқ билмас, малол билмас,
Ёшлик туйғунгиз кўриб,
Келинларим, эпчилларим,
Хизматлари беминнат,
Сиздай дастёр ҳар бир ўзбек
Отасига хос ният.

Ўзга боғда унган ниҳол,
Гулдай нозик хилқатсиз,
Қарогимдай ардоқлагум,
Умрим каби қимматсиз.
Набиралар улгаймоқда,
Эмиб олов меҳрингиз,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар бирининг фазилати —
Сизнинг босган муҳрингиз.
Келинларим, ўзингиздай
Бўлгай ўғил-қизингиз,
Завол билмас оиламда,
Ёйилган илдизингиз.

Ҳар бирингиз диди баланд,
Қўли ширин пазанда,
Камтаргина дастурхон ҳам
Меҳрингиздан арзанда,
Қаттиқ нон ҳам болдай татир,
Чунки ёрдир аҳиллик,
Ҳар бирингиз Бибихоним
Янглиг ўктам, ақлли.
Келинларим, бу ҳаётдан
Топган бойлик, давлатим,
Тотувликдан қут, барака
Касб айлагай неъматим.

Хонадоним нуқсонларин
Ўз сиридай яширган,
Жиндаккина фазилатин
Дилдан қўшиб оширган,
Қўш қайнона танбеҳларин
Кулиб қабул қилгувчи,
Қовоқгирлик, гап ташишни
Ғайри одат билгувчи,
Келинларим, хуш одати
Элга ёққан қизларим,
Кўнглим тоғу бошим осмон
Сизга боққан кезларим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Исмингизни жисмингизга,
Монанд айлаб қўймишлар:
Моҳира деб юзингизнинг
Нурин ойга йўймишлар,
Чеҳрангизда гулни кўриб,
Атабдилар Гулчеҳра,
Нафисахон исми аро
Нафосатнинг нур, сеҳри,
Келинларим, ҳар бирингиз,
Бир мўъжиза, бир санъат,
Онангизга минг тасанно,
Отангизга минг раҳмат!

Хокисор бир хонадонда
Камол топиб борурсиз,
Ўғилларим айбин ҳатто
Мендан ёпиб борурсиз.
Бу ҳаётда ҳар бир ишнинг
Бордир ҳисоб-китоби,
Иншооллоҳ, Сизга ёрдир
Ҳалол хизмат савоби,
Келинларим, эрта-ю кеч
Шудир Сизга дуоим:
Ўзингиздай келин берсин
Сизларга ҳам худойим!

2000

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАҲБАР ХОДИМЛАРГА

Сизга осон тутар бедард кимсалар,
Ҳар бир қадамингиз этишиб тафтиш,
Қорнидан бошқани билмас хумсалар,
Қайдан билсин, сизни қийнар не ташвиш?!

Бирингиз ҳокимсиз,
Бирингиз раис,
Бировингиз вазир,
Бошқангиз саркор,
Бир хушнуд бўлсангиз, ўн бора маъюс,
Кифтда масъулликнинг тоғдай юки бор.

Юрак ва елкага шу юкни ортиб,
Енгил машинада ўтсангиз агар.
Изингиздан ҳасад тошларин отиб
Қулатгуси келар қай бир фитнагар.

Одамлар дардига ғарқ бўлиб кетиб,
Унутилар турмуш, оила ҳатто,
Ҳамманинг кўнглига йўл излаб бетин,
Рози қилолмайсиз кимнидир, аммо.

Ўшандай нусхалар омади чопмай.
Иши юришмаса сиздан кўради.
Бошқаси ҳаётда ўрнини топмай,
Сабабини Сиздан излаб юради.

Сиздан айб қидирар гоҳо қутуриб,
Келини вақтида туғмаганлар ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сиздан нолир ҳатто ўттиз йил бурун
Олган хотини қиз чиқмаганлар ҳам.

Баъзиси йўқ ердан топиб можаро,
Юзингизга сапчир жўжахўроздай.
Бир безот ўрнингиз қилади даъво,
Бошингизда бошқа кўргилик оздай.

Топишиб ганиму ғаламис каслар,
Тўқир шаънингизга турфа туҳматлар.
Бардошингиз метин бўлса ҳам агар,
Умрингиз емирар юмалоқ хатлар.

Ўша ёзувларнинг совуқ шамоли
Нурли шаънингизга солганда соя,
Гоҳо игвогарлар чиқарлар ғолиб,
Топилмай қолади Сизга ҳимоя.

Сиз ҳам бир бандасиз,
Бир тирик жонсиз,
Сиз ҳам битта нонга тўясиз ахир.
Маломатлар аро қолиб имконсиз,
Асал есангиз ҳам туюлгай тахир.

На чора шунақа яралмиш дунё.
Фарқ айламоқ мушкул яхши-ёмонни.
Суйган бандасига ул қодир Оллоҳ
Раво кўрар эмиш шу имтиҳонни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошга тушганини кўз кўрар
дерлар,
Бас, маҳкумсиз раҳбар деган жазога.
Эл юкин елкага олган мард эрлар
Нокаслардан кўра яқин Худога.

Сизга тўзим берсин,
Ғанимга инсоф,
Паноҳига олсин яратган Эгам.
Сиз тушган оловга беролсайдим тоб,
Балки, бу шеъримни ёзмасдим мен ҳам.

2000

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЯНГИ АСР ТОНГИ

Бақавли Лайлатулқадрни чорлаб,
Бедор кутдим аср илк тонг палласин.
Қуёш чиқиб келди уфқдан порлаб
Писанд ҳам этмасдан қишнинг чилласин.

Олтин нурларини сочиб заминга,
Нурафшон айлади жумла жаҳонни.
Шукр эт, етиб келдинг дея, шу кунга,
Меҳр билан қучди ҳар бир инсонни.

Ё Раб, бу манзара туюлди гўё
Янги аср учун қутлуғ башорат.
Энди қаҳратондан чўчима, дунё,
Оллоҳдан ёгмоқда сенга иноят.

Зеро, аср тонги қуёшли отди,
Зиё кириб борди дил, хонадонга.
Қаҳратон, зимистон қадрин йўқотди,
Ҳаётбахш ҳарорат қуйилди қонга.

Нур билан тўшалди башарнинг йўли,
Мунаввар орзулар чиққай рўёбга.
Ажабмас, ечилиб бандилар қўли,
Сўқир қалблар ошно бўлгай офтобга.

Қора кўнгилларга кириб борган нур,
Ажабмас, ниш ургай эзгулик бўлиб.
Ҳар дилни ёритгай эътиқод, шукр,
Эллар яшагайлар меҳрга тўлиб.

Унут бўлиб кетгай ҳасад, кин, ғараз,
Риё ва разолат деган каломлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авлодлар етилгай баҳодир,
қўрқмас,
Беҳадик кечгуси умр, айёмлар.

Мен қуёш томонга тик боқиб бу тонг,
Унинг ҳимматидан шу ҳисни туйдим.
Тонг мусаффо отса кун ҳам нурафшон,
Асрни эзгулик асрига йўйдим.

Эзгуликка макон жаҳон ичинда,
Турфа гуллар билан безанган бўстон
Ҳаваслар қўзгатур кўҳна очунда
Шул қуёш ўлкаси ҳур Ўзбекистон.

Сенга пешвоз чиқди нурли истиқбол,
Минг йиллик тонгида қуёшдай балқиб
Йўлинг ниятингдай нурафшон, ҳалол,
Сенга янги аср муборак, халқим!

Янги минг йилликка нур билан кирдинг,
Мен ҳам оташ меҳрим сенга атадим.
Ёрқин тонгда ёрқин илҳомлар бердинг,
Қутлуғ бўлсин нурли асринг, Ватаним!

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУРГУТАЛИ АКАНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Бу уй — соҳибининг бағри каби кенг,
Умрин мазмунидай дастурхон тўкин.
Туғилган кунидир Бургут аканинг,
Фақат бўш ўзи қўр тўккан шоҳ ўрин.

Йўқлаб келмиш уни дўстлар, шогирдлар,
Ёрқин хотиралар суҳбатнинг файзи.
Даврада олимлар, ҳофиз, шоирлар,
Дилкаш ҳазилларин ёдлаб, қўмсайди.

Жисман етолмади янги асрга,
Аммо диллардаги ҳурмати етди.
Мангу мерос бўлиб насл-наслга
Элга садоқати, ҳиммати етди.

Давра узра сузар жаннати руҳи,
Одамлар меҳридан бўлиб миннатдор.
Оқибат ёғдуси — эслаш шукуҳи
Англатар — келмабди дунёга бекор.

Бу дунё шунақа, ўзинг ўтсанг ҳам,
Асло унутилмас туғилган кунинг.
Ҳаётда, одамлар қалбида, ошнам,
Агар қолган бўлса меҳринг ва ўрнинг.

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЗИЛЗИЛА

Замин бир сесканди.
Бесабаб эмас,
Қайдадир рўй берди, демак, қабоҳат.
Ё ўрнин ҳасадга бўшатди ҳавас,
Ёхуд дўст дўстига қилди ҳиёнат.

Балки адолатсиз ҳукм ўқилди,
Эзгуликдан ғолиб чиқди разолат.
Не-не пок юраклар чоки сўкилди,
Ерни ҳам ларзага солди бу ҳолат.

Безабон она ер қаҳру ғазабин
Шу янглиғ силкиниб айларкан изҳор.
Бил, риё маскани эмас, деб замин
Эслатиб тургувчи Парвардигор бор.

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

РИВОЯТ

Бетиним айланар фалакнинг чархи,
Ўтиб бораверар фасллар, йиллар.
Беихтиёр айлаб ёшликнинг таркин,
Кексаяр инсонлар, шерлару филлар.

Алқисса, ўрмоннинг соҳиби Арслон
Жангу жадаллардан қуриб мажоли.
Овлоқ бир гўшани айлабди макон
Яшаш илинжида беташвиш, холи.

Эрта-кеч умрини ўтказар мудраб
Эрк бериб хотира, хаёлларига:
Не ёвлар қаҳридан кетганди путраб,
Дош беролмай ҳатто шамолларига.

Не-не разилларга келмади дучор,
Не-не муғомбирлар сирин очмади.
Чинқироқ итлар-ку бўлдилар тор-мор,
Маккор тулкининг ҳам кетди омади.

Музаффар умр ҳам топар якунин,
На ҳафсала қолди, на куч, на дармон.
Энди кутиб ётар интиҳо кунин,
Ҳар қалай, ишончли қўлларда ўрмон.

Ўтган умри учун шукрона айтиб,
Кўкатга бош қўйиб мудраркан Арслон,
Эндигина кўзи юмилган пайти
Бир ит ўтиб қолди гоҳ у, гоҳ бу ён.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ириллаган кўйи кузатди обдон,
Арслон ётар эди тамом бепарво.
Бу ҳолдан итлиги қўзгади чунон,
Улиб, вовуллади бузгундай дунё.

— Ҳа, Арслон, мард бўлсанг тур энди,
кураш,
Мендан не-не қашқир, итлар енгилган.
— Эй, ит, қўй, кўнглимга сола кўрма ғаш,
Бориб ёпишавер, сен ўз тенгингга.

— Аҳа, голиблардан қўрқасан чоғи,
Ёшликда филнинг ҳам оёғин қопдим.
Бўриларга туташ уруғ-аймоғим,
Энди курашмоққа мен сени топдим.

— Ўзингнию, мени қилма овора,
Итсан, итлигингча қолганинг маъқул!
— Тур, мағлуб бўлишдан қўрқма, бечора,
Менинг қудратимни кўриб қўй бир қур!

— Сендан енгилмоқ-ку қўрқитмас мени,
Бурдалаб ташлашга келади қурбим.
Ҳаётда ҳар жонзот билсин ўрнини,
Ахир ўйласанг-чи, сен киму мен ким?

* * *

Қиссадан ҳисса шу: Итга тенг бўлиб
Шаънин бугламоқни истамас Арслон.
Демак, андишани қўрқоқлик билиб,
Итнинг қилиғини қилмасин инсон.

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

АДИБ ТАҚДИРИ

(Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад достони)

МУҚАДДИМА

Қаҳрамонлик надир?
Маккор ёв ногоҳ
Ҳужум бошлаганда тикмоқликми жон?
Ё халқини этиб хатардан огоҳ,
Кўкрагини тутиб бўлмоқми қалқон?

Ҳаётин қолдириб қилич дамида
Ҳақиқат кўзига тик боқмоқ, балки?!
Ўзидан воз кечиб, халқнинг ғамида
Зулмат аро битта шам ёқмоқ, балки?!

Балки бир ўксик жон йиглаб турганда
Бир ширин сўз билан бермоқ тасалли?!
Балки фурсат топиб ҳолин сўрганда
Яшашга чорламоқ навмид касални?!

Қаҳрамонлик учун мезон турфадир,
Ҳар қадамда мардлик содир бўлади,
Гоҳо битта ҳақ сўз умрга татир,
Битта қалтис ишдан шаънинг сўнади.

Ўлиб кетмоқ мумкин бир ўққа учиб,
Бир ноўрин сўз деб отилмоқ мумкин.
Ганим қармоқ солса алдоққа учиб,
Хиёнатга ботиб сотилмоқ мумкин.

Дўстини сотади асли зоти паст
Жонин бир лаҳзалик роҳати учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Устозини сотар кўрнамак нокас
Сохта мақтовлару шуҳратга учиб.

Мард ўғлон гаровга қўйиб жонини
Ўз эли шаънини қилса ҳимоя,
Номард аҳли ютиб йўқ имонини
Ганимга эргашар мисоли соя.

Онасидан тониб, Ватандан тониб,
Бегона юртлардан қидириб паноҳ,
Гадодай бир бурда нонга зор қолиб,
Умрини саргардон ўтказар гумроҳ.

Ҳаёт сийласа ҳам, берса ҳам азоб
Ватан — Ватан эрур,
Она онадир,
Бир бошда тақдирнинг кори беҳисоб.
Қай безот азобда юртдан тонадир?

Бошга иш тушганда элга суяниб,
Муқаддас Ватанга сақлаб садоқат —
Саид Аҳмад бўлиб яшамоқ ёниб
Асл қаҳрамонлик, айни жасорат.

САИД АҲМАД:

Зулматлар ичида қолса қисматим,
Ёғду истадим.
Туҳматлар ичида қолса қисматим,
Кулгу истадим.

Багрим эзилганда кулфатлар аро,
Қувонч истадим.
Хўрлик ҳар қадамда келса рўбарў,
Юпанч истадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наҳот, бу оламга келаркан одам
Минг азоб учун?
Бақога қайтгунча яна фанодан
Изтироб учун?

Эҳтимол, шунданми кўз очган лаҳза
Чинқириб йиғлар?!
Бас, яшаш юкини кўтаролмаса,
Келиб не қилар?!

Умр нима ўзи?
Бир чимдим кулгу
Туғилмоқ ва ўлмоқ оралиғида.
Ҳеч бир жон, ҳеч нарса эмасдир мангу,
Ҳаёт ҳар сония шамшир тиғида.

Шу тиг тортилгунча ўтган фурсатда
Ҳалол тура билмоқ улкан жасорат.
Имонинг пок бўлса, ҳатто кулфатда
Оғритмас қалбингга етган жароҳат.

Агар қаҳқаҳамга тўлса чорбоғим,
Агар тарк этмаса лабимни кулгу,
Шу қаҳқаҳа аро дилдаги доғим
Ва кўз ёш ўрнида тўкилган инжу.

Кулиб йиғлаганман ва йиғлаб кулдим,
Болалик, йигитлик, балоғат фаслим.
Етмиш бир ёшимда қайта туғилдим,
Доғдан халос бўлди насабим-наслим.

Эҳ-ҳе, ўшангача кечган умримнинг
Ҳар куни бақавли кулгули достон.
Бир бор ширин кулсам,
Аччиқ кулдим минг
Хандаларим аро дардларим пинҳон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ватаним ҳурликка эришган куни
Менинг таржимаи ҳолим бошланди.
Тарк этиб босириқ тушли уйқуни
Илк бора қувончдан кўзим ёшланди.

ШОИР:

Оқсоқол ўрнидан вазмин қўзғолиб,
Оҳиста қадамлаб чиқар чорбоққа.
Ғайрат зўру борар қувватдан қолиб,
Ҳатто гугурт чақмоқ малол ўчоққа.

Ошхўр улфатлар ҳам сийраклаб қолди,
Қон босими баланд,
Ҳазми қийинроқ.
Қўлма-қўл пайтдаги қадри йўқолди,
Касод бўлиб турар косову ўчоқ.

Палов емаса ҳам бақувват даҳан,
Ойна каби тиниқ хотиралари.
Дилда элга айтар гапи бор экан,
Тарк этмагай илҳом аталган пари.

Қани энди худо лутф айлаб бир бор
Эллик йил орқага қайтарса умрин.
Кўрсатиб қўярди ишлашни такрор.
Эллик йил... Дарвоқе...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЛЛИК ЙИЛ БУРУН

— Отанг халқ душмани, ё тонасанми?
— ...
— Аканг халқ душмани, ўзингга аён.
— ...
— Гапир, душманлигинг тан оласанми?
— ...
— Илоннинг боласи барибир илон... .
Олиб чиқ!

Яна зах камера ичра,
Хаёлда чизади терговчи расмин
(Кимнинг иродасин этмоқда ижро,
Инсон унинг учун беқадр хасми?)

Фашистдан баттарроқ совуқ башара
Азроил турқини эсга солади.
Ўликхона каби бадбўй камера,
Бетон жон-жонингни сўриб олади.

Кунлар бардошингни қилар имтиҳон,
Туҳмат ва риёга кўнармикансан?!
Собит қолармикан эътиқод, имон,
Ва ё найрангига унармикансан?!

Сўнгги нафасгача лафзингда туриб,
Қилурмисан виждон поклигин исбот?
Сендан голиб чиқиб ҳийла ва фириб,
Олиб қолмасмисан "сотқин" деган от?

Хўш, кимга хиёнат қилган бўласан,
Она — Ватангами,
Ёки халқингга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баски, Ўзбекистон сенга чин
Ватан,
Ўзбеклар туғишган азиз халқ сенга.

Уларга сен нечун қилгунг хиёнат
Сен уларга қандай бўлурсан душман?
Бу қандай разолат,
Қани диёнат?
Наҳот, бу терговчи Миррихдан тушган?

Бу қандай тергову,
Қандайин усул?
Арзинг тинглагучи бир зот бўлмаса?!
Ўзинг асра Худо,
Мадад бер, Расул,
Бир бандага мунча бедод бўлмаса?!

* * *

Тонг отар, кун ботар,
Йўл ўша-ўша:
Захлаган камера-тергов хонаси.
Савол ўша-ўша,
Ўша томоша,
Додлаб юборгудай инсон боласи.

Тун оғиб бормоқда.
Сархуш терговчи,
— Айт, — дер, — оласанми бўйнингга
айбинг?
(Маҳбус ҳеч кўрмаган бундай эговни,
Уйқусиз кўзларин ўқдай қадайди).

www.ziyouz.com kutubxonasi

Терговчи столни муштлаб бақирар:
— Жисминг чиритаман ёлгиз хонада.
— Сен айт, айбим нима,
Топган бўлсанг гар...
— Тузумни булғадинг пана-панада,
Аксилинқилобий гапларни айтиб,
Одамлар онгини заҳарлагансан.
Халқ душмани бўлган шоирлар байтин,
Ўқиб, ғоямизни пучқоқ — дегансан.
— Бу бўҳтон, бу туҳмат?
— Латифалар-чи?
Тагдор латифалар тўқиган сенми?
Хориж журналидан саҳифаларни,
Йиртиб олиб элга ўқиган сенми?
— Чет тилни билмайман...
— Гап тамом!
— Туҳмат!
— Тонма, ҳамкасбларинг беришган
сўйлаб.
Уларнинг қилмишин сен ҳам очиқ айт.
Шунда гуноҳингдан кечаман, ўйла!

Ҳали у адибу ҳали бу шоир
Номларин атади сўкиб, лаънатлаб.
Уларнинг "душманлик иши"га доир
Кўргазма беришни қиларлар талаб.

Яъни ўз жонини сақламоқ учун
Дўстга туҳмат қилмоқ йўлига бошлар.
Бошидан муздай сув қуйгандай чўчиб,
— Мен сотқин эмасман! — бақириб
ташлар. —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нечун дўстларимни сотайин сенга
Халқини сотмасми, дўстни сотганлар?
Мен муҳтож эмасман илтифотингга
Отсанг мени отгил айбим бўлса гар!

— Шошилма, отишга улгурамиз ҳам,
Сендай қайсарларнинг кўпин отганмиз, —
Ноилож гўлдирар бошин қилиб хам.
— Олиб бор, эсини йиғсин бетамиз.

ШОИР:

КГБ аталмиш бу сирли даргоҳ
Тузум қиёфасин қилар ифода.
Айбсизлар бўйнига илингай гуноҳ,
Қонлар кемирилар, синар ирода.

Шунда синдирдилар ўчкор Чўлпоннинг
Пўлатдай тобланган иродасини,
Шунда сўндирдилар норгул Усмоннинг
Қалбидан отилган оташ сасини.

Ватаним ҳур бўлмиш дея алданиб,
Хориждан юртига қайтган мўйсафид —
Мулло Сўфизода Муҳаммадшариф
Шу даргоҳ пойида этилди шаҳид.

Шунда Қодирийнинг калтак зарбидан
Пажмурда гавдаси бўлди лоларанг.
Пурҳикмат Фитратнинг ўтли қалбидан
Суғуриб олинди эрксевар оҳанг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барига бир хилда тамга босилган:
Яъни "халқ душмани", "Ватан хоини".
Бирови отилган, бири осилган,
Ҳа, шу даргоҳ сўрган барин қонини.

Улар душман бўлса,
Халқнинг ўзи ким ?
Наҳот, фарзандига кушанда махлуқ?!
Ахир, бу дардларга борми бир ҳаким,
Наҳот, сўрашга ҳам бўлмаса ҳуқуқ.

Халқини ҳур кўрмоқ орзуси агар,
Ватанининг озод бўлмоғин қўмсаш,
Эркин нафас олиш туйғуси агар,
Душманлик аталса,
Бу қандайин кашф ?

"Доҳийлар"нинг ҳурлик ваъдаси қани?
Қани шиорларнинг "руҳбахш қудрати".
"Улуғ ғоя"ларда борми ҳеч маъни,
Зиндонга солинса инсон фикрати.

Биласан на йиглаш, на кулишингни,
Бу қандай кўргилик, қандай синоат?
Қўрқувдан кемирса эту ичини
Дунёни даҳшатга солган салтанат.

Бир бутун жамият восвосга ўхшаб
Титраб турса ўзин ҳар аъзосидан,
Одамлар душманлик қидирса қақшаб
Қариндош уруғу дўст-ошносидан.

Демак, салтанатдан кетибди путур,
Демак, жамиятни даволаш лозим.
Бундай жасоратга ким ҳам жазм этур,
Кимнинг ақли етгай, кимнинг овози?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХАЁЛИЙ УЧРАШУВ

— Ассалом алайкум, Аҳмадхон ака!
— Саида, бу ерга ким қўйди сани?
— Йўлим тўсадиган ўша ким экан,
Соғиндиму ўзим келдим кўргани.

Соғлигингиз қалай, озиб кетибсиз,
Кўзларингиз жуда қолмиш киртайиб.
— Ўзингдан гапир-чи,
О, бечора қиз,
Порлоқ тақдирингни қилдимми майиб?

— Нега ундай дейсиз, менинг қисматим
Сиз билан боғланган, минг бор розиман.
Умрим бўйи сезмай Сизни истадим,
Бахтли қилолдимми Сизни ўзи ман?

— Мен сени бахтга ёр қилмоқчи эдим,
Ўзим бахти қаро бўлиб ётибман.
Ўкинмаяпсанми? Билмоқчи эдим.
— Ўкинчмас, шубҳалар ичра ботибман...

Оёқ узиб қолди ёру дўстлар ҳам,
Кимга ишонишни билмай ҳайронман.
Бугун пўрим раис бўлдию ҳакам
Союздан қувишди.
Шундан нолонман.

— Наҳотки?! Сабаби нимайкан?
— Сизни
Халқ душмани дея қилди ҳақорат.
— Эҳ, аттанг! Ўшандоқ шоиримизни
Фитналар домига тортмиш, ниҳоят.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахир биларди-ку сафдошларининг
Босган қадамию олган нафасин.
Гуноҳкор этсалар касбдошларини
Рози бўлаверса чиқармай сасин.

Балки ҳимояга отланмоқ учун
Монелик қилгандир катта мансаби.
Эҳтимол, сиқувлар кўрсатиб кучин
Тўғри айтасиз, дер Афанди каби.

Ҳар қалай шоирда бўлади инсоф.
— Қўйинг, сиз оқламанг...
— Ҳа, ҳа, сен инон,
Буларнинг корига беролмагай тоб,
Кимга ширин бўлса мансаб ёки жон.

Кеча Ёнғин билан юзлаштирдилар,
Баттол бошин уриб ёргудай бўлди.
— Нега? Наҳот, уриб азоб бердилар,
— Ношудлигин сезиб аламга тўлди.

Билмадим, нималар ваъда қилишган,
Менга, бошқаларга қўймишлар қайраб.
Жон ширин кўриниб ҳар бир танишга
Бўҳтон ёғдирибди тўтидай сайраб.

Ўшандай ғариблар кўргазмаси, деб
Қай бир камерада Шуҳрат азобда.
Қайдадир Шукрулло ётар қамалиб,
Ҳамид Сулаймон ҳам минг изтиробда.

Багримни эзади фариштамонанд
Устоз Шайхзоданинг қамалганлари.
— Кеча уйларин ҳам қилиб олди банд
Ўша сиз оқлаган "Союз" раҳбари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аттанг!!! Чакки бўпти буниси энди,
Қай юз билан қарар домла чиқсалар.
— Уятсизлик роса авжига минди,
Уялмас эканлар қўрқоқ кимсалар.

Ё эрингдан тонгин,
Ёки биздан кеч, —
Дея Милчакови оёқ тиради.
Бундай разилликни кутмагандим ҳеч!
— Не тонг, кўп сийланган ит қутуради.

— Шундай жавоб қилдим қутурганларга:
Кечаман "Союз"инг берган хужжатдан.
Бош эгиб тузлиққа туфурганларга
Тонмасман эримдан, пок муҳаббатдан.

— Раҳмат, миннатдорман сендан Саидам!
— Йигламанг, чорасиз ғаним йигласин!
— Дилим йигласа ҳам, тош қотди дийдам,
Жондан ўтиб кетди судраб қийнаши.

Уёқда нима гап?
— Таҳлика, ғулув,
Ҳамма бир-бирига боқади ҳуркиб.
Ҳар кеча кимнидир қамашади-ю
Қўшнилари яшар баттарроқ қўрқиб.

"Ўзбекистоним" деб ёзган ўлани
Туфайли бошида ёнгоқлар чақиб,
Гўдакдай беозор Туроб Тўлани
Ишдан ҳам бўшатиб, қилурлар таъқиб.

Нима бўлганда ҳам, биз очиқдамиз,
Амаллаб турибмиз бир кунимизни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзингиздан сўйланг, бирор бетамиз
Уриб майиб қилиб қўймасми Сизни?

— Кошки, урса эди, ишлатса, кошки,
Мундоқ чиқармидим ёруғ дунёга.
Розиман кемирсам ҳаттоки тошни,
Ташна бўлиб кетдим нурга, зиёга.

Туни билан сўроқ, бир пас ухлашга,
Имкон бермайдилар то тонгга қадар.
Хаёлда йўқ гаплар тегади гашга,
Терговчини кўрсанг, совуқ нақадар.

Кечир ҳасрат халтам очилиб кетди.
Ойим бечоранинг аҳволи нечук?
— Дуруст. Кеча Сталинга яна хат битди,
Ёлбориб: ўғлимнинг гуноҳин кечинг!
— Тавба, етармиди хати уёққа?

* * *

— Маҳбус Ҳусанхўжаевни сўроққа...

СИЁСИЙ МАҲБУСЛАР

Олис Жезқозгоннинг Петпакдаласи.
Сиёсий махбуслар лагери бунда.
Хас каби беқадр инсон боласи,
Бош кўтарса кутар бир ўқ ё кунда.

На суд, на айбловчи, ва на ҳимоя
Барига "Тройка" чиқарган ҳукм.
Изида соқчилар мисоли соя
Гўё сотиб қўяр Давлатни маҳкум.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўт тушса бўлмасми бундай тузумга,
Ким уни сотару ким ҳам харидор?
Кўз илгамас қафас — социализмга
Душман аталганлар ҳайрону абгор.

Анов чол умрида сиёсат нима,
Давлат ўзи нима, қизиққан эмас.
Анов бола солар қандай ваҳима,
Унга қиз қўлин бир ушламоқ ҳавас.

Нариги бечора деҳқон фарзанди
Тўрт йиллик урушда кечиб келган қон.
Кеча жангчи эди, бугун-чи банди,
Унда не гуноҳу
Ундан не гумон?!

Қорин тўйдирмоқдан ўзга ғами йўқ
Шўрлик меҳнаткашнинг айби нимадир?
Ишлашдан бошқага топмаган ҳуқуқ
На зарра бахт топган, на зарра қадр.

Давлат тўнтариши уёқда турсин,
Маҳалла раисин танимас ҳатто.
Бир амаллаб ўтган "ЧСБ" курсин,
Насабин ёзса ҳам қилади хато.

Шулар орасида Ҳусанхўжаев —
Уч-тўртта китоби чиққан ёш адиб.
Гоҳо хуноб бўлар ич этини еб,
Баъзан мийигида қўяди кулиб.

Мухбир бўлиб кезган халқ орасида,
Бунёдкор меҳнатни ёниб мадҳ этган.
Водийларни жойлаб кўз қорасига,
Турфа рангда диёр васфини битган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Борингки, ёзувчи фикрловчи зот,
Дунёни бошқача кўргиси келар.
Инсон яшасин дер юртида озод,
Орзудай жамият қургиси келар.

Валекин ақлига сиғмаган асло
Буюк салтанатдан юртни ажратмоқ.
Бўгзидан олгунча даҳшатли риё
Ҳамдам бўлган қалам, қогозу бўёқ.

Бугун Петпакдала тутқунгоҳида
Кўриб қисматдошлар аҳволи зорин,
Бошида бир чақмоқ чақар гоҳида,
Оташли бир исён қуршайди борин.

Ҳурлик деб хўрликни олиб келмишлар,
Зиё деб зулматга қилмишлар дучор.
Тафаккур чаманин пайҳон этмишлар,
Ҳақ ва адолатга йўл бермай зинҳор.

Қўшнини қўшнига айғоқчи қилиб,
Дўстлар орасига раҳна солмишлар.
Сукут сақлаганни писмиқ ёв билиб,
Сўзлаганнинг тилин юлиб олмишлар.

Она — Ўзбекистон, менинг жисмимда,
Билсамки, бугун Сен тутқун ва банди.
Жудо бўлмоққача келдинг исмингдан,
Алданиб қўл-оёқ, фикринг боғланди.

Фарзандларинг тонсин дину тилидан,
Унутсин ҳаттоки насабин наслин.
Ана шундай безот каслар хилидан
Иборат экан бу тузумнинг асли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимга айтиб бўлар бу дардни ёраб?!
Тутқунхонада ҳам кўпдир айғоқчи.
Йиллар ўтаётир кун, ҳафта санаб,
Алмашиб турибди бошлиқ ва соқчи.

Ҳамма аламини ичига ютган,
Иродаси мўртлар таслим қилар жон.
Бир кун озод бўлмоқ орзуси билан
Барча ситамларга чидаркан инсон.

* * *

Ногоҳ бешинчи март тонготарида
Миш-миш тарқаб кетди бўлмалар аро:
— Сталин ўлибди!
Хуш хабар эди.
Воқиф эмас эди ҳали фуқаро.

Ажал ёвузликдан келди, деб ғолиб,
Маҳкумлар қувониб ичдан кулсалар,
"Энди нима кечар салтанат ҳоли?"
Ташвишга ғарқ бўлган оми кимсалар.

Ҳа, доҳий ўлдию, гўё у билан
Зулм ва ҳақсизлик, разолат ўлди.
Кунлар, ойлар ўтиб, турмаларда ҳам
Адолат насими эсгандай бўлди.

Гўё иш тутилди ҳур давлатга хос —
Сталин, Берия ноҳақ топилди.
Минглаб маҳкум бўлди кишандан халос,
"Халқ душмани" деган ишлар ёпилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунёга таратиб ҳайю айҳаннос,
Тузум янги шакл касб этар эди.
Ҳазрат Навоийга айласак қиёс:
"Олтин қафас ичра гул битар" эди.

ҚАЙТИШ

Сиҳатгоҳ эмас-да турма дегани
Териси ёпишиб этсиз суякка,
Она Тошкентида юраги ёниб
Вагондан сакради Аҳмадхон ака.

Кўксини тўлдириб оларкан нафас,
Кўзларидан дув-дув тўкилди ёши.
Муҳаббатин изҳор айлади бесас:
— О, менинг ҳузурбахш, ҳаётбахш
Шошим!

Мана, багрингдаман, худога шукур,
Пок ўстирган эдинг, покман умрбод.
Туҳмат, хусуматлар этса-да таҳқир,
Юқтирмадим сенинг шаънингга иснод.

Куйчи фарзандингни хизматингга ол,
Кўрку тароватинг куйлаб ўтайин.
Ҳатто дашномингни кўрмасман малол,
Ҳар бир юмушингга елкам тутайин.

Сенга бағишланган қўшиқларим кўп,
Нафасим етмаса, сўйлай ҳикоя.
Багрингдан айирма, тупроғинг ўпиб,
Умрим қучоғингда топсин ниҳоя.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенга муҳаббатим — элга меҳримдир,
То тирикман унга содиқ қоламан.
Меҳр ўргангандим,
Энди бир умр
Озодлик илмидан сабоқ оламан.

* * *

— Соғ-омон қайтдингми, Аҳмадхон, болам,
Дийдорингни насиб этди-я худо!
Ҳаллослаб, кўзидан қуйилиб жола,
Мушфиқ она бўлди қошида пайдо.

Қоқсуяк жисмини бағрига босиб,
Киртайган юз-кўзин ўпиб дам-бадам,
Отаси тирилиб келгандай шошиб,
Унутиб қўйганди ўзлигини ҳам.

Беш ойлик висолнинг ўтли тотига
Беш йил азоб билан бадал тўлаган,
Тимсол бўлиб аёл садоқатига
Саидахон келар кўкси ҳўлланган.

Кичрайган шундоқ ҳам ихчам жуссаси,
Гул билан беллашган ранги синиққан.
Аммо шижоатли нигоҳи, саси,
Ҳижрон оловида ишқи чиниққан.

Икки азиз бошни силаб, ардоқлаб
Қадам босар экан остонасидан.
Ҳувиллаб қолган уй кетди чарақлаб,
Афзал эди шоҳлар кошонасидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ахир, унга беш йил мадад бахш этган
Шу икки хилқатнинг дуосимасми?
Эзгу ниятларни хатга нақш этган
Ҳам умидвор кутган шулар эмасми?

Шу икки мунис жон ҳаққи-ҳурмати,
Ҳарки истакларин айлайин бажо.
Аёл сиймосида — Ватан сурати,
Унинг бахти учун жоним ҳам фидо.

* * *

Тинглаб онасининг мунгли ҳасратин,
Саиданинг дардли ҳикояларин,
Алғов-далғов бўлар яна фикрати
Ўйлаб коммунизм пуч ғояларин.

Эртадан кечгача бахтни куйлаган
Ватан — мустамлака, эл бўлса қарам.
Бошидан айрилса буни ўйлаган
Қайдан бўла олсин инсон мукаррам?!

Наҳот, эргашгани пир деб сиғиниб,
Ғафур Ғулом сезмас бу фожеани?
Ойбек бехабарми?
Қаҳҳор тиғини
Нечун урмас ахир, жасорат қани?

Э, тўхта, ўзинг-ку кўтармасдан бош,
Ҳатто бир сўз демай бўлдинг гуноҳкор.
Буюк устозларда буюкдир бардош,
Сатрлари аро пинҳон армон бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар халқ дардини гулларга ўраб
Асрий орзуларни куйлаётирлар.
Айғоқчиларга ҳам гоҳо бериб чап,
Ёруғ кун келишин ўйлаётирлар.

Сен-ку чиқиб келдинг турмада ётиб,
Улар бутун умри ўтар қийноқда.
Шаккоклик қилмагил, гуноҳга ботиб,
Ҳали сен қайдаю
Улар қаёқда?!

Йўлларинг мунча ҳам олис ва қалтис
Инсон эркинлиги аталгувчи бахт?
Қачон кашф этаркин бандаи ожиз,
Мунчалар сирлисан, олий Ҳақиқат?!

ШАЙХЗОДА САБОҒИ

Умрнинг беш йили ўтди бесамар,
Бу бедодлик корин ким айлагай шарҳ.
Не билан қопланур бу мажҳул зарар,
Адиб шому саҳар хаёлларга ғарқ.

Қўл ишга бормайди, калава учин
Тополмай қийналар юраги пора.
Устозлар, ёр-дўстлар сўрашар, нечун
Овозинг чиқмайди, шунча кун, қара...

Чорлайди дарёдил Ғафур ал-Ғулом,
Хўш, Бурунбой, — дея сўрайди ҳисоб.
Бир сўзга бир олам маъно этиб жам,
Қаҳҳор "ишлагин" деб айлайди хитоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нимани ҳам ёзсин?
Тортган азобин
Халқига ёзсинми қилиб дастурхон?
Нечун эсга олиш эл изтиробин
Таскин топмади-ку ҳали кўп инсон.

Ногаҳон "Союз"да бир йиғин бўлди,
Келдилар қамоқдан бўшаганлар ҳам.
Сийраклашиб қолган зал қайта тўлди,
Йиғилди саргузаштталаб кўп одам.

Ноҳақ жабр кўрган аламзадалар
Бир-бир кўтарилди очиқ минбарга.
Ҳар кимнинг талаби ҳар хилдир, магар,
Кўплар жазо сўрар қаматганларга.

Бири титраб-қақшаб, бирови йиглаб,
Гўёки мажлисдан олар аламин.
Сўнгида Шайхзода — донишманд,
кенгқалб
Чиқдию кўтарди аста қаламин.

У на аламини сочди бировга,
На биров шаънига айтди қўпол сўз.
Айлантирмай шоир тилин эговга,
Юксак истеъдодин қилди боз кўз-кўз:

— Дўстларим, мен чиқиб келгандан буён
Бир достон битувдим.
Изн берсангиз,
Ўқиб бермоқчиман, (ҳамма лол, ҳайрон)
Нашрга топширгум маъқул кўрсангиз.

"Тошкентнома" янграр, ҳамма тин олиб,
Эриб ўлтирарди шеърнинг сеҳридан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Табаррук пойтахтнинг кўрку
жамоли
Очилиб борарди шоир меҳридан.

Мажлис аҳли тинглар сукут, ҳайратда
Юксалиб борарди шоир дам-бадам.
Меҳр шунчалик ҳам бўларми катта,
Шунчалик ҳам буюк бўларми одам?...

Сўнгги мисралари интиқ қалбларнинг
Олқиш, қарсагига кўмилиб кетди.
Устоз очиқ қолган қанча дафтарни
Тўлдиришга шу кун илҳом бахш этди.

Руҳбахш дастур мисол устоз сабоғи
Барҳам берди гина-кудуратларга.
"Тошкентнома" бўлиб адиб маёғи
Чорлади ижодга, йўлга, сафарга.

Пойтахт ҳақидаги оташин қўшиқ
Ифтихор бахш этар ҳар бир ўзбекка.
Халқ меҳрини шоир куйлабди жўшиб,
Яъни йўл очибди ғурур, ўзликка.

Демак, халқ ғурурин уйготмоқ учун,
Лозим экан унга тутқазмоқ кўзгу.
Ўзи ҳис айласа қудрату кучин
Бир кун денгиз каби тўлқинланар у.

Шонли тарихидан туйиб ифтихор,
Эга бўлмоқ истар ўз ватанига.
Шунда қарамликни англагуси ор,
Ворис бўлар буюк зотлар шаънига.

Узун кечаларни тонгларга улаб
Қайта топди ижод ва мақсад йўлин:
Бири — ўз халқини, севиб улуғлаб,
Бири — кулгу билан кўтармоқ кўнглин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР:

Кулишни билмаган — йиғлашни билмас,
Икки ҳисдан маҳрум сўхтадир, аён.
Ҳаётга чуқурроқ кирмоқ керак, бас,
Инсоннинг олами унда намоён.

Шу турфа оламни кашф айлагали
Адиб жўнаб кетди дала — тузларга.
Ажиб ҳикоялар келган маҳали
Байрам бўлар эди содиқ дўстларга.

Ишга тушиб кетган шимариб билак,
Ҳар ҳафта бир мактуб битарди адиб.
Одамлар дунёсин очиб, шу билан
Ўзини қайта кашф этарди адиб.

... Мана жавондаги жилд-жилд китоблар
Инсонга муҳаббат билан йўғрилган.
Димиққан хонада эмас, йўқ, булар
Йўлларда, чўлларда туғилган.

Ана "Уфқ" — мисоли Ватан тарихин
Нақшинкор бўлаги, дардли бўлаги.
Инсон тақдирининг рангдор таърифи,
Гўё уриб турган ҳаёт юраги.

Турфа ҳикоялар жиддий ва ўйчан,
Замон ҳар бирига босган муҳрини.
Тасвирлаб беради синовдан ўтган
Замондош бардоши, қаҳри — меҳрини.

Бошига не кунлар солса ҳам тузум,
Чин инсон қолади инсонлигича.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жанг чоғи номардлар кетсалар тўзиб,
Мардлар қолаверар ўғлонлигича.

... Ана ҳангомалар — ҳажву хандалар,
Асл ўзбек доим кулгуга мойил.
"Келинлар" дунёни кезиб, бу сафар
Ишчан Амриқони қолдирди қойил.

Демакки, кўкракка муштлаб, ваъз айтиб
"Ватаним, халқим" деб юргандан кўра,
Унинг фазилатин, келганда пайти
Намойиш айламоқ афзал минг карра.

Мана "Йўқотганлар ва топганларим"
Армонли қўшиққа қувонч омухта.
Устозлар руҳига дуо ва таъзим,
Шогирдларни чорлаш ёрқин уфққа.

* * *

Истиқлол — бедардлар ўйлаган каби
Эмасдир осмондан ёғилган чалпак.
Бу мазлум ўзбекнинг асрий матлаби,
Оғир йўлларини лозим шарҳламак.

Ўн йилки, оқсоқол фикрни қайраб,
Шу йўлни тасвирлар ҳикояларда.
Гоҳо далаларни кезади яйраб,
Бугуннинг нафасин тўкар дафтарга.

Вазмин қўзголади ўрнидан адиб,
Эҳтиёж сезилар баъзан асога.
... Машинка чиқиллар, боз руҳга тўлиб,
Меҳнат айланади гўё давога.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навоийни эслаб пичирлар лаби:
"Азизим, дунёга бевақт келибмиз!"
Бугун туғилганлар йигитлар каби
Саксонда ҳам норғул бўлишар шаксиз.

Шулар билан бирга кексайсам эди,
Ватан ўзимники, осмон бегубор,
Энди яшамоқнинг фурсати келди,
Аммо боз саксон йил яшашим душвор".

Оқсоқол кўнглидан кечган туйғуни
Ёнган кўзларидан сезаман доим.
Ўзинг дилга солган порлоқ орзуни
Ўзинг ушатақол, қодир Худойим !

ЙЎҚЛАМАГАН ҲАР КУНИНГ...

Чорак асрдирки, йўқсан ёнимда,
Сенсиз ўтдим умрим чорак асрини.
Исминг тилимда-ю, ишқинг жонимда,
Кўрмайсан умримнинг тўкин фаслини.

"Умр йўлларимнинг содиқ ҳамроҳи",
Наҳот, ярим йўлда қолдириб кетдинг.
Шерик эдинг кўкка ўрласа оҳим,
Қувонч келгунича нечун тарк этдинг?

Сенсиз кирдим олтмиш, етмиш ёшга ҳам,
Турфа унвонларга бўлдим сазовор.
Ёлғиз Нодирамиз бахт топди бекам,
Набиралар камол касб этар қатор.

Дердингки, "Хўрликка кўникиб қолдик,
Ажабланмай қўйдик камситишларга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Сўқмоқлар" туфайли тўқмоқлар
едик.
Беписандмиз энди ғам-ташвишларга.

Саломатлик бўлса, омон бўлса бош
Бир кун қадримизга етади замон".
Тегай деганида елкага қуёш
Сен дорулбақони айладинг макон.

Каттариб бормоқда ёшимиз фарқи,
Мен саксон бирдаман,
Сен — эллик бирда.
Ҳамон ўша-ўша меҳрибон тарзинг,
Овозинг оқади қалбу томирда.

Ёлғизгина қолиб Қаҳҳор боғида,
Ўтираман унинг чироғин ёқиб.
Намоён бўласан ҳорғин чоғимда
Етти ранг атласда қуёшдай балқиб.

Овозинг туяман лаҳза-балаҳза,
Менинг қисматимни аввал билгандай,
Сен ғазал ўқийсан синиқ бир сасда:
"Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми,
ҳай-ҳай..."

Менми йўқламаган, сен-ку, шоирам,
Йилга тенг кечмоқда сенсиз ўтган кун.
Энг олий бойлигим — ёрқин хотира,
Ганийман эл аро, лек сенсиз юпун.

Саид Аҳмад сатри.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бирга кўрсайдик бу доруломонни,
Эслаб юрсак ёшлик шўхликларин ҳам.
Пайпоққа яширган қанча червонни,
Сездирмай кафтингга босардим эркам.

Кўпайиб бормоқда ёшимиз фарқи.
Сен эллик бирдасан,
Мен саксон бирда.
Орзуларинг кулган комрон кунларни
Кўрмоқ бор экан-да менга тақдирда.

Бизни ғурбатларга этган мубтало
Салтанат қулади,
Ўзбекистон — ҳур.
Бугун куйлар эдинг қандай хушнаво,
Созингга булбуллар бўлар эди жўр.

Сену мендан ортиқ ким ҳам биларди
Ҳурлик — озодликнинг юксак қадрини,
Қўш булбул сингари наво қилардик
Яна кўтармоқ-чун Ватан қаддини.

Шу қутлуғ кунларга етмадинг, магар,
Менга насиб этди ундан насибанг.
Сенинг ўрнингга ҳам айтиб шукрлар,
Ёниб куйламоқлик менинг вазифам.

Шу боис қаламим тинмас бир нафас,
Шу боис қалбимни тарк этмас илҳом.
Олам Ватанимга қиларкан ҳавас,
Нечун кўтармайин ғурур тўла жом?!

Уятли эмасман халқим қошида,
Сатрларим аро истиқлол руҳи.
Давралар тўрида, тўйлар бошида
Туяман бахтиёр чоллик шукуҳин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ана шундай дамлар қўмсайман
баттар,
Чеҳрангни шўх-шодон кўрмоқ бўламан.
Пок кетдинг.
Ногаҳон қазо етса гар,
Қошингга сендай пок бормоқ бўламан.

Умрини менга бахш этган фариштам,
Сенга бахш этганим бугун дуодир.
Фанода бир эдик, ул бақода ҳам
Фақат Сени демоқ чин муддаодир.

Кунлар мунча қисқа, тун мунча узун,
Кеча қисқа эди тирик чоғингда.
... Гарчи ухламадим, уйғотмоқ учун
Тонг ҳам оқармоқда Дўрмон боғида.

ДИЛДАГИ МАКТУБ

Азиз Президентим, жондай жигарим,
Менда хушомадга қолмаган майл.
Аммо юрагимдан кечган ҳисларим
Туролмайман Сизга изҳор этмайин.

Галдаги қатағон халқим бошига
Ногаҳон довулдай солганда даҳшат,
Юртнинг каттаси ҳам Ёвуз қошида
Оёғи қалтираб кутди марҳамат.

Уйқуларим қочиб, юрак дарз кетиб,
Ҳовучлаб турардим зада жонимни.
Сахий дастурхонга оёғин артиб,
Икки ножинс булгар халқ имонини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Галдаги афсона — “Ўзбеклар иши
Баҳона тўлганда ҳибсхоналар,
Сўнгги бурда нонин олиб кетишиб,
Чирқиллаб турганда она-болалар.

Масков минбаридан Сиз адл туриб
Бундай разолатга очганда исён.
Талвасада бошин ҳар ёнга уриб,
Ҳолсизланиб қолди манфур қатағон.

Ўксик кўнгилларда умид уйғонди,
Очиқ яраларга қўйилди малҳам.
Халқимнинг бошига Сиздай ўглонни
Соябон этганди Яратган Эгам.

Бир томон тиг тутган ул қотил тузум,
Бир томонда эса якка ўзингиз.
Ҳайратда қолдириб дунёнинг кўзин
Салтанат русумин тамом буздингиз.

Жону-жаҳонингиз қўйиб гаровга,
Балоларга этиб кўксингиз қалқон.
Писанд ҳам қилмасдан найрангбоз ёвга,
Ватан истиқлолин этдингиз эълон.

Ёзмадим мен Сизни мақтамоқ учун,
Аммо ҳақиқатдан кўз юммоқ гуноҳ.
Сиздай раҳнамони алқамоқ бурчим,
Бахтим — шу кунларга бўлганим гувоҳ.

Гоҳо эркалансам, тутгайсиз маъзур
Ҳаёт етмиш бир йил эркалатмаган.
Йигит бўлиб қолсам навқирон, довқур,
Сизнинг хос соқчингиз бўлардим равшан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қай кун кўрсатдингиз ғурур, ўзликни,
Олам саҳнасида бўлиб намоён.
Сизнинг сиймонгизда қарам ўзбекни
Халқ дея қайтадан таниди жаҳон.

Ўн йилки, Ватаним ростлар қаддини,
Дунё кўз ўнгида қудратга тўлиб.
Кўкка кўтардингиз халқим қадрини
Баҳодир Темурнинг тимсоли бўлиб.

Ғашимга тегар гоҳ ғаламисларнинг
Четдан бош кўтариб ғингшиб, ҳуриши.
Мисоли уйини тарк этган ғарнинг
Даъво қилганидай ундан улушин.

Сизнинг сиймонгизда тош отар
улар,
Озод шу элимнинг бахт иқболига.
Халал бермоқ бўлар, панд бермоқ бўлар
Ватаннинг нурафшон истиқболига.

Мўйсафид ёшда ҳам хос соқчи бўлиб,
Қилай Сизга, элга кўксимни қалқон.
Токи она халқим кўнгли ҳам тўлиб,
Дегай: Саид Аҳмад чиндан Қаҳрамон.

ХОТИМА

Бугун Саид Аҳмад баҳонасида
Сенинг қисматингдан сўйладим, халқим.
Сабру бардошингга ўқиб қасида,
Ҳурлигингни яйраб куйладим, халқим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сенинг тақдирингга боғлиқ
тақдирим
Битта тирноғингман онажон — Ватан.
Иқболим ёритмиш истиқлол нури,
Яшнасанг — яшнайман, куйсанг —
куяман.

Зеро, яшнаш асринг бошланди энди,
Дунёни ҳайратга солурсан мангу.
Шаҳид аждодларим ёрқин умиди —
Ўзбекистон бўлиб қолурсан мангу.

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎН ҚАДАМ

Қўрқмайман,
Оғзига кучи етмаган
Бирор нокас мени атаса маддоҳ.
Яна қалам йўндим мадҳингга, Ватан,
Сен билан ифтихор этмаслик гуноҳ.

Оламда ўзингни қайта кашф этиб,
Қайтадан туғилдинг,
Босдинг ўн қадам,
Безадинг беназир мазмун бахш этиб,
Минг йилларга туташ тарихингни ҳам.

Жаҳон саҳнасида кўксингни кериб,
Девкор салобатинг бўлгач намоён,
Кўзга илмаганлар эътибор бериб,
Шаҳду шиддатингга келтирди имон.

Ўн қадам...
Сўнгсиз йўл дебочасидир,
Нурафшон манзиллар гарчи олдинда.
Гурсиллаши порлоқ тонглар сасидир,
Тонгларки, ҳар қатим нури олтиндан.

Ҳар бир одимингда буюк Темурнинг
Бунёдкорлик руҳи бўлмиш ҳукмрон.
Асрлар мудраган шаъну ғуруринг
Уйғонганин кўриб ҳайратда жаҳон.

Занжирбанд заковат, кишанли қўллар
Ҳурликда меҳнату ижод билан банд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаётбахш Истиқлол очган кенг
йўллар
Етказар ким нега бўлса орзуманд.

Ҳар бир одимингда янги бўстонлар,
Дилни сеҳрловчи қасрлар турар.
Шарҳига лол бўлиб шеъру достонлар,
Ёқасини ушлаб асрлар турар.

Баҳорий яшариш кўраман там-там,
Кенту қишлоқларинг қиёфасида,
Қутли тупроғинг ҳам сахий ва ўктам,
Кўкси кони неъмат, кони насиба.

Жаҳоннинг денгиздек кўчаларида
Сузар Ўзбекистон автомобили.
Парвоз этар осмон гўшаларида
Ўзбек самолёти таралло қилиб.

Ганжу саховатинг сўзламай, майли,
Нурли чеҳраларда шукрона акси.
Энг муқаддас бойлик — ҳурлик туфайли
Қалбларда тикланган пок имон қасри.

Энг нодир хазина қаддин гоз тутган
Ҳар бир Ватандошим юксалган қадри.
Шу кунлар йўлида зардоб, қон ютган
Аждодлар бу кунни кўрса нетарди?!

Тирилиб қолса гар қайтарди такрор,
Қадр излаб бағринг тарк этган Машраб.
Бобур шоирликни айлаб ихтиёр
Бош уриб келарди тож-тахтни ташлаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эҳ-ҳе, бу кунларни васф этмоқ
учун

Қалам ожиз,
Рангсиз ҳар нурли калом.
Арслонвор наъраси оламни қучиб,
Куйларди бор бўлса Ғафур ал-Ғулом.

Ватан! Орзуларинг ушалгай бешак,
Ҳазрат Темур руҳи қўллаб туради.
Ҳар ўзбек кўксида бирдай уражак
Ислом Каримовнинг толмас юраги.

Ўн қадам босдингу кўринур аён
Буюк келажакнинг руҳбахш сиёқи.
Чорламоқда янги нурафшон довон,
Кел энди, бир тўлдир қадаҳни, соқий!

2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Ўзим ҳақимдаги сўзим 6
Отамга 21
Ўқитувчимга 22
Сенинг алланг 23
Чал, дуторингни 24
Сув ва умр 25
Ҳашарда 26
Сен куйлаганда 27
Заргар 28
Қуллар 29
Икки мактуб: 30
Онагинам 30
Ёнингдаман 31
Яхшилик 32
Орамиз олисдир 33
Сени соғинганда 34
Бир қизга 35
Денгизда 36
Соғиниб келдим 37
"Таълим олмоқ бўлиб" 39
"Матрос дўстлигига" 40
Онанинг бемор ўғлига деганлари *(Расул Ҳамзатовдан)* 41
Ручка 42
Севсанг 43
"Мунча тўлгонасан, айт-чи" 44
Юрагим 45
"Мен сени орзумдан" 46
Она тилим 47
Дўстимга хат 48
Севги ҳақида 49
Инсон гўзаллиги 50
Бошлиқ бандлар 51
Бойлик 52
Айб кимда 53
Аскарнинг шеъри 54
Илк қадам 56
Васлинг умидида 57
Мактуб 58
Янги йил монологи 60
Оталар ва болалар 63
Навоийга мактуб 64
Изланиш 66
"Бир оғиз ширин сўз" 67
"Ёр ёнида ёниб" 68
Баҳор билан суҳбат 69
Яна баҳор 70

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Фариштамас инсонман" 71
Дўстларимга 72
Тириклик ҳақида 74
"Сен келдинг" 75
Ёринг бўлса ҳамшира 76
Нега келдинг 79
Туғилган йилим 80
Ўғлимга 81
Ёмғирдан сўнг 82
Наманган тонги 83
Сентябр субҳидамида 85
Ажаб 87
Бригадир 88
Бир шеър 92
Ривоят 93
Она қўллари 95
Ширмоной 96
"Тунда қабристондан қўрқар" *(Леся Украинкадан)* 98
Яна остонангда 100
Ранглар 101
Шоир ва шеър 102
Ипак мавсуми 103
Буюклик 105
Қуёш 107
Янги йил оқшомидаги ўйлар 108
Намангон учун 110
Онамнинг наздида 111
Ҳасадгўйлар 112
Дўстларимнинг китоблари 113
Армон 115
Бир гўзалга 118
Мақтовлар 119
Куёвлар 120
Машраб 122
"Илҳом оғушида" 123
Зарифанинг туғилган куни 124
Менинг излаганим 125
Лаҳза 126
Жавоб 127
"Бизни чорраҳада" 128
Денгиздаги суҳбат 129
Ҳазил 131
Туғилган куним 132
"Сени юрагимнинг қаъридан" 133
Умр 134
Бобур 136
Омад 137
Куз экан-да 138

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маслаҳат 139
Чуст ривояти 140
Туғилган йилим *(достонлар туркуми)* 149
Онаизор *(достон)* 149
Туғилган йилим *(достон)* 169
Тирик қурбонлар *(достон)* 182
Ўзбекистоним 210
Ватан 212
Сен, мен ва у 213
Учрашув 215
Танқидчилар 216
Хива 217
Лазги 218
Янгиариқда 219
"Бағрингни кенгроқ қил" 220
"Ўша оқшом" 221
Ёлғон 222
Дўстлик 223
Байрам бадиҳаси 224
Гап 225
"Шодлик, сенга" 226
Мардларга 227
Севгилим 228
Қадр 229
Чўққи йўлида 230
"Ажаб, мени" 231
Усмон Носир сўзи 232
"Ўғри босмасин деб" *(Алим Кешоковдан)* 234
Шошиламан *(Ҳусайн Орифдан)* 235
Чироқ 236
Қуроқ шеър битгувчи шоирга 237
Пулнинг ҳасрати 238
Сафар 240
Замин садоси *(достон)* 241
Пахта қонуни 261
Ажиб ҳикмат 263
Ёшлик шаҳри 264
Дўрмонда 267
1984 йил қишининг сабоғи 270
Бир танишим 272
"Хоним, сиз малика" 274
"Эҳ-ҳе, булбул бўлиб" 275
Пушкин 276
Иблисга таъзим 277
Болалар 278
Бедор фасл 279
Мижгов 280
Дўстимнинг мансаби 281

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртага 283
Мен бугун 284
Сиз билан учрашган кунларим 285
Ҳаёт бу 286
Юмушлар 287
Бу дунё 289
Юртимга 290
Улар 292
Бу шоир юрт 295
Ҳақиқат 297
"Ёшликда берган кўнгил" 298
Суянчиқ 299
Эркакнинг бахти 300
Отеллони эслаб 302
Кўрмаган куним 304
"Мени авайлашар дўстларим" 305
Ҳайронлик 306
Чақириқ 307
Узун қўл ҳақида баллада 308
Ҳазил 309
Бечора одам 310
Сабаб 311
Замондошимга 313
Оқланиш 314
Ўйламай 317
Тасалли 318
Шоир ва мансаб 319
Тоғаларинг бўлса 320
Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни 321
Истиқлол қўшиғи 322
Тазарру 324
Онажон 327
Аёллар 328
Сиз бемор кунлари 329
Шахмат тахтасида 331
Йўқотиш 332
Ёлгиз ўғиллар 334
Уруш 335
Деҳқонга таъзим 337
Рамазон муножоти 339
Дўст қадри *(достон)* 349
Хуш келдинг 363
Зиёвуддинга 365
Ўзбекистон деган жаннат бу 366
Кетгим келмас 370
Талпинмаса сенга одамлар 371
Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни 372
Деҳқон ва шоир 373

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жароҳат *(достон)* 374
Ҳажга йўл олган ватандошларга 390
Тўртликлар 392
Ферузанинг қўшиғи 393
Наврўз 394
Сарҳисоб 395
Келинларим 397
Раҳбар ходимларга 400
Янги аср тонги 402
Бургутали аканинг туғилган куни 404
Зилзила 405
Ривоят 406
Адиб тақдири *(достон)* 408
Ўн қадам 440

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-маърифий нашр

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Биринчи жилд

Тошкент
"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
2002

Муҳаррир: *Б. Эшпўлатов*
Мусаввир: *В. Куликов*
Бадиий муҳаррир: *М. Самойлов*
Техник муҳаррир: *Д. Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи: *Т. Огай*
Мусаҳҳиҳлар: *Ю. Бизаатова, М. Мухамедиева*

Теришга берилди 1.02.2002. Босишга рухсат этилди 25.02.2002. Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$. "Myth" гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 23,52. Нашриёт-ҳисоб табоғи 22,8. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3037. Баҳоси келишилган нархда.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi